



ALISHER
NAVOIY

ҒАРОЙИБ
УС-СИҒАР

3 ЖИЛД

84(54)P

1та

A-50 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ

Алишер Навоий

ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР

Ғазалларнинг шарҳ ва изоҳлари

Ўн жилдлик

3 жилд

Монография

ТОШКЕНТ
“O‘ZKITOBSAVDO” нашриёти
2020

УЎК: 821.512.133-14

КБК: 84(5Ў)1

A 50

Масъул муҳаррир:

Тўхлиев Б. – филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Жабборов Н. – Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУ профессори,
филология фанлари доктори

Омонов Қ. – ТДШУ профессори, филология фанлари доктори

A 50

Тўхлиев Б., Комилов Н., Ҳаққулов И., Муҳаммад Али, Юсупова Д.,
Зоҳидова Д., Очилов Э., Мулҳўжаева К., Давлатов О., Мамадалиева З.;
Алишер Навоий. “Ғаройиб ус-сиғар”. Ғазалларнинг шарҳ ва изоҳлари.
Ўн жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: “O‘ZKITOBSAVDO”, 2020. – 260 б.

Таҳрир ҳайъати:

Давлатов О., Имомназаров М., Маннонов А.М., Маҳмудов И.М.,
Муҳиддинов М., Омонов Қ., Раҳмонов Н., Рихсиева Г.Ш., Содиқов Қ.,
Сирожиiddинов Ш.С., Тўхлиев Б., Қуронбеков А., Ҳаққулов И.Ч.

Монография Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазаллар шарҳига бағишланган. Шарҳлар адиб ғазалларининг матни, уларнинг вазн кўрсаткичлари, луғат ва насрий баён билан таъминланган.

Девондаги ғазалларнинг ихлит ва изчил илмий шарҳи биринчи марта амалга оширилмоқда.


Китоб илмий тадқиқотчилар, таълимнинг турли босқичларида фаолият юритаётган ўқитувчи ва мураббийлар, талаба ва ўқувчилар, шунингдек, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Монография ПЗ-20170930393 “Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазалларнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги илмий изоҳ ва шарҳларини яратиш” грант лойиҳаси асосида яратилган ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик университети Илмий кенгашининг 2020 йил 26 ноябрдаги 4-сонли мажлис қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6858-8-8

© ТДШУ, 2020

© “O‘ZKITOBSAVDO”, 2020



АЛОҲИДА БАЙТЛАРНИНГ НАСРИЙ БАЁНЛАРИ

Бир қарашда насрий баён тузиш унчалик мураккаб иш туюлмади. “Матнни оласан, нари борса, бир-икки маъноси қийин сўзларни аниқлайсан, шу билан иш тамом”. Аслида эса ундай бўлмади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бир ғазалнинг бир неча муаллифлар томонидан шарҳланган вариантларини кўздан кечириш кифоя қилади.

Шеърый асарни, жумладан, ғазални насрга айлантиришнинг муаммолари ниҳоятда кўп. Айниқса, Алишер Навоийнинг ўзбекча нутқ намуналари устида нечоғли жиддий ва маҳорат билан ишлагани айтиш ғазал байтларини тўла ва аниқ тушунишга интилиш жараёнида жуда очиқ намоён бўлади.

Айрим сўз ўйинлари қўлланадиган ҳолатларда насрий баён тузувчининг аҳволи қийинлашади. Икки мисранинг ўрнида бир неча қаторлардан иборат шарҳ ва изоҳлар пайдо бўла бошлайди.

Насрий баёнга ҳар ким турлича ёндашади. Бу ҳар бир мутахассиснинг тажриба ва дунёқараши, мақсад ва муддаосига боғлиқ. Биргина мисол. “Ғаройиб ус-сиғар”нинг таркибидаги айрим ғазалларга икки ёки ундан кўпроқ мутахассислар шарҳ битишган. Фақат насрий баённинг ўзидаёқ улар ўртасидаги ранг-баранглик эътиборни тортади. Дастлаб матннинг ўзини келтирайлик:

Илоҳо, подшоҳо, кирдикоро,
Санга очуғ ниҳону ошкоро.

Сабури исми била қилсанг тажаллий,
Қилиб Намрудға юз минг мудоро.

Қачонким зоҳир этсанг “танзиъ-ул-мулк”,
Скандарнинг бўлуб мағлуби Доро.

Йўлинг муҳлик тоши ёқути аҳмар,
Эшигинг тийра гарди мушки соро.

Сухо бўлса шабистонингда толий,
Бўлуб нури куёшдек оламоро.

Навоий нафс зулмотига қолмиш,
Сен ўлмай Хизри раҳ чикмоқ не, ёро?!

Қиёматда гуноҳин авф этарға,
Расулингни шафиъ эт, кирдигоро.

Айни мана шу ғазал профессор Дилором Салоҳий, фан номзодлари, доцентлар Олимжон Давлатов ҳамда Зухра Мамадалиевалар томонидан таҳлилга тортилади. Ушбу намуналарни жадвал тариқасида келтириш қулайроқ кўринади:

Дилором Салоҳий	Олимжон Давлатов	Зухра Мамадалиева
Ё Аллоҳ, Ё барча Ўзинг томонингдан мавжуд этилган мулк, борлиқ сал- танатининг подшоҳи, Ё Яратгучим! Барча яширин ва ошкор мавжудлик ва ҳолатлар фақат Ўзингга- гина аён.	Эй Яратувчи Зот, Оламлар Подшоҳи ва Мураббийси! Пинҳон ва ошкор барча нарсалар Сенга маълумдир	Эй, Тангри (яъни сиғинишга муносиб зот), (азалий ва аба- дий ҳукмдор, яъни энг улуг ва ҳақиқий) Подшоҳ ва эй (икки дунё, ўн саккиз минг олам ва ундаги барча мавжу- дотларни) Яратувчи – (ижод этувчи), Сенга ҳар қандай ошкор ва пинҳон нарсалар (фикрлар, туйғулар, қалблар) очикдир.
“Сабрли” деган исминг билан борлиқда акс этган пайтинг; Намруд исмли душман билан ҳам юз минг бор муроса ва мадуро қила- сан.	Оламга “ас-Сабур” (ўта сабрли) исмингнинг нури билан тажаллий этганингда, Сенинг борлигингни инкор этиб, ҳудудик даъвоси- да бўлган Намруддек зотлар билан ҳам му- росайи мадуро қилиб, уларга ҳам ризқ-рўз, умр ва давлат берувчи меҳрибонсан.	Агар сабр қилувчилик си- фатинг билан тажаллий эт- санг–акслансанг, (Иброҳим пайғамбар билан бирга) Намрудга юз минг (марта) муроса (билан мурожаат) қилувчи бўласан.

Қачонки Куръони қаримингда марҳамат қилганингдек, бировдан мулкин тортиб олмакчи бўлсанг; Дородек шуқуҳли подшоҳ ҳам Искандардек ёш йигит олдида мағлуб бўлади.	Сен агар хоҳласанг, “танзаъ ул-мулк” оятининг ҳукми билан Дородек шавкатли подшоҳлар ҳам Искандарга мағлуб бўлишди.	Агар Куръони қаримдаги (“Танзаъул-мулк мимман ташоу”) – “Подшоҳликни хоҳлаган одамдан тортиб оласан” оятини зоҳир этакдиган бўлсанг, Доро Искандарнинг мағлуби бўлиб қолади.
Сенга элтакдиган йўл ҳалокатли, тошлари қизил ёқутдан; Эшигинг хушбўй мушк гардларидан қорайиб кетган.	Йўлингдаги ҳар бир ҳалокатли тош аслида қизил ёқут, эшигингдаги губор ва чанг энг сара мушкдир.	Йўлингнинг ҳалок қилувчи тошлари қизил ёқут(га тенг) бўлса, даргоҳингнинг хира гарди сара мушкдир.
Шўъласи жуда кучсиз бўлган Сухайл юлдузи қоронғу тунингда нур сочса; Қудратингдан қуёшдек бутун оламни ёритади.	Сен агар истасанг, қоронғу кечада Суходек хира юлдуз ҳам оламни қуёшдек ёрита олади.	Қоронғу кечангда иқбол арзимас, кичик юлдуздек бўлса, (қараминг ва ҳимматингдан) оламни ёритувчи қуёшдек (юксак ва порлок) нур сочувчи бўлади.
Навоий нафс юки остида қоронғуликда қолди Бу қоронғуликдан Ўзинг унга йўлдош бўлсанггина чиқа олади.	Навоий нафс зулматида қолди. Сен агар унга Хизрдек йўл кўрсатмасанг, бу зулматдан чиқишда унга журъат ва бардош қайда?!	Навоий нафс зулматида қолди, эй Ёр, агар сен Хизр каби йўлбошловчи бўлмасанг, ундан чиқмоғи гумондир.
Қиёмат куни Навоийнинг гуноҳларини авф этиш учун Расулингни унинг гуноҳларини сўраб олгувчи қилгин, эй Яратгучи Тангри таоло!	Эй Парвардигор, қиёмат куни Навоийнинг гуноҳини авф этмокқа Расулуллоҳни шафоатчи айла!	Эй Яратгучи, қиёматда (Навоийнинг) авф этиш учун элчинг (бўлган Мухаммад пайғамбарни) воситачи ва ҳимоячи этгин.

Буларнинг барчаси айни ғазалнинг шарҳларида ранг-баранг ва бир-бирини такрорламайдиган фикр ва мулоҳазалар юзага келаётганини кўрсатиб турибди. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, мумтоз матнларимиз мазмун ва моҳиятидаги ўзига хослик бўлса, иккинчи томондан, уларни тушуниш, ҳис этиш билан алоқадор. Талқин қилишда ҳам ҳар бир шахснинг, таҳлил муаллифининг ўзига хос тасаввур ва дунёқараши, тажриба ва ифода имконияти, қолаверса, бадиий воқеликнинг ки-

тобхон томонидан қандай қабул қилишини қайдаражада эътиборга олиши билан ҳам ўз кучини кўрсатиб туради.

Шунга қарамай, ҳар бир талқин Алишер Навоийнинг бошқалар назаридан четда қол(аёт)ган жиҳатларига урғу бериши, китобхон эътиборини ўша қирраларга тортиши билан ҳам эътиборга моликдир.

Кўриниб турибдики, шеърӣ мисралар нисбатан ихчамроқ ҳам, нисбатан кенгроқ ҳам бўлиши мумкин. Бунда асосий мақсад битта: шеърӣ мисраларда кўзда тутилган бадиӣ-эстетик бутунликни мумкин бўлган даражада ўқувчи учун тушунарли ҳолатга келтириш.

Айни пайтда шеърӣ асарнинг бағридаги бадиӣ-эстетик ҳақиқатлардан ўқувчини кўпроқ баҳраманд бўлишига ёрдам бериш ҳам муҳим. Аммо вазифанинг асосий қисми шарҳ ва изоҳларда эканини эсдан чиқармаслик керак.

Асосий матн билан танишган китобхон – ўқувчи тегишли сўзлар изоҳи билан луғат воситасида танишади. Сўнг байтларни насрий баён билан қиёслаб кўриши мумкин. Булар унга асосий матн мазмунини тушуниш учун ихчам бир йўлланма вазифасини адо этади.

Шарҳ ва изоҳлар ғазалнинг шаклий ва мазмунӣ жиҳатларини эътиборга олган ҳолда тузилган. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳажми ҳар хил. Қолаверса, бу ҳолат шарҳловчиларнинг мақсади, тажрибаси ва умумӣ илмӣ-эстетик тасаввурлари билан ҳам алоқадор.

Айрим қисқа шарҳлар муаллифлари келтирилган изоҳлар билан кифояланишни маъқул кўришган.

Айрим шарҳлар эса батафсиллиги билан эътиборга молик. Муҳими, уларнинг Алишер Навоӣ мухлислари қўлидан тутиб, маънолар хазинасига олиб кириш учун астойдил ҳаракат қилинганида. Шарҳлар билан танишган кишида ғазални қайта ўқиш эҳтиёжи юзага келса, бу шарҳлар вазифасини адо этган бўлади.

Боқижон ТЎХЛИЕВ

“Ғаройиб ус-сизар”

——
“Қачонки ул бути ширин калом қилди ҳадис...”
——

Қачонки ул бути ширин калом қилди ҳадис,
Хавосе шарбати юҳйил-изом қилди ҳадис.

Масиҳ дам ура олмас анга уруж туни,
Магар бизинг маҳи улвийхиром қилди ҳадис.

Қаёнки ёзди ҳадис, ўлди сайд эл гўё
Нуқатни дона, хутутини дом қилди ҳадис.

Лабидин айру тушуб сўг учун китобатдин,
Не тонг, либосин агар мушкфом қилди ҳадис.

Чибинни шахд нечукким йиғар, такаллумдин
Рамидаларни нафас ичра ром қилди ҳадис.

Зиҳе такаллуми муъжизнизомким, келгач,
Араб фасихлариға ҳаром қилди ҳадис.

Улусни тутти Навоий сўзи анинг бирла,
Магар Расули алайҳиссалом қилди ҳадис.

V- V- VV-- V- V- VV ~
мафоилун файлотун мафоилун файлон
мужтасси мусаммани маҳбуни мақсур

Луғат

Хавос – хоссалар, хусусиятлар

Юҳйил-изом – айнан “суякларни тирилтиради”, жон бахш
этувчи

Уруж туни – кўтарилиш туни, меърож кечаси

Улвий хиром – юқори юрувчи

Сайд – ов, ўлжа

Нуқат – нуқталар

Сўт – мотам, аза, ўлим қайғуси

Китобат – ёзиш, кўчириб ёзиш, ёзув

Мушкфом – мушкка ўхшаш қора рангли

Не тонг – ажабланарли эмас

Шаҳд – асал

Такаллум – сўзлаш

Рамида – хурккан, чўчиган

Зиҳи – қандай яхши, офарин

Муъжизнизм – муъжиза яратувчи

Ҳаром – таъқиқланган

Фасиҳ – гўзал сўзловчи; фасоҳатли, чиройли нутқий услуб
эгаси

Насрий баён

1. Қачонки у ширинсўз гўзал гапирганда сўзи жонсиз вужудларни тирилтирувчи шарбат хусусиятига эга бўлади.

2. Бизнинг юксакликка кўтарилувчи оймиз меърож тунда сўзлаганда Исо Масиҳ ҳам унинг ёнида ўликларни тирилтирувчи нафасини чиқара олмай, гапирмай жим туради.

3. Қаерда унинг ҳадиси – сўзи ёйилган бўлса, (яна бир маъноси “ёзилган бўлса”), ўша жойдаги элнинг қалбини овлаш учун ҳарфлари тузок, нуқталари кўнгиш қушларини илинтириш учун сепилган дон кабидир.

4. Оғзидан тўкилган сўзларни вақтики келиб қоғозда ифодалаганларида бу сўзларнинг қора тусли – сиёҳранг ёзувдан мотам либосини кийганлари учун ажабланмаслик керак: чунки улар шундай лабдан айрилиб қолдилар.

5. Пашшалар асалга ёпишгани каби ҳуркак, илинтириш қийин бўлган кўнгилларни ҳам ҳадиси бир нафасда ўзига тортиб, ром қилади.

6. Офаринлар бўлсинки, у келтирган мўъжизакор калом араб тилининг фасиҳ нотиклари – гўзал ва равон сўзловчилари учун сўзлашни таъқиқлаб қўйди, яъни фасоҳат даъвосидан воз кечишга мажбур қилди.

7. Расули акрам – Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан сўзлагани учун ҳам Навоийнинг шеърлари эл орасида шуҳрат тутди.

Шарҳ ва изоҳлар

“Қилди ҳадис” радифли ушбу ғазал Навоийнинг наът характеридаги ғазаллари туркумига кириб, у пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг пурмаъно ва маърифатангиз сўзлари васфига бағишланган. Ислом оламида Куръони каримдан кейинги мартабада турувчи ва суннат асосини ташкил этувчи ҳадис луғатда “гап-сўз”, “хабар”, “янгилик” маъноларини англатиб, истилоҳ сифатида фикҳий жиҳатдан Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламга нисбат берилган қавл (сўз), тақрир (у киши иқроқ қилган, маъқуллаган ишлар), феъл (хатти ҳаракат) ва сифатларни билдиради. Навоий мазкур ғазалида ҳадиснинг ҳам луғавий, ҳам “қавл” сифатидаги истилоҳий маънолари билан боғлиқ ҳолда бетакрор бадий лавҳалар яратиш орқали ҳар бир мўъмин ахлоқи билан хулқланиши шарт бўлган зот, комилларнинг комили, бутун инсоният учун мукамаллик намунаси бўлган ҳабибига нисбатан чексиз муҳаббатини изҳор этади. Зеро, орифлик Алоҳни унинг элчиси орқали, у кўрсатган йўл орқали таниш бўлса, расулини танитадиган, унинг маънавий оламига дохил этадиган эшик ҳадислар орқали очилади.

Қачонки ул бути ширин калом қилди ҳадис,
Хавосе шарбати юҳйил-изом қилди ҳадис.

Матлаъда гўзал ёр – пайғамбарнинг сўзи Аллоҳ каломининг тасдиғи ва шарҳи, залолатдан ҳидоятга йўлловчи эканлиги сабаб Навоий уни жонсиз танларга ҳаёт бахш этувчи шарбатга нисбат беради. Аллоҳнинг зикри йўқ қалб ўлиқдир. Унинг тирилиши ҳидоятдан нишон берувчи сўз билан амалга ошади. Байтдаги “юҳйил-изом” бирикмаси “Ёсин” сурасининг 78-ояти таркибида келган “Қола ман йухйил-изома ваҳйиа рамим”га ишора бўлиб, у исён ва куфр эгаси бўлган инсон ҳақидаги “Суякларни ким тирилтирур? Қолбуки, улар титилиб кетган-ку?! деди” деган хабарни билдиради. Аллоҳ унга жавобан: “Сен “Уларни илк марта йўқдан бор қилган Зот тирилтиради ва у ҳар бир яратилган нарсани яхши билгувчидир” деб айт” дейди. Дарҳақиқат, жон бахш этиш Аллоҳгагина хос бўлган буюк мўъжиза. Қуръонда зикр этилган Аллоҳнинг ўлиқдан тирикни, тирикдан ўлиқни чиқариш қудрати (“Рум” сураси, 19-оят) ҳақида сўз кетганда тафсирий манбаларда, хусусан, “Тафсири Ибн Касир”да Аллоҳнинг дондан ўсимликни, тухумдан товукни, қабрдан жасадни тирик инсон қилиб чиқариши ва бунинг айнан аксини қилишга қодирлиги айтилар экан, кофирни мўъминга, залолатни ҳидоятга айлантириши ҳам ўлиқдан тирикни чиқариш эканлиги таъкидланади. Бундан кўринадики, жон бағишлашни фақат моддий эмас, маънавий ҳодиса сифатида ҳам тушуниш лозим. Аллоҳ ўзининг “юҳйил-изом” мўъжизасини пайғамбарлари орқали ҳам намоён этган. Масалан, Исо алайҳиссалом лойдан ясалган кушларга пуфлаб, Аллоҳ изни билан уларга жон ато этган, қабрдаги ўлиқларни тирилтирган. (“Моида” сураси, 110-оят). Навоий байтида зикр этилган “шарбати юҳйил-изом”да Муҳаммад (с.а.в.)нинг сўзларида Аллоҳнинг маънавий тирилтириш мўъжизаси намоён бўлганлиги ўз ифодасини топган. Агар илоҳий динлар тарихи ва бугунига назар ташласак, уларнинг ҳеч қай бирида пайғамбарларнинг қавл-сўзлари Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадислари исломнинг барқарор бўлишида дастуруламал вазифасини бажарганлиги ва бажараётганлиги даражасидаги мавқеъга эга бўлмаганлигини кузатамиз. Навоий Лутфий ғазали асосида яратган тахмисида ҳам “шарбати юҳйил-изом” жумласи-

ни қўллаб, уни Расулуллоҳни назарда тутувчи ёр лабининг хосса-
си – жонбахш сўзи сифатида талқин этган:

Шарбати “юҳйил изом” эрни майи нобиндадур,
Сураи “ваш-шамс” тафсири юзи бобиндадур,
Шарҳи “мо зоғул-басар” наргислари хобиндадур,
Лайлатул меърожнинг шарҳи сочи тобиндадур,
“Қоба қавсайн” иттиҳоди қоши меҳробиндадур.

Иккинчи байтда Навоий Исо алайҳиссалом ва Муҳаммад
(с.а.в.)ни зимдан қиёслашни ошкор шаклга кўчиради:

Масиҳ дам ура олмас анга уруж тунӣ,
Магар бизинг маҳӣ улвийхиром қилди ҳадис.

Расулуллоҳнинг исро – тунги сайри ва меърож кечаси ҳақи-
да “Исро” ва “Нажм” сураларидан ташқари “Саҳиҳи Бухорий” ва
“Саҳиҳи Муслим” китобларидаги ҳадисларда ҳам маълумот мав-
жуд. Жумладан, у киши бу тунда Жаброил ҳамроҳлигида само ва
арш оралиғидаги сидратул-мунтаҳо дарахтига етгунларига қадар
осмон қаватларида макон тутган Одам, Яҳё, Исо, Юсуф, Идрис, Хо-
рун, Мусо, Иброҳим алайҳиссаломлар билан учрашганлари айти-
лади. Навоий ўзининг бадиий ниятидан келиб чиққан ҳолда Исо
ва Муҳаммад (с.а.в.)нинг учрашуви воқеасидан талмеҳ сифатида
истифода этади ва фахр хисси билан “Бизнинг юксакликка кўта-
рилувчи ойимиз – Расули акрам меърож туниди сўзлаганда Исо
Масиҳ унинг ёнида ўликларни тирилтирувчи нафасини чиқара
олмай, гапирмай жим турган” дейди. Навоий тасвири юксак ба-
диият ва мантикий боғланиш заминида чизади. Байтдаги Исога
нисбатан айтилган “дам ура олмас” жумласи бир пайтнинг ўзиди
икки маънони ифодалаган: биринчи “нафас ура олмаслик” маъ-
носида Исонинг пайғамбаримизнинг “юҳйил-изом” хосиятли
сўзларини эшитганда ўз жонбахш ҳаракати – пуфлашдан тўхтаб
қолганганлигига, иккинчи “бир оғиз сўз ҳам айта олмай қолиш”
маъносида эса туғилибоқ, бешигидаёқ маънодор сўзлар билан та-
каллум қилган Исонинг пайғамбаримиз сўзлари қаршисида ҳай-

ратдан лол қолганлигига ишора бор. Иккинчи маънодаги қиёс Навоийнинг бошқа бир ғазалида ҳам учрайди:

Ғар ҳабибим қилса изҳори калом, эй пири дайр,
Исйи Марямни ул дам гунги модарзод бил.

Яъни: эй дайр пири, агар менинг ҳабибим калом изҳор қилса, (туғилишдан сўзлаган) Марям ўғли Исони онадан гунг туғилган деб бил. Навоийнинг пайғамбарни “маҳи улвийхиром” истиораси билан атаганлиги тасвирланаётган воқеа – меърожнинг тунги ҳодиса эканлиги, бу кеча Расулуллоҳ тўлин ойдек маънавий камолот касб этгани ва тунни ёритгани, унинг улвийлик – ҳам жисмоний, ҳам руҳоний кўтарилиш сифатига эга бўлганига урғу бериш билан боғлиқ. Кўринадики, иккинчи байт матлаъдаги фикрни изчиллик асосида ривожлантиришга, далиллашга қаратилган. Навоий маънавий жонбахшлик хусусиятини моддий ҳаёт ато этишдан ҳам баланд мўъжиза деб билади.

Учинчи байт Расулуллоҳ ҳадисининг кўнгилларни сайд этиш қудратидан баҳс қилади:

Қаёнки ёзди ҳадис, ўлди сайд эл гўё
Нуқатни дона, хутутини дом қилди ҳадис.

Навоий пайғамбарнинг ҳадиси – сўзи қаерда ёйилган бўлса, ўша жойдаги элнинг қалбини овлаш учун унинг ҳарфлари тузоқ, нуқталари (араб ёзувидаги ҳарф усти ёки остига қўйиладиган белгилар) кўнгил қушларини илинтириш учун сепилган дон бўлганлигини таъкидлайди. Ташбеҳ (нуқат – дон, хутут – тузоқ) ва таносиб (ҳадис – хутут – нуқат ва дом – дона – сайд) асосидаги бу байтдаги тасвирда ҳам сўз ўйини мавжуд. Унинг бадиий усули юқоридаги байтники билан муштарак. Агар матндаги “ёзди” сўзини ёймоқ маъносида тушунсак, у ҳадисларнинг эл орасида ёйилгани, машҳур бўлганига ишора. Худди шу маънодан келиб чиқиб, сўзнинг кўнгилларни забт этиш учун ёйилиши сайд учун ёйиладиган тузоқ тўрига қиёсланган. “Ёзди” сўзини “ёзувда ифода этиш” маъносида олсак, “қачонки ҳадислар ёзила бошлаганда етиб борган жойдаги халқни ўзига боғлаш учун унинг хатла-

ри дому нуқталари дона бўлди” деган мазмун чиқадики, бунда Мухаммад (с.а.в) ҳаётликларида оғзаки тарзда мавжуд бўлган ҳадисларнинг кейинроқ исломни бошқа ўлкаларга тарқатиш зарурати юзасидан ёзма шаклда ифодадай бошлангани билан боғлиқ фикрни уқиймиз. Имом Доримийнинг “Сунани Доримий” китобида ёзилишича, ўзининг тақвоси ва исломга муҳаббати билан тарихда ном қолдирган халифа Умар ибн Абдулъазиз (682-720) Мадина аҳлига “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини қидириб топинглар ва ёзиб олингларки, мен билгувчиларнинг кетиб қолиши ва билимнинг йўқолишидан қўрқаман” деган мазмунда мактуб йўллаган. Айни ҳаракат ҳадис илмининг шаклланишига туртки бўлган. Мазкур байтда Навоий ташбеҳи измор (яширин ташбеҳ) воситасида пайғамбар ҳадисидан мутаассир бўлган, унинг ўзига боғлаш кучига тан берган кўнгилларни қушга қиёслгани кўзга ташланадики, бу ўхшатиш очик тарзда эмас, балки ички мантиқ асосида юзага чиқади. Сабаби ҳар қандай сайд эмас, айнан қуш дом ва дона воситасида овланади. “Нуқат” ва “хутут” сўзлари орқали ҳосил қилинган “ёзув” тушунчаси асосидаги алоқадорлик учинчи байтни навбатдагиси билан боғлаган:

Лабидин айру тушуб сўт учун китобатдин,
Не тонг, либосин агар мушкфом қилди ҳадис.

Байтдаги фикрни тақдим этишнинг ётакчи воситаси ҳусни таълил санъатидир. Навоий сўзнинг қоғозга қора бўёқ билан битилишини ўз бадиий ниятидан келиб чиқиб, табиий эмас, шоирона сабаб билан изоҳлайди: Расулуллоҳнинг оғзидан тўкилган сўзларни вақтики келиб қоғозда ифодалаганларида бу сўзлар ўз маншъи – чиқиш ўрни, асл ватанидан, яъни лабдан айрилиб қолганликлари белгиси сифатида сиёҳранг, қора тусли ёзувдан мотам либосини кийганлар. Бу бетакрор тасвир пайғамбарга муҳаббати бор ҳар бир қалбда соғинч ҳиссини, у билан дийдор орзусини тугдиради.

Олдинги байтлардан бирида кўнгил билвосита қушга ташбеҳ этилган эди. Навоий яна ўша мантиқ асосида иш кўради: пайғам-

бар сўзига кўнгил берганлар энди асалга ёпишган чивин – пашшаларга қиёсланади.

Чибинни шаҳд нечукким йиғар, такаллумдин
Рамидаларни нафас ичра ром қилди ҳадис.

Байтда кўнгилнинг сифатини билдириб келган рамида сўзи “хуркак, кўлга киритиш қийин” маъносини беради. Кўнгил қиёсланаётган қуш ва пашша ҳам айни сифатга эга бўлиб, улар салгина ҳаракат билан учуриб юбориш мумкин бўлган, тутиш қийин хилқатлар. Лекин жон озиғи бўлган пурҳикмат ҳадисларнинг жазб этувчи кучи пашшаларни ўзига йиққан асал каби илинтириш қийин бўлган кўнгилларни ҳам бир нафасда ўзига тортиб, ром қилади. Бу ўринда кўнгилнинг пашшага ташбеҳ этилишига иккаласининг ўртасида санаб ўтилган ўхшашликлар мавжудлигидан ташқари Расулulloҳнинг маънавий мавқеъи ва камолоти қаршисидаги қалбнинг ўзини ҳақирлик ва камтарлик билан тутиши лозимлигини таъкидлаш зарурати ҳам сабаб бўлган. Ҳазалнинг олдинги байтларида кузатилган бир шакл орқали икки маънога ишора – ийҳом санъати мазкур байтда “нафас ичра” жумласи орқали юзага чиққан. Шу нуқтаи назардан “Рамидаларни нафас ичра ром қилди ҳадис” мисрасини “кўнгилларни нафас ичра – бир нафасда, оз фурсатда ўзига ром қилди” ва “кўнгилларни нафас ичра – нафаси, сўзи билан ўзига ром қилди” деган маънода тушуниш мумкин. Айтиш мумкинки, Навоий ушбу ғазалида байтлараро нафақат мазмун, балки услуб мувофиқлигини сақлашга эришган. Бу ҳол унинг “Бадоеъ ул-бидоя” девони дебочасида билдирган “...саъй қилиндиким, ҳар мазмунда матлаъе воқиъ бўлса, аксар андоғ бўлғайким, мақтаъғача сурат хайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушқай” деган фикрини тасдиқлайди. Юқорида кўрилганидек, ғазалнинг ҳар бир байтида уни кейингиси билан боғловчи ё мантиқий, ё услубий уйғунлик мавжуд.

Олтинчи байтда Муҳаммад (с.а.в.)га берилган мўъжиза – Аллоҳ каломини сўз орқали етказиш мўъжизаси хусусида сўз кетади:

Зиҳе такаллуми муъжизнизоми, келгач,
Араб фасихлариға ҳаром қилди ҳадис.

Радиф таркибида келган “ҳадис” сўзи бу байтда пайғамбарнинг қавлини эмас, балки соф луғавий маъно билдиради. Бу сўз арабларнинг энг моҳир, нуктадон, гўзал нутқий услуб эгалари ҳам Қуръон нозил бўлгач, сўз муъжизасига тан берганлари, оятлар шоиру суҳандонлар учун “ҳадис”га, яъни сўз орқали ўз балогатларини намоён этишга йўл қолдирмаганини, уларни фасоҳат даъвосидан воз кечишга мажбур қилганини ифодалайди. Ислом тарихидан Қуръон танзили пайтида араблар орасида адабий ва лисоний илмлар бениҳоя тараққий этганлиги, Аллоҳ таоло Қуръонни инсоннинг ижоди дегувчиларни таҳаддий – беллашувга чақириб, аввал унга ўхшаш китоб (“Қасас” сураси, 49-50-оятлар; “Исро” сураси, 88-оят), кейин ўнта сура (“Худ” сураси, 13-14-оятлар), охири битта сура (“Бақара” сураси, 23-24-оятлар) яратишга уринишларини таклиф этгани, бироқ даъвогарлар бу таклиф қаршисида лол ва ожиз қолганлари маълум. Байтдаги “муъжизнизоми” сифати Қуръони каримга ишора бўлиб, у “муъжиза яратувчи”, “муъжиза тизувчи” маъносини билдиради. Унинг таркибидаги “низоми” сўзи “назм” билан битта ўзақдан ясалган. Навоий оятларнинг айримлари назмнинг асосий белгиси саналган мавзунлик хусусиятига эга бўлганини назарда тутиб, “Ҳайрат ул-аброр” достонида

Бўлмаса эъжоз мақомида назм,
Бўлмас эди Тенгри каломида назм

деган эди. Байтдаги “муъжизнизоми”дан мурод Аллоҳ каломи эканлигига яна бир ишора унга нисбатан “келгач” сўзининг ишлатилгани бўлиб, у Қуръоннинг нозил этилганлигини ифодалайди. Пайғамбар воситасида инсониятга Аллоҳнинг сўзи, нури, ҳидояти, шифоси, раҳмати сифатида етказилган Қуръони мажид муъжизаси ҳақидаги бадиий талқиннинг айнан мақтаъдан олдинги байтда келиши ҳам тасодифий эмас: бу байт ўрнига кўра ғазалдаги таъкидлаб, ургулаб кўрсатиладиган энг муҳим фикр, олий хулоса айтиладиган қисм саналади.

Мақтаъга қадар васф этилгувчининг Муҳаммад (с.а.в.) эканликлари билвосита намоён бўлган: уруж – меърож туни, муъжиз-низом каломнинг келиши, араб фасихлари каби ишоралар орқали. Одатда, ғазалнинг мақтаъида келадиган таҳаллусдан шеърнинг муаллифи – субъекти ким эканлиги англашилади. Навоий эса мақтаъда ғазалнинг тавсиф объекти ким эканлигини ҳам аниқ ифода этади:

Улусни тутти Навоий сўзи анинг бирла,
Магар Расули алайҳиссалом қилди ҳадис.

Шоир Расулуллоҳнинг ҳадисларидан сўзлагани учун ҳам ўз шеърлари эл орасида шуҳрат тутганлигини таъкидлайдики, Навоийнинг бу иқрори унинг ижодни англаган илоҳий ҳақиқатларни бадиий либосда тақдим этиш воситаси деб билганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Таъкидлаш жоизки, “қилди ҳадис” радифли мазкур ғазалида Навоий пайғамбарга хос сўз муъжизасининг бадиий тавсифини яратишнинг масъулиятини тўлиқ ҳис этган ва сўзнинг бадиий қудратини ҳис эттиришга, унинг муъжизакор табиатини очиб беришга қодир санъаткорлик намоёиш эта билган. Ғазалда шоир истеъдодининг порлашига сабаб бўлган, унга авжи илҳом ва ҳадди аъло ато этган жиҳат Навоийнинг васф этилувчига нисбатан том ихлоси ва шавқу муҳаббати бўлганлигини ҳам сезиш қийин эмас.

Дурдона ЗОХИДОВА

—~~~~~—
“Қачонки ул бути ширинкалом қилди ҳадис...”
~~~~~—

Қачонки ул бути ширинкалом қилди ҳадис,  
Хавоси шарбати юҳйил-изом қилди ҳадис.

Масиҳ дам ура олмас анга уруж туни,  
Магар бизинг маҳи улвийхиром қилди ҳадис.

Қаёнки ёзди ҳадис, ўлди сайд эл гўё  
Нуқатни дона, хутутини дом қилди ҳадис.

Лабидин айру тушуб сўг учун китобатдин,  
Не тонг, либосин агар мушкфом қилди ҳадис.

Чибинни шахд нечукким йиғар, такаллумдин  
Рамидаларни нафас ичра ром қилди ҳадис.

Зиҳи такаллуми муъжизнизомким, келгач,  
Араб фасиҳлариға ҳаром қилди ҳадис.

Улусни тутти Навоий сўзи анинг бирла,  
Магар Расули алайҳиссалом қилди ҳадис.

V- V- VV-- V-V- VV--

Мафоилун фоилотун мафоилун фаилун  
Мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф

### Луғат

**Ширинкалом** – сўзи ширин

**Хавос** – хосият; каби, сингари

**Юҳйил-ъизом** – жаннат шарбати, сўнғақларни тирилтирувчи

**Уруж туни** – меърож кечаси

**Маҳ** – ой

**Улвийхиром** – юксакларга хиром этувчи, олиймақом

**Нуқат** нуқталар

**Хутут** хатлар

**Сўг** – мотам

**Китобат** – ёзув

**Мушкфом** – қора ранг

**Шахд** – асал, ширинлик



**Такаллум** – сўзлаш  
**Рамида** – хуркаган, ваҳший  
**Зиҳи** – қандай яхши  
**Муъжизнизм** – муъжизага асосланган  
**Фасиҳ** – чиройли сўзловчи, сўзамол

### Насрий баён

1. Ширин сўзли ул санам қачонки сўзласа, унинг сўзларида ўликларни тирилтирувчи хосият бор эди.
2. Меърож кечаси унга ҳатто Исо Масиҳ сўзлай олмади. Оё, унга бизнинг олий мақомларни сайр этувчи моҳимиз ҳадис айтдимиз?!
3. Қаёнки сўзларини ёзиб юборса, эл унинг сўзларига сайд бўлди. Гўёки ҳадисларининг нуқталари дона, хатлари тузоққа айланди.
4. Ҳадис китобат чоғи – сиёҳ билан ёзилганда лабдан айри тушганидан мотам тутиб, қора либос кийганларга ўхшаса, ажабмас.
5. Худди чивинлар асал атрофига йиғилгани каби, унинг ҳадиси сўзланганда адашиб бошқа йўлга кирганларни яна ром этиб, тўғри йўлга солди.
6. Унинг муъжизадек каломи қандай яхшики, арабнинг энг фа-соҳатчиларига ҳам ҳикматли сўз айтишни ҳаром қилди.
7. Навоий унинг сўзи шарофати билан бутун оламда машҳур бўлди. Гўёки унинг тилидан Расулulloҳ алайҳиссалом ҳадис айтди.

### Шарҳ ва изоҳлар

“Се” ҳарфи туркумини бошлаб берувчи ушбу ғазал наът мавзу-сида бўлиб, унда **ҳадис** сўзи радиф вазифасини бажаради. Ҳадис сўзи араб тилида сўз, гап (умумий маънода); ҳикматли сўз (афоризм); охирзамон пайғамбарининг ҳаёт тарзи ва сўзларини ифода этувчи махсус истилоҳ маъноларини билдиради. Навоий ғазалида бу маънолар ўз ўрнида ишлатилиб, туркий радифларда қўлланган тажнис санъатини ҳосил қилиш тажрибаси мазкур арабий сўзда ҳам татбиқ этилган. Жумладан, матлаъда “ҳадис” умумий, яъни сўзлаш маъносиде келтирилган. “Бути ширинкалом” ибораси

васф этилаётган севикли оддий санамлардан ширинсўзлиги билан мумтоз эканлигини таъкидласа, иккинчи мисрада қўлланган қуръоний иқтибос (“юҳйил-ъизом”) бу сўзларнинг сарчашмаси илоҳий манбалардан эканлигига далолат қилади:

Қачонки ул бути ширинкалом қилди ҳадис,  
Хавоси шарбати юҳйил-изом қилди ҳадис.

Кейинги байтдаги “уруж туни” Меърож мўъжизасига далолат қилади. Имом ал-Бухорийнинг “Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ”ининг “Меърож ҳақида”ги бобида Молик ибн Саъсаа ривоят қилган ҳадисда келтирилишича, Муҳаммад пайғамбар (а.с) осмоннинг ҳар бир қаватида бир ё бир неча пайғамбарлар билан кўришадилар. Фалакнинг биринчи қаватида Одам Сафияллоҳ, иккинчи қаватида Яҳё ва Исо Масиҳ, учинчи қаватида Юсуф пайғамбар, тўртинчи қаватида Идрис пайғамбар, бешинчи қаватида Хорун пайғамбар, олтинчи қаватида Мусо пайғамбар, еттинчи қаватида Иброҳим Халилуллоҳ билан мулоқот қиладилар<sup>1</sup>. Ана шу мулоқотда Исо Масиҳ пайғамбаримизга бирор сўз қотиш имконига эга бўлмаганликларига сабаб қилиб, у зотнинг сафарлари бошқа пайғамбарларга насиб этмаган мақом – Аллоҳ тало ҳузурида бўлганликлари ишора қилинади:

Масиҳ дам ура олмас анга уруж туни,  
Магар бизинг маҳи улвийхиром қилди ҳадис.

Кейинги байтда эса, меърож мўъжизаси содир бўлгандан кейин замон ҳукмдорлари ҳамда араб қабилалари сардорларига мактуб ёзиб, ҳақ динга даъват этилиш ҳодисаси қаламга олинади. Бу мактублар имон аҳлини ўзига ром этиб, бу муборақ сўзлардаги нуқталар кўнгил қушининг донаси, хатлари эса тузоққа ўхшатилади:

Қаёнки ёзди ҳадис, ўлди сайд эл гўё  
Нуқатни дона, хутутини дом қилди ҳадис.

<sup>1</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ, 2-жилд. –Т.: Комуслар Бош таҳририяти, 1992.–Б.576.

Пайғамбаримизнинг сифатларидан бири – у киши уммий, яъни хат-саводсиз киши бўлганлар. Оятлар ҳам, ҳадислар ҳам у киши томонидан айтилган, котиблар томонидан ёзиб олинган бўлган. Ана шундай “саводсиз” кишининг лабларидан тўкилган маънавий дурдоналар китобат пайтида мотам тутган кишидек қора кийгани табиий бир амрдек кўринади байтда:

Лабидин айру тушуб сўг учун китобатдин,  
Не тонг, либосин агар мушкфом қилди ҳадис.

Ҳадисларнинг ёрқин жиҳатлардан бири – уларнинг бирорта-сида қўполлик нишонаси, бировнинг дилини ранжитадиган сўз йўқ. Пайғамбаримиз сўзлаганларида ёки у кишининг сўзлари ривоят қилинганда одамлар асал атрофидаги чивинлардек тўпланишиб, ҳидоят топганлари, маърифат сабоқлари бўлган ҳадислар туфайли жаҳолат ботқоғидан қутулганлари ҳақида ислом тарихида минглаб далиллар мавжуд. Қолаверса, ўз фитратига кўра мусулмон туғилиб, кейин ташқи омиллар туфайли бошқа йўлга кириб кетган “рамида”ларнинг яна тўғри йўлга кириб, имон ҳаловатини топганлар ҳидоятида ҳадисларнинг аҳамияти жуда катта:

Чибинни шахд нечукким йиғар, такаллумдин  
Рамидаларни нафас ичра ром қилди ҳадис.

Абдурахмон Жомийнинг “Шавоҳид ун-нубувват” (“Пайғамбарлик далиллари”) асарида қайд қилинишича, пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадислари аслиятда неча марта ўқиб-эшитилса, айтувчига ҳам, эшитувчига ҳам чексиз ҳаловат бағишлайди. Фасоҳатли ва етук бўлишига қарамасдан бошқа одамларнинг сўзлари қўл такрорлаган ҳолатларида сўзловчига ҳам, эшитувчига ҳам малол келади. Қолаверса, Қурайш аҳли арабларнинг энг фасоҳатлиси ҳисобланган. Пайғамбаримиз сўзлаганда эса, арабларнинг энг фасоҳатли сўзловчи ва билагонлари ҳам хомуш тортганлар. Чунки ул зотнинг каломи Аллоҳнинг амру наҳйига мувофиқ бўлиб, бошқа эгри маънога таъвил ва талқин қилиб бўлмасди:

Зиҳи такаллуми муъжизнизомким, келгач,  
Араб фасихлариға ҳаром қилди ҳадис.

“Сунани Термизий”да Аббос ибн Абдулмуталлибдан ривоят қилинган ҳадисда келтирилишича, бир куни саҳобалар пайғамбарни кутиб ўтирардилар. У зот чиқиб, саҳобаларга яқинлашганларида, улар Иброҳим Халилulloҳ. Мусо Нажиюллоҳ<sup>2</sup>, Исо Рухуллоҳ, Одам Сафияллоҳ каби пайғамбарларни эслашиб, сифатлаётганларини эшитиб қоладилар. Салом бериб, улар суҳбатига қўшилган пайғамбар уларнинг сўзларини тасдиқлаб, илова қиладилар: “Огоҳ бўлингким, мен Аллоҳнинг Ҳабибиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен қиёмат куни ҳамд байроғини кўтарувчи ҳамда биринчи шафоат сўровчиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен қиёмат куни биринчи шафоат қилинувчиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен жаннат ҳалқаларини биринчи ҳаракатга солувчиман. Бас, Аллоҳ уни (айнан) мен учун очар ҳамда мени ва менинг умматимнинг фақирларини унга киргизар. Мен аввалгилар ва охиргиларнинг энг мукаррамиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ.”<sup>3</sup> Ушбу ҳадис пайғамбаримиз шаънига айтилган сўзлар, юқорида келтирилган ҳадисларнинг хулосаси ва қаймоғидир. Шундай улуғ пайғамбарнинг уммати бўлган Навоийнинг:

Улусни тутти Навоий сўзи анинг бирла  
Магар расули алайҳиссалом қилди ҳадис.<sup>4</sup>

– деганида ҳам ҳеч қандай ортиқча фахрланиш йўқ, балки воқеликнинг аини ўзидир.

**Олимжон ДАВЛАТОВ**

<sup>2</sup> Мумтоз адабиётда Мусо (а)ни олатда, Калимуллоҳ сифати билан эслашади. Ушбу ҳадис матнида бу пайғамбарнинг Нажиюллоҳ – Аллоҳ томонидан юборилган халоскор, деган сифатлари борлиги ойдинлашади.

<sup>3</sup> Хофиз Шерозӣ. Девон/ таҳиягар ва муаллифи луготу тавзеҳот О.Давлатов. – Т.: Тамаддун, 2013. – Б.41.

<sup>4</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Нубувват ва рисолат китоби. – Т.: Мовароуннахр, 2006. – Б.17.

—•—•—•—•—•—•—

**“Нутқи жон бермак қилур ул лаъли хандон бирла баҳс...”**

—•—•—•—•—•—•—

Нутқи жон бермак қилур ул лаъли хандон бирла баҳс,  
Рост Исодекки қилгай оби ҳайвон бирла баҳс.

Ёр дерким, баҳс қил эрним билаким, не учун  
Кўнглунг олиб қасди жон этти қилай жон бирла баҳс.

Эй кўнгул, гар ақл этар манъи жунуним не жадал,  
Айб эрурким, аҳли дониш қилса нодон бирла баҳс.

Жонни жонон гар тилар, биллаҳки, миннат жонгадур,  
Ҳар нечук ҳукм этса, тегмас жонга жонон бирла баҳс.

Носиҳо, қилма жадал, айрил кийиклардин дебон,  
Олими шаҳр этмагай ғули биёбон бирла баҳс.

Факр кўйида мусаллам тут не қилсанг истимоъ,  
Ориф эрмас ҳар кишиким қилса ирфон бирла баҳс.

Эй Навоий, ҳар нечук зулм этса, чек, дам урмагил  
Ким, гадо ҳадди эмас ҳеч ишда султон бирла баҳс.

—V— —V— —V— —V—

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон  
рамали мусаммани мақсур

**Луғат**

**Лаъли хандон** – кулувчи лаъл, бу ўринда “кулувчи лаб” маъно-  
сида

**Оби ҳайвон**– тириклик суви

**Эрн** – лаб

**Жадал** – тортишиш, мунозара, жанжал

**Ақли дониш** – ақл эгалари

**Биллаҳ** – Аллоҳга қасам.

**Миннат** – 1) мақтов; 2) яхшилик, эҳсон; 3) бировнинг яхши-лигини иқрор этиш, ташаккур изҳор қилиш

**Носиҳ** – насиҳат қилувчи

**Ғули биёбон** – саҳро деви

**Мусаллам** – таслим бўлиш, бўйинсуниш, қаршилик қилмай маъқуллаш

**Истимоъ** – эшитиш

**Ирфон** – танимоқ, билим, маърифат

**Ориф** – танитган киши; билим, маърифат соҳиби

### Насрий баён

1. Жон бағишлашда ёрнинг нутқи кулиб турувчи лаби билан баҳслашади. Бу худди жонбахшликда тириклик суви билан баҳслашаётган Исога ўхшайди.

2. Ёр менга шундай деб айтади: “Сен лабим билан баҳслашгин, чунки у кўнглингни олиб бўлиб, энди жон билан баҳслашай деб, жонингга қасд этди”.

3. Эй кўнгил, агар ақл жунун – телбаликни манъ этаётган бўлса, сен у билан тортишма, ахир ақл эгалари нодон билан баҳслашсалар, айб бўлади.

4. Агар жонон жонни олишни истаётган бўлса, қасамки, жон бундан хурсанд, миннатдор бўлиши керак: қандай ҳукм чиқаришга олиб келса ҳам жонон билан баҳс жонни хафа қилмайди (ёки жонга тегмайди).

5. Эй насиҳат айтувчи, кийиклар билан дўстлашишни бас қил, деб мен билан тортишма, шаҳар олимнинг саҳроийи дев – беадаб ёввойи билан баҳслашиши одатга ҳилоф.

6. Фақр кўчасида эшитганларингни ҳаммасига сўзсиз бўйинсунгинки, ўзини ирфон – билим эгаси деб билган кишининг баҳсга киришини унинг ориф эмаслиги – билмаслигидан далолат.

7. Эй Навоий, ёр қанча зулм қилса ҳам тортавер ва унинг радига бир оғиз сўз ҳам айтма, ҳеч бир ишда султон билан бахслашиш гадонинг ҳадди эмас.

### Шарҳ ва изоҳлар

Шарқ мумтоз адабиёти эстетика ва поэтикаси учун қоидавийлик марказий тушунча саналади. Шу сабабли ундаги етакчи йўналишлардан бўлган ёр тасвирига хос юз, зулф, кўз, қош, мужгон, лаб, қад каби тимсоллар муайян поэтик вазифа билан боғлаб талқин этилади. Кўз сеҳр-жоду қилади, фитна кўзгайди; қош қон тўкади; зулф тузоққа илинтиради, йўлдан адаштиради; мужгон жароҳат етказди. Бу силсилада лаб ва унга боғлиқ тушунчалар жон бахш этиш, тирилтириш билан алоқадорликда тасвирланади. Ёр аъзоларини қатъий вазифадорликда тасвирлаш Шарқ мумтоз лирикасининг рамзий шеърият эканига, унинг тағзаминида ётувчи қадриятларнинг дунёқараш характериға эға ва собитлигиға ишорадир. Шу нуқтаи назардан мумтоз лирикада, жумладан, Навоий ижодида лаб тасвири ундан мурод сўз бўлганлиги учун ҳам алоҳида мавқеъда туради. Чунки сўз инсонликнинг моҳиятини белгиловчи, Яратгани танитувчи безваз восита. Навоий ўзининг “бирла баҳс” радифли ғазалини ёр лаби ва унинг маҳсули бўлган сўз ҳақидаги гўзал ташбеҳ билан бошлагани тасодифий эмас. Ғазал матлаъидан бошлаб сўнгига қадар давом этган “баҳс”, “нутқ”, “ақл”, “аҳли дониш”, “носих”, “олим”, “истимов”, “ирфон” “ориф” каби сўз ва унинг маърифий қимматиға у ёки бу жиҳатдан дахлдор тушунчалар истифодаси тасвири ана шу сўзнинг манбаи, чиқиш ўрни бўлган лабдан бошлангани тақозо этган.

Нутқи жон бермак қилур ул лаъли хандон бирла баҳс,  
Рост Исодекки қилғай оби ҳайвон бирла баҳс.

Тасаввуфий талқинға кўра лабнинг очилиши пирнинг солиқни ирфонға йўлловчи пурмаъно сўзларига, ғайб сириға ошно этувчи ҳикматға сабаб бўлади. Эътибор берилса, мумтоз шеъриятда тавсифланган “лаб”ға хос қизиллик, торлик (кичиклик), очилиб-ёпи-

лиш, жонбахшлик, ширинлик каби асосий атрибутларнинг барчаси бевосита ёки билвосита сўз билан боғлиқ. “Лаб” нисбатигаги анъанавий ташбеҳ ва истиораларда эътиборга олинган зоҳирий шаклий-вазифавий ўхшашликлар ботинан “лаб”нинг бош хусусияти бўлган “сўз” нинг ирфоний моҳиятини ҳам назарда тутди: “лаъл, ёқут, ақиқ” лабнинг қип-қизиллиги билан бирга ундан чиққан сўзнинг маънавий қимматига, “писта, ғунча” шаклий монандлик билан бирга ғайб асрорининг очилиши мушкул эканига, “шакар, асал” эса тўғридан-тўғри сўзнинг руҳ озиғи эканлигига ишорадир. Кўринадики, Навоийнинг “баҳс” тушунчаси фикрий марказ сифатида танланган ғазалини лаб ва нутқ ҳақидаги тасвирдан бошлагани мантиқ тақозоси бўлган.

Баҳс – икки томоннинг маълум масалада ўз қарашини ҳимоя қилиб, ҳақ ва устунлигини асослаши. Шундан келиб чиққан ҳолда ғазалнинг барча байтларида ўзаро алоқадор икки томоннинг муносабати ёритилиб, бу ёндашув шеър структурасидаги яхлитликни таъминлаган. Матлаъда баҳсга сабаб бўлган масала – кимнинг жон бахш этишга кўпроқ қобиллиги. Жон бағишлашда ёрнинг нутқи кулиб турувчи лаби билан баҳслашади. Бу худди руҳсиз танларга ҳаёт ато этиш мўъжизасини кўрсатган Исонинг тириклик суви билан баҳслашишига ўхшайди. Навоий ёр лаълининг икки хусусияти – нутқи ва табассуми баҳсга киришганини тасвирлашда истиора ва ташхис, бу ҳолни Исо ва оби ҳайвонга тортишувига қиёслашда ташбеҳи тасвит ва талмех усулларини уйғун тарзда қўллайди. Ташбеҳи тасвит тенг ўхшатиш бўлиб, бунда бир пайтнинг ўзида икки ўхшамиш икки ўхшатилимишга параллель қиёсланади: нутқ – Исога, лаъли хандон – оби ҳайвонга. Бу ўринда нутқнинг айнан Исога, лаъли хандоннинг оби ҳайвонга ташбеҳ қилиниши мантиқий мутаносибликка асосланган. Чунки Исо нафас, сўз воситасида тирилтирган; лаъли хандон, яъни кулувчи лаб эса шарқираб жўш урувчи тириклик чашмаси каби очиклик ва жарангдорлик хусусиятига эга. Навоий мазкур байтда “баҳс” сўзи орқали жонбахшлиликнинг ёрнинг нутқида ҳам, кулгусида ҳам бири иккинчисидан кам бўлмаган нисбатда мужассам эканлигини бадий тасвирлаш орқали тасаввуфий жиҳатдан лаб тимсолини қалбнинг руҳафзо озиғи, илоҳий файзнинг намоён бўлиши рамзи сифатида тақдим этади.

Иккинчи байтда лабнинг ёр узвларининг таъсир қудрати энг кучлиси эканлиги махбубанинг ўзи томонидан тасдиқланади. У ошиққа қарата: “Сен лабим билан баҳслашгин, чунки у кўнглингни олиб бўлиб, энди жон билан баҳслашай деб, жонингга қасд этди” деб айтади:

Ёр дерким, баҳс қил эрним билаким, не учун  
Кўнглинг олиб, қасди жон этти қилай жон бирла баҳс.

Байт таҳлилига психологик нуқтаи назардан ёндашсак, маъшуканинг бу эътирофида унинг ўзига бўлган ишончи, ўз кучига берган баҳоси акс этганини кўриш мумкин. Навоий бу орқали радиф учун танланган “баҳс” сўзи ифодаловчи тушунча билан боғлиқ ҳолда мубоҳаса жараёни учун характерли бўлган ва ҳали баҳс бошланмасдан олдиноқ устунлик қайси томонда эканини кўрсатувчи руҳият тасвирини чизиб берган. Байтда Навоийнинг юксак даражадаги сўз маҳорати намоён бўлган. У “жон бирла баҳс” жумласи асосида нозик сўз ўйини ясайди. Байтда қўлланган ташхис эътибори билан “жон бирла баҳс”га нисбатан билан “ким билан баҳс?” деган сўроқ берилса, “Лабим кўнглингни олиб бўлиб, энди сенинг жонинг билан баҳслашай деб, жонингни олиш пайига тушди” деган мазмун англашилади.

Агар “жон бирла баҳс”нинг иборалик маъноси назарда тутилиб, унга нисбатан “қандай, қай тарздаги баҳс?” сўроғи қўйилса, ўзаро фарқланувчи яна икки талқин келиб чиқади. Биринчиси: “Лабим жонингни қасдида жон-жаҳд билан – астойидил, қаттиқ баҳс қилмоқчи”. Иккинчиси: “Лабим жонингни қасдида жони билан – жон-жон деб, жуда хоҳлаб баҳс қилмоқчи”. Кўринадики, Навоий “жон билан” жумласининг луғавий маъносидан ташқари ибора сифатидаги дақиқ маъно товланишларини ҳам эътиборга олган ҳолда назмий лутф қилган. Агар байт таҳлилига структурал нуқтаи назардан қараб, матлаъни у билан муносабатга киритиб, қайта таҳлилга тортсак, Навоийнинг аввалги байтда лабнинг жон бериш – бағишлан, иккинчи байтда “кўнглини олиб, жонга қасд қилган” лабнинг жон олиш хусусиятини кўрсатганлиги аёнлашади.

Лаб рамзининг суфиёна моҳиятидан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, лабнинг жон олишию ошиқнинг жон бериши асло

тажовуз натижаси эмас. Бу соликнинг илоҳий ҳақиқатга етишиш йўлидаги буткул таслимияти, фидойилиги, жону жаҳонини бахшида этиши. У ана шу қурбонликсиз лабнинг очилишига – маърифат асрорининг инкиншофига эришиш мумкин эмаслигини яхши билади. Шу сабабли Навоийнинг Фарҳоди Хусрав билан баҳсда ўзига “Ёр лабининг ёди агар жонингни олса, нима қиласан?” дейилганида “Жонимнинг мақсади ҳам аслида ўзини лаб учун бағишлаш-да!” деб жавоб қайтаради:

Деди: Жонингни олса лаъли ёди?

Дедиким: Ушбудур жоним муроди!

Ошиқ лаб учун жон беришнинг зимнида ўзи учун яна шу лабдан етадиган маънавий тирилиш борлигини яхши билади. Айни мантиқни назарда тутган Навоий яна бир ғазалида шундай деб айтади:

Навоий, истар эсанг ёр лаъли комини, жон бер,

Ўзунг де элга тирилмаклик ўлмагунча бўлурму?!

“Навоий, агар ёр лабига етишмоқни истасанг, олдин жонингни фидо қил, ўзинг айтгин: одам ўлмасдан туриб тирилиши мумкинми?!”.

Ғазалнинг иккинчи байтида вазиятга маҳбуба нигоҳи билан қаралади: у лаби аллақачон кўнгилни олиб бўлганини айтади. Кейинги байтда эса ана шу ўзини лабга топширган кўнгилга ошиқнинг мурожаати – юз берган ҳолатга лирик қаҳрамоннинг муносабати акс этган. Ушбу байтда баҳслашувчи қутблар – кўнгил ва ақл. Ошиқ бу баҳсда ҳакам вазифасида кўзга ташланиб, унинг хайрхоҳлиги кўнгил томонда.

Лирик қаҳрамон баҳсга киришиб қизишган томонларни келиштириш ниятида ақлга эмас, кўнгилга юзланади ва “Эй кўнгил, агар ақл жунун – телбаликни манъ этаётган бўлса, сен у билан тортишма, ахир ақл эгалари нодон билан баҳслашсалар, айб бўлади” деб айтади. Мумтоз шеърят учун кўнгилнинг ошиқ шахсидан айри ҳолдаги, лирик қаҳрамон измидан чиқиб, ёр томон кетгани тасвири анъанавий саналади. Навоийнинг бадийий зако-

си, кўпинча, анъанавий ҳолатга кутилмаган, янги нуқтадан қарашда намоён бўлади. Мазкур байтда ҳам шундай муносабат кўзга ташланади.

Одатда, лирик қаҳрамон кўнгил масаласида ўзининг ихтиёрсизлигидан изтироб чекади, кўнгилни ўз бошига тушган савдоларнинг сабабчиси, деб билади, ақлга юзланиб, унинг телба кўнгилга пандлари бесамар эканлигини айтади. Таҳлилини кўраётганимиз байтда эса акс ҳолат кузатилади: ошиқ кўнгилга юзланиб, уни ақл билан тортишмасликка, жоҳил билан тенг бўлмасликка чақиради. Қизиғи шундаки, бу муносабатда ақл нодон, кўнгил эса ақл эгаси сифатида шахслантирилган. Бир қарашда парадоксал – мантиқ доирасидан ташқарида кўринувчи бундай фикр тарзи аслида ўзида чуқур мазмун-моҳият ташийдиган. Тасаввуфий нуқтаи назарга кўра ҳақиқат асрорини ақл билан билиб бўлмайди, шу сабабли Навоий ақлни нодон дейди; Ҳақни қалб билан, муҳаббат билан таниш мумкин, шунинг учун Навоий кўнгилни аҳли дониш деб атайдиган. Мазкур байтда қўлланган фикрни ички мантиққа асосланган ташқи зиддият кўринишида тақдим этиш Навоий ижодида учраб турадиган усул. Масалан, шундай байтларидан бирида шоир ўзининг катта ғами кўнглида ғамнинг камлиги, энг қаттиқ алами эса аламнинг йўқлиги эканлигини айтган эди:

Кўнгул ичра ғам камлиги асру ғамдур,  
Алам йўқлуги дағи қаттиқ аламдур.

Навоийга камлиги кўп ғам келтирган ғам – Ҳақнинг ғами, йўқлиги қаттиқ алам етказган алам – Ҳақ учун алам чекиш. Кучли услубий таъсирга эга бўлган бундай фикр тарзи Навоий ижодида аксар ҳолларда юқорида кўриб ўтилгани каби қалбнинг руҳий-ирфоний изланишлари ифодаси учун хизмат қилган.

Тўртинчи байтда Навоий шеърояти учун характерли бўлган “жон ва жонон” масаласи кўтарилади:

Жонни жонон гар тилар, биллаҳки, миннат жонгадур,  
Ҳар нечук ҳукм этса, тегмас жонга жонон бирла баҳс.

Навоий бу байтида ҳам юкорида кузатилгани каби “жонга тег-моқ” жумласининг луғавий ва иборавий маъноларига асосланган ҳолда шаклий бирлик ортидаги кўпмаънолиликка ишора беради. Байтни “Агар жонон жонни олишни истаётган бўлса, қасамки, жон бундан хурсанд, миннатдор бўлиши керак: қандай ҳукм чиқаришга олиб келса ҳам жонон билан баҳс жонни хафа қилмайди” ёки “Қандай ҳукм чиқаришга олиб келса ҳам жонон билан баҳс жонга тегмайди” тарзида тушуниш мумкин. Ҳар иккала талқин ҳам битта хулосага – жоннинг жонон билан баҳслашиши жоиз эмаслиги, аксинча, жон асл эгаси бўлган жононга (шаклий жиҳатдан ҳам “жонон” “жон”нинг эгаси, яъни “жонон” сўзи таркибида “жон” бор) ўзини хурсандлик, розилик билан топшириши кераклиги ҳақидаги фикрга йўллайди.

Бешинчи байтда Навоий яна ақл ва ишқ муқоясасига қайтади ва ақл учун ишқ табиатини англаш бегона эканлигини айтишда олим билан ошиқни, шаҳар билан биёбонни зиддлайди:

Носиҳо, қилма жадал, айрил кийиклардин дебон,  
Олими шаҳр этмағай гули биёбон бирла баҳс.

Шоир ошиққа насиҳат айтиб, уни ишқидан, саҳросидан қайтариш ниятида баҳслашмоқчи бўлган носиҳа хитоб қиларкан, киноя усулига ўтади, ошиққа олимнинг нигоҳи билан қарайди. Шаҳар олими учун саҳройи ошиқ бир ёввойи, беадаб экан, тушунча ва қадриятлари еру осмон қадар узоқ кишилар ўртасида баҳсга имкон ва ҳожат борми?! Мажнуни зор ошиқ шаҳардан – бедард инсонлар жамиятидан топа олмаган дарддошликни кийиклардан, биёбон аҳлидан топди. Ҳайвонот дунёсини ҳам ҳамтуйғу қилган оташин дарддан таъсирланмаган, унинг заррасидан ҳам маҳрум олимнинг шу дарднинг моҳияти ҳақида баҳслашишга маънавий ҳаққи борми?! Ўқувчи лирик қаҳрамоннинг баҳсни тўхтатиш учун кўрсатган сабабини унинг ожизлиги эмас, мутлақ ғалабаси сифатида қабул қилади.

Ғазалининг ирфоний салмоғи мақтаъдан олдинги – фалсафий мушоҳадалар тақдим этиладиган байтда тасаввуфий тушунчаларни ифодаловчи “фақр”, “ориф”, “ирфон” истилоҳлари орқали рўй-рост намоён бўлади. Навоий орифга қарата “Фақр кўчасида

эшитганларингнинг ҳаммасига сўзсиз бўйинсунгинки, ўзини ирфон – билим эгаси деб билган кишининг баҳсга киришиши унинг ориф эмаслиги – билмаслигидан далолат” дейди:

Фақр кўйида мусаллам тут не қилсанг истимоъ,  
Ориф эрмас ҳар кишиким қилса ирфон бирла баҳс.

Фақру фано тасаввуфда солиқни мақсадга етказадиган сўнги манзил. Унга маърифат босқичидан ўтган, Аллоҳни таниган инсон мушарраф бўлади. Фақр даргоҳида солиқ мутлақ таслимлиқ кўрсатиши, рад ва инкорсиз бўйинсуниши шарт. Зарра қадар эътироз, баҳс унинг “мен”лиги, нафси буткул маҳв бўлмаганидан, маърифатидаги нуқсондан нишон. “Лисон ут-тайр” достонида сўнги Фақру фано водийсига етиб келган қушлар у ерда қидирганлари Симурғни кўрмаганларида пири муршидлари Худхуд уларни эътироз этмасликка даъват қилиб, ҳижронни васл билан тенг кўриш ишқнинг камолидан нишон эканлигини айтади:

Деди Худхуд: — “Қилмангиз афсурдалиқ,  
Асру зоҳир этмангиз озурдалиқ...

Ошиқеким, ишқида бўлғай камол,  
Тенг дурур оллида ҳижрону висол.”

Ўттиз қуш ходийи фарзона – доно йўл кўрсатувчи Худхуддан эшитганларига сўзсиз итоат этиб, сидқу ихлос билан “Симурғнинг ёди билан жон берин абадий ҳаёт топишдир” деб ўйлай бошлайдилар. Шунда иноят насими эсиб, ўртадаги парда бартараф бўлади ва қушларнинг кўз ўнгида кўзгу каби васл боғи намоеи бўлади. Байтда келган “истимоъ” эшитмоқ демақдир. Кулоқ қалбнинг эшигидир. Комиллик талабида бўлган солиқнинг қалб маҳзани пирнинг ҳикмат дурларидан тўлади. Навоий бежиз “Сўзни кулоқнинг дури шахвори бил”, яъни “кулоқни безағувчи асл дур деб у эшитиши керак бўлган маъноли сўзни бил” демайди. Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”си “Бишнава – эшит” деган хитоб билан бошланади. “Найнома”нинг шорихларидан бири Саид Туркўғли унинг илк “Бишнава аз най чун ҳикоят

мекунад” мисраси шарҳида Аллоҳнинг “Қуръони карим” орқали нозил қилган биринчи каломи, биринчи буйруғи “Икраъ – ўқи” эканлигини назарда тутиб: “Эшит!” “Ўқи!”нинг укасидир. Иккиси ҳам озуқадир. Хоҳласанг ўқи, хоҳласанг тингла. Ҳар икки ҳолатда ҳам кўнглингга, руҳингга туйғу, тушунча, ирфон, маърифат гавҳарлари ёғмаяптими?” дейди. Дарҳақиқат, “Ўқи!” кўнгли кўзига, “Эшит!” эса кўнгли қулоғига хитоб. Инсон зоти учун қалбнинг кўрлиги ва қарлигидан ортиқ фожеа йўқ. Қалбан эшитиш саодатидан маҳрумлар ҳақида Аллоҳ таоло “Агар Аллоҳ уларда бирор яхшиликни билганида, албатта, эшиттирар эди ва агар уларга эшиттирса ҳам, албатта, юз ўгириб, бурилиб кетар эдилар” дейди (“Анфол” сураси, 23-оят).

Қамолот талабгорининг расму шеvasи итоат бўлиши кераклиги ҳақидаги фикр мақтаъда давом эттирилади. Унда Навоий ошиқ ёрдан етган ранжу машаққатларни малолсиз, бир оғиз сўз айтмай чекиши лозимлигини айтаркан, шоҳ ва гадо муносабатини тамсил этади:

Эй Навоий, ҳар нечук зулм этса, чек, дам урмағил  
Ким, гадо ҳадди эмас ҳеч ишда султон бирла баҳс.

Ошиқ ишқ йўлида етган дарду азоблардан бош тортмаслиги лозим. Сабаби, бу заҳмат ва итоблардан унинг нафси шикаст топиб, руҳи юксалади. Нафс ва руҳ ўртасида тескари нисбат мавжудки, биринчиси қанча қуйи тушиб, синса, хорланса, иккинчиси шунча шифо топиб, қадри ошади, аслига яқинлашади. Шунинг назарда тутган Навоий бошқа бир ўринда

Кимки, етқай ишқ дарду доғидин офат анга,  
Доғ меҳри салтанатдур, дард эрур сиххат анга

дейди. Қолаверса, зоҳиран зулм бўлиб кўринган саъй-ҳаракат аслида агар сўзсиз итоат этилса, олий мартабага мушарраф этгувчи синов бўлиши мумкин. Шу маънода юқорида ёдга олганимиз “Лисон ут-тайр”да ибратли бир ҳикоят келтирилган. Шоҳ ўзига садоқат изҳорини қилган гадони ўлимга буюради. Қатл ҳақидаги хабарни эшитган гадо эс-ҳушини йўқотиб, қоча бошлайди. Уни

кувлашганда саросимада ўзини гулханга уриб, куйиб кул бўлади. Аслида шоҳнинг мақсади гадо даъвосида содиқ бўлиб, ўлимга тайёр турса, уни ўзига дўст ва мусоҳиб қилиш эди. Булҳаваслар сидқ ва ихлос гулханни чаманга айлантира олишини англамайдилар.

Таҳлилини кўрганимиз “бирла баҳс” радифли ғазал Навоийнинг орифона-мавъиза ғазалларидан бўлиб, унда сўзнинг маърифий қимматидан бошлаб ирфоний камолот касб этишнинг одобу йўригигача бўлган масалалар қамраб олинган ва навоиёна услубга хос бадий сўзнинг ҳайратомуз жилвақорлигини зоҳир этувчи санъаткорлик мужассам бўлган.

Дурдона ЗОҲИДОВА



**“Нутқи жон бермак қилур ул лаъли хандон бирла баҳс...”**



Нутқи жон бермак қилур ул лаъли хандон бирла баҳс,  
Рост Исодекки қилғай оби ҳайвон бирла баҳс.

Ёр дерким, баҳс қил эрним билаким, не учун  
Кўнглунг олиб қасди жон этти, қилай жон бирла баҳс.

Эй кўнгул, гар ақл этар манъи жунуним не жадал,  
Айб эрурким, аҳли дониш қилса нодон бирла баҳс.

Жонни жонон гар тилар, биллаҳки, миннат жонгадур,  
Ҳар нечук ҳукм этса, тегмас жонга жонон бирла баҳс.

Носиҳо, қилма жадал, айрил кийиклардин дебон,  
Олими шаҳр этмагай ғули биёбон бирла баҳс.

Фақр кўйида мусаллам тут не қилсанг истимоъ,  
Ориф эрмас ҳар кишиким қилса ирфон бирла баҳс.

Эй Навоий, ҳар нечук зулм этса, чек, дам урмагил  
Ким гадо ҳадди эмас ҳеч ишда султон бирла баҳс.

—V— —V— —V— —V—

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон  
рамали мусаммани мақсур

### Лугат

**Баҳс** – изламоқ; талаб шиддати; эътироз билдирмоқ; тафтиш;  
сўзламоқ; мунозара; тортишув; калом илмининг асосий тушунчаларидан бири

**Оби ҳайвон** – ҳаёт суви

**Эрн** – лаб

**Жадал** – баҳслашмоқ

**Носиҳ** – насиҳатгўй

**Ғули биёбон** – сахро жини

**Мусаллам тутмоқ** – муҳокамасиз қабул этмоқ

**Истимоъ** – эшитмоқ

### Насрий баён


Ёрнинг нутқи хандон лаби билан жон бағишлаш бўйича мусобақалашишлари Исо Масиҳ билан Хизр чашмасининг баҳсига ўхшайди.

1. Ёр айтади: Сенинг кўнглингни олиб, яна жонинг қасдига тушган лабим билан жанжаллашмайсанми?! Ахир, қандай қилиб, ўз жоним билан тортишаман?

2. Эй кўнгил, агар ақл ишқ йўлида девона бўлишимга қарши чиқса, у билан тортишма. Дониш аҳлининг нодон билан баҳслашмоғи айб саналади.

3. Агар жонон жонимни тиласа, Худо ҳаққи, бундан жон миннатдор бўлади. Жонон нима ҳукм қилса ҳам, жон билан жонон ўртасида тортишув ва эътироз бўлмайди.

4. Эй насиҳатгўй, менга кийиклардан айрил деб тортишма. Шаҳар олими сахро жини билан баҳс этмайди.



5. Фақр йўлига кирсанг, бу йўлдаги барча буйруқ ва кўрсатмаларга сўзсиз амал қил. Ирфон бобида баҳс-тортишувга йўл очадиган кишини ориф деб бўлмас.

6. Эй Навоий, сенга ҳар қанча зулм етса ҳамки, чидаб, дам урма. Султон билан баҳслашмоқ гадонинг ҳадди эмас.

### Шарҳ ва изоҳлар

Араб алифбосида “с” товуши учта ҳарф (“се-и мусаллас”, “син” ва “сод”) билан ифодаланади. “Се-и мусаллас” ҳарфи фақат арабча сўзлар таркибида келтирилгани сабабли ғазалчилик тарихида ушбу ҳарф билан тугалланган шеърлар жуда кам бўлади. Жумладан, Навоийгача бўлган мумтоз лирик меросимизда мазкур туркумдаги ғазаллар учрамайди. Навоийнинг ушбу ҳарф билан тугалланган ғазал туркумини яратишини ўзбек ғазалчилигидаги ихтироларидан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида келтирилишича, Навоий бошчилик қиладиган нафис мажлисларда қатнашувчи ёш шоирлар Мавлоно Котибий Нишопурийнинг “Шутур-хужра” қасидасига жавоб ёзиш вазифаси юкланади. Котибийнинг ушбу қасидасининг ҳар бир байтида бир-бири билан мутлақо алоқадор бўлмаган шутур (туя) ҳамда хужра сўзлари қўлланган бўлиб, шоир бадиий тахайюл ва мантикий тафаккур ёрдамида янги-янги мазмун ва маъноларни яратган. Бундай мушкул вазифани уддалаш шоирларда ҳар қандай сўз, нарса ё ҳодисани шеър мулкига айлантириш қобилиятини ривожлантирган. Ҳар бир сўз, ҳар бир лаҳза ва ҳар бир нарсага шоирона кўз билан қараш ва уларни ижодий ниятларга бўйсундириш малакаси бошқа улуғ шоирлар каби Навоийни ҳам янги-янги ижодий имкониятлар излаш ҳамда маҳоратини намоён этишда қўл келган. Жумладан, таҳлил қилаётганимиз ғазалда “баҳс” сўзини радиф сифатида танланиши ҳам шоирлик иқтидорининг намоёйишидир. Араб тилидан келиб қолган бу сўз ўзбекчада асосан тортишув ва мунозара маъноларини билдирса-да, аслида жуда кўп маъно товланишларига эга эканлигини лугатлар изоҳида келтириб ўтдик. Илмий мажлисларнинг асосий қуроли ҳисобланган баҳс сўзини

радиф ўрнида қўллаш орқали кўнгил ва руҳиятнинг ранг-баранг оламини тасвир этиш ва тасаввур оламининг уфқларини кенгайтириш мутафаккир шоирнинг катта иқтидор ва салоҳиятидан дарак беради.

Матлаъда талмех, ташбех, таносиб ва тамсил омукта келтирилган. Ёрнинг нутқи Исо Масихнинг дамига, лаблари – Хизр чашмасига ўхшатилиб, уларнинг жонбахшлиги борасидаги баҳс-тортишувлари адоти ташбех вазифасида келтирилган *рост* сўзи билан қувватлантирилган. *Рост* сўзи *гўёки, ўхшаши* маъносини англатиш баробарида, асосий маъноси ҳам бу ўхшатиш ҳаққонийлиги, пунчаки ривоят ё муболаға эмаслигини таъкидлаш учун ҳам қўл келган:

Нутки жон бермак қилур ул лаъли хандон бирла баҳс,  
Рост Исодекки қилғай оби ҳайвон бирла баҳс.

Ёрнинг “лаъли хандон”и – лаби Хизр чашмасидек мангу ҳаёт бағишлаш баробарида кўнгилни овлаш ва жон олиш қудратига ҳам эга. Жон олувчи ҳам, жон берувчи ҳам ёр бўлгач, у билан баҳслашиш-тортишиш бефойда. Негаки, жонон алақачон жонга айланиб улгурган. Жон ва жонон фарқига бормай, ишқ жунуни ғалаён қилганда ақлнинг бундай ҳолат учун кўнгилга эътироз билдириши – нодон кишининг аҳли дониш билан баҳсга киришишдек уятли иш ҳисобланади. Инсоннинг ҳатти-ҳаракатини ақл ва қалб бошқаради. Ақлнинг луғавий маъноси – тушов, оёқдаги кишан бўлиб, тушунча сифатида инсонни тийиқсиз ҳаракатлардан сақлагувчи ички туйғуга нисбатан қўлланади. Лекин бу “тушов” – ақл қалбни макон тутган муҳаббат мантиғини англашга ожизлик қилади ҳамда донишманд кишиларнинг ҳузурида алжираётган жоҳил кишиларга ўхшаб қолади. Унинг бу эътироз ва баҳсларига кўнгилнинг соқитлиги – донишманднинг жоҳилга жавоби янглиғдир:

Эй кўнгул, гар ақл этар манъи жунуним не жадал,  
Айб эрурким, аҳли дониш қилса нодон бирла баҳс.

Кўнгилнинг ақл эътирозларини жавобсиз қолдириши – фақат ўз шаънини асраш ёки жавоб беришда ожиз қолишдан эмас. Жо-

ноннинг жонни олмақчи бўлиши – жон учун катта мукофот. Жалолиддин Румий шу маънода ажойиб бир ўхшатиш келтиради: она қорнидаги чақалоққа фаришталар бориб, “энди бу тангу тор жойдан чик, она қорнидан анча кенг, гўзал ва меҳрибонларга тўла бир олам бор, тириклик оламига қадам қўй”, дейинса, чақалоқ бунга кўнмасдан, йиғларкан. Худди шу каби, ўлим пайти “бу фоний дунёдан гўзалроқ, кенгроқ ва мангуликка дахлдор бошқа бир олам бор, энди бу дунёни тарк этиш пайтинг келди”, деб айтилса, кўпчилик худди чақалоқ каби Яратгanning бу меҳрибонлигини англамасдан, бир лаҳза бўлса ҳам, умрни узайтиришга ҳаракат қилишади. Жонни берувчи ҳам, олувчи ҳам жонон экан, унинг барча ишлари айни ҳикмат бўлиб, баҳс ва эътирозга сабаб бўлмаслиги керак:

Жонни жонон гар тилар, биллаҳки, миннат жонгадур,  
Ҳар нечук ҳукм этса, тегмас жонга жонон бирла баҳс.

Жонни жононга топширган ошиқ Фарҳод ва Мажнун каби саҳро кийиклари билан улфат тутинади. Ишқ гавҳарини қўлга киритган кишининг қўнгли боланинг қалбидай пок ва беғубор бўлади. Унда хашм, ғазаб, шаҳват оловлари сўнгани, ҳамма жойда ёрнинг нишонини ахтаргани сабабли ваҳший ҳайвонлар билан ҳам унсият топади. Меҳр ва шафқат булоғига айланган қалбларни шаҳардаги мавқе ва обрў учун курашиб яшайдиган кимсалар тушунишмайди. Улар учун Мажнун – саҳро жини, Фарҳод – ўз ўрнини билмаган девона. Ажабланарлиси, ўзларини шаҳарнинг энг донишманд уламози билган ҳолда мажнуншеваларни ўз ҳолига қўймай, насиҳат тўқиб, уларга озор етказишади:

Носихо, қилма жадал, айрил кийиклардин дебон,  
Олими шаҳр этмагай гули биёбон бирла баҳс.

“Олими шаҳр” ва “гули биёбон” тасаввуф тарихидаги бир ҳикоятни ёдга солади: “Насойим ул-муҳаббат”да келтирилишича, Абу Абдуллоҳ Бобуний деган бир курд йигити саҳродан Шерозга келиб, мадрасадаги толиби илмларнинг баҳсу мунозараларини кўриб, уларга мафтун бўлиб, ўз она тилида улар билан сўзлашмоқчи бўлибди. Мадраса толиблари уни арабчада масҳара қилиб, устидан қули-

шибди. Абу Абдуллоҳ улардан араб тилини ўрганиш сиррини сўрабди. Толиби илмлар айтишибди:

– Агар оёғингдан осилиб, ҳар кеча “усфура, казбура” деб ҳар кеча такрорласанг, албатта араб тилини ўрганасан.

Абу Абдуллоҳ Бобуний бу сўзга чин кўнгилдан ишониб, уйга бориб амал қилса, Ҳақ таолонинг инояти билан ҳам араб тилини мукамал билиб, ҳам барча илмлар эшиги унга очилибди. Ўзининг таъбири билан айтганда, курд бўлиб ухлаб, араб бўлиб уйғонибди. Қайси фандан бўлмасин, бу донишманднинг барча баҳсларда ғолиб чиқиши валийлик нишонасидан ўзга эмас, деб ҳулосалайди Навоий.

Кейинги байт Абу Абдуллоҳ Бобунийнинг маслаги нақадар тўғрилиги, фақр йўлидаги итоаткорлик саҳройи кишиларни ҳам шаҳар уламолари етмаган мақомларга етказиши мумкинлигига бир ишорадир:

Олими шаҳр этмагай ғули биёбон бирла баҳс.

Фақр кўйида мусаллам тут не қилсанг истимоъ,

Кейинги байтда ўзини гадо, ёрни султон деб билиб, қанча зулм этса ҳам, чидаб, эътироз билдирмасликни тарғиб қиларкан, бу салтанат ва дарवेशлик тариқат йўлидаги мақомларда эканлигини илғаш қийин эмас. Зоҳир олами подшоҳи – Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурида ўн мартагача эътироз билдириб, у билан исталган масалада баҳсга кириш имтиёзига эришган Навоий бу давлатни Ҳақ таоло ҳузурида ҳамиша ризо ва таслимият мақомида туриши, ҳақиқий шоҳ – Парвардигори олам эканини бир лаҳза ҳам эсдан чиқармаслик баракатидан ҳосил этган:

Эй Навоий, ҳар нечук зулм этса, чек, дам урмагил

Ким гадо ҳадди эмас ҳеч ишда султон бирла баҳс.

**Олимжон ДАВЛАТОВ**

—❦—  
**“Менинг жунунума гар ул пари эрур боис...”**  
—❦—

Менинг жунунума гар ул пари эрур боис,  
Ҳалокима қад ила пайкари эрур боис.

Дема недин куясенким, анинг юзу лабидин  
Бу ишга шуъла била ахгари эрур боис.

Кўнгул куши туну кун мулки бохтар сори  
Ҳаво қилурға маҳи ховарий эрур боис.

Мангаки, ғамзасидин ўлмишам, ҳаёти абад  
Ҳаёлиға лаби жонпарвари эрур боис.

Чаманда булбул этар шавқ нуктасин такрор,  
Ки гул варақларининг дафтари эрур боис.

Ул ой фироқида ашким оқарға шому сахар,  
Тулуъи Зухра била Муштарий эрур боис.

Кўнгулни чоку бағирни шикоф истарима  
Анинг қиличи била ханжари эрур боис.

Ҳамиша дайр ичида бўлмоғимға мугбачалар  
Карашмасию фано соғари эрур боис.

Навоий ўлмасиға озими Ироқу Ҳижоз  
Магар назоҳати мулки Ҳирий эрур боис.

V-V- VV- - V-V- --  
мафоилун фаилотун мафоилун фаълун  
мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ

## Лутат

**Пайкар** – бадан, жисм  
**Ахгар** – лахча, чўғ  
**Бохтар** – кунботар, ғарб  
**Маҳ** – ой  
**Ховар** – кунчиқар, шарқ  
**Шикоф** – тешик  
**Карашма** – нозланиш  
**Соғар** – қадах  
**Озим** – азм этувчи  
**Назоҳат** – тароват, покизалик

## Насрий баён

1. Менинг жунунимга агар ул пари боис бўлса, унинг қади билан қомати ҳалоқимга сабабчидир.
2. Нега ёнмоқдасан дема, унинг юзи ва лаби ишқ оташининг шуъласи ва лахчасига боис бўлмиш.
3. Кўнгил қуши кеча-ю кундуз кунботар томонга майл қилишига ўша шарқдан чиққан ой сабабдир.
4. Менки ғамзасидан ҳалок бўлдим, мангу ҳаёт топиш ҳаёлига тушишим лабининг жонпарварлигидандир.
5. Булбул чаманда шавқдан такрор-такрор сайрашига гул япроқлари – варақларида бу шавқ қиссаси ёзилгани сабабдир.
6. Шому сахар ул ой фироқида кўз ёшим оқишига Зухра билан Муштарий осмонда пайдо бўлгани боисидандир.
7. Унинг қиличи билан ханжари сабабли, кўнглимни чоку бағирни илма-тешик бўлишни истарман.
8. Дайр ичини доим манзил тутишимга муғбачаларнинг ноз-карашмаси ва фано соғари иштиёқи боисдир.
9. Навоий Ироқ ва Ҳироз томонга йўл олмаслигига сабаб балки Ҳирот мулкининг покиза ва тароватли бўлганиданмикин?!

## Шарҳ ва изохлар

Ҳазал ўз табиатига кўра икки турга – матбўъ ва маснўъга бўлинади. Матбўъ ҳазалларда асосан туйғу ва тафаккур ҳосиласи бўлмиш янги фикр ва кечинмаларни табиий йўсинда, очиқ, содда ва самимий етказишга эътибор қилинса, маснўъ ҳазалларда сўз техникаси, бадиийлик ва санъаткорлик масаласи биринчи ўринда назарда тутилади. Ахлоқий-дидактик мавзудаги ҳазалларда асосий эътибор моҳиятти англатиш бўлса, ишқий мавзудаги шеърларда лафзий ва маънавий санъатларни қўллаш техникаси ижодкор учун асосий масала бўлиб қолаверади.

“Боис” радифи ҳазали ўз табиатига кўра маснўъ ҳазали ҳисобланади. Олдинги икки ҳазал шарҳида қайд қилганимиздек, “сеи мусаллас” ҳарфи билан тугалланган ҳазал ёзиш туркий ҳазалнависликнинг Навоийгача бўлган даврида нодир ҳодиса ҳисобланган. Ҳазалнинг радифи бўлган боис сўзи ўз навбатида адоти ташбеҳ вазифасини ҳам бажарган. Ҳазалда ташбеҳлар силсиласини қўллаш техникаси бошқа ҳазаллардаги ўхшатмалардан фарқ қилади. Бунда икки мушаббих ва икки мушаббахун биҳи (ўхшатма ва ўхшатиладиган нарсаси) ёнма-ён келтирилиб, ўз навбатида жамъу тақсим ва лаффу нашр санъатлари имкониятларидан ҳам самарали фойдаланади. Жумладан, матлаъда ёрнинг қадду қомати ошиқ ҳалокатига сабаб кўрсатилган бўлса, иккинчи байтда ишқ оташининг шуъласи ҳамда чўғ-лахчасига ёрнинг порлоқ юзи ва лаъли лаби боис бўлгани қаламга олинади:

Менинг жунунума гар ул пари эрур боис,  
Ҳалокима қад ила пайкари эрур боис.

Дема недин куясенким, анинг юзу лабидин  
Бу ишга шуъла била аҳгари эрур боис.

Ишқ ўтининг шуълаварлиги ва ҳарорати ёрдан экан, кўнгилнинг кеча-ю кундуз у томонга талпинишлари, ғамзасидан ўлиб, лабининг ҳаёлидан қайта тирилишлари ҳам ёр туфайлидир. Ҳар бир байтда икки нарсани ёнма-ён келтириб, бошқа икки нарсасига ўхшатиш ва сабабчи қилиб кўрсатиш шоирдан жуда катта маҳорат

рат талаб қилади. Жамъу тақсим ва лаффу нашр, ташбеҳи киноят каби муштарак санъатларнинг унсурлари қоришиқ ҳолда қўлланигани янги бир номсиз бадиий санъатни вужудга келтирган. Радиф ҳам икки сўздан (эрур боис) ташкил топгани, ҳар бир байтда икки тимсол ё тушунчани ёнма-ён келтирилишидан ташқари, байтларда макон ва миқёс ҳам ўзгариб туради. Учинчи байтда ўхшатмалар муҳаббат қўлами кайҳоний эканлигини билдирса, тўртинчи байтда маҳбубанинг қудрати инсон имкониятларидан хориж бўлган даражада экани таъкидланиб, қарашмаси жон олувчи бўлса, лабларининг ҳаёли Хизр чашмаси шунчаки ривоят эмаслигига далил бўлиши таъкидланади:

Кўнгул қуши туну қун мулки бохтар сори  
Ҳаво қилурға маҳи ховарий эрур боис.

Мангаки, ғамзасидин ўлмишам, ҳаёти абад  
Ҳаёлиға лаби жонпарвари эрур боис.

Булбулнинг тароналари қайта-қайта такрорланиши гул варақларидаги ишқий битикларга боғлиқлиги, гул япроқларини дафтар варақларига ўхшатилиши Шайх Саъдийнинг бир байти тарихини эсга солади. “Насойим ул-муҳаббат”да келтирилишича, Шероздаги улуғ зотлардан бири Саъдий Шерозийнинг тариқатдаги мақомини инкор этиб, унга нисбатан кўнглида бир беписандлик бўлган экан. Ўша шайх бир кеча тушида осмон эшиклари очилиб, фаришталар табақларда нур кўтариб, ерга нузул этганларини яққол кўрибди. Сўради: Бу не нурдир? Фаришталар дедилар: Бу нур Саъдий Шерозий учундирки, бир байт айтибдур ва ул байт Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳазратида қабул тушибди ва ул байт будир:

Барги дарахтони сабз дар назари хушёр,  
Ҳар вараке дафтар аст маърифати Кирдигор.

Ул азиз уйқудан уйғонгач ўша заҳоти бу хушхабарни етказиш учун Шайх Саъдийнинг хонақоҳи эшигига борибди. Борса, ичкарида бир чироқ милтиллаб ёниб турибди ва хиргойи овози келиб

турибди. Яхшилаб кулоқ тутса, тушида эшитган байтни Шайх Саъдий замзама қилаётган эмиш.

Навоий ҳам устози байтидан илҳомланиб, ҳам Ҳаққа, ҳам халққа хуш келадиган мана бундай байтни айтган:

Чаманда булбул этар шавк нуктасин такрор,  
Ки гул арақларининг дафтари эрур боис.

Кейинги байтда тасвир чаманзордан яна кайҳонга – кеча ва кундузни алмаштирувчи фалакдаги Муштарий ва Зухал фалакларига кўчади. Нўжум илмига кўра Зухра сайёраси кундузи, айниқса, тонг пайтида, Муштарий эса кечкурун, яъни шом пайтида яққол намоён бўлади. Зухра ва Муштарий ой кўринмайдиган кечаларда нур сочиб, аниқроқ намоён бўлиши билан ошиқнинг кеча-ю кундуз кўз ёш тўкилиши орасида ажиб таносиб ҳосил қилиб, шоир ёзади:

Ул ой фироқида ашким оқарға шому саҳар,  
Тулуъи Зухра била Муштарий эрур боис.

Мазкур ғазалнинг мақтаъи ҳам алоҳида мулоҳазани талаб қилади. Сабабаи, таҳаллус байтида Ироқу Ҳижоз сўзларининг келиши шоирнинг бир умрлик орзуси – ҳаж сафари иштиёқи билан боғлиқ. Ҳажга бормасликка сабаб қилиб Ҳиротнинг таровати ва хуш ҳавоси сабаб қилиб кўрсатилгандек гўё:

Навоий ўлмасига озими Ироқу Ҳижоз  
Магар назоҳати мулки Ҳирий эрур боис.

Бу билан шоир ўз она юрти тупроғини муқаддас маконлар ва қадамжолардан ҳам устун қўйган, деган мазмундаги хулоса билан фикримизни яқунлашимиз мумкин эди. Лекин шоирнинг эътиқоди ва тарихий далиллар бу хулосага қарши гувоҳлик бериб турганида байтни қайтадан ўқиб, чуқурроқ мулоҳаза қилишимиз керак бўлади.

Мумтоз бадиъ илмида ибҳом деган бадиий санъат бор. Унга кўра шоир мисрани шуңдай тузадики, уни ўқиганда бир-бири-

га зид икки хил маъно юзага келади. Алишер Навоий ҳаж сафарига чиққанида бир неча марта мамлакат ногинчлиги сабабли, бу муборак сафарни кейинроққа суришга мажбур бўлади. Бу ногинчликларнинг бош манбаи – пойтахтдаги сарой аҳли бўлгани сир эмас. Ана шу ногинчликлар, хиёнат ва сотқинликларни билган Навоий киноя оҳангида Ҳирот сабабли Ироқу Ҳижозга йўл ололмаслигини баён этган.

Олимжон ДАВЛАТОВ



**“Бузуғ кўнгулга фано бўлса ком, чексун ранж...”**



Бузуғ кўнгулга фано бўлса ком, чексун ранж,  
Ки ранж чекмаса ҳаргиз муяссар ўлмас ганж.

Агар кишига чекиб ранж, ганж бўлди насиб,  
Деса бу ганжни асрай, йўқ андин ортуқ ранж.

Кишики нақдини вазн айлабон қилур мадфун,  
Бу ғуссасанждур, олган киши-фароғатсанж.

Йилон киби, не ажаб, ганж асраган кишининг  
Ҳамеша комида гар заҳр эрур, танида шиканж.

Замона жоҳи учун ҳар ғулулайи ташвиш,  
Ки келса кўнгулунг уйини анга қилурсен ханж.

Десангки, фард ўлай элдин кўнгулни холий тут,  
Ки тоқ дерлар агар ханж сари этсанг ланж.

Боши қуйидурур озода савсан оллинда,  
Чу наргис ўлди чаман махзанида нақд-ул-фанж.

Тариқ киби сўюлур талхкомлик бирла,  
Тариг-тариғки, йиғиштурди олтуни норанж.

Итур кўнгул ҳарамидин хавотир асномин,  
Навоий, ўлса мақоминг Мадина, гар Афранж.

V – V – V V – – V – V – – ~  
мафоилун файлотун мафоилун фаълон  
мужтаси мусаммани маҳбуни мақтуъ

### Лугат

**Ком** – истак  
**Ранж** – машаққат, азоб  
**Ганж** – хазина  
**Нақд** – бойлик, пул  
**Вазн айлаш** – оғирлигини ўлчаш  
**Мадфун** – кўмилган  
**Ғуссасанж** – қайғуни сотиб олган  
**Шиканж** – исқапжа, машаққат  
**Жоҳ** – обрў, мартаба, улуглик  
**Ғулула** – ғулғула  
**Ханж** – ботил, зое  
**Ланж отмоқ** – хиром айламоқ  
**Нақд ул-фанж** – тўпланган бойлик  
**Талхкомлик** – умидсизлик, аччиқ кўз ёш тўкиш  
**Норанж** – апельсин  
**Асном** – санамлар, бутлар  
**Афранж** – Фаранг, Европа

### Насрий баён

Кўнгли вайрон киши агар фано бўлишни истаса, ранжу азоб чексинки, киши ранж чекмасдан роҳат ва хазинага эришолмайди.

Агар бирор киши заҳмат чекиб, ганж-хазинани қўлга киритганда, ушбу ганжни сақлаб қолмоқчи бўлса, бундан ортиқроқ ранжу машаққат йўқ.

Кимки олтинларини тортиб, ерга кўмиб қўйса, ўзига ғусса сотиб олибди. Топиб олган киши эса – роҳат ва фароғатда бўлади.

Ажаб эмас, агар бойлик– хазина асраган киши илондек комида заҳар бўлиб, ҳамиша бурилиб-эшилиб яшаганидан танасида исканжа бўлса.

Замонда обрў-эътибор топиш учун кўнглинг уйига тушажак ташвишлар гулғуласи аслида беҳуда ва кетган нарсалардир.

Фард – ягона бўлмоқни истасанг, кўнглинг уйини бошқалардан холи тут. Агар беҳуда нарсалар томон қадам қўйсанг, сени ягона эмас, балки бекас – бенаво деб атайдилар.

Наргис чаман махзанида олтин тўпловчи бўлганидан савсан олдида боши қуйи туради.

Норанж – апельсин олтинларини тарикдек кўп йиғиштирди, аммо охирида тарик (нинг пўсти шилиниб кетгани)дек сўйилиб кетди.

Навоий, Мадинадами ё Фарангдами бўлсанг, ҳамиша кўнглинг ҳарамидан Аллоҳ ёдидан ўзга хотирлар санамларини йўқ қилиб яша.

## Шарҳ ва изоҳлар

Ғазал орифона мавзуда, мавъиза оҳангида ёзилган. Матлаъдан асосий мавзу – фано мақомига эришиш эканлигига урғу берилиб, “бузуғ кўнгил” – Худонинг ёдида дили вайрон бўлган киши фано мақомига эришиши учун риёзат чекиши уқтирилган. “Алишер Навоий қомусий луғати”да берилишича, фано – инсон ўзлиги ва бандалиги мақомини Ҳақ таоло баробарида йўқ деб билмоқ, барча майл-истак ва таманноларидан воз кечиб, бутун олам ва оламдагилар Худонинг олдида ҳеч нарса эмаслигини теран англамоқ, башарий сифатлардан қутулиб, илоҳий сифатлар билан ботин оламини беэмоқ демакдир. Фано истилоҳ сифатида биринчи марта Зуннун Мисрийнинг муриди Абу Саид Харроз томонидан қўлланилган. У “Ал-Лумаъ” китобида фанога шундай таъриф беради: “Фано – бандалик ишларидан буткул узилмоқ ва бақо – илоҳий

мушоҳадада боқий қолмоқ эрур... Баъзи кишилар муҳаққиқларнинг фано тўғрисидаги сўзларидан иштибоҳга тушиб, башарийят фаноси емак-ичмакни тарк этмоқдан ҳосил бўлади, негаки жисм кучсизланганида башарий сифатлар ундан кетади ва инсон илоҳий сифатлар 6-н сифатланади, деб ўйлайдилар. Бу гумроҳлар башарийлик ва башарий ахлоқ ўртасида тафовутни билмабдилар. Оқ рангдан оқлик ва қора рангдан қоралик сифати кетмаганидек, башарий табиат инсондан кетмас. Ҳақиқат нурининг қудрати сабабидан табдил ва ўзгаришга дуч келадиган нарсa – башарий ахлоқдир”.

“Рисолаи Кушайрия” муаллифи инсон табиатида ёмон хислатларнинг йўқ бўлишини фано ва уларнинг ўрнига гўзал хулқларнинг қарор топишини бақо, деб таърифлайди. Иззуддин Кошоний фанони сайр илаллоҳнинг ниҳояси, деб билган.

Башарий сифатлардан кутулиш деганда, хирс, ҳасад, рие, такаббурлик, очкўзлик, ёлғон, шаҳват... каби ёмонликка ундовчи хислатлардан покланиб, ризо, шукроналик, қаноат, таваккул, фақр, сабр, ҳаё... каби гўзал ахлоқий сифатлар билан зийнатланишни тушуниш керак. Бунинг учун инсон энг аввало, мол-дунёга ҳарислик хислатидан воз кечишни ўрганиши керак. Бойликни бахтли яшаш учун восита эмас, балки мақсад деб билувчилар вайронада кўмилган ҳазина устида умргузаронлик қиладиган илондан фарқи қолмайди. Илон ўзига ҳеч қандай фойда бермайдиган ҳазина учун заҳар сочиб, ўзига фақат душман орттиргани каби, мол-дунё тўшлаб, ўзи ҳам емай, бировга ҳам бермай, ерга кўмиб юрагини ҳовучлаб юрадиганлар ҳам жамиятнинг илонлари ҳисобланади. Энг ачинарлиси, ҳамиша ичи тўла заҳар-заққум, азоб-исканжада яшайдиган бундай зотларга ҳавас қилиб бўлмайди:

Кишики нақдини вазн айлабон қилур мадфун,  
Бу ғуссасанждур, олган киши-фароғатсанж.

Йилон киби, не ажаб, ганж асраган кишининг  
Ҳамеша комида гар заҳр эрур, танида шиканж.

Бойликдан ташқари яна бир маънавий офат, бу – шухратпарастлик ва амалга интилиш хислатидир. Инсон боласининг кўпгина интилиш ва ташвишлари, азоб ва машаққатлари ана шу ҳисла-

ти туфайли содир бўлади. Бошқалардан устунлигини билдириш, ўзининг истеъдоди, билими ва куч-қуввати, насл-насаби ва амали билан фахрланиш учун энг азиз неъмат – умрни сарфлаб, моҳият эътибори билан ҳеч нарсага арзимайдиган ташвишлар юкини тортиш кўпчиликнинг ҳаёт йўлига айланиб қолган. Фоний дунёда Ҳаққа ибодат қилган дамлардан ўзга барча ишлар пушаймонлик келтиришини билса-да, одам боласи мангу яшайдигандек беҳуда ишлар билан банд бўлиб қолади. Беҳуда умргузаронлик қиладиганлардан фарқли ўлароқ, фард – якка-ю ягона бўлиб, тўғри йўлда яшамоқни истаган инсон кўнгил уйини Аллоҳдан ўзгалар ҳаёлидан поклаши керак. Акс ҳолда, у қанчалик узлатда тоат-ибодат қилмасин, бекасу бенаво ҳолида ажал шарбатини тотган кишилар билан тенг бўлиб қолади:

Замона жоҳи учун ҳар гулулайи ташвиш,  
Ки келса кўнглунг уйини анга қилурсен ханж.

Десангки, фард ўлай, элдин кўнгулни холий тут,  
Ки тоқ дерлар агар ханж сари этсанг ланж.

Кейинги икки байтда мазкур маънолар ташхис санъати ёрдамида бошқача рангда таъкидланади. Наргис гулининг уруғлари сариқ рангда бўлиб, гуллаган чоғида сариқ уруғлари (олтинлари) оғирлигидан боши ҳамиша қуйи бўлгани, савсан эса ҳамиша сарбаланд яшагани, норанж – анельсин дарахти зарра-зарра “олтин” (мева) тўплагани билан охири барчасидан мосуво қолиши – дунё ҳаётида юки оғирлар юки енгилларга қараганда яшаши қийинроқ бўлишига далил ўлароқ келтирилган. Шу сабабли, инсон қаерда яшашидан қатъи назар, ҳаёл ва хотирни чалғитувчи санамлар – шуҳратпарастлик, мол-дунёга очкўзлик, бахиллик каби хислатлардан пок тутиши керак. Ўшанда у хоҳ Мадина, хоҳ Фарангистонда бўлсин, Ҳақнинг йўлида фано бўлиш саодатига эришади:

Итур кўнгул ҳарамидин хавотир асномин,  
Навойи, ўлса мақоминг Мадина, гар Афранж.

Олимжон ДАВЛАТОВ



“Эй гадоийингнинг гадоийи барча аҳли тахту тож...”



Эй гадоийингнинг гадоийи барча аҳли тахту тож,  
Ким гадоийингдур, анга йўқ тахт ила тож эҳтиёж.

Кўзларинг оз журм учун қилса итоб эрмас ажаб,  
Бор муайянким, бўлурбеморларнозукмизож.

Гар санавбар тузмамиш сарвинг хилофин кўнглида,  
Ел чинор илги била невчун урар юзига кож.

Эйки, кўнглумни бузуб, дерсен, хаёлимни чиқар,  
Ҳеч ким вайронадин ганж истамас ҳаргиз хирож.

Сен жафо қилғач, кўнгул жон бирла тарким туттилар,  
Бўлса шаҳ золим, эл ичра зулмга эрмиш ривож.

Ҳажрдин дод истадим, дединг, сабур ўл, вой ким  
Тоза доғимга ёнар ўт бирла айларсен илож.

Чунфано гардиё пар, не суд тахтижоҳинга  
Кўкнинг анжумдин мукалал атласин қилсанг дувож.

То гадоийингдур Навоийтахт ила тожистамас,  
Эй гадоийингнинг гадоийи барча аҳли тахту тож.

-V-- -V-- -V-- -V~

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон  
рамали мусаммани мақсур

## Лугат

**Журм** – гуноҳ, хато  
**Илик** – қўл  
**Кож** – шапалок  
**Ганж** – хазина  
**Дод** – адолат  
**Сабур** – сабрли  
**Суд** – фойда  
**Анжум** – юлдузлар  
**Мукаллал** – зийнатланган  
**Дувож** – соябон

## Насрий баён

1. Эй, барча тахту тож аҳли гадоларингнинг гадосига айланган зот! Кимки, сенинг гадойинг бўлса, тахту тожга эҳтиёжи йўқ.

2. Кўзларинг арзимас хатойим учун итоб-сарзанинг қилса, ажабланмайман. Негаки беморлар аслида мижози нозик бўлиши аёндыр.

3. Агар санавбарнинг кўнглида сарвингга қарши чиқиш бўлмаса эди, нега шамол чинор қўли билан унинг бетига бир шапалок туширди?!

4. Кўнглимни бузиб, яна мени хаёлингдан чиқар дейсан. Киши вайронага айланган мулкка бир хазина миқдорида хирож солмайди.

5. Сен жафо қилгач, жону кўнглим мени тарк этдилар. Ҳа, шох золим бўлса, эл-улус ичра зулм ривож топади..

6. Ҳижрон дастидан адолат истадим, сабрли бўл, деб айтдинг. Эвоҳ, янги ярамни оташ билан даволамоқчи бўлясан.

7. Жоҳу жалолнинг тахти фано ва ўткинчилик ғубори остида қолиб кетаркан, унга осмоннинг юлдузлар билан зийнатланган атласидан соябон яшшдан нима фойда?!

8. Навоий токи сенинг гадойингдир, тахту тож истамас. Эй, барча тахту тож аҳли гадоларингнинг гадосига айланган зот!

## Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг ижодий биографиясида мадҳ мавзуси салмоқли ўрин эгаллайди. Султон Ҳусайн Бойқаро ҳокимият тепасига келгач, Ҳиротга қайтган Навоийнинг дастлабки асари – янги ҳукмдор мадҳидаги “Ҳилолия” қасидаси бўлди. Шунингдек, биографик характердаги “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” ва “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларини ҳисобга олмаганда, мутафаккир шоирнинг барча асарлари Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган бўлиб, уларда “Шоҳи Ғозий” энг олий даражадаги таърифу тавсифлар билан эсланган.

Навоийнинг мадҳ оҳангида битилган сатрлари, асарларидаги мадҳ мавзуси алоҳида тадқиқот учун мавзу. Шўро замонидан Навоийдек шоир замон ҳукмдорини мадҳ этиши унинг хатоси ҳисобланган бўлса, янги даврда бу масалага дахл қилиш ва Навоийнинг мадҳнома (мадҳия сўзи муносиброқ бўлса-да, ҳозирги тилимизда гимн маъносини билдиргани сабабли қўлламадик)лари замонамиз маддоҳларига “адабий дастак” бўлиши мумкинлигининг хавотири билан ушбу мавзу “эпик” лигича қолди.

Мумтоз адабиётда мадҳ мавзусида қалам тебратмаган шоир санокли. Жумладан, Алишер Навоий ғазалнависликда устоз деб билган шоирлар – Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдурахмон Жомийларнинг ижодида ҳам мадҳномалар салмоқли ўрин эгаллайди. Аммо буларнинг бағишловлари ва мадҳлари Фаррухий, Муиззий, Заҳир Форёбийларнинг қасидаларидан буткул фарқ қилади. Биргина мисол келтирайлик: Фаррухий Систоний Султон Маҳмуд Ғазнавийга бағишлаган бир қасидасида шундай бир фикр баён этади: “Каҳф” сурасида унинг ҳақида оятлар нозил бўлган Искандар Зулқарнайнинг Маҳмуд Ғазнавийдан тафовути – охирзамон пайғамбаридан аввал яшаб ўтганидир, холос. Агар, дейди Фаррухий, ислом пайғамбаридан кейин ваҳий эшиклари ёпилмаганида Қуръоннинг камида учдан бир қисми Маҳмуди Ғозийнинг қаҳрамонликлари ҳақида бўларди.

Алишер Навоий ва унинг салафлари эса, мадҳни тарбиявий кулролга айлантириб, султонни тавсиф ва мақташ орқали тўғри йўлга ҳидоят қилишни асосий мақсад қилиб олганлар. Навоий мадҳларининг бошқаларникига ўхшамаган яна бир жиҳати бор: мадҳ йў-

синида ёзилган шеърларда талаб қисми мавжуд бўлиб, унда шоир мамдўхдан ўзига керакли нарсани нозик шоирона ишоралар орқали тилаб олади. Навоий шеърларининг бирор жойида шундай таъма ва тилак оҳангидаги сатрларни учратмаймиз. Унинг мадҳлари самимий ва чин юракдан, бирор гараз ё таъмасиз ёзилган. Иккинчи жиҳати – унинг лирик жанрлардаги мадҳномаларда шундай услуб қўлланганки, унда мамдуҳ реал шахс ёки тимсол эканлигини аниқлаш қийин кечади. Жумладан, таҳлил қилинаётган ғазалдаги биринчи байтда айнан кимга – Султон Ҳусайн Бойқаро, ёки севиқли маҳбуба ва ёинки Аллоҳ таолога мурожаат қилинганини аниқлаш қийин:

Эй гадоийингнинг гадоийи барча аҳли тахту тож,  
Ким гадоийингдур, анга йўқ тахт ила тож эҳтиёж.

Иккинчи байтда манзурнинг хумор кўзлари арзимас гуноҳ учун ҳам итобга олиними, учинчи байтда эса чамандаги санавбар ва чинор дарахтининг ёр қомати расолиги учун қилган муноқашлари тасвирга олингани бу ғазалга ошиқона руҳ бағишлаган бўлса, тўртинчи ва бешинчи байтдаги маънолар ошиқона бўлиш баробарида ижтимоийлик руҳи ҳам устувор. Айниқса, мазҳаби каломий (ўз матлабининг исботи учун латофат билан далил келтириш) санъати орқали иккинчи мисрада айтилган фикрлар – вайрона бўлган мулкка хирож солиб бўлмаслик (тўртинчи байт) ҳамда подшоҳи золим бўлган ўлкада бошқалар ҳам ҳукмдордан ўрнат олиб зулм ва ситам қилишлари (бешинчи байт) шунчаки ишқий матлабни далиллаштириш учун келтирилган оддий гаплар эмас. Навоий Султон Ҳусайн Бойқаронинг нозик таъби ҳамда шеърни аниқлашдаги дақиқ заковатини биларди (бу ҳақда у ғазалнинг иккинчи байтида ишора ҳам қилган). Шунинг учун, у очик-ойдин насиҳатгўйликка киришмасдан, мулкнинг ободлиги хазина маъмурлигига сабаб бўлиши, бунинг учун эса одилона сийёсат юритилиши лозим эканлиги каби ҳақиқатларни шоирона лутф ва образли сўзлар ёрдамида айтишга эришган:

Эйки, кўнглумни бузуб, дерсен, хаёлимни чиқар,  
Ҳеч ким вайронадин ганж истамас ҳаргиз хирож.

Шоҳнинг энг содиқ маслаҳатгўйи ва бегараз дўстининг ҳижронда қолиши, яъни бевосита жараёнда фаол аралашмасдан, четда назарда қолиши сабаб бўлган. Шундай адолатсизликларнинг олдини олиш ва зулм ривожига барҳам бериш учун Навоий шоҳнинг султони ёнида бўлишни истаб мурожаат қилади. Подшоҳнинг ушбу масалага ижобий кўз билан қарамаслиги унинг дардини янада кучайтириб, тоқатини тоқ қилади. Чунки, ҳаёт – ўтқинчи, бутун оламнинг якка ҳукмдорлари ҳам вақт-соати келиб бу фоний дунёни тарк этиши муқаррарлигини билган мутафаккир берилган умр ва фурсатдан тўғри фойдаланиб, султон кўмакчиси бўлиб адолатни барқарор этишда ўз хиссасини қўшмоқни истайди. Бир соатлик адолат икки олам аҳлининг бир йиллик ибодатидан афзаллигини англаган киши шоирнинг бу изтиробини нақадар улуғвор эканини жуда яхши ҳис этади:

Ҳажрдин дод истадим, дединг, сабур ўл, вой ким  
Тоза доғимга ёнар ўт бирла айларсен илож.

Чунфаногардиёпар, не суд тахтижоҳинга  
Кўкнинг анжумдин мукалал атласин қилсанг дувож.

Навоийнинг бу ёниб-куйишлари мансаб ва мартаба илинжида эмас. Султон Ҳусайннинг салтанатининг ишончли одами бўлиш – у учун барча тожу тахтдан афзал. Адолатли султоннинг хизматида бўлмоқлик олам подшоҳлигидан улуғроқ саодат эканини таъкидлаб, шоир тантанавор оҳангда ғазалга яқун ясайди. У бу чақириқ ва даъватлар султон томонидан жавобсиз қолмаслигига ишонарди ва бунга ҳаёти давомида кўплаб маротаба гувоҳ бўлганди. Шу билан бирга, Навоийнинг ушбу мурожаатини Ҳақ таоло даргоҳига муножот ўлароқ талқин қилиш ҳам мумкин. Бу талқинлар бир-бирини рад этмасдан, балки моҳият эътибори ила бир-бирини тўлдиради. Чунки, ал-Адл сифатининг соҳиби бўлган Аллоҳ таоло одил подшоҳларнинг ёри ва мададкоридир:

То гадойингдур Навоий тахт ила тож истамас,  
Эй гадойингнинг гадойи барча аҳли тахту тож.

**Олимжон ДАВЛАТОВ**



## “Чарх изинг гардига қилди кавкаби сайёр харж...”



Чарх изинг гардига қилди кавкаби сайёр харж,  
Жавҳар олмоқға ғаний қилган киби динор харж.

Сойиру собит нисоринг қилса тонг йўқким, бўлур  
Кечқурун шоҳ ўлса меҳмон, кимсага бисёр харж.

Нақди раҳмат харжинг этса Ҳақ, не тонг, улким топар  
Сен киби маҳбуб васлин, айлағай ночор харж.

Фош этиб нақди шафоат қилдинг умматни халос,  
Айлагандек нақдини топқан қизиқ бозор харж.

Баҳри раҳматдинки, топтинг, халқ уза бир қатра бас,  
Гарчи тенг авлодур этмак дахл ила изҳор харж.

Мағфират ганжи санга тамлик эрур, моний эмас,  
Айласанг исёни кўп умматқа ҳар микдор харж.

Сен кимунаътиндемак, тил асрағил кўп нуктадин,  
Эй Навоий, маърифатни қилма ҳар не бор харж.

–V-- –V-- –V-- –V~

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон  
рамали мусаммани мақсур

### Лугат

**Кавкаб** – юлдуз

**Жавҳар** – гавҳар, дурдона

**Ғаний** – бой, бадавлат

**Сойиру собит** – сайёралар ва турғун буржлар

**Нисор** – сочиш

**Тонг йўқ** – ажабмас

**Нақд** – маблағ, олтин

**Дахл** – бу ерда: кирим

**Ганж** – хазина

**Тамлик** – мулкка эгалик

**Нукта** – ҳикматли сўз

### **Насрий баён**

1. Бадавлат киши дурру гавҳар сотиб олишга кўп олтин динор сарфлагани каби фалак изингнинг гардига кўп юлдузларни харж этди.

2. Фалак сенинг қадамингга собиту сайёраларни сочган бўлса ҳам ажабмас. Кимсага агар кечкурун тўсатдан шоҳ меҳмон бўлиб қадам ранжида қилса, кўп харажатга тушади.

3. Ҳақ сен учун раҳмат хазинасини харж этса, ажабмас, чунки сен каби ким маҳбубининг васлини топса, ночор харжи қўнаяди.

4. Бозори бароридан келган киши бор маблағини сарфлагани каби шафоат хазинасини ошкор этиб, умматни халос этдинг.

5. Сен топган раҳмат денгизидан барча халқни кечириш учун бир томчиси етарлидир. Ҳолбуки киримга тенг чиқим бўлиши афзалроқдир.

6. Мағфират хазинаси сенга мулк қилиб берилгандир, шунинг учун исёни кўп умматга бу хазинадан қанча харж қилсанг, монелик қилинмайди.

7. Эй Навоий, сен киму Расулуллоҳнинг наътини айтиш қайда. Нимаки маърифат этган бўлсанг, харж этавермасдан, кўп ҳикматли сўзларни айтишдан тийил.

### **Шарҳ ва изоҳлар**

Сарвари коинот Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) Алишер Навоий учун башарият аҳли ичида энг кўп муҳаббат қўйган зот бўлиб, бу муҳаббат ва эътиқодини ҳамиша ҳар нафасида изҳор этиб турган.

Мумтоз ғазалчилик тарихида Навоий наът мавзусида энг кўп ғазал ёзган шоирлардан ҳисобланади. Форс адабиётидаги соҳибдеворон шоирларнинг ғазалларида пайғамбаримиз васфидаги байт ва мисралар кўп бўлгани билан наът мавзусида яхлит асар яратиш ва бу мавзуда ёзилган ғазалларни тизимли равишда деярли ҳар бир ҳарф туркумида жойлаштириш анъанаси айнан Навоийдан бошланган.

Буюк Навоий қайси мавзуда қалам тебратмасин, бадиийлик ва шоирона нигоҳ биринчи даражали талаб ҳисобланган. Ҳамма нарсага мутафаккирона нигоҳ ва шоирона қалб билан ёндашган шоир наът мавзусида янги-янги поэтик воситалар ва услубий тажрибаларни қўллайди. Жумладан, мазкур ғазалда “харж” радифини қўллаган ҳолда соф исломий ғояларни сингдиришга эришган.

Харж – савдо-сотик жараёнига алоқадор бўлган бу сўзни радиф сифатида танланишига, бизнингча, учта омил сабаб бўлган: биринчидан, пайғамбаримизнинг касби савдогарлик бўлгани сабабли мазкур сўз орқали ушбу тарихий далилга ишора қилинган; иккинчидан, охирагги деб, дунёдан воз кечганлар – умр савдо-сида фойда кўрганлар, мазмунидаги қатор ҳадислар мавжуд бўлиб, “харж” сўзи ўша ҳадислар маъносига далолат қилади; учинчидан, Қуръони каримда ўргимчак, асалари каби назар илмас ҳашаротларни мисол келтирилиб, катта маънолар ифодалангани ҳамда Аллоҳ учун аҳамиятсиз нарса ё сўзнинг ўзи бўлмаслигини таъкидловчи оятлар ҳам шоирнинг ижодий услубига таъсир кўрсатган бўлиши мумкин.

Матлаъ мазмунидан ғазал меърож ҳодисасига бағишлангани аёнлашади. Меърож мўъжизаси фақат инсоният учун эмас, балки Борлиқдаги барча мавжудот учун энг улуғ ҳодиса эди. Шунинг учун, фалак Ҳақ таоло ҳузурига сафарга чиққан пайғамбарнинг қадамидан чиққан гардини табаррук, деб беҳисоб юлдузларни йўлига сочиши бадавлат одам олтин-қумушларидан воз кечиб, кичиккина гавҳарни сотиб олишига ўхшатишган. Иккинчи байтда қўлланилган мазҳаби каломий эса, талмех унсурларини ҳам ўзида мужассам этган бўлиб, меърож ҳодисаси кечаси содир бўлганини билдиради:

Чарх изинг гардига қилди кавкаби сайёр харж,  
Жавҳар олмоққа ғаний қилган киби динор харж.

Сойиру собит нисоринг қилса тонг йўқким, бўлур  
Кечқурун шоҳ ўлса меҳмон, кимсага бисёр харж.

Учинчи байтда қофия ўрнида келган “ночор” сўзини тўғри маънода Ҳақ таолога ҳам, унинг ҳабибига ҳам нисбат бериб бўлмайди. Мазкур сўзнинг вазифасини белгилашдан олдин “нақди раҳмат” истиорасининг тарихи билан танишайлик.

Ислон тарихидан маълумки, меърож кечасидан сўнг пайғамбаримиз (с.а.в.) бутун оламларга раҳмат қилиб юборилдилар. Оламларга раҳмат бўлган пайғамбарнинг шарофати билан у кишига зиён-заҳмат етказганлар ҳам, ўлдириш қасди қилганлар ҳам, мазах-масхара қилганлар ҳам илоҳий раҳматдан баҳраманд бўлдилар. Олдинги пайғамбарлар давридаги мушриклар илоҳий ғазаб туфайли турли бало ва офатларга йўлиққан бўлсалар, охирамон мушриклари пайғамбаримизнинг шарофатлари билан бундай бало ва офатлардан омон қолдилар. Бу эса, Аллоҳ ва унинг ҳабиби ўртасидаги муҳаббат туфайлидир:

Нақди раҳмат харжинг этса Ҳақ, не тонг, улким топар  
Сен киби маҳбуб васлин, айлагай ночор харж.

Пайғамбарларнинг мўъжизалари уларнинг вафотидан кейин тугайди. Илло, бизнинг пайғамбаримизга яна бир мўъжиза – шафоат мўъжизаси берилганки, бу мўъжиза қиёмат куни содир бўлади. Меърож мўъжизаси – қуфр ва иймон аҳли ўртасидаги чегарани қатъий белгилаб қўйган бўлса, шафоат мўъжизаси нажот аҳли бўлганлар ҳамда адашган фирқаларнинг ўртасидаги тафовутни белгиловчи асосий белгидир. Улуғ мутафаккир аҳли суннат ва жамоатнинг этиқодига мувофиқ, шафоат мўъжизасига бўлган этиқодини чиройли образлар ёрдамида ифодалаган:

Фош этиб нақди шафоат қилдинг умматни халос,  
Айлагандек нақдини топқан қизиқ бозор харж.

Бешинчи ва олтинчи байтларда хотамуланбиё раҳмат денгизи ва мағфират хазинабони дея таърифланган. Навоий васфига кўра Ҳақ таоло инояти билан сарвари коинотнинг раҳмати шу дара-

жада кенги, бутун умматнинг осийлигини кечириш – денгиздан бир томчидек гап. Мағфират хазинаси бу зотга мулк қилиб берилган экан, туганмас хазинадан қанча харж этилса ҳамки, Ҳақ таоло бунга монелик қилмайди. Бу ташбеҳлар шунчаки шоирона лутф ва муболағали тасвир эмас, балки ҳар бир ўхшатма, ҳар бир таъбирнинг асосида муборак оят ва ҳадисларнинг мазмуни ётади. Масалан, “Анбиё” сурасининг 108-оятида марҳамат қилинадики: “Эй Муҳаммад! Биз Сизни бутун одамларга айна раҳмат қилиб юборганмиз.” Бундай оят ва ҳадислар, пайғамбаримиз сийрати ҳақидаги муътабар манбаларни чуқур ўрганган Навоий бу беназир шахсиятнинг серқирра сифат ва фазилатларини турли тимсол ва образлар ёрдамида васф этган бўлса-да, бу мақтовлар қанчалик олий даражада бўлишига қарамасдан, барибир камлик қилишини айтиб, ғазалга якун ясайди:

Сен кимунаътицдемак, тил асрағил кўп нуктадин,  
Эй Навоий, маърифатни қилма ҳар не бор харж.

**Олимжон ДАВЛАТОВ**



---

**“Майи лаълинг эруржон бирла мамзуж...”**

---



Майи лаълинг эруржон бирла мамзуж,  
Йўқ эрса оби ҳайвон бирла мамзуж.

Жигаргундур сиришким, негаким бор  
Бағир бу ашки ғалтон бирла мамзуж.

Жаҳонни бузди ашки моҳиланким,  
Эрур сарсар бу тўфон бирла мамзуж.

Кўшулди кўзларимнинг ашки, ваҳм эт,  
Ки Қулзум бўлди Уммон бирла мамзуж.

Кўнгул қон бўлдию ишқинг ўтидин  
Бу қон маҳлул пайкон бирла мамзуж.

Юзига тушти зулф, айланг назора  
Ки бўлди қуфр иймон бирла мамзуж.

Манга ҳар майки, тутти соқийи давр,  
Бурун қилди аниқ он бирла мамзуж.

Майи васл истама кўп, эй кўнгулким,  
Эрур ул заҳри ҳижрон бирла мамзуж.

Навоий сури мотам бўлдим, бор  
Суруди айши афғон бирла мамзуж.

V--- V--- V-- (V- -)  
мафойилун мафойилун фаувлун (мафойил)  
ҳазажи мусаддаси маҳзуф (мақсур)

### Лугат

Мамзуж – омухта, аралаш  
Оби ҳайвон – ҳаёт суви  
Жигаргун – жигарранг  
Сиришк – кўз ёши  
Ашки ғалтон – тўкилувчи кўз ёш  
Сарсар – совуқ шамол, изғирин  
Ваҳм этмоқ – қўрқмоқ  
Маҳлул – заҳарли  
Пайкон – ўқ  
Сур – тўй  
Суруд – қўшиқ  
Афғон – фиғон, нола

## Насрий баён

1. Лаълинг майи – шаробдек маст қилувчи лабингдан чиқаётган сўзларинг ё жон билан, ё тириклик суви билан омухта бўлган.

2. Кўз ёшларим жигаррангдир, негаким бу кўзёшларимга бағрим қони ҳам қўшилган.

3. Кўз ёшим билан оҳларим оламни бузди. Булар тўфонга қўшилиб эсаётган изғиринга ўхшайди.

4. Кўзларимнинг ёшлари оқиб, бир-бирига қўшилди, эҳтиёт бўлким, Қулзум ва Уммон денгизларининг сувлари жам бўлди.

5. Ишқинг ўтидан кўнгил қон бўлиб, эриб заҳарли ўқ билан қўшилиб кетди.

6. Юзига зулфи тушди, куфр билан имон аралашганига қаранглар.

7. Даврон соқийси менга ҳар шаробким берди, уни қонимга қўшиб чиқариб олди.

8. Эй кўнгил, висол бодасини истамаким, бу бодага ҳижрон заҳари қўшилган.

9. Навоийнинг байрами мотамга айланди, унинг қўшиқларига мотам ноласига омухта бўлди.

## Шарҳ ва изоҳлар

“Жим” ҳарфи туркумидаги жами тўртта ғазалдан икkitаси муралдаф – радифли ғазал. Олдинги ғазалдан фарқли ўлароқ, ушбуда ўзбек тилида фаол қўлланилмаган “мамзуж” сўзи “бирла” қўшимчаси билан биргаликда радиф вазифасини бажарган.

Амир Хусрав Дехлавий “Ғуррат ул-камол” девонининг муқаддимасида таъкидлашича, сўзлар ҳам ўз табиатига кўра тўрт унсурга хос бўлади. Айрим сўзлар табиатида ҳаво унсури етказилик қилса, баъзиларида олов, баъзисида тупроқ, айримларида сув унсурининг моҳияти намоён бўлади. Шоир қайси мавзуда қалам тебраса, ўша мавзуга мос сўзларни танлаб олиши ва бунда сўзларнинг унсурий моҳиятини ҳам ҳисобга олиши керак бўлади.

Мазкур талаб таҳлил қилинаётган ғазалда тўла-тўқис намоён бўлган. Ғазалда қаламда олинган май, оби ҳайвон, сиришк, ашк,

оҳ, тўфон, сарсар, Қулзум, Уммон, қон, маҳлул, сокий, захр каби тимсоллар унсур табиатига кўра сув унсури моҳиятига мос тушади.

Радиф ғазалнинг мантикий меҳвари бўлгани боис, мамзужнинг луғавий маъносига мутаносиб равишда байтларда икки ва ундан кўпроқ образ ва тимсоллар қўлланган. Жумладан, матлаъ-дамаи лаълинг истиорасининг ўзидаёқ ёрнинг лаби лаъл каби қизил ва гўзал, май каби ақлдан оздирувчи сифатлари борлиги таъкиданса-да, жон билан ёхуд ҳаёт суви билан омукталигини айтиш орқали бу сифатлар янада бўрттирилади. Байтда “оби ҳайвон” талмеҳи орқали Хизр чашмаси, яъни мангулик бағишловчи муҳаббат манбаига ишора қилинади:

Майи лаълинг эруржон бирла мамзуж,  
Йўқ эрса оби ҳайвон бирла мамзуж.

Иккинчи байтда Хизр чашмасидан сув ичганлиги сабабли кўз булоғидан ашк бағир қони билан қўшилиб, оқиши тасвирланган бўлса, учинчи байтда бу кўз ёшлар ошиқнинг оху фиғонлари билан бирга оламга тўфон солганидан хабар беради. Мангу ҳаёт бағишловчи оби ҳайвоннинг таъсиридан ошиқнинг ашкидан оламда тўфон ҳосил қилиниши муҳаббатнинг тадрижини кўрсатади:

Жаҳонни бузди ашким оҳиланким,  
Эрур сарсар бу тўфон бирла мамзуж.

Бутун оламни бузган кўз ёшларнинг бир-бирига қўшилиши – Қулзум (Қизил) ва Уммон денгизларини қўшилиб кетиши каби даҳшатли оқибатлар келтирувчи ҳодисадир. Ўрта асрнинг жуғрофий тасаввурларга кўра оламни етти дарё ё етти денгиз (Ҳинд, Уммон, Қулзум, Барбар, Уқёнус, Рум ва Қора) етти томондан ихоталаган. Мажмаъ ул-баҳрайн – чучук ва шўр сувининг жам бўлган жойи эса Қулзум ва Уммон ўртасидадир. Бу икки денгизнинг ўртасида шундай бир жой борки, чучук ва шўр сувли денгизлар бир-бири билан қўшилмасдан туради. Бу ҳақда “Қаҳф” сурасининг 60-оятида ҳам хабар берилган. Тафсир китобларда берилишича, “мажмаъ ул-баҳрайн” – икки денгиз – Қулзум ва Уммон қўшилмай жам бўлган жойда Мусо алайҳиссалом ҳазрати Хизр

билан учрашган. Бу денгизлар суви қиёматгача қўшилмай туради. Қачонки, ушбу денгиз сувлари қўшилиб кетса, қиёмат соати бошланади.

Навоий ушбу далиллардан “адабий фатво”сини чиқариш йўлида маҳорат билан фойдаланиб, икки кўзидан оқаётган кўз ёшлари қўшилиб оқаётганини қиёмат соати яқин қолганда Қулзум ва Уммон денгизлари сувининг аралашиб кетишига ўхшатади. Қулзум ва Уммон сувининг бириники чучук, бириники шўр эканини ошиқнинг кўз ёшларига татбиқ этсак, унинг ашклари ҳам бири чучук – умид ва бахт кўзёшлари бўлса, иккинчиси шўр – хавф ва ҳасрат кўзёшлари эканига далolat қилади. Кейинги байтда қон бўлган кўнгил ҳақида сўз юритилганини ҳисобга олсак, байтда “кўзларим” дейилганда икки кўз эмас, балки икки хил кўз – зоҳир оламини кўрувчи бир жуфт кўз ҳамда басират кўзи, қалб кўзи назарга тutilганини англаш мумкин. Зоҳир кўзи дийдор умидида Қулзум денгизига айланган бўса, қалб кўзидан оқаётган кўз ёшлари Уммонини ҳосил қилган. Икки денгизнинг қўшилиши – кўз ва қалб кўзёшларининг қўшилиб кетиши ошиқнинг фано бўлгани хабарини беради:

Кўшулди кўзларимнинг ашки, ваҳм эт,  
Ки Қулзум бўлди Уммон бирла мамзуж.

Олтинчи байтда ташбеҳи музмар билан ҳусни таълил унсурлари мамзуж – қоришиқ шаклда қўлланилиб, гўзал поэтик тасвир ва чуқур фалсафий ҳикмат бир-бирини тўлдирган. Ёрнинг юзи – иймон нурига, зулфи – куфр зулмотига ўхшатилиши мумтоз шеърининг бир неча асрлик анъанасидир. Мажозий муҳаббат мазҳари бўлмиш маҳбубанинг зулфу юзи – бу дунёда имон ва куфр, нур ва зулмат, ҳалол ва ҳаром ҳамиша ёнма-ён туриши, Муҳаммад бор жойда Абу Лаҳаблар ҳам бўлиши ҳаёт қонунияти эканини таъкидлайди. Ҳаёт ҳамиша бир ранг ва бир маромда эмас. Ёрнинг юзига соя солиб турган зулфи қанчалик кўрк бағишлаган бўлса, ғам ва шодлик, роҳат ва ташвиш, ютуқ ва ютқизик, маърифат ва жаҳолатнинг омухта, қоришиқ бўлиши имтиҳон майдони бўлган дунёдаги ҳаётга ҳам ранг ва мазмун, кўрк ва жило бағишлайди:

Юзига тушти зулф, айланг назора  
Ки бўлди куфр иймон бирла мамзуж.

Кейинги уч байт май тимсоли билан боғлиқ. Навоий ижодида май кўп маъноларни ифода этадиган тимсоллардан ҳисобланади. Давр соқийси кўлидан ичилган май қон билан чиқиши – даврон шодлиги қисқа муддатли бўлиб, албатта қайғу ва ташвишларга айланишини англатса, васл майидан умид узиш – фоний ва бебақо дунёда висолдан кўра айрилик, шодликдан кўра қайғу, бахтли онлардан кўра мусибатли соатлар кўпроқ эканлигини англатади. Дунёга келган инсоннинг қисмати шундай – висол шарбатига ҳижрон захри қоришилган, шодлик ва хурсандчилик қайғу ва ғам-ғусса билан эгиз келишига кўниб, ғам ичра шод бўлиш ва шодлик ичра ҳасрат чекишга кўникиб яшаш керак. Навоий ҳам бундан мустасно эмасди:

Навоий сури мотам бўлдим, бор  
Суруди айши афғон бирла мамзуж.

**Олимжон ДАВЛАТОВ**

  
**“Кўнгиллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач...”**  


Кўнгиллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,  
Эрур андоқки, қушлар қичқиришқайлар йилон кўргач.

Кўнгул чокин кўзумда ашки рангин элга фош этди,  
Балиғ захмини фаҳм айларлар эл дарёда қон кўргач.

Кўзум қон ёш тўқар, нетиб кўнгил захмин яшурайким,  
Тонарлар ерда захмин сайд қонидин нишон кўргач.

Бўёлгон қон аро жон пардаси етгач ғами ҳажринг,  
Кўнгил боғида баргедурки ол ўлмиш хазон кўргач.

Хадангинг захми ичиндин балоларни югон ёшим  
Эрур тифле ки, олғай қуш боласин ошён кўргач.

Кўнгиллар нақдини торож этарга ёпмоғинг бурқаъ  
Анингдекдурки, тоз боғлар қароқчи қарвон кўргач.

Юзин зулф ичра то кўрдим, ўлиб васлига етмасмен,  
Ғалат эрмиш юз урмоқ, кеча ўтни ҳар қаён кўргач.

Эрун чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,  
Бас, эл комин раво айла, ўзингии комрон кўргач.

Навоий, хурдаи назмингни андоқ айладинг таҳрир,  
Ки сочқай хурда бошинг узра шоҳи хурдадон кўргач.

V — — — V — — — V — — — V — — —  
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
ҳазажи мусаммани солим

Ўзбек классик шеърияти сирларга тўла бир оламдир. Бу оламнинг тағига етдим деган киши хатога йўл қўяди. Бу бепоеён осмонни қучмоққа уриниш билан баробардир. Қолаверса, у ёки бу шоир ижодининг, айрим ғазалнинг талқии ҳамиша ҳам бир киши томонидан айтилган фикр, яъни хусусий фикр бўлиб қолаверади. У бизга ёкиши ҳам, ёқмасли-ги ҳам мумкин. Умуман олганда эса, буюк шеъриятимиз айниқса Алишер Навоий ижодини ўрганишга интилоқ зарур, мураккаб, аммо марғуб ишдир.

Алишер Навоий ғазалларида ҳамиша “коса, косанинг тағида нимкоса”, балки нимкосалар мавжуд бўлади. Биз, албатта, баҳоли қудрат, имкон етганча илғаймиз. “Кўнгиллар ноласи..” деб бошланувчи ғазал тепасига шоир: “Чим” ҳарфининг чобукларининг чехра кушоиши “Ғаройиб дин” деган сўзларни ёзиб қўйган. Бу — ғазалнинг “Ғаройиб-ус сиғар” девонига мансублигини билдиради. Ҳазаж баҳри шуъбасида ёзилган ушбу ғазал жуда кўп фа-

зилатларга эга. У биринчи қарашда аниқ бир мавзуга бағишланмагандек туюлади. Аммо... Байтнинг биринчи мисраси илгари сурилган фикрнинг исботи учун иккинчи мисрада бир ажойиб образ келтирилади. Бу образ ўзининг мутаносиблиги билан кишини ҳайратда қолдиради, ҳар бир сўз, ташбеҳ, ўхшатиш бир-бирига мос, мақбул...

Биринчи байт, матлаъга эътибор беринг:

Кўнгиллар ноласи зулфунг камандии ногаҳон кўргач,  
Эрур андоқки, қушлар кичқиришқайлар йилон кўргач.

Мутаносибликлар: кўнгил – қуш, нола – кичқирик. Зулф – илон; кўнгил чиндан қушга ўхшайди, парвозни хуш кўради: нола аслан ҳам кичқирикдир, зулфнинг эса илонга ўхшашлиги аён. Классик шеъриятда бир сўз фақат бир маънони билдирмайди, балки ҳали айтганимиздай, тагида нимкосаси ҳам бўлади. Масалан, ушбу байтда “кўнгил — қуш” дедик, йўқ, у бу ерда инсонни билдиради, “зулф”, тасаввуфга кўра, ўзгарувчан олам тимсоли, беқарорлик рамзи. Шу вайдан ҳам у илонга ўхшатилмоқда, илон эса ҳамisha беқарордир, ҳамisha ўзгариб туради.

“Каманда” — тузоқ, кўнгилларни илинтирувчи тузоқ, банд деганидир. Шуларга кўра, байтдаги “коса” ушбудар: кўнгиллар зулфинг ҳалқасини кўргач, бамисли илон олдида турган қушларнинг кичқирганларидай нолалар айлайди. Биз илғаган “нимкоса”: киши бу оламнинг беқарорлигидан азоб тортади, унинг тузоқларида нола чекади. Иккинчи сатрдаги “қуш” — энди қуш эмас,— одам, кичқирик — ох-фарёддир, илон эса бу оламнинг бало-қазолари тимсолидир.

Иккинчи байтда:

Кўнгил чокни кўзумда ашки рангин элга фош этди,  
Балиғ захмини фаҳм айларлар эл дарёда қон кўргач.

— мисраларини ўқиймиз. Одатда ҳар бир байтнинг ўз “умри”, ўз “ташвиш”лари бор. Улар бир қараганда ўзаро боғланмагандек, лекин мазмунан муштараклик бирлаштириб туради.

Ғазални, таъбир жоиз бўлса, бир кичик қишлоққа ўхшатгим келади. Байтлар бамисоли уйлардек, дарвоқе, “байт” сўзининг бир маъноси уй ҳам демақдир. Бу ерда ҳам шундоқ.

Ҳажрингда кўнглим чок-чокидан сўкилиб кетди, буни кўзимдан оққан рангин ёшларимдан ҳам билса бўлади – фош этиб турибди. Ахир дарё юзида қонли сувни кўрган кишилар, балиқнинг жароҳатланганлигини тез фаҳмлаб оладилар. Кўнгил – балиғ, чок – захм, иккиси ҳам кўздан ниҳонлиги билан ўхшаши; кўздаги ашк – дарёдаги қон, фош этмоқ – фаҳм айламоқ бир-бирларига мутаносиб тушунчалардир.

Учинчи байтда эса бунинг акси: кўзим-ку қонли ёш тўқмоқда, бас, кўнглимдаги жароҳатни яшириб ўлтиришга ҳожат бормикин? Ахир ерда сайд (ов қилинган қуш, илвасин ва ҳ.к) қонини кўрганлар унинг ярадор бўлганлигини дарров англаб оладилар-да.

Бўёлғон қон аро жон пардаси етгач ғами ҳажринг,  
Кўнгил боғида баргедурки, ол ўлмиш хазон кўргач.

...Ғами ҳажрингдан жон пардаси қонга чулғалиб бўлди, боғдаги барг ҳам хазон фасли етганда қизғиш тусга киради... Бу ерда ҳам мутобик (параллел)лар: жон пардаси – барг, ғами ҳажр – хазон фасли, бўлмоқ – ол ўлмоқ. “Кўнгил” сўзи эса бутун борлиқ маъносида келмоқда.

Бешинчи байт. Вужудимда ишқинг камони отган ўқдан пайдо бўлган захмларни балоларии бетиним кўзёшларим юваётир, бу худди болаларнинг қуш уясини кўриб жиш полопонларни олишларига ўхшайди. Захм ичи — ошён, балолар — қуш болалари (тажнис кўриниши), кўзёшлар — болалар мутобиклари чиройли.

Олтинчи байтда ундан ҳам ёрқин, тиниқ манзара чизилади: кўнгиллар нақдини талон-тарож этмоқ учун юзларингга бурқаё (парда) ташлаб олибсан, ҳа-ҳа, қароқчи ҳам карвонга ташланиш олдидан юз-кўзларига ниқоб кийиб олади... Бири-чи мисрадаги мавҳум тасвир иккинчи мисрадаги ажойиб образ билан катта ҳаётий манзара касб этади.

Юзин зулф ичра то кўрдим, ўлиб васлига етмасме \_\_  
Ғалат эрмиш юз урмоқ, кеча ўтни ҳар қаён кўргач.

Шоҳ байтлардан бири! Байтдаги “коса”: зулфунг ичра юзингни кўриб қолдим, аммо ортиғи менга насиб эрмас... Агар кечаси ҳар қаёнда ўт ёниб турган бўлса қай бирига юз уриб борурсан?

“Нимкоса” тасаввуфга кўра юз — бу, ҳокими мутлак, ҳақ таола тимсоли, зулф — беқарор ўзгарувчан олам, зулмат... Демак, зулматларга чўмилган беқарор олам ичра ул ёруғ сиймони (ҳақни) кўриб қолдим, аммо ўлсам ҳам васлига ета олмаслигим аён, чунки ловуллаб турган оловга юз уриб бормоқ кўрқинчли ва хатодир, куйдириб кул қилади: Байтда “Зулф — кеча” мутобиғи, “юзин — юз урмоқ” товуш уйғунлиги ҳам кузатилади.

Тўққиз байтнинг еттитаси таърифи шундайдир. Биз турли бир-бирига ўхшамаган манзараларни томоша айладик.

Илонни кўрганда чирқиллашиб қичқирган қушлар, дарёда қони пайдо бўлганидан яралангани маълум балиқлар, ерда қони қолган сайдлар, куз фасли келганда боғлардаги баргларнинг қизара бошлаши, қуш уясидан жиш полопонларни шафқатсизларча олаётган болалар, карвонни кўрганда юзини яшириб олган сахройи қароқчилар, тун-кечада ҳар қаёнини гўтиб кетган гўлхан, оловлар... Ранг-баранг лавҳалар, барчаси ҳаётдан олинган, биз уларни ҳар қадамда учратганмиз, шоҳиди бўлганмиз, завқланиб ҳайратга тушганмиз, таъсирланганмиз.

Улар таниш, аммо шоирнинг сеҳрли қалами остида бизга янги бўлиб туюладилар.

Юқоридаги тасвирлардан ҳаёт, борлиқнинг кенг манзараси намоён бўлгач, шоир энди, ҳаёт ҳақида, шундай ҳаёт қўйнида яшаётган инсон умри, умр мазмуни ҳақида шундай хулоса ясайди:

Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши боқий,  
Бас, эл комин раво айла, ўзунгни комрон кўргач.

...Ўзинг бахт-саодатга эришгач, элнинг ҳам мурод-мақсадга етишишига саъй-ҳаракат кўргиз; билгилким, бойлик, давлат ўт-кинчидир (фонийдир), яхши от эса боқийдир. Бас, яхши от қолдирмакка шошил... Бу ўзгарувчан оламда яшар экансан, беқарор оламда қарор топмоқчи бўлсанг, ана шуларни ёддан чиқарма, деган фикр ётибди тағматнда. Ҳазалдан кўзланган мақсадга, чамаси, энди етиб келдик...

Ғазалга нуқта қўйишдан аввал, юқоридаги саккиз байтга кўз югуртирган шоир равон оҳанг, гўзал ташбеҳлар, шеърий санъатлар, сирлар пайдо бўлганини кўриб бир лаҳза гурурли хаёлга берилади, “катта кетади”:

Навоий, хурдаи назмингни андоқ айладинг таҳрир,  
Ки сочқай хурда бошинг узра шоҳи хурдадон кўргач!

...Эй Навоий, сен шеърингга сирларни шундоқ жойлай олдингки, энди уни кўриб заковатли нозикфаҳмлар подшоси бошинг узра зарлар сочажак! Бу ерда тажнис санъати кўриниб турибди: хурда — сир, яширин сир; хурда — зар, олтин резалари; хурдадон — нозик нарсаларни билувчи, ўткир заковатли киши маъносида англашилади.

Шоирнинг “катта кетганича” ҳам бор. Биргина ғазалдан етти хил образ ишлатиб, еттита бир-бирига ўхшамайдиган манзаралардан ҳаётнинг кенг тасвирини яратган, боқийлик ҳақида файласуфона фикр айтишда тазоду тажнис каби ва бошқа шеърий санъатлардан ҳўб фойдалана олган улуг Алишернинг бошига ҳар қанча зар сочсалар арзийди.

Мухаммад АЛИ



---

**“Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач...”**

---



Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,  
Эрур андоқки, қушлар қичқиришқайлар йилон кўргач.

Кўнгул чокин кўзумда ашки рангин элга фош этти,  
Балиғ захмини фаҳм айларлар эл дарёда қон кўргач.

Кўзум қон ёш тўкар, нетиб кўнгул захмин яшурайким,  
Топарлар ерда захмин сайд қонидин нишон кўргач.

Бўёлган қон аро жон пардаси еткач ғами ҳажринг,  
Кўнгул боғида баргедурки, ол ўлмиш, ҳазон кўргач.

Хадангинг захми ичиндин балоларни юган ёшим,  
Эрур тифлеки, олғай қуш боласин ошён кўргач.

Кўнгуллар нақдини торож этарга ёпмогинг бурқаъ  
Анингдекдурки, юз боғлар қаракчи корвон кўргач.

Юзинзулфичра то кўрдумўлубваслиғаетмасмен,  
Ғалат эрмиш юз урмоқ, кеча ўтти ҳар қаён кўргач.

Эрурчуноламичражоҳфоний, яхши от боқий,  
Бас эл коминравоайлаўзунгникомронкўргач.

Навоий, хурдаиназмингниандоқайладингтаҳрир,  
Ки сочқай хурда бошинг узра шоҳи хурдадон кўргач.

V — — — V — — — V — — — V — — —  
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
ҳазажи мусаммани солим

### Луғат

**Каманд** – арқон

**Йилон** – илон

**Ол** – қизил

**Хаданг** – ўқ

**Тифл** – гўдак

**Ошён** – уя, ин

**Бурқаъ** – ёпинчик, юзга тутган парда

**Ком** – ҳожат, истак

**Комрон** – мақсадига эришган, бахтиёр

**Хурда** – ширинлик; дурру гавҳар; ҳикматли сўз  
**Хурдадон** – нозиктабъ, ингичка фикрловчи

### **Насрий баён**

1. Зулфинг арқонини ногаҳон кўрган кўнгилларнинг ноласи кушлар илонни кўргач қичқиришларига ўхшайди.
2. Рангин ашким элга кўнглимдаги захмларни ошкор этди. Эл дарёда қон кўргач, балиқларнинг захмини тушунадилар.
3. Кўзим қон ёш тўқар, кўнгил захмини қандай яширайким, ердан қонли нишонини кўргач, одамлар сайдни топадилар.
4. Ҳажринг ғами етқач, қонга бўялган жоним пардаси хазон етганда қизил тусга кирган, кўнгил боғидаги бир япроқдир.
5. Отган ўқинг захми ичидан балоларни ювган кўз ёшим қуш уясини кўриб, ичидан полапонларини олган ёш болага ўхшайди.
6. Кўнгиллар хазиначисини талон-тороғ этмоқ ниятида юзинг-ни бурқаб – парда билан ёпишинг – қароқчи қорвонни кўргач юзини боғлаб олишга менгзайди.
7. Зулфи орасида юзини кўрдим, ўлиб ҳам васлига етмасман. Ҳар қаёнда кечқурун ўтти кўриб юзланмоқ ногўгри ишдир..
8. Бу оламда жоҳ, амал ва мансаб ўткинчи, яхши от эса боқий экан, бахту давлатга эришганингда элнинг ҳолатини ҳам раво айла.
9. Эй Навоий, ширин назмингни шундай таҳрир қилдингки, нозиктабъ султон уни кўрса, бошингдан дурру гавҳарлар сочади.

### **Шарҳ ва изоҳлар**

Олдинги ғазаллар шарҳида ғазаллар шакл ва мазмунига қараб матбўъ ва маснўъ турларига бўлинишини айтиб ўтгандик. “Чим” ҳарфи туркумини бошлаб берадиган ушбу ғазал ҳам матбўъ ва ҳам маснўъ ғазаллар талабига тўлақонли жавоб беради. Ғазалда маънавий санъатлар ичида энг кўп қўлланиладиган поэтик ифоданинг бири – тамсил санъати етакчилик қилади. Шоир ўз фикр ва хулосалари, ички кечинмаларини ҳаётий деталлар ва шоирона

тасвирлар асосида далиллаштириш жараёнида ташбеҳнинг турли унсурларидан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Жумладан, матлаъда ёрнинг сайёд арқонига ўхшаган бурама зулфини кўрганда кўнгилларнинг нола чекишини илон кўрган қушларнинг қичқиришига ўхшатилиши тасвирга олинаркан, тасвир жараёнида ташбеҳи музмар (пинҳона ўхшатиш) ва ташбеҳи мусалсал билан тамсил санъати имкониятларидан барабар қўллаб, поэтик мантиқ ёрдамида фикрини далиллайди:

Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,  
Эрур андоқки, қушлар қичқиришқайлар йилон кўргач.

Матлаъда табиатда учраб турадиган ҳодиса – илоннинг қушлар уясига ҳужум қилиши далиллаш асосини ташкиллаштирган бўлса, иккинчи байтда инсон иштирокидаги бошқа ҳодиса – балиқ ови жараёни тамсил қилинган. Ошиқнинг кўзларидан қонли ёш дарёдек оқиши ҳамда ўқ ва бошқа ўткир нарсалар захмидан алиқларнинг қони сувнинг юзасига чиқиши мувозий – параллел тасвирга тортилиб, табиий ва гўзал манзарани жилвагар этган:

Кўнгул чокин кўзумда ашки рангин элга фош этти,  
Балиғ захмини фаҳм айларлар эл дарёда қон кўргач.

Кейинги байтларда ҳолат тасвири тадрижийлик касб этиб, тамсил қилинади билан далиллар ҳам шунга мувофиқ бир-бирини тўлдириб боради. Учинчи байтда энди тўкилган қон ёшлари мажруҳ сайддан ерда нишон бўлиб қолган қон излари каби кўнгилдаги ишқни ошкор этиши ҳақида сўз юритилса, тўртинчи байтда жон кўнгил захмидан қонли бўлиб қолган жон пардаси хазон пайтидаги қизил япроққа ўхшатилади. Ишқнинг ошкор бўлишидан изтироб чекилишига сабаб бор: тасаввуф аҳлининг орасида машҳур бўлган ҳадисга кўра (баъзи манбаларда, бу сўз Абу Наср Саррожга ҳам нисбат берилади), кимки ошиқ бўлса ва ишқини пинҳон тутган ҳолда вафот этса, шахидлик мақомига эришади. Аммо “ким нимага муҳаббат қўйса, ўша ҳақида кўп сўзлайди” (ҳадис) деганларидек, ошиқнинг муҳаббат ўқидан жароҳат кўтарган кўнгилнинг ноалари ва дард зарбидан тўкилаётган кўз ёшлари

уни шаҳидлик мақомидан мосуво қилиб, сиррини элга ошкор этган. Далил сифатида келтирилган тамсил унсурлари ҳам мантикий тарзда бир-бирини тўлдириб борган: байтда илонни кўриб, қичқиришган қунлар; юзаси балиқ қонига тўлган дарё; элдан қочиб, замин узра қонли излари қолган мажруҳ сайд; кузак фасли бошида қизил тусга кирган хазон барги; куш уясидан полапонларини олмоқчи бўлган ёш бола, – буларнинг барчаси кўнгилнинг ишқ кўйидаги ҳол ва мақомлари билан уйғун ҳолда келтирилган.

Кўнгил мулкини торож айлашга чоғлаган маҳбуба юзини парда билан ёпиши – қароқчининг қорвонни кўрганда юзини қора рўмол билан боғлаб олишига ўхшайди:

Кўнгуллар нақдини торож этарга ёнмоғинг бурқаъ  
Анингдекдурки, юз боғлар қарақчи қорвон кўргач.

Бу ўхшатиш – маҳбубанинг юзини кўролмаслик ва бундан иштиёқнинг ортиши мотиви Ҳофиз Шерозийнинг кўйидаги байтини эсга солади:

Маъшук аён меғузарад бар ту, валекин  
Ағёр ҳамебинад, аз он баста ниқоб аст.

Ҳофиз Шерозийда Аллоҳ таолонинг жамолини бу дунёда кўрмаслик сабаби шоирона бир ўхшатиш орқали тушунтирилган бўлса, Навоий байтида умр қарвони йўловчилари учун ишқ сирри ва тавҳид асрори очилмай қолиши ва айни пайтда, мана шу сирлилик тавҳид маърифатига иштиёқни ортишига сабаб бўлишини ифода этиш учу қароқчи ва қарвон тимсолларининг тазодидан фойдаланган.

Еттинчи байт олдинги байтнинг мантикий давоми бўлиб, юздаги имон нури ва зулфдаги қуфр зулмати тазоди тамсил унсурлари билан биргаликда янги мушоҳада ва хулосага ундайди. Тасвирга кўра, юзни ёпиб турган зулф ортидан ёрнинг жамоли қоронғу кечада ҳар томондан тириклик ва ҳаётдан нишона берувчи гулханлар каби ошиқнинг ҳаёлини шундай ўғирлаганки, кимсасиз биёбонда адашиб, бирданига ҳар қаёндан олов нишонини кўргач, қаёққа боришни билмай ҳайрат аросатида қолган йўлов-

чига ўхшаб қолган. Мазкур ташбеҳ Мусо алайҳиссаломнинг қиссасини ҳам ёдга солади: қоронғу кечада Айман водийсида адашиб қолган Мусо бирданига олов нишонасини кўради. Саноксиз гулханлар нишони ичидан у Аллоҳ таоло ҳидояти билан мўлжални аниқ олиб, Тур водийсидаги Сино тоғига чиқиб, ёниб турган дарахт ёнида Аллоҳ таоло билан сўзлашади. Инсон аслий мақсадга эришиш учун ҳар томонга оғишмасдан, тўғри ҳаракат қилса, ғалат қилмасдан – адашмасдан муродига етади, дейди Навоий:

Юзин зулф ичра то кўрдум ўлуб васлиға етмасмен,  
Ғалат эрмиш юз урмоқ, кеча ўтни ҳар қаён кўргач.

Ҳидоят топган киши бу оламнинг мансаб-мартабаси, шон-шавкати, бойлик ва шуҳрати ўткинчи эканини билади. Инсоннинг умрини ҳақили равишда киприк устидаги томчи ёшга ўхшатган донишмандлар ҳамиша яхши ном қолдириш, элга бетаъма ва беминнат хизмат қилишни таъкидлаганлар. Оламда Ҳотами Тойдан бойроқ, Анушервон Одилдан қудратлироқ, Паҳлавон Маҳмуддан кучлироқ зотлар кўп ўтган. Аммо саховат, адолат ва жасоратбобида номи келтирган зотлар барчага ўрнак бўлиб, ўткинчи ҳою ҳавасларни эл манфаатлар йўлида қурбон қилганликлари боис уларнинг номи бутунги кунгача тилларда дoston бўлиб келмоқда. Буюк Навоий ҳам бу шиорга амал қилгани сабаб беш асрдан буён донишманд вазир, беназир мутафаккир ва тенги йўқ шоир сифатида элнинг ардоғида, номи мангуликка дахлдор бўлиб келаётир:

Эрур чун олам ичра жоҳфоний, яхши от боқий,  
Бас эл комин раво айла ўзунгни комрон кўргач.

**Олимжон ДАВЛАТОВ**



## “Жамолин васф этармен ҳамдамим ул гулғузур ўлғач...”



Жамолин васф этармен ҳамдамим ул гулғузур ўлғач,  
Куруқ шох уйлаким зоҳир қилур гуллар, баҳор ўлғач.

Қошин кўргач ҳасаддин истарам эл кўзи боғланғай,  
Нечукким кўз тутарлар эл янги ой ошкор ўлғач.

Жунун эрмас кийиклар суҳбати дермен манга шояд,  
Бир ўқ теккай ғалат, ул қоши ё гарми шикор ўлғач.

Ҳавас ишқ айлаган озода, кечкил бу ҳаёлингдин  
Ки, чиқмас бу тикан кўнглунгда ногаҳ устувор ўлғач.

Дейолмас дард ила иттим, вале билгилки, чекмишмен,  
Бир оҳе барча олам ғусса дуди бирла тор ўлғач.

Қилиб манъи жунунум ул парий кўйига юзланган  
Сўзи ҳашв эрканин фаҳм айлағай, беихтиёр ўлғач.

Қани Ҳотам, қани Қорун, қани Жамшиду Афридун?  
Бас эҳсон қил санга гардундин адно эътибор ўлғач.

Ғуруру жаҳл жоми бирла маст ўлмаки, ўлмақдур,  
Маозаллаҳ, бу майға чарх давридин ҳумор ўлғач.

Навоий шамъдек йиғлаб, куюб ҳолимни шарҳ айлай,  
Ул ой базмида бир тун рост ошиқларға бор ўлғач.

V — — — V — — — V — — — V — — —

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
хазажи мусаммани солим

## Луғат

**Гулъузор** – гул юзли

**Қоши ё** – қайрилмақош, қошикамон

**Гарми шикор** – овга берилиб кетмоқ

**Озода** – эркин, ҳур инсон

**Итмоқ** – йўқ бўлиб кетмоқ

**Тор** – қоронғу, зимистон

**Ҳашв** – ортиқча

**Қорун** – хасислиги учун бойликлари билан ер қаърига кириб кетган инсон

**Жамшид** – шавкатли подшоҳ номи

**Афридун** – адолатли подшоҳ, Фаридун

**Эҳсон** – яхшилик

**Гардун** – фалак, осмон; маж.: Худо

**Адно** – энг яқин

**Жаҳл** – нодонлик

**Маозаллаҳ** – Аллоҳ сақласин

## Насрий баён

1. Баҳор келганда қуруқ шохлар гуллагани каби, гул юзли ни-горим мен билан ҳамдам бўлгач, фақат жамолини васф этарман.

2. Қошини кўргач, ҳасаддан одамларнинг кўзи тушмаслигини истайман. Негаки янги ой чиққач ҳамма унга қарайди.

3. Кийиклар суҳбатини истаганим жунундан эмас. Шоядки ул қоши камоним овга берилиб кетгач адашиб мен томон ҳам бир ўқ отса, деган умиддаман.

4. Эрки ўз қўлидан бўлган инсон, ишқни ҳавас айлабсан, бу хаёлингдан кечгил. Бу тикон мабодо кўнглингда жой топса, қай-тиб ҳеч қачон чиқмас.

5. Дард билан йўқ бўлиб кетдим деёлмасман, аммо бутун олам бир ғусса ҳоҳи билан зулматга айланса, билки, бу оҳни мен чек-канман.

6. Менга жунунни манъ этган киши ул парий кўйига юзланиб, ихтиёр кўлидан кетса, гапруган гаплари ортиқча эканлигини билади.

7. Хотам қани, Қорун қани, Фаридун ва Жамшид қаёнга кетди? Фалак гардиши билан мўътабар киши бўлдингми, кўлингдан келганча яхшилик қилгил.

8. Жаҳолат ва мағрурлик жоми билан маст бўлма. Худо сақласин, агар даврон эврилишидан бу май билан маст бўлиб қолсанг, ҳалок бўласан.

9. Эй Навоий, агар ҳақиқий ошиқлар ул ой базмига қабул этилса, шамъдек йиғлаб, куйиб, ҳолимни унга шарҳ этарман.

### Шарҳ ва изоҳлар

Ҳазалдаги тасвирлардан баҳорий нафас уфуриб турибди. Қаҳратон қишдан чиққан дарахтлар кўкламнинг файзбахш насими эганидан ям-яшиляпроқлар билан бурканиб, гулафшон бўлгани каби, айрилиқ зимистонида қуруқшаб қолган ишқ ва илҳом дарахти хизршева нигорнинг баҳорий ташрифи туфайли гўзаллик ва жамол васфини куйлашга тушмиш. Дарахтнинг мева тугиши учун куртак ёзиб, ғунча очиши қанчалик зарур бўлса, ошиқнинг сўзи ва амалидаги файзу баракат учун ёр жамолининг васфи шунчалик аҳамиятли:

Жамолин васф этармен ҳамдамим ул гулбўзор ўлғач,  
Қуруқ шох уйлаким зоҳир қилур гуллар, баҳор ўлғач.

Иккинчи байтда халқимиз орасида ҳозир ҳам мавжуд бўлган удумга ишора қилинади. Одамлар янги ойни кўргач, бир-бирларига кўрсатиб, эсонлик ва омонлик тилайдилар, бир-бирларини табриклайдилар. Ҳайитларнинг белгиланиши ҳам янги ойнинг кўриниши билан боғлиқ. Ёрнинг қайрилма қошини кўрган эл янги ойдек кўз тутишини хоҳламаган ошиқнинг рашк ва ғаюрлиги жўш уриб, истагини қуйидагича баён этган:

Көшин кўргач ҳасаддин истарам эл кўзи боғлангай,  
Нечукким кўз тутарлар эл янги ой ошкор ўлғач.

Ишқ изтиробидан одамлар орасига сиғмаган Қайслар тоғу тошга юзланиб, кийиклар билан унсу улфат топгани сабабли, Мажнун (девона) лақабини орттирганлар. Ҳазал қаҳрамони бўлган ошиқ ҳам Қайс каби кийикларни ўзига дўст тутингани билан мақсади мажнунликда ном чиқариш эмас, балки овга чиққан ёрнинг хато кетган ўқи туфайли унга жонини толширмоқ эканини баён этиб, бу “узр”и билан жунун водийсининг содиқ фуқароси эканини фош қилиб қўяди. Ишқ жунунига гирифтор бўлган киши бошқалардан фарқли равишда шунчалик беозор ва ҳалим бўладики, ҳатто кийиклар улардан қочмайди. Бошқалар кўзидаги нотаваонлик ва ожизлик аслида кишини бошқалар эълолмайдиган ишларга қодир этиб қўяди. Бу учун ишқ йўлидаги хорлик ва забунликка таслим бошини қўймоқ лозимдир. Ишқ шунчаки ҳавас эмас, балки умрнинг охиригача ҳамроҳлик қиладиган дард, ботин оламининг зийнати, ихтиёрсиз келиб, ихтиёрингни қўлингдан оладиган руҳий қувват эканини ўз нафсига ҳоким бўлган кимсалар шунчаки орзу қилиб ўгажаклар. Бу дардга мубтало бўлган киши агар бир оҳ чекса, бутун олам зулмат ичра қолиши мумкин. Ишқи кайҳоний миқёс касб этган ошиқнинг оҳу ноалари кимларгадир хуш келмай, насиҳат бозорини қизитиши табиий. Одамлар бошқача яшайдиганларни, ҳаётга бошқа кўз билан қараганларни қабул қилишлари қийин бўлади. Ишқ “эа қатори яшаш” имтиёзидан маҳрум этган кишиларга нанд-насиҳат ортиқча эканини фақат бу туйғу билан ошно бўлган кимсалар англайдилар:

Қилиб манъи жунунум ул парий кўйига юзланган  
Сўзи ҳашв эрканин фаҳм айлагай, беихтиёр ўлғач.

Еттинчи байтда муҳаббат мавзуси маърифат талқинига алмашади. Шоир тўртта тарихий шахснинг тақдирига талмех қилиб, умрнинг ўткинчилиги, Ҳотам ва Қоруннинг мол-давлатидан ҳам, Жамшид ва Фаридун мамлакатидан ҳам нишон қолмагани, фақат бу мол-дунёдан ким қандай фойдаланганлигига қараб, кимдир ибрат учун, кимдир сабоқ олиш учун тарихда қолгани, ҳар бир ин-

сон бундан тўғри хулоса чиқариб, ё Ҳотам ва Фаридун каби саховат ва адолат билан, ё Жамшид ва Қорундек зикналик ва гумроҳлик билан келажак авлод ёдида қолиши мумкинлигини англаган ҳолда тўғри яшашга ҳаракат қилиши кераклигини уқтиради. Айниқса, мол-давлат ва ўтқинчи муваффақият билан ғурурланиб, оёғи ердан узилганлар ҳалокатга учраши муқаррарлиги, фалак тегирмони бир маромда айланмаслигини ҳисобга олмаган кишининг бошига кўп мусибатлар тушиши мумкинлиги “ғуруру жаҳл жоми”дан сархуш бўлишни истаган кишиларга бир эслатмадир:

Қани Ҳотам, қани Қорун, қани Жамшиду Афريدун?  
Бас эҳсон қил санга гардундин адно эътибор ўлғач.

Ғуруру жаҳл жоми бирла маст ўлмаки, ўлмақдур,  
Маозаллаҳ, бу майға чарх давридин хумор ўлғач.

Алишер Навоий ўз айтганларига амал қилувчи зотлардан бўлган. “Макорим ул-ахлоқ”да келтирилишича, қачонки султондан бирор марҳамат ёки халқ томонидан бирор эътибор ва эҳтиром кўрса, кимсасиз бир бурчакка бориб, бошидан тупроқ сочгудек бўлиб, Ҳақ таолога тазарру қилиб, кўнглидан ғурур ва манманлик зангини кетказишни сўрар экан. Синиқ қалб ва ҳоксор руҳ ҳосиласи бўлган ана шундай ўғитлар бугунги кунгача таъсирчан ва тақдирларни ўзгартирувчи бўлиб қолмоқда.

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач...”

Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,  
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг?  
Ё юзунгга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?

Тийғ ила пайконларинг етти кўнгул бўлғоч хароб,  
Сув қуюб, тухм экдинг, ул кишварни вайрон айлагач.

Қон эмаским ёпти гулгун ҳулла жаннат хозини,  
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач?

Ошкор айлаб юзин кўзумни ҳайрон айлади,  
Ёшурун олди кўнгул кўзумни ҳайрон айлагач,

Жонға қўйғоч нақди ишқин қилди кўнглумни ҳалок,  
Ўлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.

Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,  
Бас, недурким қон келур оғзингдин афғон айлагач.

– V – – – V – – – V – – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
Рамали мусаммани маҳзуф

### Луғат

**Анбарафшон** – анбар сочувчи, хушбўй ҳид таратувчи (анбар – балиқ меъдасидан олинадиган юмшоқ мумга ўхшаш хушбўй модда)

**Кишвар** – мамлакат, юрт

**Ҳулла** – янги либос

**Хозин** – хазина эгаси, хазинабон

**Мақтул** – қатл этилган, ўлдирилган

**Шаҳид** – қурбон бўлган, ўлган

**Урён** – яланғоч

**Ошкор** – намоён этиш, кўрсатиш

**Нақди ишқ** – ишқ, ишқ ҳақиқати, ҳақиқий ишқ

**Ганж** – хазина, бойлик

**Афғон** – дод-фарёд, фиғон

## Насрий баён

Юзида анбардай хушбӯй сочини ёйганда (маъшуқанинг) ҳусни яна ҳам ортади, у гўзалроқ бўлиб кўринади, зеро шамчиरोқнинг ипини кесиб, тозалаб ёқсалар, у яна ҳам равшанроқ ёнади.

(Эй ёр) юзингни гуллар билан безаб, бизни қурбон айладингми ёки бизни қурбон қилаётганингда қонимиз юзингга сачрадимиз?

Кўнглим хароб-у беҳол бўлганда тийгинг ва кипригинг келиб етти. Гўёки кўнгил мамлакатини вайрон этгач, сув қуйиб янгидан уруғ эккандайсан.

Бу қон эмас, балки ишқ йўлида қатл бўлган шахидни ялан-ғочлаб, жаннат ҳазиначиси ёпган гул рангли либосдир.

Яширин равишда кўнглим кўзини ҳайрон этгач (Ёр) юзини очиб, кўзимни ҳайрон қилди. (Ёки: юзини очиб кўзумни ҳайрон этгач, яширин равишда кўнглимни забт этди)

Ишқнинг нақди – баҳосини жонимга қўйгач, у кўнглимни ҳалок айлади, зотан, агар султоннинг ишонган одами хиёнат қилиб, хазинани яширса (ўзлаштирса), султон албатта уни ўлдиради.

Эй Навоий, агар ишқ кўнглингни мажруҳ этмаган бўлса, унда нега оху нола, афғон чекканингда оғзингдан қон келади?

## Шарҳ ва изоҳлар

Ҳазал мақтасида ёр ҳусни таърифи, зулфини ёйганда яна ҳам чиройлироқ бўлиб кўриниши шам учини силкитиб тозалаганда равшанроқ шуълаланишига ўхшатишган. Бунда юз, зулф, анбар, шам тимсоллари воситасида гўзал юзнинг жилоси, порлаши тасвирланган.

Айни шу юз очилиши, порлаб нур таратиши кейинги байтларда давом эттирилган ва бунинг ошиқ қалбига таъсири муносиб бадиий образлар қиёси орқали хушоҳанг бир тарзда гавдалантирилган.

Чунончи, қизил гул ва қон, камон ўқининг учи ва сув, қон ва гулранг либос, ишқ ва ганж ташбеҳларининг мутаносиб рангларида устакорона фойдаланган. Натижада моҳир рассомнинг

ранг тасвиридай мазмунан ҳазин бўлса-да, чуқур орифона маъноси билан кишини ром этувчи лавҳа ҳосил бўлган.

Умуман, ранглар, ташбеҳлар қиёсидан санъаткорона фойдаланиш Навоийнинг севган усулларида. Ушбу ғазалда эса Ёр жамолининг порлаб кўриниши ва ошиқ кўнглининг бундан изтироби, садоқати тасвирланган. Ошиқ ишқ йўлида қурбон бўлса ҳам мақсадидан қайтмайди, ахир, ишқ йўлида шаҳид бўлганлар Аллоҳнинг марҳаматига нойил бўлиб, жаннатнинг гулгун либосини киядилар.

Бу байтда ажойиб бир ишора бор: Ҳақ йўлида шаҳид бўлганлар, дейилади ислом манбаларида, кафан қилинмасдан ўз кийимлари билан кўмилиши лозим. Аммо нариги дунёда уларга жаннат гулидан тикилган хулла – гулгун ҳарир либос ҳадя этилади. Демак, Навоий наздида чин ошиқнинг мартабаси ниҳоятда улуғ.

Ушбу ғазал байтларида орифона маънолар ҳам бор. Аммо биз бунга бу ерда тўхтамадик, чунки Навоийнинг поэтик дунёси, бадиий ҳаёлот мазкур ғазалда кўпроқ дунёвийдир.

**Нажмиддин КОМИЛОВ**



---

**“Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач...”**

---



Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,  
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

Юзнигуллардинбезабмубизниқурбонайладинг,  
Ё юзунгга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?

Тийғ ила пайконларинг етти кўнгул бўлғоч хароб,  
Сув қуюб тухм экинг, ул кишварни вайрон айлагач.

Қонэмаскимёптигулгунҳуллажаннатхозини,  
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач.

Ошкор айлаб юзин кўзумни ҳайрон айлади,  
Ёшурун олди кўнгул кўзумни ҳайрон айлагач.

Жонға қўйғач нақди ишқинг қилди кўнглумни ҳалок,  
Ўлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.

Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,  
Бас недурким, қон келур оғзингдин афғон айлагач?!

–V-- –V-- –V-- –V–

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
Рамали мусаддаси маҳзуф

### Лугат

**Анбарафшон** – ифор таратувчи

**Пайкон** – ўқ

**Гулгун** – қизил ранг

**Хулла** – ҳарир қўйлак

**Хозин** – ҳазинабон

**Мақтул** – қатл этилган

**Нақд** – гавҳар, олтин

**Маҳрам** – энг ишончли киши; содиқ хизматкор

**Ганж** – ҳазина

**Афғон** – фиғон, нола

### Насрий баён

1. Юзида анбардек ифорли зулфини ёйганда ҳусни янада ортади. Ҳа, шамнинг тори паришон айлагач, яна равшанроқ нур таратади.

2. Сен юзингни гуллардан безаб бизни қурбон этдингми, ёки бизни қурбон келтирганингда юзингга қонимиз сачрадимми?

3. Кўнгил хароб бўлгач, тиг билан ўқларинг етиб, гўёки бу мамлакатни вайрон қилгандан сўнг сув қўйиб, экин эккандай бўлдинг.
4. Бу қон эмас, балки жаннат хазинабони ишқ йўлида шаҳид кетгани кафан ўрнига қизил рангдаги ҳарир қўйлак билан ёпди.
5. Юзини кўрсатиб, кўзимни ҳайрон этди. Кўзимни ҳайратда қолдириб, кўнглимни пинҳона ўғирлади.
6. Жонимга ишқ гавҳарини қўйиб, кўнглимни ҳалок этдинг. Султон хазинасини пинҳон айлагач, маҳрамини ҳалок этади.
7. Эй Навоий, агар ишқ кўнглингни мажруҳ этмаган бўлса, нега фиғон тортганингда оғзингдан қон келади?!

### Шарҳ ва изоҳлар

Мазкур ғазал асосида халқимиз севиб тинглайдиган машҳур қўшиқ яратилган. Холхўжа Тўхтасиновга мансуб оҳанг асосида Саодат Қобулова, Муножот Йўлчиева каби қўшиқчиларимиз томонидан ажойиб тарзда ижро этилган. Ғазал ўзининг содда баёнлиги, тушунарлилиги, Ҳазрат Навоийнинг ўз таъбири билан айтганда, турконалиги билан кишини мафтун қилади. Дийдор лаззатидан ҳосил бўлган сатрлар руҳиятга ажиб фараҳ ва хушнудлик бағишлаб, тасвирлар гўзаллик ва яхшилик мушоҳадасидан завқ ва баҳрамандлик туйғусини қувватлантиради.

Шамнинг пилиги ёйилганда яхшироқ нур таратгани каби, ёр порлоқ юзи узра зулфини паришон айлаганда хусни янада ортади, дейилган матлаъда. Байтда гўзал шоирона ташбеҳ орқали чуқур фалсафий-ирфоний ҳикмат ҳам мужассам. Зулф – дунёга, юз – илоҳий нур мазҳарига ўхшатилиши ҳақида айтиб ўтгандик. Тасаввуфий шеърият аҳли орасида қуйидаги мазмундаги қудсий ҳадис ҳам жуда машҳур бўлган: Аллоҳ буюради: Мен махфий бир ҳадис эдим, сўнгра танишини истадим ва оламларни яратдим. Демак, юзда зулфни паришон қилиш – Аллоҳ ўз жамолини намоён этиш мақсадида бу оламни яратгани ҳақидаги ушбу ҳадис мазмунига ҳам ишора бўлиши мумкин. Бу дунёдаги барча гўзалликларнинг асл сарчашмаси – Мутлақ Жамол ва Мутлақ Жалол соҳибининг Ўзи ҳам гўзалликни хуш кўради. Ҳадиси шарифдаги “Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни яхши кўради” ҳукмига биноан, мумтоз

шеъриятимизнинг қасру равоқлари ҳам гўзаллик ҳақидаги гўзал сўзлардан бино бўлган:

Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,  
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

“Насойим ул-муҳаббат”да келтирилишича, Фатҳ бин Али Мав-  
силий деган бир авлиё қурбон байрамида кўрдиким, халойиқ қур-  
бонлик қиладур. Деди:

– Илоҳий, билурсенки, Сенинг учун қурбон қиладиган бирор  
нарсам йўқдир. Жонимни сенга қурбон қилайин, – деб, бармоғи-  
ни бўғзига тортди ва йиқилди. Бошига келсалар, жон берганди ва  
бўғзида яшил хат кўринарди.

Иккинчи байтда қурбон сўзини икки марта келтириш орқали  
қурбон ҳайитидаги ҳолатга ишора қилинган. Ҳайит куни минглаб  
жонлиқлар қурбон келтирилади. Қассоб юзига сачраган қонлар-  
га парво қилмасдан, навбатдаги жонлиқни сўйишга чоғлангани  
каби, қизил юзли нигор ҳам ошиқларини навбатма-навбат қур-  
бон айлашга тайёр. Ёрнинг дийдори ҳам қурбон ҳайитидек катта  
байрам. Фарқи шундаки, бунда жонлиқ эмас, ўз жонини қурбон-  
ликка келтиришади:

Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг,  
Ё юзунгга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?

Учинчи байтда итоатсиз ва исёнкор ўлкаларда фотиҳлар то-  
монидан қўлланиладиган жазо – бузилган ўлкага сув қўйиб, ғалла  
экиш удуми тамсил сифатида келтирилади. Бу жазо энг бўйсун-  
мас ва саркаш улусларга қўлланилганини ҳисобга олсак, ёрнинг  
ошиқ қўнгли бошига солган бало аслида айни раҳмат эканлиги,  
яъни кибру ҳаво ва худбинликка мубтало бўлган қўнғилни вайро-  
нага айлантириб, ўрнига меҳр-шафқат ва муҳаббат уруғини экка-  
ни ойдинлашади:

Тийғ ила пайконларинг етти кўнгул бўлғоч хароб,  
Сув қуюб тухм экиннг, ул кишварни вайрон айлагач.

Ислом таълимотига кўра, шаҳидлар ювиб, кафанланмасдан, ўз кийимлари билан дафн этилади. Ҳадислардан берилган башоратларга кўра, уларга жаннат фаришталари қизил рангдаги ҳарир кўйлак кийдириб қўйишади. Ишқ йўлида ҳалок бўлган, яъниким муҳаббат туфайли гўёки бутунлай янги одам бўлиб қайта туғилган кишининг кўнгли ҳам жаннат ичра сайр қилиб юрган шаҳидларнинг ҳаловатини туяди:

Қон эмаским ёпти гулгун ҳулла жаннат хозини,  
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач.

Бешинчи байтда ошкор ва ёшурун сўзларининг тазодидан фойдаланган ҳолда муҳаббат бутун вужудини қамраб олгани, зоҳир ҳам, ботин ҳам маҳбубанинг мулкига айланигани ҳақида сўз боради. Олтинчи байтни изоҳлаш учун “ганж” сўзига алоҳида изоҳ беришимизга тўғри келади. Ганжнинг луғавий маъноси хазина бўлса-да, аслида бошқалар кўзидан яширин ҳолда тоғда, дарахт ё девор остида кўмилган бойликка нисбатан қўлланилади. Бу бойликдан кундалик эҳтиёж учун эмас, балки энг зарур пайтда фойдаланилади. Шунингдек, мазкур хазинанинг жойини фақат бир киши – султоннинг ўзи билган. Хазинани яширишга кўмаклашган сирдош маҳрам ҳам ўлдирилган.

Ишқ гавҳари ошиқ жонида яширингандан кейин кўнглининг ҳалок этилиши ана шу удумга ишора қилинади. Маълум бўладики, муҳаббат гавҳари, яъни имон ва эътиқоднинг макони жонда экан, буни султоннинг ўзи, яъни бу гавҳарнинг асл эгаси – Аллоҳ таоло бизга инъом этган экан:

Жонға қўйғач нақди ишқинг қилди кўнглумни ҳалок,  
Ўлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач.

Бу ганжни пинҳон тутиш, ёмон кўздан асраш ҳаминша ҳамманинг қўлидан ҳам келавермайди. Ишқ шундай дардки, пинҳон тутганинг сари ошкор этувчи нишонлари кўпаяверади. Айниқса, кўнглини ўз мулкига айлантирган муҳаббат ўтли нолалар, қонли кўз ёшларга сабаб бўлади. Ҳатто, Навоий келтирганидек, фиғон чекканда оғиздан қон келиш ҳам шунчаки муболағали тасвир

эмас, балки айни ҳақиқат бўлиб қолаверади. Буни ишқ дардидан боҳабар одамлар жуда яхши билишади. Шу сабабдан бўлса керак, мазкур қўшиқ узоқ йиллардан бери ошиқлар кўнглига малҳам, севишганлар учун ёру ҳамдам бўлиб келмоқда:

Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,  
Бас недурким, қон келур оғзингдин афғон айлагач?!

Олимжон ДАВЛАТОВ



### “Етишса ишқ аро юз меҳнату бало, қадах ич...”



Етишса ишқ аро юз меҳнату бало, қадах ич,  
Нафас-нафас қуюбон май тўло-тўло, қадах ич.

Мукаддар ўлса замиринг замона меҳнатидин,  
Агардесанг, бера йул кўзгуга жило, қадах ич.

Нишот базмида соқийи моҳваш сархуш  
Бош урса доғи аёғ тутса, қўл сола қадах ич.

Жаҳон ишида боқиб халқ ибтилолариға,  
Алардек истамасанг ўзни мубтало, қадах ич.

Десанг халоу-малода бўлай нишот била,  
Агар мало, қадах ичқил, вагархало, қадах ич.

Риё ичинда неким ҳосил эттинг, эй зоҳид,  
Десанг халос ўлай, эт раҳну ҳосило, қадах ич.

Сангаки дайр элининг шоҳисен, Навоий, агар  
Йулукса дайрда махмур, уруб сало, қадах ич.

V-V- VV-- V- V- VV-  
мафоилун файлотун мафоилун файлун  
мужтасси муссаммани махбуни маҳзуф

## Лугат

**Меҳнат** – азоб, машаққат  
**Мукаддар** – кудуратли, ғубор қоплаган  
**Замир** – ботин, кўнгил  
**Нишот** – шодлик  
**Моҳваш** – ой каби, гўзал  
**Доғи** – яна, ҳамда  
**Аёғ** – жом, қадаҳ  
**Ибтило** – бало, азият  
**Халоу-мало** – бўшаган ва тўлган; ҳамиша  
**Раҳи** – гаров  
**Ҳосило** – қисқаси, алқисса  
**Махмур** – маст, хумор  
**Сало урмоқ** – чақирмоқ, жар солмоқ

## Насрий баён

1. Ишқ аро юз бало ва меҳнат-машаққат етишса, қадаҳ ич. Ҳар нафасда майни тўлдириб-тўлдириб қадаҳ ич.
2. Агар кўнглингга замона машаққатларидан ғубор қўнса, бу кўзгуга жило бермоқчи бўлсанг, қадаҳ ич.
3. Ойчеҳра соқий шодлик базмида сархуш бўлиб келса ва сенга бошини эгиб, жом тутса, қўл солибон қадаҳ ич.
4. Халқнинг дунё ташвишларига гирифтор бўлганларини кўриб турибсан. Агар улар каби мубтало бўлмоқчи бўлмасанг, қадаҳ ич.
5. Ҳамиша шоду хурсанд бўлай десанг, ғамга тўлган пайтингда ҳам, ғамдан қутулган пайтингда ҳам қадаҳ ич..
6. Эй зоҳид, риёкорликдан нима ҳосил этган бўлсанг, бирваракай қутулмоқчи бўлсанг, алҳосил, қадаҳ ич.

7. Сен – дайр элининг шоҳисан, агар Навоий дайрда май ҳумори тутган ҳолда учраб қолса, уни ҳам чақириб, бирга қадах ич.

### Шарҳ ва изоҳлар

Мумтоз адабиётшунослигимизда мажознинг ўн бешдан ортиқ унсурларини ажратишган. Ана шундай мажозий ифоданинг унсурларидан бири “зикри зарф – иродаи мазруф” деб номланган. Унга кўра, ифодада “жом” ё “қадах” қўлланилгани билансўзловчининг асл мақсади қадах эмас, балки қадахдаги шаробдир. “Қадах ич” радифидаги ғазалда шоир шароб ичинга тарғиб қилади.

Биламизки, Навоий шеъриятида май ё шароб иккала маъносида ҳам қўлланилган. Шароб маст қилувчи спиртли ичимлик маъносида келган пайтларда (бундай ҳолатларда кўпинча чоғир сўзи қўлланилади) шоир энг қалтис ўхшатмалар, энг кескин иборалар билан шаробхўрликни танқид қилади, майзадаликка нафратини очиқ-ошкора намоён этади. Бундай фикрлар, айникса, қитъаларда ва “Хамса” дostonларида кўп марта баён этилган.

Лирик асарларда эса, девоннинг биринчи ғазалида баён этилганидек “ўзга жому май”дан сўз юритилади. “Қадах ич” ғазали ана шу майнинг хосиятлари ҳақида битилган десак, адашмаган бўламиз.

Матлаъда бу қадахдаги шароб ишқ йўлида юзланадиган юз машаққат ва балоларга даво ва дармон бўлиши таъкидланган. Иккинчи мисрадаги нафас-нафас билан тўло-тўло иборалари тақрир санъатининг талабларини вужудга келтириш баробарида яна бир муҳим ирфоний масалани ҳам ифода этади.

“Хайрат ул-аброр”да нафас ҳақида қуйидаги сатрлар мавжуд:

Борчани қўйдуқ муни-ўқ айту бас,  
Ким бунафаским, сангадур ҳамнафас,  
Кирмаги бир неъмат эрур муғтанам,  
Ўйлаки кирмаклиги чиқмоғи ҳам.

Бири эрур кути ҳаётинг сенинг,  
Яна бири қуввати зотинг сенинг.  
Бу икки неъматки намудордур,  
Ҳар бирига шукр ери бордур.

Мумкин эмас жон агар этсанг фидо,  
Икки нафас шукрини қилмоқ адо.

Ўқувчига тушунарли бўлиши учун Насрий баённи ҳам келтиришни лозим деб топдик: Барчани, қўй, шу сенинг ҳаётингга сабаб бўлувчи нафаснинг баданингга киришининг ўзи ғанимат. Олинган нафас ўз вақтида чиққани ҳам яна бир ғанимат. Олган нафасинг – тириклигинг учун ғизо бўлса, чиқарган нафасинг зотинг қувватига сабабдир. Бу икки неъматнинг ҳар бирига шукр қилмоқ лозим. Агар жонингни фидо этсанг ҳам ушбу икки неъмат – олинган ва чиқарган нафасларинг ҳаққини адо этолмайсан.

Маълум бўладики, ишқ аро етишган балолар учун ичилган қадах – бу ҳар бир нафас учун қилиниши лозим бўлган шукроналик шароби экан:

Етишса ишқ аро юз меҳнату бало, қадах ич,  
Нафас-нафас қуюбон май, тўло-тўло қадах ич.

Шоир васф этган қадахдаги шароб шундай синоатли ва шифобахш хосиятлари мўлки, у замонанинг зайлидан қалбга кўнган гурду губорларни тозалаш, кўнгил кўзгусини сайқаллаб, пок тутиш учун ҳам энг зарур ва керакли воситадир. Бу шаробни ичган одам дунёнинг ташвишларидан буткул фориг бўлиб, нишот-шодлик базмида косагўл – соқийнинг илтифотига сазовор бўлади. Дунё ишига шўнғиб кетган одамлар майда орзулар кетидан энгазиз нарсаси – умрни сарфлаб, ҳасрат ва надоматдан ўзга ҳеч нарсага эришмайдилар. Кўпчиликнинг умри беҳудага ўтганига сабаб – маърифат шаробидан ичмаганидир. Басират кўзини очиб, нарсалар ҳақиқатини кўра оладиган, моҳиятга етиш малакасини шакллантирувчи бу шароб маънавий сўқирлик балосига мубтало бўлишдан асрайди:

Жаҳон ишида боқиб халқ ибтилолариға,  
Алардек истамасанг ўзни мубтало, қадах ич.

Бешинчи байтда халоу-мало ибораси орқали нақшбандийликнинг “хилват дар анжуман” ғояси талқин этилган. Навоий ихлос билан куйлаган бу тариқатнинг ақидасига кўра, инсон ҳамиша

бир хил ҳолатда бўлиши, ёлғиз қолганда ҳам, одамлар ичида бўлганда ҳам кўнгли Ҳақ зикрида бардавом бўлиши керак. Ўшанда унинг олган нафаслари ғафлат пардаларини очиб, огоҳлик ва маърифатнинг нурли мақомларига ёвуқ боради:

Десанг халоу-малода бўлай нишот била,  
Агар мало, қадах ич қил, вагархало, қадах ич.

Риёкорлик билан амалга оширилган иш дунёда ҳам, охиратда ҳам кишига обрў келтирмайди. Бекорга риёни кичик ширк деб атамаганлар. Икки дунё саодатига эришишнинг асосий ва энг қийин шартларидан бири – риёдан қутулмоқдир. Риёкорлик – зуҳд ва тақво йўлидаги энг катта маънавий офатлардан ҳисобланади. Муҳаббат ва маърифатсиз чекилган риёзат кишида Ҳақ ризосини топиш ўрнига одамларнинг олдида эътибор ва шуҳрат топишдек илинжларни қувватлантиради. Бунинг ягона чораси – кўнглини ихлос ва итоат, муҳаббат ва маърифат маконига айлантирувчи, ҳолис эътиқод ва маънавий нажотга сабаб бўлувчи муҳаббат дардига ошно бўлмоқ керакдир. Бу муҳаббат маърифатсиз ҳосил бўлмас. Имом Ғаззолий айтганидек, киши ўзи маърифат қилган нарсагагина муҳаббат қўя олади. Билмаган нарсаси уни доимо хавотир ва қўрқувга солади. Шунинг учун, зоҳидлик ва тақво йўлига қадам қўйган киши ҳам бу шаробдан баҳраманд бўлиши шарт:

Риё ичинда неким ҳосил эттинг, эй зоҳид,  
Десанг халос ўлай, эт раҳну ҳосило, қадах ич.

Ана шундай маънавий иршод ва раҳнамоликлар оҳангидаги байтлардан кейин Навоий маърифат дайрида бир махмур – май хумори тутган бечора эканини таъкидлаб, дайр элининг шоҳи – пири комилдан бу шаробдан уни ҳам баҳраманд қилишни сўраб сўзига яқун ясайди:

Сангаки дайр элининг шоҳисен, Навоий агар  
Йўлуқса дайрда махмур, уруб сало, қадах ич.

**Олимжон ДАВЛАТОВ**

## Фақр аҳлиға подшо муҳтож...”

Фақр аҳлиға подшо муҳтож,  
Ўйлаким шоҳға гадо муҳтож.

Ёрға билгач эҳтиёжимни,  
Бўлмадим кимсага яно муҳтож.

Иштиёқим кўп, эҳтиёжим ҳам,  
Анга муштоқмен ваё муҳтож.

Йўқ гадолиғда ихтиёримким,  
Тенгри қилмиш мени санго муҳтож.

Кўйига кирганимда тавсан эдим,  
Лек бўлдумтуро-туромуҳтож.

Тенгри раззоқ келди рўзий учун,  
Айлама ўзни халқ аро муҳтож.

Бенаводур Навоий оллингда,  
Тонг эмас, бўлса бенаво муҳтож.

—V— V—V— —

фоилотун мафоилун фаълон  
хафифи мусаддаси мактуъи мусаббағ

### Луғат

**Фақр аҳли** – дарвешлар

**Яно** – яна

**Тавсан** – саркаш

**Туро-туро** – туриб-туриб

**Раззоқ** – ризқ берувчи

**Рўзий** – ризқ-насиба

**Бенаво** – 1) бечора; 2) хомуш

**Тонг эмас** – ажабмас

### **Насрий баён**

1. Гадо ва тиланчилар шоҳга қанчалик эҳтиёжи бўлса, подшоҳ фақр аҳли – дарвешларга худди шундай муҳтождир.

2. Ёрга эҳтиёжимни англаганимдан кейин бошқа кимсага ҳеч муҳтож бўлмадим.

3. Унга шавқим ҳам, эҳтиёжим ҳам кўп. Ўз унга муштоқман ёки муҳтожманми?!

4. Ўз ихтиёрим билан гадолик қилмаяпман. Мени сенга Тангрининг Ўзи муҳтож қилиб қўйди.

5. Унинг қўйига кирганимда саркаш эдим. Лекин аста-секин, туртишиб-суртишиб, муҳтож бўлиб қолдим.

6. Ризқ берувчи Аллоҳдир. Бир бурда нон учун бошқаларга эҳтиёжингни айтиб юрма.

7. Навоий сенинг олдингда бенаво – фақирдир. Агар муҳтод киши хомуш турса, бундан ажабланмаслик керак.

### **Шарҳ ва изоҳлар**

Девон тузиш тартибига кўра, “муҳтож” радифли ушбу ғазал 94-рақам остида қайд этилиши керак эди. Анъанага хилоф равишда бу ғазал “жим” ва “чим” туркумидаги ғазалларнинг сўнгида жойлашганига сабаб – унинг мавъиза оҳангида битилганидир. “Чим” туркумидаги тўртта ғазалнинг бирортаси ҳамд, наът ва мавъиза бўлмагани сабабли, “муҳтож” ғазали билан мазкур “кемтик”ликни тўлдириш эҳтиёжи сезилган.

Матлаъда уч тоифа – фақр аҳли, подшоҳ ва гадонинг бир-бирига эҳтиёжи баён этилган. Аслини олганда, инсон боласи ҳаётининг асосини эҳтиёж ташкил қилади. Аллоҳ таоло қайси бандасига хайр ва яхшиликни ирода қилса, одамларнинг ҳолатини унга тушириб қўяди, дейилади ҳадиси шарифда. Маълум бўладики, хайру савоб амалларнинг энг афзали ҳам бировларнинг ҳолатини чиқариш экан. Кишилик жамияти шундай тузилганки, ҳамма бир-бирига

эхтиёжи тушиб туради. Қолаверса, инсон ўзининг дунёга келиши, ҳаёт кечириши, емак-ичмак, кийим-кечак ва шунга ўхшаш нарсаларга бўлган эҳтиёжини ўз ихтиёри билан қондиrolмайди. Бутун оламда Ҳақ таоло жалла жалолахудан ўзга ҳеч ким бирор нарсага ўзидан бошқа вужудга эҳтиёжи бўлмаслик қудратига соҳиб эмас. Вужуд оламида инсу жиндан тортиб, фарингалар, парий ва жинлар олами – барчанинг боқийлиги ва мавжудлиги Ҳақ таолога боғлиқдир ва барча мавжудот Ҳақ таолога муҳтождирлар. Демак, ҳақиқат юзасидан барча мавжудот фақирдирлар.

Ўзини мана шу сифат билан таниган ва ҳаёт тарзини шу асосда қурган кишиларни ирфон тилида фақирлар, фақр аҳли деб айтишган. Бунга мисол қилиб, Абу Зар Термизийнинг ҳаётини мисол келтириш мумкин. “Насойим ул-муҳаббат”да келтирилишича, дарвешлар жамоасидаги бирор фақирга бир нима керак бўлиб қолса, Абу Зарр туриб намоз ўқиркан. Аллоҳ таоло ул нимани ўша заҳоти етказарди.

Аллоҳ таоло истаганини ижобат қиладиган бундай дарвешлар ва фақирларнинг дуосига ҳукмдорлар ҳамиша эҳтиёж сезишган. Кўринишидан мазлум ва нотавонга ўхшаган бу тоифанинг Ҳақ таоло ҳузуридаги мақом ва мартабаси юксак эканлигини билган подшоҳлар уларни восита қилиб, давлатининг барқарор бўлишини сўраб туришган. Айниқса, сурати подшоҳ ва сийрати дарвеш бўлган Султон Ҳусайн Бойқародек ҳукмдорлар бу ҳақиқатни Навоий ўтит ва тарғиботлари шарофати билан теран англаган:

Фақр аҳлига подшо муҳтож,  
Ўйлаким шоҳга гадо муҳтож.

Ёрға билгач эҳтиёжимни,  
Бўлмадим кимсага яно муҳтож.

Фақр аҳлининг эҳтиёжини фақар Ёри азал – Ҳақ таоло даргоҳидан сўраши иложсизлик ва нотавонликдан эмас. Бошқа тоифадаги инсонлардан фарқли ўлароқ уларнинг арзи эҳтиёжида иштиёқ кучли. Иштиёқ эса муҳаббатдан нишона. Суллайийнинг “Табакот ус-сўзфия”сида айтилганидек, “муҳаббат иштиёқни вожиб қилади, иштиёқ эса унсиятни. Кимдаки шавқ ва унсият бўлмаса, билсинким, у муҳаббат аҳлидан эрмас” (Абдурраҳмон Сул-

лабий, “Табақот ус-сўфия”, 303-бет). Навоий васф этган муҳтожлик ҳам ана шундай муштоқлик билан эгиз туйғудир:

Иштиёким кўп, эҳтиёжим ҳам,  
Анга муштоқмен ваё муҳтож.

Иштиёқ туфайли фақр кўйига қадам қўйган киши дастлабки босқичда фақрнинг моҳиятини тўлиқ англаёлмайди. Фақр – бандага бандалик мақомини эслатиб турувчи ҳолдир. “Асрор ут-тавҳид”да берилишича, кўнглида беш дирам миқдордаги бойликка эга бўлиш ҳаёли бор одам ҳам ўзини фақир, деб айтолмас экан. Фақир – бутун дунёда ҳақиқий ғаний-бой деб фақат Аллоҳ таолонинг ўзи эканини тан олиш ва жамийки ҳолатларини ундан сўраш малакасини ҳосил қилган кишидир. Бунга эса, қаттиқ риёзат ва маҳрумликлар орқали эришилади:

Кўйига кирганимда тавсан эдим,  
Лек бўлдумтуро-туромуҳтож.

Тавсанлик, яъни саркашлик шайтон амалларидандир. Қолаверса, шайтон сўзининг ўзи ҳам тавсан сўзи билан маънодош, яъни бўйсунмасдир. Мусулмон банда бўйсунмаслик ва осийликдан буткул воз кечиб, инон-ихтиёрини Ҳақ таоло риодасига мувофиқлашгирса, ризқи ҳам, умри ҳам баракали бўлади. Ўзгаларга муҳтож бўлиб ранги сарғаймайди:

Тенгри раззоқ келди рўзий учун,  
Айлама ўзни халқ аро муҳтож.

Навоий бенаволик – фақирликнинг мазҳари ўлароқ ўз эҳтиёжини Ҳақ таолодан сўзсиз сўрайди. Қолаверса, муҳтож киши учун ўз эҳтиёжини изҳор қилишдан оғирроқ нарса йўқ. Аммо Негаки Ҳақ таоло бандасининг эҳтиёжларини унинг ўзидан яхшироқ биледи ва сўрамаса ҳам, бераверади. Муҳтожларнинг ҳолатини раво қилувчи Зот ҳамиша ғолиб!

Бенаводур Навоий оллингда,  
Тонг эмас, бўлса бенаво муҳтож.

**Олимжон ДАВЛАТОВ**

## “Зиҳи тилинг “анаафсаҳ” такаллумида фасиҳ...”

Зиҳи тилинг “анаафсаҳ” такаллумида фасиҳ,  
Сен амлаҳ ўлдунг, агар дилраболар ўлди малиҳ.

Тулуъи субҳи саодат юзунг сабоҳатидин,  
Зиҳикамолисабоҳат, зиҳикамолисабиҳ.

Хамирмояйи жисмингдин ортқанни қазо  
Ики баданда қилиб руҳ атади Хизру Масиҳ.

Фалакни чок қилиб ўтганингда гар баъзи  
Таваҳхум айлади, шаққул-қамарда бўлди сариҳ.

Қадамқуёш уза қўйдунгуружшоми не тонг,  
Кафингнигарядибайзоғақилсалартаржиҳ.

Эруркаломеким, анда ҳуруфи иллат йўқ,  
Қаюҳадиски, сендин баёнға келди саҳиҳ.

Эмас Навои ю мадҳинг демак қаҳад, басдур  
Анга бу қадрки, модихларингға бўлса мадиҳ.

—V— VV— —V— —V— (VV —)  
мафоилун фаилотун мафоилун фаилун (фаилон)  
мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф (мақсур)

### Луғат

“Ана афсаҳ” – “Қурайш аҳли ичида мен энг фасоҳатлисиман”  
мазмунисидаги ҳадисдан иқтибос

Такаллум – сўзлаш

**Фасих** – фасоҳатли, чиройли сўзлашувчи  
**Амлаҳ** – малоҳатлироқ  
**Малиҳ** – малоҳатли, истарали  
**Тулуъ** – тонг отиши  
**Сабоҳат** – поклик  
**Сабих** – пок, гўзал  
**Хамирмоя** – хамиртуруш  
**Қазо** – тақдир  
**Таваҳҳум** – шубҳа, гумон  
**Шаққ ул-қамар** – Ойнинг иккига бўлиниши  
**Сарих** – ойдин  
**Уруж шоми** – меърож кечаси  
**Яди байзо** – Мусо (а.)нинг нур таратувчи мўъжизакор қўли  
**Таржиҳ** – афзал билмоқ, устун қўймоқ  
**Хуруфи иллат** – араб алифбосида ўзгаришга дуч келадиган  
**харфлар**  
**Модиҳ** – мадҳ қилувчилар

### Насрий баён

1. Салламно, сен фасоҳат билан “Мен Қурайш аҳли ичида энг фасоҳатлисиман” деб айтдинг. Бошқа гўзаллар истарали, малоҳатли бўлсалар ҳамки, сен одамлар ичида энг малоҳатлисисан.

2. Пок чехрангдан бахту саодат тонги отди. Бу бахт тонги, бу покиза ва гўзал чехра қандай яхши!

3. Қисмат қўли жисминг хамиртурушидан ортиб қолганини икки баданга солиб, бирини Хизр, бирини Масих деб атади.

4. Осмонни меърож кечасида ёриб ўтганингда агар баъзилар шубҳаланган бўлсалар, Ойни иккига бўлиб, бу шубҳани бартараф қилдинг.

5. Меърож кечаси Қуёш устига қадам қўйдинг. Агар кафингни Мусонинг нур таратувчи қўли – яди байзодан афзал билсалар, ажабланарли эмас.

6. Сендан саҳиҳ деб ривоят қиладиган ҳадислар шундай қаломки, уларда иллат харфлари мавжуд эмас.

7. Навоий сенинг мадҳингни айтишга ҳадди йўқ. Сени мақтаганларнинг мақтовчиси бўлса ҳам, шу давлат унга етарли.

### Шарҳ ва изоҳлар

“Ҳойи ҳуттий” туркумини бошлаб берувчи ғазал наът мавзусида битилган. Матлаъда ҳадис матнидан иқтибос келтириб, арабча матндаги афсаҳ сўзи билан ўзақдош ҳисобланган фасиҳ сўзини келтириш орқали байтнинг қофияси таъминланган. Иккинчи мисрадаги амлаҳ ва малиҳ сўzlари ҳам ўзақдош бўлганлигини ҳисобга олсак, мазкур байтда иқтибос ҳамда иштиқоқ санъатлари қоришиқ ҳолда келганига гувоҳ бўламиз:

Зихитилинг “анаафсаҳ” такаллумида фасиҳ,  
Сен амлаҳ ўлдунг; агар дилраболар ўлди малиҳ.

“Амлаҳ” сўзи орқали бошқа бир ҳадис маъносига ишора қилинади. “Қисаси Рабғузий”да келтирилишича, бир куни Ойиша онамиз (р.а.) Пайғамбаримиздан Юсуф (а.с.) чиройли бўлганми, Сизми, деган маънода савол беради. Пайғамбаримиз айтадилар: Биродарим Юсуф мендан гўзалроқ эди, аммо унинг ҳусни оламга фитна соларди. Мен ундан амлаҳ – малоҳатлироқман. Маълум бўладики, матлаъда икки ҳадиснинг маъноси сингдирилиб, сарвари коинотнинг икки муҳим жиҳати – гўзал нутқи ҳамда кўнгилларга таскин бериб, Худони ёдга соладиган малоҳати тилга олинган экан.

Кейинги байтдаги шоирона ўхшатма ҳам ислом тарихи ва ҳадиси шариф билан боғлиқ ҳолда яратилган. Ислом дини келгунга қадар араблар жамияти башарият тарихидаги энг тубан, энг жоҳил жамияти бўлган. Аллоҳ таоло томонидан охирзамон пайғамбари ана шу қавмдан танлангач, араблар энг олийнасаб қавм, ислом дини келиши асри башариятнинг энг саодатли асри бўлиб тарихга кирди. Бу саодатли даврнинг бошланишини инсоният асрлар давомида интизорлик билан кутарди. Саодат асри эса Расулulloҳ (с.а.в.)нинг туғилишлари замонидан бошланган:

Тулуъи субҳи саодат юзунг сабоҳатидин,  
Зихика моли сабоҳат, зиҳи жамоли сабиҳ.

Ўтган бир юз йигирма тўрт минг пайғамбарнинг иккитаси – Хизр ва Исо Масиҳ алайҳимоссаломнинг хосияти муштарак мўъжиза насиб қилган. Хизр тириклик чашмасидан сув ичиб, мангуликка дахлдор бўлган бўлса, Исо Масиҳ дуоסי билан ўликлар тирилган. Аммо уларнинг мўъжизалари бошқа пайғамбарларники каби хотамуланбиёнинг нубувват чирогидан бир қатим нур даражасидаги бахрамандлик туфайли, холос. Негаки, бу зот замон нуқтаи назаридан бошқа пайғамбарлардан кейин туғилган бўлса-да, моҳият эътибори билан барчадан олдин яралган. Аллоҳ таоло илк яратган нарсa нури муҳаммадий экан, демак, борлиқдаги барча гўзалликлар ва ажойиботлар, жумладан Хизр ва Масиҳ мўъжизалари аслида ушбу нурнинг ҳосиласидир:

Хамирмояйи жисмингдин ортқанни қазо  
Ики баданда қилиб руҳ атади Хизру Масиҳ.

Пайғамбаримизнинг энг улуғ мўъжизаларидан бири – Меърож кечасида осмонга кўтарилиб, Аллоҳ таоло билан бевосита дийдорлашганларидир. Меърож мўъжизаси содир бўлганидан кейин куфр ва имон чегараси аниқ бўлиб қолди. Бунга ишонмаган мушриклар у зотдан бошқа мўъжиза талаб қиладилар.. “...Шунда ул зот ойни иккига бўлиб кўрсатдилар, ҳатто одамлар Ҳироъ тоғини ойнинг икки бўлаги орасида кўришди”<sup>5</sup>. Ушбу ҳодисани Навоий қитъаларидан бирида ўзига хос маҳорат билан тасвирлаган. Навоий талқини бўйича, бу мўъжиза Аллоҳнинг инояти билан шунчалик осон амалга ошганки, ҳатто меҳмонсиз овқатланолмайдиган Иброҳим Халилulloҳнинг дастурхонида ҳам нонни ушатиш бунчалик осонлик билан муяссар бўлган эмас:

Муҳаммади арабий бармоғи ишорат ила  
Сипеҳр хонида ой курси ул сифат осон

Икиойирдики, бирноннихониичрахалил  
Анингдек икки ушатмоқ эмас туруросон.

<sup>5</sup> Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. Фавойид ул-кибар. – Т.: Фан, 1987. – Б.511

Бу мўъжизаларни баён этишда мутафаккир шоир жуда катта омонатдорлик билан иш тутган. Ҳазалда пайғамбаримизнинг мўъжизалари ва муборак сийратларининг энг муҳим қирраларини ёритилишида фақат саҳиҳ ҳадисларга таянилган. Саҳиҳ ҳадисларнинг яна бир мўъжизавий хусусияти бор: араб тилида вов, ё, ҳамза каби иллатли – ўзгарувчан ҳарфлар негизида қурилган сўзларни турли маънода талқин қилиш мумкин. Фасоҳатли пайғамбаримиз араб тилининг ушбу нозик жиҳатини англаганлари учун ўз ҳикматларини баён этишда бирор марта ана шундай ихтилоф ва тушунмовчиликка сабаб бўладиган, негизида “хуруфи иллат” бўлган сўзларни қўлламаган эканлар. Бу ҳам сўз мўъжисанинг соҳиби томонидан намоён этилган яна бир мўъжизадир:

Эрур каломеким, андаҳуруфи иллат йўк,  
Қаюҳадиски, сендин баёнға келди саҳиҳ.

Умуман олганда, бутун бошли ҳазалда саҳиҳ ҳадисларнинг маъно-моҳиятини сингдиришга ҳаракат қилган туркийгўй шоир учун Расулulloҳ (с.а.в.) башариятни ҳақиқат ва саодатга ҳидоят қилувчи энг улуғ йўлбошчи, инсониятнинг энг мукаррам фарзанди бўлиши баробарида, сўз мулкида ҳам биринчи ва энг аъло муаллим, маънавий раҳнамо ва идеал ҳисобланган. Фасоҳат бобида пайғамбаримизга эргашган мутафаккир шоиримиз беш асрдан буён ўзбекча фасоҳат бобида миллатимиз муаллими бўлиб келаётир.

**Олимжон ДАВЛАТОВ**

—~~~~~—  
**“Баданға келмади то азми кўюнг айлади руҳ...”**  
~~~~~—

Баданға келмади то азми кўюнг айлади руҳ
Ки, руҳ шахсини ул ғамза айлади мажруҳ.

Ҳаётбахш эса ул ҳур аксидин бода,
Маҳалли ҳайрат эмас, ҳур аксидиндур руҳ.

Қизарди лолаву сарғарди субҳ хижлатдин,
Бу лолаларки, узорингда очти жоми сабуҳ.

Вафоға ваъда қилиптур деб ўтма, эй қосид,
Худой учун манга кайфиятин дегил машруҳ.

Ҳаёт ёр висолидур, эй кўнгул, йўқ эса,
Сени фироқда фарз айлайинки, бўлдунг Руҳ.

Буюрма тавба яна, носихоки, муғбачалар
Ҳавоси қилди мени тавба тавбасида насух.

Фиғонки, тийра кўнгул кунжида ниҳон розим
Пиёла шаъшаъсидин эл ичра топти вузух.

Басо кишики, иши масжид ичра банд ўлди,
Чу очти дайри фано эшигин етишти футух.

Навоиё, недин ул ғамза тийғ тортибдур,
Ғар истамаски, кўнгул сайдин айлағай мазбуҳ.

V – V – V V – – V – V – – (V V –)
мафоилун фаилотун мафоилун фаълон (фаилон)
мужтаси мусаммани маҳбуни мақтуъ (мақсур)

Луғат

Азм – қарор қилиш, киришиш

Бода – шароб

Кунж – бурчак

Мажруҳ – жароҳатланган

Мазбуҳ – бўғизланган, сўйилган, қурбон қилинган

Машруҳ – шарҳланган, маълум

Муғбача – май ташувчи бола, оташпараस्त бола
Носих – насиҳат қилувчи
Сабуҳ – тонг вақти
Тавбайи насух – қатъий, чин дилдан қилинган тавба
Тийра – қора, қоронғи
Узор – юз
Хижлат – хижолат
Шаъшаъа – шуъла, нур, порлаш
Қосид – хабарчи, элчи, чопар
Ғамза – ноз, карашма; бу ўринда ишора

Насрий баён

То сен хоҳламагунингча инсон танасига руҳ келмади,
Рухни Сенинг бир ишоранг мажруҳ қилди.

Бода (шароб) ул ҳурнинг аксидан ҳаёт бахш этадиган даражада бўлса, Бу ҳайратланарли эмас, чунки аслида руҳ ул ҳурнинг аксидир.

Хижолатдан лола қизарди, субҳ – тонг сарғайди,
бу шундай лолаларки,
Сенинг узоринг – жамолингдан тонг – сабуҳ жомини очди.

Сен ёрни вафо қилишга ваъда қилган,
демагин эй қасд қилган инсон,
Худо учун, ҳеч бўлмаса, кайфияти менга маълум –
шарҳланган (машруҳ) дегин.

Ҳаёт ёрнинг висолидир, эй кўнгил, агар шундай бўлмаса,
Сен фиروقда бўлсанг ҳам, Рух бўлдинг.

Мени яна тавба қилишга буюрма, эй насиҳатгўй, муғбачаларнинг – май ташувчи болаларнинг чиройи мени тавба қилишдан тавба қилдирди.

Фигон бўлсинки, менинг қора кўнглимнинг бир четида яширин бўлган Розим – сирим, изҳорим пиёланнинг шуъласидан эл ичида овоза бўлиб кетди – вузуҳ топди.

Масжид ичида банд бўлиб, ибодат қилиб ўтирган киши футуҳ – очиш ҳикмати етишгандан сўнггина дайри фано – бутхона эшигини очди.

Навоий, агар ёр кўнгил овини бўғизламоқчи эмас экан, у ҳолда нима учун ғамза – ноз-карашма тигини тортди?

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазал Аллоҳга бағишланган бўлиб, унга Ҳижр сурасининг 28-29-оятлари асос қилиб олинган: “Сен Роббингнинг фаришталарга: “Албатта, мен қуруқ лойдан, ўзгартирилган қора балчиқдан башар яратувчидирман. Бас, қачонки, уни тўғрилаб бўлганимда ва ичига Ўз руҳимдан пуфлаганимда (таъкид бизники) унга сажда қилган ҳолда йиқилингиз”, деганини эсла”.

Баданга келмади то азми кўюнг айлади руҳ
Ки, руҳ шахсини ул ғамза айлади мажруҳ.

Бунда Навоий ғазалнинг биринчи мисрасида Сенинг хоҳишининг бўлмаса, инсонга жон – руҳ ато этилмасди, дея Аллоҳга муурожаат этар экан, иккинчи мисрада инсонга Аллоҳ Ўз руҳидан пуфлаган, демак, у Ўз Роббисига етишиш йўлида кўп риёзат чекиши, ошиқлик шартларини бажарини лозимлигини таъкидлаяпти.

Ҳаётбахш эса ул ҳур аксидин бода,
Маҳалли ҳайрат эмас, ҳур аксидиндур руҳ.

Тасаввуф таълимотига кўра, бода, яъни майда Аллоҳнинг жамоли жилва қилади, бу майни ичган инсон, солиқ – Ҳақ йўлидаги ошиққа айланади. Ошиқнинг кўнгли Аллоҳнинг назари тушганда тирилади (уйғонади). Иккинчи мисрада бунинг ҳайратланадиган жойи йўқлиги айтиляпти, чунки аслида инсон руҳи Ҳур аксидир – унга Аллоҳ Ўз руҳидан пуфлаган. Бунда Навоий сўз ўйини воси-

тасида “руҳ” сўзи ёзилишда “хур”нинг тескариси эканлигига ҳам ишора қилипти.

Қизарди лолаву сарғарди субҳ хижлатдин,
Бу лолаларки, узорингда очти жоми сабуҳ.

Шоир бу ўринда “лола” дея қон бўлган кўнгилни, “сарғарган субҳ” дея ошиқнинг чеҳрасини назарда тутди, иккинчи мисрада “қизарган лолалар”нинг ёр жамолидан тонг жомига айланиши – нурафшон бўлиши мазкур фикрни тасдиқлайди. Чунки ошиқ кўнгли Ҳақ нури тунгач, ёришади, юзи эса айрилиқ ғамидан сарғаяди.

Вафоға ваъда қилиптур деб ўтма, эй қосид,
Худой учун манга кайфиятин дегил машруҳ.

Тасаввуфда ориф маърифатга эришган инсон ҳисобланиб, у Ҳақни англаб бораётган қиёфада намоён бўлади. Навоий бу ўринда мана шунга ишора қилади: солиқ ошиқ экан, демак, Ҳақ – маъшукдир. Ошиқ тарафдан фақат вафо шарт, маъшукда ҳеч қандай мажбурият, тобелик йўқ. Байтда ёр васлини мақсад қилган қосидга ушбу вазиятнинг “маъшук менга вафо ваъда қилган, демагин, балки унинг кайфияти – маъшукнинг ҳеч нарсага тобе эмаслиги менга шарҳланган, дегин” тарзида уқтирилиши ҳақиқий ошиқ ўз-лигидан мутлақо воз кечиши лозимлигини англатади.

Ҳаёт ёр висолидур, эй кўнгул, йўқ эса,
Сени фироқда фарз айлайинки, бўлдунг Руҳ.

Шоир мазкур байтда ҳаётни ёр висоли, дея таърифлаяпти. Бу бир қарашда мантиққа тўғри келмайдигандек туюлади, яъни тасаввуфда Ҳаққа етишиш учун инсон бир умр интилиши, ўзини поклаши керак, тирикликда Ҳақ васлига етишиш мумкин эмас. Бу ўринда Навоий ўз фикрини яна “Аллоҳ Ўз руҳидан инсоннинг ичига пуфлагани” билан боғлиқ равишда исботлайди, яъни инсон фироқда – айрилиқда бўлса-да, унда Аллоҳнинг зарраси мавжуд (вахдатул вужуд – борлиқнинг ягоналиги ҳақидаги таълимот), демак, инсон мавжуд экан, у Ёрни ҳис эта олиши мумкин, фақат бу-

нинг учун қалбни, ботинни поклаши керак, демак ҳақиқий ишққа эришиши зарур.

Буюрма тавба яна, носихоки, муғбачалар
Ҳавоси қилди мени тавба тавбасида насух.

Ҳақ ишқида маст бўлган ошиқнинг аҳволини насиҳатгўй – носих билмайди, у зоҳирга қараб хулоса чиқариш билан банд. Шунинг учун у ошиқдан тавба қилишини талаб қилади. Лекин ошиқни муғбачалар маст қилиб таппаганки, у қайта тавба қилмаслик учун тавба қилган. Мусулмон Шарқи мумтоз адабиётидаги рамзий тимсол ҳисобланган муғбача Ҳақ ишқидан сабоқ берувчи, пок-ланиш йўлини ўргатувчи муршид ҳамда ишқда юқори мақомга етган солиқ маъносида қўлланади. Демак, шоир бу ўринда ўз устозидан ёки камолот соҳибларидан ишқ сабоғини олганлигини айтиб, риекорона тавбадан воз кечганлигини ифодаламакда.

Фиғонки, тийра кўнгул кунжида ниҳон розим
Пиёла шаъшаъсидин эл ичра топти вузух.

Қорайган кўнгил четида Ҳаққа бўлган ишқ изҳори пинҳон эди, бу сирни ошкор қилиш мумкин эмас, чунки ошиқ ўз ишқини изҳор қилиб, кўз-кўз қилса, бу ҳақиқий ишқ ҳисобланмайди. Афсуски, бу ишқ бутун элга ошқору овоза бўлди. Чунки пиёла шуъласини пинҳон тутиш мумкин бўлмади. Пиёла деганда шоир Ҳақ ишқи жилва қилган кўнгилни назарда тутди. Демак, Ҳақ ишқи порлаган қалбнинг нури унинг ишқини элга маълум қилиб қўйди, бундан ўз муҳаббати пинҳон бўлишини истаган ошиқ изтироб чекади.

Басо кишики, иши масжид ичра банд ўлди,
Чу очти дайри фано эшигин етишти футух.

Масжидда тоату ибодатда банд бўлган инсон дайр эшигини футухга эришгандагина очади, чунки дайр (бутхона) деганда шоир Ҳаққа ошиқ бўлганлар тарбия этиладиган масканни назарда тутди. Масжидда ҳиссиз ибодат билан банд бўлгандан кўра

Ҳақни ҳис этиб, Унга юзланиб итоатда бўлиш фақат Аллоҳдан футуҳ келгандагина юз бериши таъкидланяпти.

Навоиё, недин ул ғамза тийғ тортибдур,
Гар истамаски, кўнгул сайдин айлағай мазбўх.

Ёр деганда Ҳақ назарда тутилар экан, “ёрниг ғамзаси” Аллоҳнинг борлиқда акс этган қудрати ва нурини ифодалайди. Навоий мақтаёда Ёрниг ғамзаси тийғ тортиб, кўнгилни қурбон қилиши сабабини таҳлил қилишга ҳаракат қилади. Бу ўринда тасаввуфдаги “ўзликдан кечиб, Ўзликка етишиш”, яъни ўзни маҳв қилиб Ҳақ билан бирлашиш ғояси акс этмоқда. Чунки ошиқ ўз хоҳишларидан, нафсидан, ўзлигидан, кибридан воз кечмагунча Ҳаққа чинакам ошиқ бўла олмайди, шунинг учун “Ёр ғамза тийғини тортиб, кўнгилни қурбон қилади”, натижада ошиқ фақат маъшукнинг ёди ва Унинг сифатлари билан яшай бошлайди. Масаланинг савол шаклида берилиши бежиз бўлмай, бу мумтоз адабиётда тажохули ориф санъати ҳисобланади, унинг моҳиятида маълум воқеликни сўроққа олиш воситасида тасвир ва ифодадаги бадий таъсирчанликка эришилади.

Бундай бадий таъсирчанликни бутун ғазал давомида ҳис қилишимиз мумкин.

Дилнавоз ЮСУПОВА

—~~~~~—
“Баданға келмади то азми кўюнг айладируҳ...”
~~~~~—

Баданға келмади то азми кўюнг айладируҳ  
Ки руҳ шахсини ул ғамза айлади мажруҳ.

Ҳаётбахш эса ул ҳур аксидин бода,  
Маҳалли ҳайрат эмас, ҳур аксидиндур руҳ.

Қизарди лолавусарғардисубҳхижлатдин,  
Бу лолаларки, узорингда очти жоми сабуҳ.

Вафоға ваъда қилиптурс деб ўтма, эй қосид,  
Худой учун, манга кайфиятин дегил машруҳ.

Ҳаёт ёр висолидур, эй кўнгул, йўқ эса,  
Сени фироқда фарз айлайинки, бўлдунг Рух.

Буюрма тавбаяна, носихоки, муғбачалар  
Ҳавоси қилди мени тавба тавбасида Насуҳ.

Фигонки, тийра кўнгул кун жида ниҳон розим  
Пиёла шаъшаъасидин эл ичра топти вузуҳ.

Басокишики, ишимасжидичра банд ўлди,  
Чу очти дайри фано эшигин, етиштифутуҳ.

Навоиё, недин ул ғамза тийғ тортибдур,  
Ғаристамаски, кўнгул сайди найлагай мазбуҳ.

V-V- VV-- V-V- VV-  
Мафоилун фаилотун мафоилун файлон  
Мужтасси мусаммани маҳбуни мақсур

### Лугат

**Ғамза** – ишва, ноз билан қиё боқиш  
**Хижлат** – хижолат  
**Узор** – қизил ёноқ  
**Жоми сабуҳ** – тонг чоғи ичиладиган шароб  
**Қосид** – элчи  
**Машруҳ** – батафсил шарҳлаш  
**Носих** – насиҳатгўй  
**Ниҳон роз** – яширин сир  
**Шаъшаъа** – порлаш

**Вузух** – ошкор бўлмоқ, аёнлашмоқ  
**Футуҳ** – кушойиш, очилиш  
**Мазбуҳ** – сўйилган

### **Насрий баён**

1. Руҳим сенинг кўйинг томон йўл олгач, қайтиб баданга келмади. Ғамзаларинг руҳимнинг ўзига жароҳат етказди.

2. Шаробга ул ҳурнинг акси тушганидан ҳаётбахш бўлганлигига ҳайратга тушмаслик керак, чунки ҳур сўзи тескари ўқилса, руҳ ҳосил бўлади.

3. Сабухий – тонг пайти ичилган бода ҳамда гулдек ял-ял очилган қизил ёноқларингдан хижолат чекиб долалар қизариб, тонглар сарғайди.

4. Эй хабар келтирувчи, ёр вафо қилишга ваъда берди, деб шундай ўтиб кетма. Худо ҳаққи, бунинг кайфиятини менга батафсил шарҳлаб бер.

5. Эй кўнгил, фироқда фариштага айлансанг ҳам, шуни билки, ҳақиқий ҳаёт – ёр висолидир.

6. Эй насиҳатгўй, тавбага бошқа буюрма. Мен тавбадан тавба қилишда Насуҳ бўлганман.

7. Фиғонки, пиёланнинг порлаб туришидан кўнглим кунжида яширин бўлган сиррим эл ичра аён бўлиб қолди.

8. Жуда кўп кишиларнинг иши масжидда чигалланганиди, фано дайри эшигини очганда эса, уларга кушойиш етди.

9. Эй Навоий агар кўнгли сайд этганини қатл этишни истама-са, унда нега ғамзаси тиг тортибди?!

### **Шарҳ ва изоҳлар**

Ғазалда тараннум этилган муҳаббат жисм ва нафсга тааллуқли ҳодиса эмаслиги, бу муҳаббат шахват истакларидан хол ва руҳият оламига дахлдор туйғу экани матлаънинг ўзидаёқ аниқ-равшан баён этилган. Муҳаббатга гирифтор бўлган руҳ, яъни жон бадан мулкини тарк этиб, ёр кўйини манзил тутиши мазмунидаги байт-

лар мумтоз адабиётимизда кўп учрайди. Жумладан, Саъдий Шерозийнинг машҳур “Эй сорбон...” ғазалида айтилган шу мазмундаги байтлар учратамиз:

Дар рафтани чон аз бадан гўянд ҳар навъе суҳан,  
Ман худ ба чашми ҳештан дидам, ки чонам меравад.

Матлаъда “руҳ шахси” ибораси алоҳида изоҳ талаб қилади. Шахс сўзи бу ерда руҳнинг ўзи ҳамда жисм-бадан маъноларини ифода этган. Демак, руҳнинг баданга қайтмаслиги сабабини икки хил – руҳнинг ўзи муҳаббат ўқидан жароҳат топган, ёхуд ёр ғамзаси руҳ тааллуқли бўлган жисмни ҳам мажруҳ этган, деб талқин қилиш мумкин. Иккала ҳолатда ҳам муҳаббат ошиқнинг жисму жонини қамраб олгани маъносини ифодалайди ва бу маънолар бир-бирини тўлдиради:

Баданга келмади то азми кўюнг айладируҳ  
Ки руҳ шахсини ул ғамза айлади мажруҳ.

Иккинчи байтда тарди акс (тескари ўқиш) санъатини қўллаган ҳолда “руҳ” ва “хур” сўзларидан сўз ўйини яратилган. Бу сўз ўйини шунчаки шаклдошлиги учунмас, балки хур ва руҳнинг ботиний боғлиқлиги ҳам жуда мустаҳкам қурилган. Шоир васф этган бода ҳурлик – эркинлик туйғусини кучайтирувчи ҳосиятга эга. Бандалик – ҳақиқий хожа, яъни Аллоҳ таолодан ўзгага бўйин сунмаслик, қўлтабиатлик, лаганбардорлик, очкўзлик, манфаатпарастлик, иззатталаблик, манманлик, риёкорлик... каби ҳислатлардан, ўзига ўхшаган хом сут эмган банданинг истак-хоҳишларига мос яшашни шараф билиш иллатидан қутулиш демақдир. Нодон ва жоҳил киши ўзи хоҳламаса ҳам, бировнинг етовида яшашга маҳкум. Маърифатсиз, билимсиз кишилар ҳамиша ўзгалар томонидан бошқарилади, уларнинг мустақил фикри, дунёқараши бўлмайди. Худони таниган одам эса, дунёнинг барча ишларига диёнат ва ҳалоллик кўзи билан қарайди ва табиийки, нафс қўлига айланишдан ҳазар қилади. Буларнинг барчаси хур акси тушган бода, яъни илоҳий маърифат баракотидан ҳосил бўлиши мумкин:

Ҳаётбахш эса ул ҳур аксидин бода,  
Маҳалли ҳайрат эмас, ҳур аксидиндур руҳ.

Учинчи байтда ташхис (табиат унсурларига инсонга хос бўлган хусусиятларни нисбат бериш усули) ва ташбеҳи музмар (яширин ташбеҳ) санъатларини қоришиқ ҳолда қўллаб, янги фикр ва тоза тасвир яратишга эришилган. Тонг пайтидаги асфар – сарик шароб таъсиридан ёрнинг чехраси қизариб, очилишидан ҳаттоки тонг ва очилган лолалар ҳам хижолатда. Жоми сабуҳ – тонг пайтидаги шаробни эрталабки ибодат маъносида ҳам тушуниш мумкин. Зеро, “Бани Исроил” сурасининг 78-оятида айтилганидек, “тонгдаги Куръон қироати фаришталар ҳозир бўладиган вақтдадир”:

Қизарди лолаву сарғарди субҳ хижлатдин,  
Бу лолаларки, узорингда очти жоми сабуҳ.

Тўртинчи байтда Навоийнинг ҳаёт ҳақидаги қатъий хулосаларидан бири ўз ифодасини топган. Инсон ёрдан айро тушган пайтида буткул покланиб, Руҳ – фариштага айланса ҳамки, ҳали ҳаёт нималигини билмаган бўлади. Кўнгил тириклиги – ёр висоли туфайлидир. Ёрнинг ризолигига эришиш, унинг муҳаббатига сазовор бўлиш, ҳузурида қурбат ва яқинлик ҳосил қилиш – тирикликнинг асл муддаоси шудир. Бунга ишқ гавҳаридан бенасиб фаришталар эришолмайди.

“Дуррат ул-воизин” асарида келтирилишича, Одам Ато бада-нига энди жон ато қилаётган пайтида акса уриб, ўрнидан туради ва ҳали кўзини очмасдан “алҳамдулиллоҳ” деб айтади. Аллоҳ таоло фаришталарга нидо қиладиким, кўринглар менинг суюкли бандамним, ҳали мени кўрмасдан, менга ҳамд айтмоқда. Шу муҳаббати ва садоқати туфайли унинг мақоми менинг ҳузуримда улугдир:

Ҳаёт ёр висолидур, эй кўнгул, йўқ эса,  
Сени фироқда фарз айлайинки, бўлдунг Руҳ.

Куръони каримнинг тафсирларида берилишича, Насуҳ исмли гўзал бир йигит аёллар қиёфасида шохнинг ҳарамига йўл топади.

Узоқ йиллар унинг йигит киши эканидан кўпчилик беҳабар бўлиб, у ўзига хуш келадиган ишларни ҳарамда давом эттириб юраверади. Кунлардан бир куни маликанинг қимматбаҳо гавҳари йўлқолиб қолади. Ҳарамдаги аёлларни саф торттириб, уларни навбат билан ечинтириб, гавҳарни қидиришга тушганда Насуҳ астойдил Аллоҳ таолога надомат чекиб тавба қилади. Аллоҳнинг қудрати билан сафда ундан олдин бўлган чўриларнинг биридан гавҳар топилиб, Насуҳ муқаррар ўлимдан омонда қолади. Насуҳ тавбасига содиқ қолиб, умрининг охиригача бу йўлга қайтиб қадам босмайди. Ўшандан буён ҳақиқий тавба мақомини “Насуҳ тавбаси” деб ҳам юритишади.

Ишқ туфайли фаришталардан ҳам устунроқ мақомга эришган инсоннинг ҳаёти мазмуни ёрнинг висоли экан, бу йўлда собит бўлиб, ҳеч қачон оғишмаслиги ва тўхтамаслигини ният қилган одам Насуҳга ўхшатилади:

Буюрма тавба яна, носихоки, муғбачалар  
Ҳавоси қилди мени тавба тавбасида Насуҳ.

“Насойим ул-муҳаббат”да берилишича, Абдурахмон Жомийнинг порлоқ келажагини гўдаклигидаёқ башорат қилиб, дуолар қилган авлиё Мавлоно Фахриддин Луристоний дастлаб зоҳирий илмлар таҳсилига машғул эмиш. Доим хоҳирида ботин илми билан шуғулланиш ва тариқатга қадам қўйиш ҳавоси бор эмиш. Бир куни китоб ўқишдан чарчаб, бирпас ёзилиш учун ҳужрасидан чиқиб сайр қилур чоғда бу фикр кўнглига келибдики, сен барибир бир кунмас-бир кун бу илмни тарк этиб, тариқатга юз буришни кўнглингга тутиб қўйгансан, ўпа кун бугун бўла қолсин! Ҳужрасига қайтиб бормабди. Китоб ва бошқа анжомларини ўша ерда қолдириб, Мисрда толиблар иршодига машғул бўлган Шайх Шайхуллоҳ ҳузурига бориб, мурид тушибди...

Мадраса ва масжид аҳли суҳбатидан тополмаганини хонақоҳ ва аҳли ирфон ҳузуридан топан бундай валийсифат зотлар кўп бўлган. Ана шундай ибратли қисматларга ишора қилиб, Навоий ёзади:

Басо кишики, иши масжид ичра банд ўлди,  
Чу очти дайри фано эшигин, етишти фугух.

Мақтаъда шоир ишқ ва ихлос, пок ният ва шунга муносиб амаллар кишини асли мақсадга етказиши мумкинлигини таъкидлаган ҳолда ғазалга якун ясайди. Бу фикрнинг тасдиғини биз энг аввало шоирнинг ўзи тимсолида кўришимиз мумкин.

Олимжон ДАВЛАТОВ



**“Кўнгулни муғбача олди муғона тут ақдох...”**



Кўнгулни муғбача олди муғона тут ақдох  
Ки, йўқ салоҳ ила бўлмоғлиқ эмди бизга салоҳ.

Бир ой фироқида беҳудлуғ истарам тўла тут,  
Агар қилиб эсанг афлок жирмидин ақдох.

Ҳалол бўлди хароботи ишқ аҳлига май,  
Тутарбиз аҳли вараъ, кимки ани тутса мубоҳ.

Ҳаётбахш лабинг руҳ эмиштук, эй соқий,  
Магарки вовини иълал этиб қилибсен роҳ.

Йўқ эрса жисмда ул ҳосил айлаган қондин,  
Ҳаким не учун ажзосини деди арвоҳ.

Сабоҳ майкада боғлиғдуру хуморим тунд,  
Таажжуб этманг, агар зикрим ўлса, ё фаттоҳ.

Не эрди майкада ғавғоси, раз қизин гўё  
Бу шом қилди Навоийга пири дайр никоҳ.

V – V – V V – – V – V – – – (V V ~)

мафоилун фаилотун мафоилун фаълон (фаилон)  
мужтаси мусаммани маҳбуни мақтуъ (мақсур)

### Луғат

Ажзо – қисм, бўлақлар  
Ақдох – қадахлар  
Афлок жирми – осмон жисмлари  
Беҳудлик – ўзни йўқотиш, ҳушсизлик  
Вараъ – тақво, парҳез  
Дайр – бутхона  
Иълол – ўзгартириш  
Майкада – майхона, май сотиладиган жой  
Муғбача – май ташувчи бола, оташпараст бола  
Раз – узум  
Роҳ – шароб, май  
Сабоҳ – тонг  
Салоҳ – яхшилик, фойда, наф  
Тунд – тез, қаттиқ, шиддатли

### Насрий баён

Май ташувчи бола кўнгилни забт этди, қадахларни муғларга хос тўлдириб, бизга тут, биз маст бўлдик, энди дунё яхшиликларидан умид қилиш бизнинг ишимиз эмас.

Бир ойнинг – гўзалнинг фироқу айрилиғини унутиб маст бўлишни истайман, менга фалакларда кезиб юрадиган осмон жисмлари (сайёралар) катталигидек қадах тут.

Харобат аҳли учун май ичиш ҳалол бўлди, агар кимки май ичишни мубоҳ, яъни гуноҳ ва савоб бўлмайдиган амал, деб билса, уни аҳли вараъ – тақво аҳли, деб биламиз.

Эй май қуювчи, ҳаётбахш лабинг руҳ кабидир, чунки унинг “вов”ини ўзгартирсанг, у “роҳ”, яъни шаробга айланади.

Агар шундай бўлмаса, сенинг лабинг жисмимда пайдо қилган қоннинг томчиларини нима учун Ҳаким арвоҳ – руҳлар, деди?

Тоғда майхона қулф экан, менда май ичиш истаги хумор қилар эди, бундан ғамга тушдим, энди “Ё Фаттоҳ”, яъни “Эй очувчи”, дея зикр қилсам бундан ажабланманг.

Майхона ғавғоси нима бўлибди, ахир бу оқшомда бутхона пири раз, яъни узум қизини Навоийга никоҳлаб берди.

### Шарҳ ва изоҳлар

Ғазалда кенг қўлланган рамз ва тимсоллар ушбу ғазалнинг бадий таъсирчанлиги, фикрнинг аниқ ифодаланиши, ҳиссиётнинг равон тасвири учун хизмат қилади. Байтларда келган **қадаҳ, муғ, муғбача, соқий, бехудлик, дайр** каби тушунчалар илоҳий ишқ қудратини англатишга қаратилган. Ғазалда Ҳаққа бўлган ишқнинг кучи, унинг ҳамма нарсадан устун эканлиги, бу ишқ соҳиблари дунёнинг ҳар қандай таъшишларидан юқори туришлари, улар учун Ҳақ васлидан бўлак мақсад бўлмаслиги ифодаланган.

Кўнгулни муғбача олди муғона тут ақдоҳ

Ки, йўқ салоҳ ила бўлмоғлиқ эмди бизга салоҳ.

Маълумки, муғоташирастлар ибодатхонаси руҳонийси ҳисобланади. Муғнинг вазифаси олов ёқиш, диний маросим ва ибодатларни ўтказишдир. Навоий ушбу ғазалда муғ ва муғбача тимсолини танлаши бежиз бўлмай, бу бевосита мазмун билан алоқадор. Муғ тимсоли орқали Навоий Аллоҳ ишқидан қалбда олов ёқувчи пири муршидни назарда тутди. Муғона, яъни муғларга хос оловли қадаҳ майини ичгандан сўнг дунё ишлари ошиқ учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Ошиқ маъшукнинг фироқидан изтироб чекади, бу аламни унутиш учун май ичишни истади, шунинг учун у “афлок жирми”, яъни осмон жисмлари – сайёралардек келадиган қадаҳларда май берсалар ҳам, ичишни қасд қилган. Демак, бу ерда айнан фалакка урғу берилиши бежиз бўлмай, ошиқ ишқ ўтида ўзини унутишни, ёр ишқиде ёниб қул бўлишни истади.

Ҳалол бўлди хароботи ишқ аҳлига май,

Тутарбиз аҳли вараъ, кимки ани тутса мубоҳ.

Тасаввуфда “харобот аҳли” дейилганда Ҳақ ишқи йўлидаги солиқлар тушунилади. Нега айнан “харобот аҳли”? Аввало, Ҳаққа эришган, ўзини англаган инсон дунё, алалоқибат, харобликка юз тутишини ҳам қалбан, ҳам ақдан яхши ҳис қилади, англайди. Улар ўзларини мана шу харобада қолган фақирлар эканлигини биладилар ва Ҳаққа етишиш учун интиладилар. Қолаверса, дунёни аслича тушунганлари учун ҳашамга эътибор бермайдилар, демак, улар эл кўзи учун харобот аҳлидир. Нима учун уларга май ичиш ҳалол бўлди? Албатта, май дейилганда Ҳақ ишқи назарда тутилмоқда, чунки ўзини англаган инсон табиий равишда илоҳий муҳаббат йўлига ўтади. Харобот аҳли май ичишни мумкин деб ҳисоблаганларни, яъни Ҳақ ишқини ҳис этган ва билган ошиқу орифларни аҳли вараъ, яъни покдомон инсонлар, деб биладилар.

Ҳаётбахш лабинг руҳ эмиштук, эй соқий,  
Магарки вовини иълол этиб қилибсен роҳ.

Мазкур байтда шоир соқийга – пири муршидга мурожаат қилади. Соқийнинг лаби ҳаётбахш – ўлиқларга жон бағишловчи экан. Нега айнан “лаб”? Чунки бу лабдан фақат ишқ сўзи тўкилади, чунки бу лаб фақат ҳақиқатдан, инсон Ақлу шуури ожиз бўлган юксаклик, камолотдан сўз айтади. Бу сўзлар қалбни тириктиради. Шоир биринчи мисрада айтган фикрини иккинчи мисрада муаммо санъатидан фойдаланган ҳолда исботлайди: араб алифбосида “руҳ” сўзи “рз”, “вов”, “ҳе” тарзида ёзилади, агар “ҳ” ҳарфи алиф билан алмаштирилса, у “роҳ”, яъни “шароб” га айланади. Демак, соқийнинг лаби руҳ эканлиги бежиз эмас, чунки шу лаб орқали ишқни топиш мумкин.

Шу ўринда муаммонинг шеър таркибида келаётганига гувоҳ бўламиз. Муаммо арабий ҳарфларни турли усуллар билан ўзгартириш: олиб ташлаш, қўшиш ёрдамида бирор сўзни байт ичига яширишни англатади. Агар у мустақил ҳолда келса, алоҳида шеърӣ жанр, агар муайян шеър таркибида келса, бадий санъат ҳисобланади. Бу ўринда муаммо бадий санъат сифатида келган.

Йўқ эрса жисмда ул ҳосил айлаган қондин,  
Ҳаким не учун ажзосини деди арвоҳ.

Мазкур байтда шоир ўзининг аввалги фикрини исботлашда давом этади. Нима учун соқийнинг лаби жисмда қон пайдо қилади? Чунки бу лабдан чиққан ҳаётбахш сўз ошиқ учун ҳақиқатни англатади, Ҳақни англаган ошиқ энди ёр васли истагида бетоқат бўла бошлайди, ҳижрон дардига мубтало бўлади. Демак, энди унинг қалби ҳажр қонига тўлади, бу қалбнинг тирилгани ҳисобланади. Чунки ўлик қалб изтироб чекмайди. Жисмда пайдо бўлган қон ажзоси – жузлари, қисмлари, яъни томчилари руҳлардир. Чунки ҳар томчи қон ёр ҳажрида Унинг номини зикр этади. Шу ўринда Мансур Ҳаллож тақдири билан боғлиқ воқеани эслаш байт мазмунини аниқроқ тушунишга ёрдам беради. Ривоятларда келтирилишича, Мансурни дорга осиб, терисини шилганларида ҳар бир зарра қони Аллоҳ деб сачраган экан. Чунки унинг бутун борлиги Аллоҳ зикрини ўзига сингдириб олган эди.

Сабоҳ майкада боғлиғдуру хуморим тунд,  
Таажжуб этманг, агар зикрим ўлса, ё фаттоҳ.

Майхонанинг қулф эканлиги инсон қалбининг ҳаёт ташвишлари туфайли гоҳо ғамга тушиб, қорайиб қолишига ишора. Тонг деганда умрнинг ёшлик даври назарда тутилади. Инсон яшар экан, ўзини англаган ондан Ҳақни севишни, унга ошиқ бўлишни истади, ўзининг чексиз даражада гуноҳкор эканлигини ҳис этади. Шунинг учун Аллоҳдан қалбини очишини сўраб илтижо қилади. Ғафлатдан кутқаришини ўтинади. Мазкур байтда шоир шу ҳолатга ишора қилиб, қалбини очишини сўраб, “Ё, Фаттоҳ”, дея Аллоҳнинг сифатларидан бирини келтириш орқали ўзининг Ҳаққа тавалло қилаётганини ифодаляпти.

Не эрди майкада ғавғоси, раз қизин гўё  
Бу шом қилди Навоийға пири дайр никоҳ.

Тонгда лирик қаҳрамон майхонанинг ёпиқ – боғлоғлиқ эканидан изтироб чекиб юрган эди, лекин оқшомга борганда унинг ахволини кўрган дайр – бутхона пири узум қизини унга никоҳлаб қўйди. “Узум қизи” деганда май тушунилади. Яъни шоир шомда – умрнинг кўп қисми ўтгандан кейин, ҳақиқатларни кўргандан

сўнг дайр пири – пири муршид унга ишқнинг сиридан сабоқ берганини маълум қияпти. Демак, у тонгда – ёшлик йилларида ишқ сирини англамай, майхоналарга бориб можаро қилиб юрган бўлса, кейинчалик ҳақиқатни англади, раз қизини никоҳига олди, яъни ишққа эришди.

Дилнавоз ЮСУПОВА



**“Кўнгулни муғбача олди, муғона тут ақдох...”**



Кўнгулни муғбача олди, муғона тут ақдох,  
Ки йўқ салоҳ ила бўлмоғлиқ эмди бизга салоҳ.

Бир ой фироқида беҳудлуғ истарам, тўла тут,  
Агар қилиб эсанг афюк жирмидин ақдох.

Ҳалол бўлди хароботи ишқ аҳлиға май,  
Тутар биз аҳливароъ, кимки они тутсамубоҳ.

Ҳаётбахш лабинг руҳ эмиштур, эй соқий,  
Магарки вовини иълул этиб қилиб сепроҳ.

Йўқ эрса жисмда ул ҳосил айлаган қондин,  
Ҳаким не учун ажзосини деди арвоҳ?!

Сабоҳ майкада боғлиғдур ухуморимтунд,  
Таажжуб этманг, агар зикрим ўлса “ё, Фаттоҳ!”

Не эрдимайкада ғавғоси, раз қизингўё  
Бу шом қилди Навоийға пири дайр никоҳ.

V-V- VV-- V-V- VV--

Мафоилтун фоилотун мафоилтун фаилон

Мужтасси мусаммани маҳбуни мақсур

### Лутат

**Ақдох** – қадахлар

**Салоҳ** – тўғрилиқ

**Афлок** – фалақлар, осмонлар

**Жирм** – осмондаги юлдуз ва сайёралар

**Вараъ** – тақво

**Мубоҳ** – раво, яхши

**Иълол** –

**Роҳ** – шароб

**Ажзо** – жузлар, таркибий қисмлар

**Сабоҳ** – тонг

**Раз қизи** – ток қизи; май

### Насрий баён

1. Муғбача кўнглимни олди, энди менга муғона қадахлардан қуй. Энди бизга тўғри, рисоладаги одамлардек яшаш тўғри келмайди.

2. Бир ой юзлининг фироқида беҳуд бўлиб, эсдан чиқаришни истайман. Осмон жисмларини агар қадах қилгудек бўлсанг ҳам, менга тўлдириб тут.

3. Ишқ хароботининг аҳлига май ҳалол бўлди, агар кимки бу ҳукми мубоҳ деб билса, уни тақволи инсон деб ҳисоблаймиз.

4. Эй соқий, сенинг ҳаётбахш лабинг аслида руҳ эмиш, фақат вов ҳарфини эълол қилиб роҳ дебсан.

5. Агар шундай бўлмаса, жисмда шароб ҳосил айлаган қондан бўлган қисмларни ҳақим нега арвоҳ – руҳлар, деб айтди?!

6. Майхона тонг пайти эшиги ёпиқлигидан хуморим қаттиқ. Агар зикрим тонг пайти “ё, Фаттоҳ” бўлмаса, таажуб этманг.

7. Кеча майхонада ғавғо бўлди, гўёки пири дайр Навоийга раз кизи – шаробни никоҳлаб бермиш.

### Шарҳ ва изоҳлар

Арабча сўзлар ва иборалар бошқа ғазалларга қараганда кўпроқ қўлланилган ушбу ғазалда. Қофия тизими тўлиқ арабча сўзлардан таркиб топган. Сабаби – туркий ва форсий тилларда сўзлар ҳойи хуттий ҳарфи билан тугалланмайди. Араб тили туфайли эски ўзбек тили ва алифбосига кирган бу ҳарфда ғазал айтиш учун арабча қофия тизимидан фойдаланишга зарурат бор.

Ғазалда шунингдек, ўзбек тилининг ўзига хослигини яққол намён этувчи, туркона тафаккур ва янаш тарзини ифодаладиган, “Муҳокамат ул-луғатайн”да намнуа тариқасида келтирган от ва феъллар, мақол ва идоиматик таъбирлар қўлланилмаган. Балки бу ғазалда илм ва мадраса аҳли орасида кенг истеъмолда бўлган арабий сўзларни шеърият тилига айлантириш ҳаракатини кўришимиз мумкин.

Ғазалнинг яна бир хусусияти – Ҳофиз Шерозийнинг қуйидаги ғазалининг ўзбекча таври ўлароқ битилганидир:

Агар ба мазҳаби ту хуни ошиқ аст мубоҳ,  
Салоҳи мо ҳама он аст, к-он турост салоҳ.

Энди Навоийнинг матлаъини кўриб чиқайлик:

Кўнгулни муғбача олди, муғона тутакдох,  
Ки йўқ салоҳ ила бўлмоғлиқ эмди бизга салоҳ.

Ҳофиз ғазалида ҳам арабий ибора ва сўзлар бошқа ғазалларига қараганда кўпроқ қўлланилган. Навоий Ҳофизнинг ғазалидаги қофиядош сўзлардан фақат матлаъдаги қофияларни икки жойда қўллаган. Ҳофиз байтида ошиқ ўз иродасини ёрнинг иродасига мувофиқ тутишини муҳаббат қоидаси ўлароқ талқин қилинган бўлса, Навоийнинг матлаъида бидоят ҳоли, яъни муҳаббат дарди-

га энди гирифтор бўлган инсоннинг кайфияти қаламга олинган. “Мугбача”, “мугона ақдох” каби таъбирлар Ҳофизнинг айнаи ғазалида мавжуд бўлмаса-да, ҳофизона услубда кенг қўлланилган.

Иккинчи байтда Навоий устозига издошлик қилган ҳолда раддул-қофия (шеърда бир қофияни икки марта келтириш) санъатини қўллаган ҳолда матлаъдаги фикрни янада ривожлантиради. Ой тўлган кунларда девоналарнинг хасталиги қўзғайди. Аммо “бир ой” ишқига мубтало бўлган киши фироқда шундай бир ҳолга келганки, агар тўнкарилган қадахга ўхшаган фалакни тўлдириб май тутсанг ҳам, бу жунун отабини пасайтиролмайди:

Бир ой фироқида беҳудлуғ истарам, тўла тут,  
Агар қилиб эсанг афлок жирмидин ақдох.

Май ислом аҳли учун қатъий ҳаром қилинганини биламиз. Лекин Навоий байтида ишқ хароботи аҳлига май ҳалол қилигани ҳақида сўз боради. Мажоз тилида май – Илоҳни маърифат этиш малакаси, ишқ хароботи – кўнглини илоҳий муҳаббат макон тутган зотлар ҳалқаси эканини биламиз. Ҳар қандай эътиқод, ҳар қандай билим асосида илоҳий муҳаббат бўлмаса, ундай билим ва эътиқод инсонга зарар келтиради, таассуб ва гумроҳликни кучайтиради. Шу сабабдан, илоҳий маърифат тимсоли бўлган майдан ичишни мубоҳ – яхши амал деб билган ҳамда бунга амал қиладиганлар ишқ аҳли наздида ҳақиқий тақводорлардир. Зотан, тақво ҳамда муҳаббатнинг шартлари бир хил – Парвардигорнинг розилигини қўлга киритиш, унинг бузурганига мувофиқ яшаш ва эътиқод қилиш демакдир:

Ҳалол бўлди хароботи ишқ аҳлига май,  
Тутар биз аҳливароъ, кимки они тутса мубоҳ.

Кейинги байтда араб морфологиясининг бир қойдасини усталик билан шеърда қўллаб, янги поэтик маъно яратишга эришилган. Араб сарфида иллат ҳарфлари (вов, ё, алиф, ҳамза)га ўхшаш ҳарфларини ўрнини алмаштириб ўқиб қойдаси эълол деб айтилади. Соқийнинг ҳаётбахш лаби аслида руҳ (жон) бўлиб, эълол қойдаси билан уни роҳ (май) дейиши – соқий, яъни илоҳий каломни

етказувчи табаррук инсоннинг лабидан чиққан калом шароб каби сармаст ва жонбахш экани таъкидланган:

Хаётбахш лабинг руҳ эминштур, эй соқий,  
Магарки вовини иълол этиб қилиб сен роҳ.

Олтинчи байт Хўжа Ҳофизнинг қуйидаги байти таъсирида битилган:

Дари майхона бастаанд дигар,  
Ифтих, ё муфатих ул-абвоб!

Навоий Шероз риндидан ижодий ўзлаштирган маънога қуюқроқ тасвир ҳамда онг остига таъсир қилувчи деталларни кўпайтирган ҳолда шундай бадиий либос кийдирадигани, энди уни тўлақонли Навоийнинг маънавий мулки дейишимизга тўла асос беради:

Сабоҳ майкада боғлиғ дурухуморимтунд,  
Таажжуб этманг, агар зикрим ўлса “ё, Фаттоҳ!”

**Олимжон ДАВЛАТОВ**

——  
**“Нега кўргузди совуғ оҳу сариғ руҳсор субҳ...”**  
——

Нега кўргузди совуғ оҳу сариғ руҳсор субҳ,  
Гар ниҳоний меҳрдин мендек эмас бемор субҳ?

Гар ҳавойи бўлмаса мен телба янглиғ, бас педур,  
Кўнглакин чок айлабон тоғ узра Мажнунвор субҳ?

Меҳрдин мендек ниҳоний тоза доғи бўлмаса,  
Юзда невчун кавкаби ашкин қилур изҳор субҳ?

Дема шингарфий булут ҳар ён эрур қонлиғ момук,  
Тоза доғидин эрур мендек магар хунбор субҳ?

Ғам туни оҳим шароридин туташти кўкка ўт,  
Ким анинг отин қўюптур гунбади даввор субҳ.

Кун шуоий хатлари эрмаски тутмиш мотамим,  
Юзни анжум тирноғи бирла қилиб афғор субҳ.

Соқие, тутқил сабуҳий бодаким, бу дайрдин,  
Биз кетиб бу навъ толиё бўлғуси бисёр субҳ.

Эй Навоий, истасанг баргу наво бу боғ аро,  
Гулдек ўл рокиё кеча, булбул киби бедор субҳ.

-V-- -V-- -V-- -V-

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон  
рамали мусаммани мақсур

### Лугат

**Анжум** – юлдузлар

**Баргу наво** – ҳосил ва шодлик, шод турмуш

**Бода** – май, шароб

**Гунбади даввор** – айланувчи гумбаз; фалак

**Дайр** – бутхона; мажозан: майхона

**Кавкаб** – юлдуз

**Рокиё** – руку қилувчи, икки букилувчи

**Сабуҳий (бода)** – тонг пайтидаги ичкилик

**Хунбор** – қонли ёш ёғдирувчи, аччиқ йиғловчи

**Шарор** – учқун; аланга; тобланиш

**Шингарфий** – қизғиш, қизил тусли

**Шуоий** – шуъла, ёруғлик

**Ҳавоий** – беқарор, ўйинқароқ

## Насрий баён

Тонг ўз қуёшининг яширинганлигидан мен каби бемор бўлмаса, нега бундай совуқ оху сариғ руҳсор билан намоён бўлмоқда?

Агар мен телбадек беқарор бўлмасам, бас, нима учун субҳ тоғ узра Мажнун каби кўксини чок-чок қилади?

Қуёш ишқида меникидек, яширин изтироби, алами бўлмаса, тонг нима учун ўзини бу сифат намоиш қилади, яъни юлдузлардан кўз ёш кўрсатади?

Буларни қизил булут деб ўйлама, улар ҳар ённи тўлдирган қонли пахталардир, тонг жуда қаттиқ изтиробдан мен каби йиғлаган ва қон ёшларини момуқ – пахтага артиб ташлаган.

Ғам тунида мен чеккан “оҳ” оловидан кўкка ўт чирмаиди. Унинг номини эса айланувчи гумбазнинг (фалакнинг) тонги, деб атабдилар.

Қуёшдан таралаётган шуylали чизиклар – нурлар эмас, балки менинг мотамимни тутган тонг юзини юлдузлари тирноғи билан жароҳатлаган, яралаган.

Эй соқий, тонг маҳали ичилувчи май – сабуҳий бодадан қуй, бу майхона (дунё)дан биз кетсак ҳам, субҳнинг бу қисмати кўп такрорланаверади.

Эй Навоий, бу боғ ичра ҳосил ва шодлик (шод турмуш) кўришни истасанг, кечалари гулдек рукуъда, тонглари булбул каби бедор бўл!

## Шарҳ ва изоҳлар

Ёридан нишона топиш, уни ўз ҳолидан огоҳ этиш, аниқ мақсад йўлига ўтиш, ёр мадҳини битиш, васфини куйлаш, ҳаётини ёрга сарфлаш мақсадида асраш сингари тушунчалар сингган талай ғазаллар, байтлар орасида тонг, яъни субҳ, қуёш каби тимсоллар эътиборни тортади.

Табиат кўнгил кўзгуси сифатида намоён бўлган Навоий шеъриятида тонг манзараси тасвири алоҳида мазмун касб этган. “Хазойин ул-маоний” куллиётида айнан тонг тасвирига бағишланган бир қанча ғазалларни учратиш мумкин. “Субҳ” радифли тўртта, “сабуҳ” радифли битта ғазал шулар жумласидандир.

Тонг – файз манбайи, у хамиша уйғоқ руҳни, бедор юракни талаб ва тарғиб қилади. Сўфийлар тили билан айтганда, тонг – “субҳ – илоҳиёт тажаллийсининг зуҳури бўлиб, у ғайб оламидан нозил бўлади; таайюнот (борлиқ, дунёда бор нарсалар) зулматларини ошиқнинг дил саҳифасидан сидириб ташлайди” (1, 82). Навоийнинг ўзи бир ғазалида ёзади: “Субҳидам бедору гирён бўл агар файз истасанг...” (2, 82).

Навоий ғазалларида табиат кўнгли кўзгуси сифатида намоён бўлади. Агар ошиқ кўнгли ғаму ҳасрат кўйнида бўлса, субҳидам ҳам гўзал боғу бўстонлар, гулзор ҳам унинг қайғусига монанд бўлиб кўринаверади, юраги қувончга тўлган фараҳли дамларда эса у шом қоронғусидан ҳам, хазонзор боғлар бағридан ҳам ўз қувончига шерик топа олади. Манзаралар тасвири, унинг ифодаси шоирнинг ижодий ниятига мувофиқ эврилади. Мазкур ғазалда ошиқ юрагидаги ҳижроннинг чуқур изтироблари, қийноқлари тонг манзараси билан шу қадар ўринли ва гўзал қиёсларда уйғунлаштирилганки, ғазални ўқиётган китобхоннинг кўз ўнгидеги ҳижрондан азобланиб, висол иштиёқида ўртанаётган ошиқ ўзини тонг – субҳидам билан бирга, ёнма-ён намоёиш қилади. Бу ғазалдаги тасвир шунчаки табиатнинг ёхуд тонгнинг тасвири эмас, балки катта бир инсоний дарднинг, изтиробнинг маҳсули.

Нега кўргузди совуғ оху сариғ руҳсор субҳ,  
Ғар нихоний меҳридин мендек эмас бемор субҳ.

Яъни: “Тонг “меҳр”и – қуёшининг яширинганлигидан мен каби бемор бўлмаса, нега бундай “совуқ оху” сариғ руҳсор билан намоён бўлмоқда”, – дейди, ошиқ. Тонг ота бошлаган чоғда ҳали қуёш кўринмасдан илгари уфқ дастлаб сариқ рангда намоён бўлади. Бу сариқлик эндигина кўтарилиб улгурган тун пардаси ортида беморнинг заъфарон (юзи) рангига ўхшаб қолади. Бу заъфаронликка этни жунжиқтирувчи тонг шабадаси – “совуқ ох” қўшилиб, тасвирга баркамоллик бағишлайди. Зоҳиран ошиқ изтиробларини баён этаётган бу ғазал ботинида орифона (тасаввуфий) мазмун ҳам ифодаланганини инкор қилиб бўлмайди.

Байтнинг орифона мазмунини сўфиёна истилоҳга айланган тушунчаларни ўрганиш орқали англаш мумкин: оҳ деб, аввал ай-

тиб ўтганимиздек, ишқнинг камолга етиш аломати ва нишонасига айтиладики, унинг шарҳини баён этишга тил ожиздир; рухсор – зот ҳусни ва жамоли тажаллийётининг кўринадиган ўрнини ифодалайди. Байтнинг орифона мазмуни шундай: “Ҳақ жамоли ошиқдан нихон – яширинган, унинг васлига етишиш жуда мушкул, унинг ҳажридаги ошиқ – бемор. Ҳақ жамоли нурининг зуҳури уфқда (кунчиқишда) намоён бўлмоқда. У ошиқ кўнглидаги зулматларни сидириб ташлаш учун намоён бўлган. Буни ошиқ билади ва шунинг учун ҳам субҳ – тонгга юзланади”.

Ғар ҳавойи бўлмаса мен телба янглиғ, бас недур,  
Кўнглакин чок айлабон тоғ узра мажнунвор субҳ.

Тонг отишининг энг гўзал, энг таъсирчан, шоирона тасвири бор бу байтда. Тонгнинг тоғлар устидан бошланиши (қуёш тоғлар ортидан кўринмоқда) – тун пардасининг йиртилиши (тоғ чўққилари қиррасида) кўксини чок-чок қилган беқарор Мажнунга қийёсланади. Талмеҳ санъатининг гўзал намунаси деб баҳолаш мумкин бўлган байтнинг ботиний мазмуни шундай: “Ҳақ висоли йўлида турган ошиқ беқарор, яъни ҳавойи. Бир дамнинг ўзида у минг хил хаёлларга боради ва минг бор азобланиб, минг бор завқланади, чунки бир томондан, у ҳали моддий дунёнинг қувонч таъмишларидан воз кечиб кетолмаган. Ҳаққа етмоқ учун эса бу дунёнинг бутун лаззатларидан воз кечмоқ, фақат унинг – Аллоҳнинг ёди билан яшамок керак. Шунинг учун ҳам бу йўлда турган ошиқ руҳи шундай бир талотум ичида қолганки, у тоғлар устига чиқиб Мажнун каби кўйлагини (аслида, кўксини) чок этади.

Меҳридин мендек нихоний тоза доғи бўлмаса,  
Юзда невчун кавкаби ашқин қилур изҳор субҳ.

Ушбу ва аввалги байтларда тонг жонлантирилиб, унга одам хусусиятлари сингдирилган. Осмон – кўз, юлдузлар – кўз ёшлари. Киши йиғлаганда, юзга кўз ёшлари ёйилиб кетади, ёхуд артиб тапланаяди, аниқроғи, йўқолади. Тонг отиши билан юлдузларнинг милтиллаб кўриниши ва аста-секин кўздан ғойиб бўлиши шу усулда жонлантирилган. Байтнинг мазмуни: “Қуёш ишқида ме-

никидек, яширин изтироби, алами бўлмаса, тонг нима учун ўзини бу сифат намойиш қилади, яъни юлдузлардан кўз ёш кўрсатади”.

Ушбу байтдаги тоза доғ ифодаси жуда қаттиқ изтироб, алам маъноларини англатиб, бу изтироб, аламнинг ишқ туфайли эканлиги кейинги байтда янада ойдинлашади:

Дема шингарфий булут ҳар ён эрур қонлиғ момук,  
Тоза доғидин эрур мендек магар хунбор субҳ.

Тонг отишидан олдин, агар осмонда булут бўлса, у уфқ ортида ҳали кўриниб улгурмаган Қуёшнинг нурлари таъсирида қизил рангга кириб кўринади. Байтда ана шу манзарага мурожаат қилар экан: “Буларни қизил булутлар деб ўйлама, тонг жуда қаттиқ изтиробдан мен каби йиғлаган ва қон ёшларини момукқа артиб ташлаган”, дейди шоир.

Байтнинг орифона мазмунини аниқлашдан олдин, сўфийларнинг “Юрак йиғлаганда, кўз ёшлари қонга айланади” (3, 82), деган фикрини эслаш ўринли. Байтдаги булут (абр) ҳижоб маъносида келган, аниқроғи, булут деб, “дилнинг нафсоний ҳаракатлар зулмати ва руҳоният мулклари орасидаги ҳижобга айтилади...” (4, 82). Демак, ошиқ Ҳақ васлига юракдан йиғлаб интилади. Унинг кўзларидан ёш эмас, қон оқади. Бу қон ёшлар ошиқ билан Ҳақ ўртасидаги ҳижобни қонга бўйайди. Ёр висолига эришиш нақадар мушкул эканлигини англаган ошиқ давом этади:

Ғам туни оҳим шароридин туташти кўкка ўт  
Ким, анинг отин кўюптур гунбади даввор субҳ.

Байтнинг зоҳирӣ мазмуни: “Ғам тунида мен чеккан “оҳ” оловидан кўкка ўт чирмашди. Унинг номини эса айланувчи гунбазнинг (фалакнинг) тонги, деб атабдилар, аслида эса бу тонг менинг “оҳ”ларим маҳсули”.

Байтнинг орифона мазмуни эса тубандагича: “Ғам тунида ошиқ ёр (Ҳақ) жамолининг нуридан бебаҳра бўлса-да, унинг ишқи сўнмайди, аксинча, бу ишқ камолотга эришиб, авжга чиқиб бораверадики, у Ҳақдан ўзга ҳамма нарсани унутади, тили бирор

каломга келмайди, фақат ўтли “оҳ” тортади ва илоҳиёт тажаллий-сининг зуҳурига яқинлашиб бораверади”.

Кун шуой хатлари эрмаски, тутмиш мотамим,  
Юзни анжум тирноғи бирла қилиб афгор субҳ.

Байтнинг зоҳирий мазмуни: “Қуёшдан таралаётган шуълали чизиқлар – нурлар эмас, балки менинг мотамимни тутган тонг юзини юлдузлари тирноғи билан жароҳатлаган, яралаган”. Бу байт олдинги байтларни ҳам мазмунан, ҳам шаклан тўлдириб давом эттириб келади. Умуман эътибор қилинса, ҳар бир байтда субҳ чоғининг янги-янги қирралари очиб борилади ва тонгнинг алоҳида-алоҳида мустақил манзараси тасвири яратилади.

Байтнинг орифона мазмуни: “Ошиқ бу дунёнинг қувончу ташвишларидан бутунлай ажрала олмаганлиги сабабли ҳам Илоҳ жамолига етиши анча қийин ва оғир. Ҳижронда эса яшаб бўлмайди”.

Асар охирига етиб борар экан, ошиқнинг нияти янада ойдинлашади:

Соқие, тутқил сабуҳий бодаким, бу дайрдин,  
Биз кетиб бу навъ толиъ бўлғуси бисёр субҳ.

Сўфийлар соқийни шундай изоҳлайдилар: “Файз манбаиким, вужуд зарротини борлиқнинг бодасидан сархуш қилгандир” (5, 82). Бадиий матнда соқий бир печа маънода келиши мумкин: Илоҳиёт нури ва ёхуд Илоҳнинг ўзи; Муҳаммад пайғамбар с.а.в.; пири муршид (комил инсон), гўзал маъшуқа ёки маъшуқа. Ушбу байтда эса ошиқ илоҳиёт нурига мурожаат қилар экан, ундан сабуҳий бода сўрайди, зеро, унинг қалбидаги зулматларни соқий узатган сабуҳий бода (соф май)гина тозалай олиши ва оқибатда ошиқ кўнглининг ёришиши, фараҳ топиши ва унинг бу дайрдан воз кечиб кета олишини осонлаштириш мумкин. Тонг эса у кетгандан кейин ҳам ҳали кўп бор ўзини намоён қилаверади:

Эй, Навоий, истасанг баргу наво бу боғ аро,  
Гулдек ўл рокиъ кеча, булбул киби бедор субҳ.

Гулнинг тундаги, булбулнинг тонгдаги аҳволини ташбеҳ сифатида қўллаган Навоий мақтаъда ўз фикрларини якунлар экан, камолотни, унга эришишни тарғиб қилади. У ўзига мурожаат орқали комилликка эришиш учун тунлари саждада, ҳақ ёди билан яшашни, тонглар эса бедор бўлишни таъкидлайди, зеро, тонг файз манбайиким, ундан баҳрамандлик кўнгилни поклайди, унга фараҳ бағишлайди, деган фикрлар англашилади бу байт ботинида.

Бир қарашда бошдан-охир тонг тасвирига бағишланган мазкур ғазал ошиқнинг бутун дарду ҳасратини, ғуссаю изтиробини ўз бағрига сингдириб юборган. Ғазалдаги ошиқ – висол талабгори. Инсонга хос ишқий кечинмалар орқали Ҳақ васлига етишиш йўлидаги чуқур изтироблар, зиддиятлар, моддий дунёнинг қувончу ташвишларидан воз кечиш кета олишнинг нақадар оғирлиги, ўзликни англаш, ана шу англашдан ўзликдан-да кечиш азоблари ва комилликка эришиш йўллариини излаш оқибатида рухиятда юз берган талотумлар ушбу ғазалда ўзининг шеърӣй ифодасини топган.

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА



“Нега кўргузди совуғ оху сариғ рухсор субҳ...”



Нега кўргузди совуғ оху сариғ рухсор субҳ,  
Ғар ниҳоний меҳридин мендек эмас бемор субҳ?!

Ғар ҳавойи бўлмаса мен телба янглиғ, бас недур,  
Кўнглакин чок айлабон тоғ узра мажнунвор субҳ?!

Меҳридин мендек ниҳоний тозадоғи бўлмаса,  
Юзда невчун кавкаби ашкин қилур изҳор субҳ?!

Дема шингарфий булут ҳар ён эрур қонлиғ момуқ,  
Тозадоғидин эрур мендек магар хунбор субҳ.

Ғам туни оҳим шароридин туташти кўкка ўт,  
Ким анинг отин қўюп тургун бади даввор субҳ.

Кун шуоий хатлари эрмаски тутмиш мотамим,  
Юзни анжум тирноғи бирла қилиб афғор субҳ.

Соқие, тутқил сабуҳий бодаким, будайрдин,  
Биз кетиб бу навъ толиъ бўлғуси бисёр субҳ.

Эй Навоий, истасанг баргу наво бу боғ аро,  
Гулдек ўл рокиъ кеча, булбул киби бедор субҳ.

—V— —V— —V— —V—

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон  
рамали мусаммани мақсур

### Лутат

**Нихоний** – яширин, пинҳона .

**Меҳр** – қуёш

**Мажнунвор** – телбаларча, девоналар каби

**Кавкаб** – юлдуз

**Шингарфий** – қизил

**Момуқ** – пахта

**Шарор** – учкун

**Гунбади даввор** – айлана фалак

**Кун** – қуёш

**Шуоий** – нурли

**Анжум** – юлдузлар

**Афғор** – мажруҳ

**Сабуҳий** – тонгги

**Толиъ** – қуёшнинг уфқдан кўриниши, тонг отиши пайти

**Баргу наво** – йўл озиғи

**Рокиъ** – намозда эгилиб сажда қилган киши

## Насрий баён

1. Агар қуёшининг пинҳон бўлганидан мендек бемор бўлмаса, нега субҳ совуқ оҳ чекиб, ранги сарғайиб қолди?!

2. Агар мен телба янглиғ ишқ хавосига тушмаган бўлмаса, нега тоғ устида мажнунлардек кўйлакини чок этиб турибди?!

3. Қуёшининг меҳридан мен каби агар яширин жароҳат доғлари кўпаймаган бўлса, нега субҳнинг юзида юлдузлардан кўз ёшлари зоҳир бўлибди?!

4. Ҳар томонда қизил булут дема, улар аслида субҳнинг жароҳатлари устидаги қонли момик малҳамларидир.

5. Ғам туни оҳим учқунлари уфққа ўт қўйди, фалак эса бунинг отини субҳ деб қўйибмиш.

6. Қуёш нурлари эмас, балки менинг мотамимда тонг юзларининг тирнагани изларидир.

7. Эй соқий, тонгги бодани келтирким, бу дунёдан биз кетгач, ҳал кўп тонглар отади.

8. Эй Навоий, бу боғдан агар ўзингга керакли озиқ истасанг, кечаси гулдек рокиъ, тонгда эса булбул каби бедор бўл.

## Шарҳ ва изоҳлар

Ғазалда ошиқнинг кайфияти, ташвишли талпинишлари ва азобу изтироблари ташхис санъати ёрдамида субҳ – тонг манзарасига ўхшатиш ҳолда ифода этилган. Навоий бу ғазалда ҳам ўз маслагига содиқ қолиб, ошиқона ва орифона маъноларни серқатлам байтлар замирига маҳорат билан сингдиришга эришган.

Матлаъда тонг чоғи еладиган сарин шабада ҳамда куннинг ёришиб, ёруғликнинг олтин ранги борлиқни музайян этгани билан ошиқнинг оҳ чекиб, ранги сарғайиб қолгани ўртасида мутаносибликни кўриб, бунга сабаб қилиб, тонг Қуёшни, ошиқ қуёш талъатли ёрининг ҳижронида шундай ҳолга келган, деган хулосани яратади. Қуёш оламга чиққач, осмондаги Ой ва беҳисоб юлдузлар кўринмай қолиши, тунда нур таратаётган барча собиту сайёраларнинг асл маншай битта экани аён бўлганидек, ошиқ ҳам бу

дунёдаги барча гўзалликларнинг асл моҳиятини ўзида жамлаган, кўнгилни муҳаббат ва маърифат нурлари билан мунаввар этадиган қуёшининг пинҳон бўлиб қолганидан тонг каби оҳ чекиб, ранги сарғайган:

Нега кўргузди совуғ оху сариғ рухсор субҳ,  
Гар ниҳоний меҳридин мендек эмас бемор субҳ?!

Девона бўлган кишининг жунун шиддати ўз забтига олгач, нафаси танглик қилиб, ҳаво етишмаётгандек бўлади. Натижада ғайришуурий тарзда кўйлагини йиртиб, кўнгил сиқилишини гўёки сал бўлса-да, камайтиргандек бўлади. Тонг ҳам гўёки тун пардасини йиртганидан тоғларнинг қуллаларида ёруғлик кўриниб, бу ҳолат мажнуншева ошиқнинг ёқавайронлигига ўхшашдир:

Гар ҳавойи бўлмаса мен телба янглиғ, бас недур,  
Кўнглакин чок айлабон тоғ узра мажнунвор субҳ?!

Қуёшнинг яна бир номи – меҳрдир. Қуёш оламга қандай нуру сафо бағишласа, яқин кишининг меҳри кўнгилларга худди шундай илиқлик, нуру зиё кетиради. Инсон ҳамипа яқинларнинг меҳрига ташна бўлиб яшайди. Айниқса, меҳрибон кишидан айри қолган кўнгилнинг ҳаётнинг турли синовларидан мажруҳ ва зада бўлганида меҳр малҳамига катта эҳтиёж сезади ва унинг ёдида юлдузлардек беҳисоб кўз ёши тўкади. Энг ажабланарлиси, кўпинча худди тонг чоғи осмондаги беҳисоб юлдузларнинг барчаси ўчмагунча қуёш кўринмаганидек, ҳижронда қолган кўзларнинг ашки қуриб битмагунча висол муяссар бўлмайди:

Меҳридин мендек ниҳоний тоза доғи бўлмаса,  
Юзда невчун кавкаби ашқин қилур изҳор субҳ?!

Тонг ёришини тасвирлаш тадрижига мувофиқ, ошиқнинг руҳий ҳолати ва кайфиятининг тавсифи ҳам қуюқлашиб бораверади. Уфқда кўринган қизғишранг булутлар тонгнинг янги, ҳали битмаган жароҳатларига пахтадан қўйилган малҳамга ўхшатилиши ишқ тонгининг бўсағасида турган ошиқнинг қийноқларини

таъкидлаш учундир. Ошиқлар сафини булҳаваслар аҳлидан пок тутиш учун муҳаббат кўйининг дастлабки босқичларида турли синовлар, имтиҳон ва риёзатлар рўпара келади. Бу синовларга дош бермасдан, осонгина воз кечадиган булҳаваслар ёлғончи тонг каби юзикора бўлиб қолишади. Ҳақиқий ошиқлар эса субҳи содиқ каби муҳаббатнинг барча дарду доғини чекишга тайёр туришади:

Дема шингарфий булут ҳар ён эрур қонлиғ момук,  
Тозадоғидин эрур мендек магар хунбор субҳ.

Ҳазалнинг шу еригача тонг отиши жараёни билан ошиқ руҳияти ва кайфиятидаги ўзгаришлар мувозий – параллел равишда тасвирланган бўлса, энди ишқ ғалаёни сабабли, ошиқнинг аҳволини ифодалашда тонг ҳам “ожишлик” қилади. Ҳижрон ғуссаси дастидан кўнгил зимистон тундан қоронғу бўлган чоғда чиққан ўтли оҳларнинг кўкларга ўрлаб, бир учқунидан тонглар отиб кетгандек гўё.

Одатда, кўп дард чеккан беморлар тонгга яқин, тун билан кун алмашган пайтларда жони узилади. “Ғам туни”да кўп машаққатлар чеккан ишқ бемори ҳам тонгга яқин субҳнинг насими липиллаб турган шамларни ўчирганидек, ҳаёт билан видолашган. Шу сабабли, қуёшнинг илк нурлари уфқни ёритгани аслида ўз дардкашининг мотамида тонгнинг аза тутиб, юзини тирнаганидан нишона:

Ғам туни оҳим шароридин туташти кўкка ўт,  
Ким анинг отин қўюп тургун бади давворсубҳ.

Кун шу оийхатлари эрмаски тутмиш мотамим,  
Юзни анжум тирноғи бирла қилиб афгор субҳ.

Соқийга мурожаат қилинган байтда тонг отиши – умрнинг бебақолигини таъкидлаш ҳамда ҳар лаҳзани ғанимат билиш учун бир эслатма эканини таъкидлаб, мақтаёда ҳазалнинг ранг ва оҳангини бутунлай ўзгартирадиган бир маънони сингдирган:

Эй Навоий, истасанг баргу наво бу боғ аро,  
Гулдек ўл рокиъ кеча, булбул киби бедор субҳ.

Мазкур байтдаги боғ, барг, наво, гул, булбул, субҳ сўzlари лирик асарларда кенг қўлланилади. Фақат рокиъ сўзи бадиий адабиётда

кам учрагани, аслида диний адабиётга мансублиги боис, биринчи қарашда юқоридаги сўзлар силсиласига мутаносиб кўринмайди (рокиъ сўзи арабча “ракаъа” феълидан олинган бўлиб, намозда эгилган кишига нисбатан айтилади). Ва ана шу “мутаносиблик” ўқувчини байтда яширинган маънони излаб топишга ундайдиган ишорадир. Демак, “рокиъ” сўзи ушбу байтда ишора-белги вазифасини ўтайди.

Барг–япроқ, наво–куй, оҳанг; бу сўзлар ягона ибора (баргу наво) шаклида келганда кўчма маънода йўл озиғи маъноси-ни билдиради. Боғ– дунё рамзи. “Бу” кўрсатиш олмоши орқали шоир маънони янада кучайтирган. Навоий айтмоқчи, боғ – дунёдан ўзинг билан бирор нарса олиб кетмоқчи бўлсанг, кечалари қуёшни қўмсаб, эгилиб турган гул каби рокиъ–намозхон, тонгда эса, ҳақиқий матлубинг висолига эришмоқ учун булбул каби уйғоқ ва навосоз бўлишинг керак. Зеро, “тонгдаги Қуръон қироати фаришталар ҳозир бўладиган вақтдир” (Бани Исроил сураси, 78-оят). Шоир диний-фалсафий маънони ифода этиш учун табиий рамзлардан фойдаланиши бежиз эмас. Гулнинг рокиъ бўлиши ва эрталабки Қуръон қироатининг булбул навосига ўхшашлиги фақат зоҳирий жиҳатдангина мувофиқ бўлмай, балки бу унсурлар ўртасида ички муносабат, богиний уйғунлик ҳам мавжуд. “Ҳаж” сурасининг 18-оятида шундай дейилган: “ (Эй Мухаммад), осмонлардаги ва Ердаги бор жонзот, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дарахтлар ва (барча) жониворлар ҳамда кўп инсонлар (ёлғиз) Аллоҳга сажда қилишини кўрмадингизми?” “Ал-Исро” сурасининг 44-ояти ҳам шу мазмунда: “Етти осмон, Ер ва ундаги бор жонзот Унга тасбиҳ айтур. Мавжуд бўлган барча нарса ҳамд билан Унга тасбеҳ айтур. Лекин сиз уларнинг тасбеҳларини англамасизлар...” Бу ҳолни, яъни бутун Борлиқ ўзининг Парвардигорига саждада эканлиги, ҳамиша унинг ҳамди ва тасбиҳида бўлганлигини мушоҳада этиш учун қалб кўзи бино бўлиши керак. Ҳазрат Навоий басират кўзи билан табиатга назар солиб, ундаги муайян бир манзара билан инсоннинг руҳий кечинмалари ўртасидаги уйғунлик, мутаносиблик, ўхшашликни кўради ва юқоридаги табиий манзара тасвири орқали чуқур фалсафий-ирфоний маъноларни баён этади.

Олимжон ДАВЛАТОВ

—•—•—•—•—•—•—

**“Равзаву гул етти-ю ичмас ул ой гулгун қадах...”**

—•—•—•—•—•—•—

Равзаву гул етти-ю ичмас ул ой гулгун қадах,  
Не кўнгул хушлуқ била тортай мени маҳзун қадах.

Ё мени маҳрумға хунобайи хижрон бериб,  
Ўзга маҳрамлар била ул ой чекар гулгун қадах.

Боре ҳар тақдир илаким, бор мени лабташнаға  
Тутмас эрмиш заҳри ғамдин ўзга даҳри дун қадах.

Соқиё, бу ғусса дафъи масту беҳудлуғдурур,  
Тут шафақгун май тўла гар худ эрур гардун қадах.

Рўза ойин кўрмай илгингдин қадахни солмағил,  
Лек ол байрам ҳилоли ҳам кўрунган тун қадах.

Жом эрур мен телбага конлиғ кўзумнинг косаси,  
Лолалар саҳрода бас, гар истаса Мажнун қадах.

Чун фано дайриға кирдим бода тут, эй пири дайр,  
Зарф хох эски сафол ўлсун, вагар олтун қадах.

Юз қадах қилғил мурассаъким чекарсен жоми марғ,  
Ҳеч ким худ топмади Жамшиддин афзун қадах.

Эй Навоий, бизни ёд эткайму барқандон куни  
Ичса жоми Жам тилаб сонийи Афридун қадах.

— V — — — V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

## Луғат

**Маҳзун** – қайғули, хафа

**Хуноба** – қонли ёш

**Гулгун** – қизил

**Даҳри дун** – разил, пасткаш дунё

**Соқий** – май қуювчи

**Шафақгун** – шафақ рангли

**Худ** – ўз

**Гардун** – фалак, осмон

**Ҳилол** – янги чиққан ой

**Фано** – йўқлик

**Дайр** – бутхона, ибодатхона, майхона

**Бода** – май

**Пири дайр** – майхона пири, бу ўринда пири муршид, яъни устоз

**Зарф** – идиш

**Сафол** – сопол идиш

**Мурассаъ** – қимматбаҳо тошлар билан безалган

**Марг** – ўлим

**Афзун** – афзал, ортиқ

**Барқандон** – чақмоқли

**Соний** – кейинги, иккинчи

## Насрий баён

Боғ ва гул фасли, яъни баҳор кириб келди, лекин менинг гул юзли ёрим май ичмаяпти. Шундай экан, мен қандай қилиб хушнудлик билан қадаҳ кўтара оламан?

Ёки ёрим менга қонли ёшдан айрилиқ майини тутиб, ўзи ўзга дўстлари билан гулгун, яъни қизил рангли май ичади.

Барчаси тақдирдан экан: мен ташналаб бўлган бечорага бу пасткаш дунё ҳам ғам захридан бошқа қадаҳ тутмас экан.

Эй соқий, энди бу қайғуни фақат маст бўлиб, ўзни унутиш кет-казади, шундай экан, менга шафақдек қизил май тўла қадаҳ тут, агар у гардун – осмон сингари катта бўлса ҳам.

Рамазон ойи келмагунча қўлингдан қадахни қўймагин, шунингдек, байрам яқинлашгач, осмонда ҳилолни, яъни янги чиққан ойни кўрган тунингда ҳам хурсандлик билан қадахни қўлингга ол.

Мен телбага қонли кўзимнинг косаси жом, яъни қадахдир ва агар Мажнун ҳам қадахда май ичишни истаса, саҳродаги лолалар унга қадах бўла олади.

Фано майхонасига кирдим, эй соқий, менга май тўлдириб қадах тут, идишнинг олтин ёки эски сопол эканлиги аҳамиятга эга эмас.

Юзта қимматбаҳо тошлар билан безатилган қадах ясаганг ҳам, охир-оқибат, ўлим майидан кутула олмайсан. Ҳеч ким Жамшиднинг жомидан афзалроқ қадах тополгани йўқ.

Эй Навоий, чақмоқ чаққан кунда иккинчи Афридун Жамшид майини ичган пайтида бизни эслармикан?

### Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг “Қадах” радибли ушбу ғазали тасаввуфий мавзуда бўлиб, унда соликнинг руҳоний юксалиш жарёнидаги ҳиссиётлари, нафси енгиб – ўзликдан воз кечиб, Ҳаққа эришиш йўлида босиб ўтиши зарур бўлган босқичлари анъанавий рамзий усул билан тасвирланади. Маълумки, тасаввуф фалсафасида қадах – май қуйиладиган идиш соликнинг – Ҳаққа интилаётган инсон қалбининг тимсолидир.

Равзаву гул етти-ю ичмас ул ой гулгун қадах,  
Не кўнгул хушлуқ била тортай мени маҳзун қадах.

Ғазалнинг матласида шоир ўзининг гулдек гўзал юзли ёрининг май ичиб, хурсандчилик қилмаётганлигини маълум қилар экан, ғамгин оҳангда айтадики, у бу ҳолатда қандай қилиб бир ўзи қадах кўтариши мумкин? Мазкур тасвир рамзий маънога эга бўлиб, мавзунинг тасаввуфона эканлигидан келиб чиқсак, назарда тутилаётган ёрни “миръоти Ҳақ”, яъни Ҳақнинг кўзгуси бўлган, Унинг нурини ўзида акс эттирган инсон сифатида тушуниш мумкин. Май ичиш, деганда дабдурустдан ошиқ билан ёрнинг

хамсухбат бўлиши тасаввур қилинади. Ваҳоланки, бу ерда илоҳий ҳақиқатдан баҳрамандлик кўзда тутилади.

Матлада қўлланган тавзеъ санъати (бир хил товушлар такрори: равзаву, гул, еттию, ул, гулгун; хушлук, маҳзун сўзларидаги у товуши) ҳамда ёрга нисбатан ой сўзининг истиора қилиб олинганлиги ифоданинг бадий таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

Ё мени маҳрумға хунобайи ҳижрон бериб,  
Ўзга маҳрамлар била ул ой чекар гулгун қадах.

Иккинчи байтда ошиқ шундай гўзал фасл – кўкламда ёри нима учун май ичмаётганлигини, яъни унга ўз суҳбатини раво кўрмаётганлиги сабабини аниқлашга ҳаракат қилади ва ёр ўз ошиғини унутганлигига боис бошқа дўстлар билан бирга эканлигидадир, деган хулосага келади. Бу ерда шўрлик ошиқ хунобайи ҳижрон – қонли ёшдан айрилиқ майини ичиб ҳам чекмоқда.

Мазкур байтда товушларнинг ўзаро уйғун такрори етакчилик қилиб (маҳрум, хуноба, ҳижрон; маҳрам, қадах сўзларидаги ҳ ва х товушларининг кетма-кет келиши) ҳамда маҳрум – маҳрам сўзларининг биринчи мисрада уч ҳижодан, иккинчи мисрада икки ҳижодан сўнг, яъни деярли бир ўринда қўлланилиши таъсирчан лирик оҳангни ҳосил қилмоқда.

Боре ҳар тақдир илаким, бор мени лабташнаға  
Тутмас эрмиш захри ғамдин ўзга дахри дун қадах.

Учинчи байтга келиб, ошиқ тақдирга тан беради: ёрнинг унга илтифот кўрсатмаслиги – тақдирдан. Ахир бу дунёнинг ўзи эгри бўлгандан кейин, ундан қандай қилиб захрдан бошқасини кутиш мумкин?

Айни тасвир дунё ташвишларининг ўта бемаъни эканлигини англаб, ўзини Ҳақ йўлига бағишлаш учун тайёр турган инсон қиёфасини, унинг ички дунёсидаги алам ва оғриқни акс эттирмоқда. Кейинги байт бу фикрни тасдиқлайди:

Соқиеъ, бу ғусса дафъи масту беҳудлуғдурур,  
Тут шафақгун май тўла гар худ эрур гардун қадах.

Ёрдан жабр кўрган ошиқ майхона сари йўл олди, у ерда май қуйиб ўтирган соқийга қайғусини май кетказишини айтиб, шафақдек қизил майни осмондек улкан қадаҳга сузиб беришини сўрапти.

Тасаввуфда соқий пири муршид тимсоли эканлигини ҳисобга олсак, байтнинг ботиний, ички маъноси ойдинлашади: дунё ташвишларидан, ғам-қайғудан ҳориган, ўзини англашни истаётган инсон сулукка – Ҳақ йўлига кирмоқчи. Бунинг учун ўзини руҳан поклаши, ўзи ҳақида тафаккур этиши, нафс қутқуларидан халос бўлиши лозим. Унга шафақсимон қизил осмондек қадаҳга қуйилган май ёрдам беради.

Байтда таносиб санъати устуворлик қилиб, май, қадаҳ, соқий ҳамда маст бўлиш тушунчалари бир-бирини тақозо этиб келмоқда.

Рўза ойин кўрмай илгингдин қадаҳни солмағил,  
Лек ол байрам ҳилоли ҳам кўрунган тун қадаҳ.

Рамазон мусулмонларнинг интиқиб кутадиган, байрамона ўтказадиган, рўза тутиладиган, мўминлар учун Аллоҳга ўзини яна ҳам яқинроқ ҳис этиш имконини берадиган қадрли ойдир. Бу ойда ҳамма ёмон ишлардан, гуноҳлардан тийилади, инсонлар ўзини ҳам руҳан, ҳам жисман поклашга интилади. Шоир шунга ишора қилиб, Рамазон ойи келмагунча май ичавер, дейди ўзига ўзи.

Шоир айна пайтда рўза ва байрам ҳилоли тушунчаларини келтириш орқали ишқнинг солиқ учун бебаҳо бойлик, абадий байрам эканлигига урғу қаратади, айниқса, иккинчи мисрада биргина ол сўзини икки хил маънода тушунишга олиб келувчи ифода мавжуд: “Лек ол байрам ҳилоли ҳам кўрунган тун қадаҳ”. Бу ўринда ол сўзини ҳам ранг (янги ойнинг қизил бўлиши), ҳам қадаҳни қўлга олиш маъносида тушуниш мумкин, яъни Алишер Навоий мазкур мисрада ийҳом санъатини қўллайди.

Жом эрур мен телбага қонлиғ кўзумнинг косаси,  
Лолалар саҳрода бас, гар истаса Мажнун қадаҳ.

Шоир ўзини телба деб атар экан, ўз кўзини ўзи учун май қуй-  
са бўладиган қонли коса сифатида хизмат қилиш мумкинлигини  
таъкидлайди. Иккинчи мисрада саҳродаги лолалар истиораси би-  
лан ўз юзи ва кўзини назарда тутати. Яъни юзи сарғайиб, саҳрога  
айланган, икки қонли кўзи эса Мажнун май ичаман, деса қадах  
бўла олади. Демак, биринчи мисрадаги тасвир бежиз бўлмай, ик-  
кала мисра ҳам байтнинг моҳиятини англашда ўта муҳим ўрин  
тутати.

Мазкур байтда кўзни қонли косага ўхшатиш (ташбеҳ), Маж-  
нун образининг киритилиши (талмех) унга беқиёс поэтик жозиба  
бахш этган.

Чун фано дайриға кирдим бода тут, эй пири дайр,  
Зарф хоҳ эски сафол ўлсун, вагар олтун қадах.

Фано майхонаси дейилганда шоир ўзликни унутиш йўлига,  
яъни Ҳақ йўлига кирган солиқнинг устоздан нафси енгил йўлла-  
ри ҳақида сабоқ оладиган масканни, яъни пир даргоҳини назарда  
тутар экан, муршиддан май қуйиб беришини илтимос қилмоқда.  
Тўртинчи мисрада ҳам ошиқнинг соқийдан май сўраганлигини  
кўрган эдик, ушбу байтнинг фарқи шуки, солиқ учун дунёнинг ҳеч  
қандай қадри қолмаганлиги унга май қуйиб бериладиган идиш-  
нинг олтин ёки сополлигининг аҳамияти йўқ эканлигини айтиш  
билан кўнга ташланади.

Юз қадах қилғил мурассаъким чекарсен жоми марғ,  
Ҳеч ким худ тонмади Жамшиддин афзун қадах.

Шоир бу байтда “мурассаъ қадах” – қимматбаҳо тошлар би-  
лан безалган қадах тимсоли орқали дунё ҳашаматининг боқий  
эмаслигини, иккинчи байтда “Жоми Жамшид”, яъни бутун дунё-  
ни кўрсатадиган жомнинг афзаллигини таъкидлайди. Мусулмон  
Шарқида жоми Жамшид орқали дунёнинг исталган нуктасини  
кўриш мумкин, деган ривоятлар мавжуд. Тасаввуфда эса жоми  
Жамшид маърифатга эришган ориф инсон қалбининг тимсоли-  
дир. Чунки унга дунёда пинҳон бўлган бирор сир қолмайди, на-  
тижада орифлик мақомидаги солиқ яшашнинг, умрнинг моҳия-

тини англаб етади. Шу боисдан, Алишер Навоий маърифатнинг юксак мақоми дунё ташвишларидан юқори эканлигини алоҳида уқтирар экан, байтда жоми Жамшидни устоз – пири комилнинг ориф қалби тимсоли сифатида тасвирламоқда. Шунингдек, жоми Жамшиддаги майнинг тугамаслиги Аллоҳга бўлган ишқнинг абадийлигига ишорадир, деб ҳам айтиш мумкин.

Эй Навоий, бизни ёд эткайму барқандон куни  
Ичса жоми Жам тилаб сонийи Афридун қадах.

Навоий ўзига ўзи мурожаат қилиб, сонийи Афридун – иккинчи Афридун барқандон куни жоми Жамшиддан май ичаётганда бизни ёдга олармикан, деб орзуманд бўлмоқда.

Тасаввуфда Расули акрам (с.а.в.) умматларини шафоат қилиб, гуноҳларини Аллоҳдан сўраб олгани каби пири муршидлар – устозлар шогирдларининг гуноҳларини сўраб оладилар, деган эътиқод мавжуд. Алишер Навоий мақтаёда бир мурид сифатида қиёмат куни – олов ёнган барқандон куни устози Ҳақнинг марҳаматига сазовор бўлганда шогирдини эслашдан умидвор бўлмоқда. Бу ўринда шоирнинг устози, пири Абдурахмон Жомий назарда тутиляпти дейишга бир неча асослар мавжуд, аввало, ғазалда сулукка кирган солиқнинг ҳолати, унинг устозга мурожаати баён этилганлиги ва жом сўзининг унумли қўлланганлиги гап Абдурахмон Жомий ҳақида бормоқда, дейишга асос беради.

Эътибор берилса, ғазалда ички, жуда нозик сюжет мавжуд: ошиқнинг ўз маъшуғидан жабр кўриши (1-2-байтлар), тақдирдан шикоят ва устознинг ҳузурига бориши, ишқнинг моҳиятини англаб, ўзини мутлақо Ҳақ йўлига бағишлаши (3-9-байтлар)ни кўрамиз.

*Дилнавоз ЮСУПОВА*

—❧—❧—❧—❧—❧—❧—

**“Равзаву гул еттию ичмас ул ой гулгун қадах...”**

—❧—❧—❧—❧—❧—❧—

Равзаву гул еттию ичмас ул ой гулгун қадах,  
Не кўнгулхушлуқ била тортай мени маҳзун қадах.

Ё мени маҳрумға хунобайи ҳижрон бериб,  
Ўзга маҳрамлар била ул ой чекар гулгун қадах.

Боре ҳар тақдир илаким, бор мени лаб ташнаға  
Тутмас эрмиш заҳри ғамдин ўзга даҳри дун қадах.

Соқие, бу ғусса дафъи масту беҳудлуғдурур,  
Тут шафақгун май тўла гар худ эрур гардун қадах.

Рўза ойин кўрмай илгингдин қадахни солмағил,  
Лек ол байрам ҳилоли ҳам кўрунган тун қадах.

Жом эрур мен телбага қонлиғ кўзумнинг косаси,  
Лолалар саҳрода бас, гаристаса Мажнун қадах.

Чун фано дайриға кирдим бода тут, эй пири дайр,  
Зарф хоҳ эски сафол ўлсун, вагар олтун қадах.

Юз қадах қилғил мурассаъким чекарсен жоми марғ,  
Ҳеч ким худ топмади Жамшиддин афзун қадах.

Эй Навоий, бизни ёд эткай мубар қандон куни  
Ичса жоми Жам тилаб сонийи Афридун қадах.

—V— —V— —V— —V—

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаддаси маҳзуф

## Лутат

Гулгун – қизил, атиргул ранги  
Хуноба – қонли ёш  
Лабташна – чанқоқ  
Даҳри дун – нокас дунё  
Шафақгун – шафақ рангида, қизил  
Илик – қўл  
Ҳилол – янги ой  
Вагар – *ва агар*нинг қисқартмаси  
Мурассаъ – зийнатланган  
Марг – ўлим  
Афзун – ортиқ, кўп  
Барқандон кунӣ – рўза ойи кириш кунӣ  
Сонийи Афридун – иккинчи Фаридун

## Насрий баён

1. Баҳор айёмида рамазон ойи келди, лекин ул ой гулранг қадаҳни ичмаяпти. Қандай қилиб мени маҳзун хурсанд бўлиб, шароб ичайин?!
2. Ё мени маҳрум қилиб, ҳижрон кўз ёшлари билан сийлаб, бошқа яқинлари билан майхўрлик қилмоқдами?
3. Нима бўлмасин, шуниси аниқки, бу нокас дунё қўлимга ғусса захрига тўла бўлган қадаҳдан ўзгасини тутмас.
4. Эй соқий, бу ғуссани даф қилишнинг чораси – ҳушини йўқотгунча маст бўлишдир. Шунинг учун менга фалак косасини қадаҳ қилсанг ҳам, қизил шаробга тўлдириб бер.
5. Рўза ойини кўрмай туриб, қўлингдаги қадаҳни қўйма, шунингдек, ҳайит кечаси янги ой кўринганда ҳам қадаҳни қўлингга ол.
6. Мен телбага қонли кўзимнинг косаси жомдир. Ҳа, Мажнун агар истаса, саҳродаги лолалар унга қадаҳ бўлади.
7. Эй пири дайр, мен фано дайрига кирсам, эски сафолдами ёки олтин қадаҳдами – фарқи йўқ, менга бода тут.
8. Агар юзта қадаҳни олтин ва жавоҳир билан зийнатласанг ҳам, охир-оқибат ўлим шарбатини тотгайсан. Бу дунёда ҳеч ким

Жамшиддан ўтиб жом ясатмаган эди. Аммо шу жом ҳам Жамшидни ўлимдан қутқармади.

9. Эй Навоий, барқандон кунда шавкатидан иккинчи Фаридун ҳисобланган султон қўлига Жамшид жомини олганда бизни ҳам ёд этармикан?!..

### Шарҳ ва изоҳлар

Ҳазал “сонийи Афридун” – Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳида битилган. Дастлабки уч байт мазмунидан шоир ўз султони билан анчадан бери мулоқот қилмаётгани ва бундан маҳзун ва мушавваш эканлиги ойдинлашади. Кези келганда бир нуктага эътибор қаратишни лозим, деб топдик: Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ўртасидаги муносабат ҳақида шўролар замонидаги нотўғри қараш, яъни улар ўртасидаги гоҳи ошкор, гоҳи пинҳона зиддият ва ихтилоф борлиги ҳақидаги афсонасимон гапларга барҳам беришда ҳаддан ошиб, бошқа бир хатога йўл қўймоқдамиз. Охириги йиллардаги тадқиқотларда бу икки зотнинг муносабатларини ҳаддан зиёд идеаллаштириб, икки авлиё ўртасидаги бирдамлик ва якдиллик даражасига чиқариб қўйганмиз. Ҳолбуки, қайси давр ва қайси тузумда бўлмасин, агар ҳукмдор кимнингдир раъйига қараб иш тутадиган инсонга айланса, унинг ҳокимияти албатта таназзулга учрайди. Қолаверса, сиёсий ҳаёт талаблари бундай ҳолатга йўл қўймайди. Бу ҳулосалар қайсидир назариётчи ва сиёсатшуноснинг китобларидан олинган эмас. Балки донишманд вазир ва мутафаккир шоиримизнинг ўзи безавол “Ҳамса” ва бошқа шеърӣ ва насрий асарларида бу ҳақда жуда кўп таъкидлаб ўтган. Масалан, “Бадоеъ ул-васат”даги қитъаларнинг бирида шохни қуёшга ўхшатилиш сабабларини бирма-бир санаб, охириги байтда подшоҳ ўз мулозимларини гоҳида яқин олиб, гоҳида ўзидан узоқлаштиришини Ерга баъзида яқин келиб, бедарӣ нур сочса, баъзида олам аҳлини дийдорига зор қиладиган қуёшга ўхшатади:

Чун қуёшқа будурур ҳолат, ажаб йўқ, шох ҳам  
Бўлса ўз тобиъларидин гаҳ рамида, гоҳ ром.

Иккинчи мулоҳаза – мазкур ғазал-мадҳия “қадах” радифида битилган. Султон Ҳусайн Бойқаро кўп темурийзода мирзолар каби шаробга муккасидан кетгани, бу ҳолат эса Навоийни доимо ташвишга қўйгани, саройдаги шаробхўрликка имкони борица қарши курашгани манбаларда қайд қилинган. Айниқса, “Муншаот”даги мактубларида бир неча марта турли шакл ва оҳангларда султонни шаробхўрликдан қайтариш, жиллакурса, бу нохуш одатни камайитишни илтимос қилганига шохид бўламиз.

Чоғирни барча ёмонликларнинг боши эканлигига амин бўлган ва ҳамиша майзадаликни ўткир ташбеҳлар билан танқид қилган шоир рўза айёми етганида ой каби бечораларнинг тулларини мунаввар этувчи ёри май ичмаётганидан маҳзун ва малул. Ҳижронда қолганидан “ул ой” уни ҳамдамликдан маҳрум қилган бўлса-да, бошқа маҳрамлари билан қадах чекаётгани мумкинлиги ҳақидаги гумон ҳам унинг ич-этини кемираётган бўлиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам лирик қаҳрамонга осон тутиб бўлмайди – подшоҳнинг дийдоридан бенасиблик бир ғам бўлса, сарой аҳли билан майхўрлик қилиши дард устига дарддир. Дўст дийдорининг обиҳаётидан баҳраманд қилиш ўрнига фалак унга ғусса тўла жом тутган:

Боре ҳар тақдирилаким, бор мени лабташнаға  
Тутмас эрмиш заҳри ғамдин ўзга даҳри дун қадах.

Бу ғуссадан қутулмоқлик, салтанат ва раиятнинг ташвишларидан халос бўлиш учун “масту беҳудлуг керак”. Бу мастликка чоғир ичиш билан эришиб бўлмайди, балки фалак жомига тўлдириб турган шаробдан ичиш, яъни олам тузилишининг ҳикматини англаш лозим. Илоҳий ҳикматни мантиқ тарозиси билан ўлчаб бўлмайди. Шу сабабли, ўткинчи ишларнинг ташвишини тортиб, қайғуга банди бўлиш ўрнига ҳикмат ва маърифат бодасидан саргуш бўлмоқлик авло:

Соқие, бу ғусса дафъи масту беҳудлугдурур,  
Тут шафақгун май тўлагар худ эрур гардун қадах.

Кейинги байтларда рамазоннинг кириши ҳамда ҳайит кунини албатта шароб билан нишонлаш, кўз косасини шароб жо-

мига айлантириш орзуси, фано дайрида дайр пирининг кўлидан қадаҳ олиш нияти – буларнинг барчаси шоир васф этган қадаҳда спиртлик ичимлик эмаслигидан далолат беради. Маърифат ва фано бодаси инсоннинг инсонийлик мақомини эслатувчи, бошқа ғам-ташвишлардан фориғ этувчи, кўнгилни юмшатиб, дунё молига безътибор бўлишни ўргатувчи, муҳаббат отабини кучайтирувчи бир маънавий бодадир. Энг асосийси, бу қадаҳдаги шароб албатта ўлим шарбатини тотгувчи инсон умр деган бебаҳо неъматни Жамшиддек айшу ишратга сарф этмасдан, охират тадориғини кўришни эслатади:

Юз қадаҳ қилғил мурассаъким чекарсен жоми марг,  
Ҳеч ким худ топмади Жамшиддин афзун қадаҳ.

Матлаъда қайд қилинган “барқандон куни” алоҳида изоҳни талаб қилади. “Тарихи Байҳақий”га кўра ўрта асрлар Хуросонида рамазон ойи киришидан бир кун олдин, яъни шаъбоннинг сўнгги кунда барқандон байрамини нишонлаш удуми бор экан. Мазкур байрамнинг асл негизи маълум эмас. Ушбу кунда мусулмонлар барча гуноҳлардан тавба қилган ҳолда рамазонни ноз-неъматга тўла дастурхон билан кутиб олишаркан. Мусулмон мамлакатларда яшайдиган ғайридинлар эса, ушбу кунни шаробхўрлик билан ўтказиб, кейин бир ой давомида рамазон ойининг ҳурмати улар ҳам шароб ичишмаскан. Кейинчалик бу одат саройга ҳам йўл топиб, кўп султон ва амирлар ўз даргоҳида барқандон куни шундай шаробхўрлик мажлисларини ўтказишган. Алишер Навоий ана шундай хунук одатлар ва бидъатларнинг олдини олиш мақсадида шоирона лутф билан шоиртабъ мамдўҳидан қабул ижозатини сўраган бўлса, ажабмас:

Эй Навоий, бизни ёд эткайму барқандон куни  
Ичса жоми Жам тилаб сонийи Афريدун қадаҳ.

Олимжон ДАВЛАТОВ

—❧—❧—❧—❧—❧—❧—

**“Эй манга жонбахш гулбарги тарингдин тоза рух...”**

—❧—❧—❧—❧—❧—❧—

Эй манга жонбахш гулбарги тарингдин тоза рух,  
Тоза-тоза ҳар бири шавқин солиб овоза рух.

Рухи маҳз ул тозаву тар сарви раънодек қадинг,  
Не ажаб бўлса равон бўлганда элга тоза рух.

Кўйи гардидин ўлуг жон топса тонг йўқ, негаким  
Туфроғ ўлди кўйида беҳадду беандоза рух.

Бўлгуси жонон киби бўлса мужассам суврати,  
Ҳулла кийса суртубон жаннат гулидин ғоза рух.

Чиқти жондин пайкар айлаб нозу ҳусн изҳор этиб,  
Зор ул пайкарга жон, вола бу ҳусну ноза рух.

Шавқ тийғи бирла солиқ айласа кўнглини чок,  
Файз шаҳристони сайриға топар дарвоза рух.

Эй Навоий, шукурким, йўл топти жонон кўйига  
Ҳажр шомии зулматида йўлни оза-оза рух.

—V— —V— —V— —V—  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилон  
рамали мусаммани мақсур

**Луғат**

Вола – ҳайратда қолган, ҳушини йўқотган  
Гард – чанг, ғубор  
Ғоза – упа-элик

Кўй – кўча, маҳалла  
Маҳз – тоза, соф  
Солик – йўловчи, бу ўринда тариқатга кирган шахс.  
Тар – ҳўл, нам, тоза  
Тийг – ханжар, тиг  
Тонг йўқ – ажаб эмас  
Хулла – кийим, либос  
Шавқ – иштиёқ  
Шахристон – шаҳар ичи  
Ҳажр – ҳижрон, айрилиқ

### Насрий баён

Эй менга ўзининг пок гулбарг (лаб)идан жон бахш этувчи, ўша гулбаргдаги ҳар бир шабнам шавқидан оламга овоза солгувчи руҳ!

Сенинг руҳинг пок, қадинг сарву раънодек экан, файзингдан элга ҳам пок руҳ насиб этса, не ажаб.

Кўчасининг тупроғидан ўлик тан жон топса, ажаб эмас, чунки унинг орзусида руҳ тупроққа айланди.

Агар у либос кийиб, юзига жаннат гулидан ғоза сурса, жонон қиёфасида намоён бўлади.

Ул пари жондан нозу ҳусн изҳор қилиб чиқди, энди у парига жон зордир, бу ҳусну ноздан руҳ ҳайратдадир.

Солик ишқ шавқи билан кўнглини чоқ қилгандагина руҳ файз шахристониға кириш учун дарвоза топади.

Эй Навоий, минг шукур, руҳинг адаша-адаша ҳажр зулматида жонон сари йўл топди.

### Шарҳ ва изоҳлар

Мазкур ғазал тасаввуфий мазмунда бўлиб, инсон руҳининг Руҳи Мутлақ – Ҳаққа бўлган эҳтиёжи, интилишини ўзида ифода-лайди. Қуръон каримдаги “Ал-Исроъ” сурасининг 85-оятида шундай дейилади: “Эй Муҳаммад, сиздан руҳ – жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир. Сизларга жуда оз билим берилгандир”.

Алишер Навоий “Рух” радифли ғазалида ушбу чегарада туриб фикр юритади ҳамда инсон қалбининг ўзини англаш йўлидаги тафаккурий ва тахайюлий жараёнларини тасвирлаб, Ҳақ йўлидаги солиқнинг кечинмаларини, йўл кўрсатувчи пири муршид, до-нишманд устозга муҳтожлигини турли рамзий ишоралар орқали баён этади.

Эй манга жонбахш гулбарги тарингдин тоза рух,  
Тоза-тоза ҳар бири шавқин солиб овоза рух.

Ғазал руҳга мурожаат билан бошланади. *Эй манга жонбахш*, дер экан шоир бу жонбахшлик *гулбарги тари*, яъни лабдан эканлигини баён қилади. Маълумки, тасаввуф фалсафасига кўра, лаб – ёрнинг каломи, пурмаъно сўзлари, бу ўринда эса пири муршиднинг Ҳақни англатиш йўлидаги кўрсатмаларини билдиради. Чунки мазкур ғазалда шоир *рух* сўзи орқали солиққа йўл бошловчилик қилувчи муршиднинг – устознинг сийратини назарда тутати. Демак, мазкур байт тариқат йўлига кирган солиқнинг устози комил – пири муршидга мурожаатини англатади.

Байтда муқаррар санъатининг (*тоза-тоза*, шеърда такрорий сўзнинг келиши) қўлланилиши унинг ритмик таъсирчанлигини таъминламоқда.

Рухи маҳз ул тозаву тар сарви раънодек қадинг,  
Не ажаб бўлса равон бўлганда элга тоза рух.

Қадимдан мусулмон Шарқда яхши инсонларнинг, айниқса, Аллоҳнинг дўсти бўлган валийларнинг шарофати билан ер юзига бало ва офатлар келмайди, деган ақида бор. Байтда пирга мурожаат давом этиб, унинг файзи туфайли элнинг ҳам руҳоний покликка эришиш орзуси баён этилмоқда. Биринчи мисрада пок ва соф маъноларини англатувчи *маҳз*, *тоза*, *тар* каби учта сўзни усталик билан қўллаш орқали шоир устознинг қанчалик пок ва Ҳаққа яқинлигини англатмоқда.

Кўйи гардидин ўлуг жон топса тонг йўқ, негаким  
Туфроғ ўлди кўйида беҳадду беандоза рух.

Муршиднинг кўчасидаги гард – чангдан ўлик танлар жон топса, нажот топса, бунинг сира ажабланиб, хайрон қоладиган жойи йўқ. Чунки пирнинг ўзи Ёр истагида ўзини тупроққа айлантирган. Тасаввуфда ўзини камтар ва хокисор олиш орқали инсоннинг Аллоҳ наздидаги даражаси юқори бўлиши айтилади. Бунинг учун солиқ ҳамиша тавбада, зикрда бўлини, дунё маломатларига эътибор бермаслиги лозим. Бу ҳолатда у гўё тупроққа айланиб қолади. Пир ҳам шундай юксак мақомга эришган, шу боисдан унинг гарди – бир зарра чанги ҳам ўлик танга жон бағишлашининг ажабландиган жойи йўқ.

Булғуси жонон киби бўлса мужассам суврати,  
Хулла қийса суртубон жаннат гулидин ғоза руҳ.

Бундан олдинги байтда пири комилнинг таърифи берилган бўлса, мазкур байт унга эргашган солиқ ҳақидадир. У устоздан файз олган, қалбини поклаган, маънан юксалепти, агар унинг ички дунёси, хиссиётлари одам сувратида тасвирланса, либос кийиб, жаннат гулидан ғоза, яъни ула сурган жонон қиёфасида намоён бўларди.

Алишер Навоий бу ўринда Ҳақ сари юксалаётган солиқ қалбининг нузли ва мақоми юқори эканлигини *жаннат гулидан ғоза сурадиган* таърифи билан аниқлатмоқда.

Чиқти жондин пайкар айлаб нозу ҳусн изҳор этиб,  
Зор ул пайкарга жон, вола бу ҳусну ноза руҳ.

Бу ўринда шоир “жон” ва “жондан нозу ҳусн изҳор айлаб чиққан пайкар” таърифи билан икки тушунчага ургу қаратади: “жон” юқорида айтилганидек, муршиддир, “ўз ҳуснини изҳор қилиб чиққан пайкар” рамзий ифодаси эса Аллоҳ ишқини аниқлатади. Яъни мурид пирда Ҳақ ишқи тажаллийсига гувоҳ бўлади. Ана шу “пайкар”га – Аллоҳнинг ишқига жон ҳам зор, унинг ҳусну нозига руҳ ҳам интизор. Энди ушбу байтда руҳ дейилганда юксалаётган солиқ назарда тутиляпти. Байтнинг умумий хулосаси қуйидагича: Аллоҳнинг ишқи пирда намоён бўлади, буни кўрган мурид пирга,

унинг қалбидаги Ҳақ ишқига талпинади. Муршиднинг мақсади Аллоҳнинг дийдори, васлига эришмоқдир.

Шавқ тийғи бирла солиқ айласа кўнглини чок,  
Файз шаҳристони сайриға топар дарвоза руҳ.

Ҳақ ишқи йўлидаги солиқ пирнинг файзидан баҳраманд бўлиши, унинг сабоқларини олиш учун нафсини синдириши, иродасини пирнинг иродасига топшириши зарур. Бу эса “*шавқ тийғи бирла кўнглини чок қилиш*”дир. Ана шу босқичдан кейингина солиқнинг руҳи “*файз шаҳристониға, яъни устознинг суҳбати, сабоғига кириш учун дарвоза топади*”.

Эй Навоий, шукурким, йўл топти жонон кўйига  
Ҳажр шоми зулматида йўлни оза-оза руҳ.

Мақтаъда юқорида келтирилган барча фикрлар умумлаштирилмоқда: лирик қаҳрамон *жонон*, яъни Ҳақ сари олиб борадиган йўлни тоғганига шукур қиляпти. Мазкур тугалланмага асосланиб, ғазал мазмунан Ҳаққа интилган солиқнинг пирға, муршидға, йўл кўрсатувчи устозға бўлган эҳтиёжини ифодалайди, деб хулоса қилиш мумкин.

Ғазал поэтик жиҳатдан ҳам мукаммал бўлиб, ундаги тасвирларда тақрир (*бир сўзнинг шеърнинг турли ўринларида такрорланиши*) ҳамда мукаррар (*такрорий сўзларнинг қўлланилиши*) санъатларидан унумли фойдаланилган бўлиб, бу ғазалнинг ғоявий мазмунига таъсир кўрсатмоқда. Ифода ритмида такрорларнинг устуворлиги муаллиф ҳиссиётларининг жўшқинлигини, айтилаётган фикрдаги урғунинг кучлилигини билдиради. Алишер Навоийнинг ушбу ғазалида шеърый ритм ва мазмуннинг ўзаро мутаносиб тарзда, бир-бирини тақозо этадиган даражада уйғунлашиб кетганига гувоҳ бўламиз.

Дилнавоз ЮСУПОВА



## “Эй манга жонбахш гулбарги тарингдин тозарух...”



Эй манга жонбахш гулбарги тарингдин тоза рух,  
Тоза-тоза ҳар биришавқин солиб овоза рух.

Рухи маҳз ул тозаву тар сарви раънодек қадинг,  
Не ажаб бўлса равон бўлғанда элга тоза рух.

Кўйи гардидин ўлук жон топса тонг йўқ, негаким  
Туфроғ ўлди кўйида беҳадду беандоза рух.

Бўлғуси жонон киби бўлса мужассам суврати,  
Хуллакийса суртубон жаннат гулидин ғоза рух.

Чикти жондин пайкар айлаб нозу ҳусн изҳор этиб,  
Зор ул пайкарга жон, вола бу ҳусну тоза рух.

Шавқ тийғи бирла солиқ айласа кўнглини чок,  
Файз шаҳристони сайриға топар дарвоза рух.

Эй Навоий, шукрим, йўл топти жонон кўйига  
Ҳажр шомӣ зулматида йўлни оза-озарух.

–V-- –V-- –V-- –V–

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон  
рамали мусаммани мақсур

### Лугат

**Тоза-тоза** – янги-янги, хилма-хил

**Тонг йўқ** – ажабмас

**Хулла** – ҳарир кўйлак

**Ғоза** – юзга суртадиган қизиллик

**Пайкар** – жисм.

**Волиҳ** – шайдо, мафтун

**Солик** – тариқат йўловчиси

### **Насрий баён**

1. Янги очилган гул япроғидек гўзал ва жон бағишловчи лабларингдан руҳим тозароди. Уларнинг ҳар бирининг шавқидан жоним янги-янги овозалар солмоқда.

2. Сарви раънодек қадинг тоза ва беғуборликда айни руҳнинг ўзидир. Бу сарв агар равон бўлганда элга янги жон кирса, не ажаб?!

3. Кўйининг гардидан ўлик жон топса ажабмас, негаки унинг кўйида ҳад-ҳисобсиз жонлар тупроқ бўлди.

4. Агар руҳ жаннат гулидан юзига қизиллик суртиб, ҳарир кўйлак кийиб сурати жисм шаклига кирса, жононга ўхшаб қолар.

5. Ёр жондан ўзига жисм– пайкар ясаб, ўз ҳусни ва нозини изҳор этиб чиққанига бу пайкарга жоним зор бўлиб, унинг бу ҳусн ва нозига шайдо бўлибди.

6. Агар солик шавқ тиғи билан кўнглини чок этса, руҳ файз шаҳристонига олиб борувчи дарвозани тонади.

7. Эй Навоий, шукрлар бўлсинки, руҳ хижрон шои зулматида адаша-адаша оқибат жонон кўйига йўл топди.

### **Шарҳ ва изохлар**

Руҳият олами, жон, руҳ, қалб, сир... инсоннинг ботиний оламига тегишли бўлган бу тушунчалар ҳамиша ақл соҳиблари диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Дунёдаги жамийки таълимотлар, ғоя ва қарашлар аслида мана шуоддий кўз билан кўринмас ва ҳар бир қадамда борлигидан хабар берувчи бу синоат тўғрисидаги қарашлари ва ақидалари бўйича ихтилофга борганлар. Худосизлар руҳни инкор этсалар, художўйлар руҳ борлигини эътироф этсалар ҳамки, руҳ ҳақида турлича қарашларга эгадилар.

Рух араб тилида жон, раҳмат ва мағфират, Қуръони карим, Жибрил алайҳиссалом, ғайб оламига тегишли маъноларни идрок этувчи ва раббоний илмларни ўрганувчи инсоний рух маъноларини англатади. Истилоҳ сифатида айниқса, исломгача нозил бўлган динлар доирасида турли талқинларга дучор бўлган рух ҳақида Қуръони каримнинг “Исро” сурасидаги 85-оятда мусулмонларга аниқ кўрсатма нозил бўлди: “Эй Муҳаммад! Сиздан рух ҳақида сўрайдилар. Айтинг: Рух – Парвардигорнинг амридир. Сизларга бу ҳақда жуда оз билим берилган”.

Ана шу ҳукмга амал қилган ҳолда ушбу масалага чуқурлашмасдан, рухнинг Навоий ғазалидаги шоирона талқинларига диққат қаратамиз.

Матлаъда ёрнинг “гулбарги тари” – лабидан чиқаётган сўзлардан ошиқнинг руҳи тозариб, покланиб олиши ҳақида сўз боради. Бу сўзлар илоҳий калом, пайғамбаримиз ҳадислари, пир – комил инсон талқин қилган ҳикматлар, ёхуд ёрнинг сўзлари бўлиши мумкин. Мазкур калом ўзида жон бағишловчи, руҳни қайта тирилтирувчи ҳосиятга эга. Кимнинг лабидан тўкилганидан қатъи назар, бу калом асл манба – Парвардигорнинг “Бўл!” деган амрининг ҳосиятидан файзиёб бўлган. Шунинг учун, Илоҳий амр туйғули яралган рух ёрнинг жонбахшлик ҳосиятини асраб қолган сўзларидан шавқи янада кучаяди:

Эй манга жонбахш гулбарги тарингдин тозарух,  
Тоза-тоза ҳар бири шавқин солиб овоз аруҳ.

Унсу улфат топиш ҳам руҳга боғлиқ ҳодиса. Ҳадиси шарифда таъкидланганидек, руҳлар жисмлар олами яралишидан олдин айримлари ўзаро улфат ва яқин бўлишган. Жисм оламига нозил бўлган руҳлар азалда ошно тутинган руҳларни топгунга қадар эгасига тинчлик бермайди. Мажнуннинг ишқи айнан Лайлига тушиши, Чин шахзодаси Фарҳодни минглаб чақирим узоқликдаги армани малика – Ширин забт этиши ҳам шунчаки тасодиф ё тақдир ўйини эмас. Бу ишқ, бу унсу улфат азалий ҳодиса бўлгани сабабли, руҳий яқинлик, ботиний висол пайдо бўлганда дийдор чоғи рух яйрайди, покланиб, тозаради, яшнади:

Руҳи маҳз ул тозаву тар сарви раънодек қадинг,  
Не ажаб бўлса равон бўлганда элга тозарух.

Жононнинг кўйида сон-саноқсиз жонлар тупроққа айланган-лиги сабабли гарди ҳам ўликларга жон бағишлаш хосиятига эга. Тарихга назар ташласак, энг катта хунрезликлар, энг беҳисоб қурбонлар Худонинг номидан амалга оширилади. Ҳақ ҳам, ноҳақ ҳам ўзини Худонинг амрини бажараётган қилич деб ҳисоблайди ва энг ажабланарлиси, қайсидир маънода иккала томон ҳам тўғри фикр юритади. Худонинг изн-ихтиёрисиз бир япроқ ҳам дарахт шохидан узилмас экан, бу хунрезликлар унинг ихтиёридан ташқарида бўлармиди?!.. Шунинг учун, Унинг иродасига мувофиқ кўйидаги биргина гардидан яралган Исо алайҳиссалом кўршапалакка жон бағишлай олади, Сомирий каби сеҳргарларнинг бузоғи тирик жондек овоз чиқаради, бир томчи манийга руҳ ато этилгач, энг мукаррам зот – ҳазрати Инсон бунёд бўлади:

Кўйи гардидин ўлук жон топса тонг йўқ, негаким  
Туфроғ ўлди кўйида беҳадду беандоза руҳ.

“Кашф ул-маҳжуб”да келтирилишича, тасаввуф шайхларидан руҳ ҳақида энг кўп сўзлаган Абубакр Воситий бўлиб, жумладан, шундай деган экан:

“Руҳлар ўнта мақомда қоимдурлар. Биринчиси, ихлос аҳлининг жонларидирким, зулматда қолиб, нима қилишларини биллолмайдилар; иккинчиси – тақводорлар руҳи дунё осмонларида ўз яхши аъмоллари ва тоатларининг қуввати билан юксалтганлар; учинчиси, муридларнинг руҳи тўртинчи фалакда сидку садоқат лаззати ва ўз амалларининг соясида фаришталар билан биргадилар; тўртинчиси, ҳадис ва суннат тобеларининг руҳи Арш қандилларининг нурларига чулғаб, емаклари – илоҳий раҳмат ва ичмаклари – илоҳий лутф ва қурбат (яқинлик)дир; бешинчиси – вафо аҳлининг руҳидирким, сафо пардаси ва истифо (танланган) мақомида тараб ва шодлиқдадилар; олтинчи мақом – шаҳидларнинг руҳидирким, жаннат боғларидаги қушларнинг қаноти узра ҳар ён ки истасалар учиб юрадилар; еттинчи мақом – муштоқларнинг руҳидирким, сифатлар пардасида адаб бисоти узра юксалмиш-

лар; саккизинчиси – орифлар руҳларидирким, қудсийлик ҳазратида кеча-кундуз Аллоҳнинг сўзларини эшитгайлар ва жаннат-у дунёдаги маконларини кўриб тургайлар; тўққизинчиси – дўстларнинг жамол мушоҳадаси ва кашф мақомида масту мустағрақ бўлмишлар. Улар Ундан бошқани билмаслар ва бошқа ҳеч нарса билан ором топмаслар. Ўнинчи мақом – ул дарвешларнинг мақомидирким, фано кўйида қарор топмишлар ва ёмон сифатлари яхшига табдил бўлиб, ҳоллари ҳамиша яхши томонга ўзгариб, тараққий топмиш. Машойихнинг кўпларига бу руҳлар турли сурат ва сиймода намоён бўлмиш” (“Кашф ул-махжуб”, 340-бет). Воситийнинг ушбу таснифини ғазалга татбиқ этадиган бўлсак, тўртинчи байтда жононнинг кўйи тупроғига айланган руҳлар, яъни ишқ шаҳидининг дийдор жаннатидagi кайфияти образли тасвир этилган. Навоий талқинига кўра, ишқ кўйида шаҳид кетган ошиқнинг руҳи жононнинг сувратига ўхшаш бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ёрнинг сифатлари ошиқнинг руҳиятини буткул ўзгартириб, ўзига мувофиқ айлаганидан кейингина ишқ шаҳиди мақомига эришиш мумкин бўлади:

Бўлғуси жонон киби бўлса мужассам суврати,  
Хуллакийса суртубон жаннат гулидин ғоза руҳ.

Одатда руҳ ва жонни бир нарса деб тасаввур қилишга ўрганганмиз. Жумладан, “ҳикмат аҳли (файласуфлар) руҳ ва жоннинг ўртасида фарқ кўймайдилар ва иккаласини “нафси нотиқа” деб атайдилар” (“Истилоҳот”, 70-бет). Лекин қуйидаги байтда жон-бошқа, руҳ-бошқа нарса экани маълум бўлади:

Чикти жондин пайкар айлаб нозу ҳусн изҳор этиб,  
Зорулпайкаргажон, волиҳбухуснунозаруҳ.

Азизиддин Насафийнинг ақидасига кўра “Агар ушбу руҳий мартабалар касбий – ўзлаштирма бўлганида эди, кимки кўпроқ ўзлаштирса, унинг мақоми олийроқ бўларди. Ориф валийлар мақомини эгалларди, валий ўзлаштириш орқали набийлар мақомини эгалларди. Бошқа мақомларни ҳам шундай деб ҳисобла. Аммо бу мақомлар ўзлаштирадиган эмас, балки белгилаб бе-

рилган мақомлардир”. Шунинг учун ҳам, юқоридаги байтда руҳи олийроқ мақомда бўлган кишининг мартабаси ва Ҳақ олдидаги мақоми бошқа жонлар ва руҳларнинг зорлиги ва волиҳлигига сабаб эканлиги образли тилда баён этилган.

Абдурахмон Сулламий айтганидек, “муҳаббат шавқни вожиб этади, шавқ эса унсни, кимдаки шавқ ва унсият бўлмаса, билсинким, ул муҳаббат аҳлидан эмас”. Шавқ кўнгилнинг илоҳий файздан бахраманд бўлишига, руҳоний сулукда жононга етишишга, адашмасликка сабаб бўлади. Жонон кўйига етишиш эса, яшашдан асосий муроддир. Бу неъмат учун ҳар қанча шукрона айтсанг, арзийди:

Шавқ тийғи бирла солиқ айласа кўнглини чок,  
Файз шаҳристони сайрига топар дарвозаруҳ.

Эй Навоий, шукрим, йўл топти жонон кўйига  
Ҳажр шоми зулматида йўлни оза-озаруҳ.

Олимжон ДАВЛАТОВ

——  
**“Ғадойи ғақр ила сўз айта олмас подшо ғустоҳ...”**  
——

Ғадойи ғақр ила сўз айта олмас подшо ғустоҳ,  
Шаҳ оллинда нечўкким, дам ура олмас ғадо ғустоҳ.

Не кувват бирла шаҳ ғустоҳ сўзлашгай анинг бирла  
Ки, ваҳм этгай бошига соя солмоқтин ҳумо ғустоҳ.

Уруж истар эсанг бу дайр ичинда фоний ўлғилким,  
Малак узра қадам босиб ўтар аҳли фано ғустоҳ.

Бало ичра далир урма қадам то ошиқ ўлмай сен,  
Самандар бўлмагунча кирса бўлмас ўт аро густоҳ.

Не муҳриқ водий эрмиш ишқ кўйи даштиким, ул ён  
Ўта олмас самум ўлмоқ ҳаросидин сабо густоҳ.

Шижоат бирла кирмак кулбайи фақр ичра бўлмаским,  
Бу вайронни қила олмас ватан ҳар аждаҳо густоҳ.

Чу топмас ҳар неким, тақдирдур, бу дайр аро тағйир,  
Адаб эрмасдурур қилмоқ ҳар ишни муддао густоҳ.

Не нозук хўйи бор ул дилрабонингким, ниёз аҳли,  
Шикоятқа не етгайким, де олмаслар дуо густоҳ.

Навоий ишқ истиғносини то англади ваҳким,  
Қила олмас фиғон фориғ, чека олмас наво густоҳ.

V--- V--- V--- V---  
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилон  
ҳазажи мусаммани мусаббағ

### Луғат

**Густоҳ** – бетакаллуф, сур киши  
**Дам урмоқ** – овоз чиқармоқ, нафас чиқармоқ, сўз айтмоқ  
**Уруж** – кўтарилиш, меърожга чиқиш  
**Дайр** – бутхона, ибодатхона  
**Фоний ўлмоқ** – йўқ бўлмоқ  
**Далер** – қўрқмас, довюрак  
**Самандар** – олов ичида яшовчи афсонавий жонивор  
**Муҳриқ** – қайноқ, оловли  
**Самум** – иссиқ гармсел шамол  
**Ҳарос** – қўрқиш, даҳшат, ваҳима  
**Шижоат** – қўрқмаслик, ботирлик

**Фақр** – муҳтож, ночор; бу ўринда Аллоҳдан бошқага эҳтиёжи бўлмаган шахс

**Хўй** – одат, феъл, қилиқ

**Ниёз аҳли** – муҳтож кишилар

**Истиғно** – эҳтиёжсизлик

### Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг “Густоҳ” радифли мазкур ғазали тасаввуфий мавзуда бўлиб, солиқнинг мақоми, у босиб ўтиши керак бўлган босқичлар, руҳий тарбия йўллари ҳақида чуқур фалсафий фикрлар илгари сурилган. Ғазал аруз тизимининг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган бўлиб, бу унинг моҳиятида қайғу, ғам, синиқиш туйғуларининг кучлироқ тарзида юзага чиқишига имкон берган. Чунки мусулмон Шарқи шеъриятида, анъанавий тарзда севги, ҳижрон, қайғу туйғуларини ифодалашда, асосан, ҳазаж бахрининг вазнларидан фойдаланилган.

Радиф сифатида танлаб олинган “густоҳ” сўзи луғатда турли маъноларда келади, хусусан, унинг *жасур*, *қўрқмас*, *довюрак* каби маънолари билан бир қаторда *сурбет*, *бетакаллуф*, *бетгачонар* каби салбий хусусиятни ўзида акс эттирувчи маънолари ҳам мавжуд. Шоир ғазалнинг ҳар бир байтида сўзнинг барча маъноларидан унумли ва ўз ўринда моҳирона фойдана олган.

Гадойи фақр ила сўз айта олмас подшо густоҳ,

Шаҳ оллинда нечукким, дам ура олмас гадо густоҳ.

Алишер Навоий ижодиётида шоҳ ва гадо концепцияси устувор аҳамият касб этади. Мусулмон Шарқи шеъриятида шоҳ ва гадо ўзаро қарши қўйилади, яъни гадонинг Ҳаққа яқинлиги унинг подшоҳлардан ҳам улуғроқ эканлигини ифодалайди. Яъни гадо сўзи тасаввуфдаги дарвеш атамаси билан синоним сифатида қўлланилиб, бунда дунёнинг моҳиятини англаб, унга эътибор бермайдиган солиқ қиёфасини тасаввур қиламиз. “Садди Искандарий” достонида Искандарнинг ўзи дарвешликка, яъни дунёдан воз кечишга мойил шахс сифатида тасвирланганлиги, қо-

лаверса, турли ўринларда Хусайн Бойқаронинг шоҳ суратидаги дарвеш дея таърифланиши ҳам Алишер Навоий ижодида шоҳ ва гадо концепцияси ғояларига мойиллик кучли эканлигини билдиради. Эътибор берилса, биринчи мисрада *гадо* сўзи *дарвеш* маъносида келяпти, иккинчи мисрада эса оддий тиланчи гадо тилга олинмоқда. Яъни оддий гадо шоҳ олдида гапира олмайди, аммо дарвеш, яъни Ҳақнинг дўсти бўлган солик олдида шоҳнинг тили сўз айтишга айланмай қолади. Бунинг моҳиятида гадо шоҳ олдида қанчалик бечораҳол бўлса, Худонинг дўстлари олдида шоҳлар шунчалик бечораҳолдир, деган маъно ётибди.

Не қувват бирла шаҳ густоҳ сўзлашгай анинг бирла  
Ки, ваҳм этгай бошига соя солмоқтин ҳумо густоҳ.

Мазкур байтда дарвешнинг мақоми қанчалик юқори эканлигига урғу берилмоқда, шоир бу ўринда ҳумо қуши тимсолини келтирар экан, унинг давлат, ҳокимият рамзи эканлигига эътибор қаратади. Мусулмон Шарқида ҳумо қушининг сояси кимнинг бошига тушса, унга подшоҳлик насиб этади, деган ривоятлар мавжуд. Алишер Навоий ана шунга ишора қилиб, дарвешнинг қатъиятини тасвирлар экан, унинг дунёга, ҳатто подшоҳликка мутлақо безътибор эканлигини англатиш учун, ҳумо қуши ҳам унинг бошига соя солишга ҳайиқади, деган ифодани ишлатади.

Уруж истар эсанг бу дайр ичинда фоний ўлғилким,  
Малак узра қадам босиб ўтар аҳли фано густоҳ.

Уруж сўзи меърож сўзининг ўзаги бўлиб, луғавий жиҳатдан *юксалиш*, *юқорига кўтарилиш* деган маъноларни англатади. Алишер Навоий ана шу маънога ишора қилиб, соликнинг юксалиши унинг фано бўлишига боғлиқлигини айтади, фано бўлган инсон фаришталардан ҳам юксак мақомда бўлишини таъкидлайди. Чунки фаришталарга итоат берилган-у, нафс берилмаган, инсон Ҳақ йўлида нафсини енгиб, ўзлигини англар экан, бу унинг даражаси фаришталарга нисбатан юқори бўлишини билдиради.

“Ҳамса” дostonларининг кириш қисмларида Расули акрамнинг (с.а.в.) меърожга чиқишлари тасвир этилиб, унда ул Зот-

нинг (с.а.в.) Аллоҳ билан бирлашишлари, ўзлигини унутишлари, фано бўлишлари ҳолати қаламга олинади. Алишер Навоий мазкур байтда шу ҳолатга ҳам ишора қилмоқда, чунки Расули акрам (с.а.в.) арши аълога кўтарилар эканлар, барча фаришталар таъзим билан бош эгади.

Бало ичра далир урма қадам то ошиқ ўлмай сен,  
Самандар бўлмагунча кирса бўлмас ўт аро густоҳ.

Ривоятларда айтилишича, самандар деган жонивор бўлиб, у оловда ёнмас экан. Навоий ушбу байтда тамсил санъатини қўллаб, биринчи мисрадаги фикрини иккинчи мисрада самандарнинг ҳолатини келтириш орқали исботлайди. Бу ўринда шоир самандар *тасаввуфда нафс оловини* енгиш маъносини англатишига ишора қилмоқда. “Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳод нафс рамзи ҳисобланган аждаҳо билан жанг қилар экан, танасига *самандар ёғини* суриб олади, натижада унга аждаҳонинг олови таъсир қилмайди. Демак, байтда шоир ана шу ҳолатни тилга олар экан, солиқ учун нафсни енгиш зарурлигини тамсил билан англатмоқда.

Не муҳриқ водий эрмиш ишқ кўйи даштиким, ул ён  
Ўта олмас самум ўлмоқ ҳаросидин сабо густоҳ.

Сабо – тонг шамоли. Унинг қанчалик ёқимли эканлиги, саҳарда исталган уйнинг деразасидан эркалик қилиб кириб бориши, боғларда дарахт баргларини ўйнаб, ажиб ҳолат касб этиши маълум. Аммо сабо ҳам ишқ даштини кесиб ўта олмас экан, чунки бу даштнинг қайноқлиги уни гармселга айлантириб юборади. Бу билан Алишер Навоий ишқ йўлига кириш, сулукдан юриш ҳаммага ҳам насиб этавермаслигини эслатмоқда.

Шужоат бирла кирмак кулбайи факр ичра бўлмаским,  
Бу вайронни қила олмас ватан ҳар аждаҳо густоҳ.

Сабо каби майинлик билан ишқ даштига қадам қўйиб бўлмагани каби шижоат – куч, қудрат билан ҳам бу йўлга кириб бўлмайди. Алишер Навоий шу фикрни илгари сураб экан, *шижоат*

сўз орқали инсон қалбида мавжуд куч-қудрат, манманлик билан факр кулбасига кира олмаслигини таъкидлайди, чунки факр мақомига нафси синдириш, ҳар қандай ўткинчи туйғулардан юксалиш орқали эришилади. Иккинчи мисрада *ҳар қандай аждаҳо бу вайронани ватан қила олмайди* тамсили воситасида нафсини енголмаган одам ишқ йўлидан юра олмайди, деган қарашларини мустаҳкамляпти. Чунки мусулмон Шарқда кенг тарқалган ривоятларга кўра, аждаҳолар хазиналарни қўриқлар экан, демак, факр кулбасида кўз билан кўриб бўладиган хазина йўқ экан, ҳар қандай аждаҳо, яъни такаббур нафс эгалари бу ерда қололмайди.

Чу топмас ҳар неким, тақдирдур, бу дайр аро тағйир,  
Адаб эрмасдурур қилмоқ ҳар ишни муддао густох.

Алишер Навоий тақдир масаласига жуда жиддий қарайди, лавҳу-л-махфузда, яъни тақдир китобида битилган ҳолатлар инсон ҳаётида содир бўлишига шубҳасиз эътиқод билан қарайди. Бу унинг муножот руҳи билан суғорилган барча асарларида яққол кўзга ташланади. Хусусан, “Хамса” достонларининг муножот бобларида, умрининг сўнгида битилган “Муножот” асарида шоир Аллоҳга ёлворар экан, тақдир китобидан ташқари бирор иш қилолмаслигини айтади ва шунинг учун Тангридан лутфу карам кўрсатишини сўраб ўтинади. Шоир иккинчи мисрада айни шунга ишора қилиб, *ҳар ишни муддао қилмоқ адаб эрмасдур*, дея Худодан дунё истакларини ҳадеб сўрайвериш ошиқ учун ярашмаслигини таъкидлаяпти. Ахир, унга Ҳақ васли керак, дунё эмас.

Не позук хўйи бор ул дилрабонингким, ниёз аҳли,  
Шикоятқа не етгайким, де олмаслар дуо густох.

Алишер Навоий бу ўринда *“дилрабонинг хўйи”* жумласи орқали Аллоҳнинг қудрати ва жалолиятини акс эттиради. Яъни Ҳақни англай бошлаган, У билан чинакам яқинликка эришган солиқ ўз ҳолатидан, ҳажрдан шикоят этиш у ёқда турсин, дуо қилишга ҳам куч топа олмай қолади. Уни маъшукнинг гўзаллиги ром этиб қўяди. Ислом дини ақидаларига кўра, жаннатда Аллоҳ ўз дийдорини ўзи суйган бандаларига намоён қилади, шунда барча хушдан ке-

тади, хушга келганларида эса ҳамма нарсани унутиб: “Аллоҳим, бизга жаннат ҳам керак эмас, яна бир бор дийдорингни бизга намоян қил!” – дея ёлворадилар. Алишер Навоий айна шу ҳолатга ишора қилиб, дийдор чоғи ошиқман деганларнинг ҳаммаси ўзини йўқотиб, сўз айтишга ҳам, дуога ҳам мажол топа олмасликларини баён этмоқда.

Навоий ишқ истиғносини то англади ваҳким,  
Қила олмас фиғон фориғ, чека олмас наво густох.

Мақтадан олдинги байтда тасвир этилган ҳолатдан сўнг Навоий истиғно, яъни эҳтиёсизликнинг моҳиятини англаб етди. Энди унга ҳеч нарсанинг зарурати йўқ, у фақат Ҳаққа етмоқ йўлида орзумандлик қилади. Унинг бу ҳолатидан қанча фиғон қилсалар ҳам, фориғ эта олмайдилар, ҳар қандай наво ҳам унинг бу кайфиятини ифодалаб бера олмайди.

Мазкур ҳолатда шоир *Навоий* ва *наво* сўзларини келтириш орқали иштиқоқ санъатидан (*байтда ўзакдош сўзларни қўллаш*) фойдаланиб, мазмуннинг бадиий таъсирчанлигини янада кучайтирмоқда.

Умуман олганда, Алишер Навоий ушбу ғазалида тасаввуфий моҳиятни акс эттириб, таъсирчан тамсилларни келтириш ва арузнинг ҳазаж вазнини қўллаш орқали руҳий ҳолатнинг ишонарли бадиий ифодасини яратган.

Дилнавоз ЮСУПОВА

“Ғадойи ғақр ила сўз айта олмас подшо густох...”

Ғадойи ғақр ила сўз айта олмас подшо густох,  
Шаҳоллинданечукким, дам ура олмасгадогустох.

Не қувват бирла шаҳ густох сўзлашгай анинг бирла,  
Ки ваҳм этгай бошиға соя солмоқтин ҳумо густох.

Уруж истар эсанг бу дайр ичинда фоний ўлғилким,  
Малак узра қадам босиб ўтараҳли фано густох.

Бало ичра далер урма қадам то ошиқ ўлмайсен,  
Самандар бўлмағунча кирса бўлмас ўт аро густох.

Не муҳрик водий эрмиш ишқ кўйи даштиким, улён  
Ўта олмас самум ўлмоқ харосидин сабо густох.

Шижоат бирла кирмак кулбайи фақр ичра бўлмаским,  
Бу вайронни қила олмас ватан ҳар аждаҳо густох.

Чу топмас ҳар неким, тақдирдур, бу дайр аро тағйир,  
Адаб эрмасдурур қилмоқ ҳар ишни муддао густох.

Не нозук хўйи бор ул дилрабонинг ким, ниёз аҳли,  
Шикоятқа не етгайким, дейолмаслар дуо густох.

Навоий ишқ истиғносини то англади ваҳким,  
Қила олмас фиғон фориғ, чека олмас наво густох.

V--- V--- V--- V---

Мафойилун мафойилун мафойилун  
Ҳазажи мусаммани муссабоғ маҳзуф

### Луғат

**Гадойи фақр** – дарвеш, тариқатдаги киши

**Густох** – беандиша, бетакаллуф; қўрқмас

**Ваҳм этмоқ** – қўрқмоқ

**Хумо** – афсонавий қуш; давлат қуши

**Уруж** – юксалиш

**Малак** – фаришта

**Далер** – қўрқмас, ботир  
**Самандар** – ўтда ёнмас афсонавий махлуқ  
**Мухрик** – алангали  
**Самум** – иссиқ шамол, гармсел  
**Сабо** – тонгги эпкин  
**Шижоат** – ботирлик, жасорат  
**Тағйир** – ўзгариш  
**Ниёз** – эҳтиёж  
**Истиғно** – ҳожатсизлик  
**Фориғ** – бемалол, эркин

### Насрий баён

1. Тиланчи гадо шоҳ олдида бемалол сўзлай олмаслиги каби, подшоҳ ҳам фақр йўлидаги дарвешнинг ҳузурида бетакаллуф гапиrolмайди.

2. Бошига давлат қуши – хумо соя солинидан қўриб турган одамнинг ҳузурида шоҳ қайси қувват билан бемалол гаплаша олади?!

3. Бу дайр – дунё ичра юксалишни истар эсанг, фоний бўлгил. Фано аҳли фаришталар устидан ҳам ўйламасдан ўтиб бораверадилар.

4. Ошиқ бўлмагунча бало ичра ботирлик билан қадам қўйма. Самандар бўлмагунча олов ичига бемалол кириб бўлмайди.

5. Ишқ дашти қандайин алангали водий эмишки, тонгги сабо самум – гармсел бўлиб қолишидан қўриб, у томонга ўтолмайди.

6. Фақр кулбасига шужоат – ботирлик билан кириб бўлмас. Бу вайронани ҳар бир аждаҳо ўйламасдан ватан қилолмайди.

7. Бу дунёда нимаики тақдир қилинган бўлса, ўзгартириб бўлмайди, шунинг учун ҳамма нарсани ҳам дуо қилиб сўрайвериш одобдан эмас.

8. Ул дилрабонинг нақадар феъл-хўйи нозикки, муҳтожлар шикоят қилиш уёқда турсин, такаллуфсиз дуо ҳам қила олмайдилар.

9. Навоий Ишқ ундан беҳожатлигини англагач, бемалол фиғон ҳам қилолмас, густохлик билан нола ҳам чекмас.

## Шарҳ ва изохлар

Мазкур ғазалда ҳам дарвешона маънолар шоирона кайфият билан омукта ҳолатда берилган. Девоннинг юзинчи рақамли ғазалида шоҳларнинг дарвешларга муҳтожлиги (Фақр аҳлиға подшо муҳтож...) баён этилган бўлса, бунда шоҳлар дарвешлар ҳузурида бошқалар билан бўлгани каби муомала ва муносабатда бўлолмаслиги очиб берилган. Тасаввуф намояндалари ҳаётидан ҳикоя қилувчи манокӣб ва тазкираларда бу фикрни қувватлантирувчи мисоллар талайгина. Жумладан, “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида Бобо Ҳасан Турк номли мажзуб (илоҳий ишқ жазбаси етганидан девонасифат бўлган) дарвеш ҳаётидан ажиб бир воқеа келтирилган. Бобо Ҳасан Турк қишнинг бир кечаси жазба етган ҳолида ҳаммомнинг гўлаҳида исиниши учун гўлаҳчидан рухсат сўрайди. Гўлаҳчи кўнмай уни ҳайдаб солади. Бобо Ҳасан уни бир мушт уриб, ўлдириб қўяди. Хабар давр подшоҳи – Шоҳрух Мирзога етиб боради. “Шоҳрух Мирзо сўрубдурки, Бобо, сени дейдурларки, бирравни ўлдурубсен? Андоқмудур? Дебдурки, ҳов, андоқдур. Мирзо сўрубдурки, не учун ўлдурдунг? Дебдурки, мунчани сен ўлдурдунг, бирравни дағи мен ўлдурдум”. Шоҳрух Мирзо бу гапдан кейин хомуш тортиб, даъвогарларни дият (қонпули) олишга кўндириб, ўз ҳисобидан тўлаб юборади. Бобо Ҳасанни эса ўз ҳолига қўяди.

Манбаларга кўра Шоҳрух Мирзо тасаввуф аҳлини унчалик хуш кўрмасди. Ҳатто Шайх Сойиниддин Турка деган бир тасаввуф назариётчиси ўзи ёзган китобдан тониб, бу китобни Шоҳрух Мирзо замонидан анча олдин ёзгани мазмунида раддия берган экан. Маълум бўладики, бу даврда тасаввуф мавзусида китоб ёзиш расман маън этилган экан. Шундай қалтис пайтда ҳам кўркмасдан гапирган Бобо Ҳасан султонни ҳақ гаплари билан навбатдаги ҳарбий юришдан қайтариб, ноҳақ қон тўкилишини олдини олган.

Султон Ҳусайн Бойқаро замониға келиб, вазият тубдан ўзгаради. Устозимиз Нажмиддин Комилов таъкидлаганларидек, “Ҳиротда тасаввуфнинг турли тоифадаги тариқати амал қилган, кишилар хоҳлаган, кўнгли чопган шайхға мурид тушган. Бундай эркин танлаш Ҳирот маънавиятининг икки буюк пешвоси Жомий ва Навоийда ҳам кўзга ташланади.” Султон Ҳусайннинг табиатан дарвешликка мойиллиги ҳам бундай эркин муҳит яралишида муҳим

омил ўйнаганини алоҳида таъкидлаш керак. Шунинг учун, Навоийнинг куйидаги сатрларини шунчаки муболағали тавсиф эмас, балки воқеликнинг бадиий ифодаси ўлароқ қабул қилиш мақсадга мувофиқ:

Гадойи факр ила сўз айта олмас подшо густох,  
Шаҳоллинда нечукким, дам ура олмас гадо густох.

Не қувват бирла шаҳ густох сўзлашгай анинг бирла,  
Ки ваҳм этгай бошига соя солмоқтин ҳумо густох.

Учинчи байтда уруж – юксалиш ҳақида сўз боради. Уруж – меърож сўзи билан ўзакдош. Сўфийлар талқинига кўра меърожда охирзамон пайғамбари ҳам жисман, ҳам руҳан Ҳақ таоло ҳузурига юксалган бўлса, чин ихлос билан адо этилган ҳар бир намоз ва ибодат мўминнинг руҳий меърожидир (“Қашф ул-махжуб”, 339-бет). Инсонни фаришталардан ҳам юксакроқ мақомга эриштирадиган нарса – Аллоҳ таолони ўзини кўрмасдан, қудрати ва нишонларини мушоҳада этиб, Унга чин ихлос ва муҳаббат билан қўйган эътиқодидир:

Уруж истар эсанг бу дайр ичинда фоний ўлғилким,  
Малак узра қадам босиб ўтар аҳли фано густох.

Бу мақом ва мартабага эришиш учун фақат эътиқод ва билимнинг ўзи камлик қилади. Муҳаббат ва иштиёқ оловида тобланган маърифат, синовлардан ўтган чин ихлос соҳиби бўлган кишигина намоз пайтидаги қалб ҳузурига эриша олади. Жомийнинг “Силсилат уз-заҳаб” достонида келтирилишича, тариқат йўлига энди кирган мурид намоз пайтидаги ҳушў ва ҳузуў (кўнгилда Ҳақ таолонинг кўркуви ва муҳаббатидан бошқа нарса йўл топмаслик ҳолати)ни тополмай, бир неча марта намозини бузиб, қайта ўқишга киришади. Пири буни сезиб, танбеҳ беради ва айтадики, йўлнинг охирида ҳосил бўладиган нарсани аввалбошда талаб қилиш ақлсизликдир. Ишқ даштидаги ўз имконидан ортиқ бўлган балоларни талаб қилиш - самандарлик хислатини касб этмай туриб, оловга оёқ қўйиш билан баробар:

Бало ичра далерурма қадам то ошиқ ўлмайсен,  
Самандар бўлмагунча кирса бўлмас ўт аро густох.

Ишқ водийсининг оташи шунчалик шиддатлики, тонг чоғи эсадиган сабо ҳам у томонга ўтса, самум – гармселга айланиши хавфи бор. Мажоз тилида сабо – хушхабар, ёрнинг лутфу марҳаматидан мужда, самум эса ёрнинг итоблари ва ишқ балоларини англатади. Демак, сабодек ёқимли ва жонга ҳузур бағишловчи бир хушхабар ҳам ишқ ўтининг шиддатидан самумдек ҳалокатли бўлиши мумкинлигини андиша қилиб, ёр ўз ошиқиға хабар жўнатмаяпти экан. Ишқ даштида ёрдан бир мужда келмаслиги ҳам меҳрибонликнинг бир кўриниши эмиш:

Не муҳриқ водий эрмиш ишқ кўйи даштиким, улён  
Ўта олмас самум ўлмоқ ҳаросидин сабо густох.

Ганж – хазинани одатда ҳеч ким яшамайдиган вайроналарда кўмилиши ҳақида олдинги шарҳларда айтиб ўтгандик. Олтиннинг яна бир хосияти – илонлар кўмилган хазиналарни тез топиб, уни кўриқлаб ётишаркан. Хазинани қўлга киритмоқчи бўлган одам жасорат кўрсатиб, олдин бу кўриқчи, яъни аждаҳоға айланган илонни ўлдириши лозим бўлади. Аммо фақр кулбасида яширинган хазинани жасорат ва ботирлик билан эмас, балки қалби синиқлик, ризо, қаноат ва шукроналик, тавозе ва адаб билан қўлга киритиш мумкин. Бу кулбада густохлик билан қадам кўйиб бўлмас. Машойих айтганларидек, тасаввуф – жумла одобдир:

Шужоат бирла кирмак кулбайи фақр ичра бўлмаским,  
Бу вайронни қила олмас ватан ҳар аждаҳо густох.

Кейинги байтларда “гадойи фақр”ларга хос бўлган хислатлар – ҳар неки келса, тақдирдан рози бўлиш ҳамда инон-ихтиёрини буткул Ҳақ таоло иродасига мувофиқ этиш ҳақида сўз боради.

“Насойим ул муҳаббат”да берилишича, бир куни Хожаи жаҳон Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳузурида бир дарвеш деди:

– Агар Худованд таоло менга жаннат ва дўзахдан қайси бирини танлаш имконини берса, мен дўзахни ихтиёр қиламан. Чунки

мен ҳеч қачон нафсим муроди билан яшамагаймен. Бу ҳолда жаннат нафс муродидир ва дўзах Ҳақ муроди.

Ҳазрат Хожа дарвешнинг сўзини рад қилиб, дедилар:

– Бандага ихтиёр билан нима иши бор, ҳар қаён бор деса, борурмиз ва қаёнда бўл, деса, бўлурмиз. Бандаликнинг шарти ушбурдир, сен айтганингча эмас.

Мазкур байтларни Абдулхолиқ Ғиждувоний ғояларининг шоирона ифодаси десак, адашмаймиз. Зотан, орифона ғазалларда Алишер Навоий энг аввало, нақшбандийлик ғояларидан илҳомланган ва ўз ирфоний қарашларини шу таълимот асосида курганига ушбу байтлар ҳам асос бера олади:

Чу топмас ҳар неким, тақдирдур, бу дайр аро тағйир,  
Адаб эрмасдурур қилмоқ ҳар ишни муддао густох.

Не нозукхўйи бор ул дилрабонингким, ниёз аҳли,  
Шикоятқа не етгайким, дейолмаслар дуо густох.

Навоий ишқ истиғносини то англади ваҳким,  
Қила олмас фиғон фориғ, чека олмас наво густох.

**Олимжон ДАВЛАТОВ**



---

**“Баҳор сенсиз ўлуптур манга ажаб дўзах...”**

---



Баҳор сенсиз ўлуптур манга ажаб дўзах,  
Қизил гул анда ўту оқ шукуфалардур ях.

Хаёли хайли кўзумга келурградур гўё,  
Юзумки йўл-йўл ўлуптур сиришқдин рах-рах.

Ғариб келмади ширин лабингга аччиғ сўз,  
Эмас ғариб чучук мева бўлса хаста талх.

Кўнгул фано кунжидин зўр бозу истарким,  
Вужуд панжасини англамиш бағоят шах.

Навоий эғни ялангдур демангки, бордур анга  
Фано ҳасири, бало хораси насиж ила нах.

V-V- VV- – V-V- --  
мафоилун файлотун мафоилун фаълун  
мужтасси мусаммани маҳбуни мактуъ

### Луғат

**Ашҳаб** – кулранг ёки кўк от

**Биҳишт** – жаннат

**Бозу** – билак, қўл

**Лико** – юз, жамол

**Насиж** – тўқилган

**Нах** – абрешин ипи

**Ночах** – кичик найза

**Пайк** – хабар, хабарчи, пайғамбар, бу ўринда сипеҳр хабарчиси,  
яъни ой

**Рах** – ажин

**Сиришк** – кўзёш

**Талх** – аччиқ

**Фано** – йўқлик

**Ҳавос** – ҳис-сезгининг кўплиги

**Хайл** – тўда, гуруҳ

**Хора** – абрешин мато

**Шах** – дағал, қаттиқ

**Шукуфа** – гул

**Ғариб** – ажойиб, ҳайратланарли

**Ҳасир** – бўйра, палос, кигиз

## Насрий баён

Баҳор сенсиз мен учун дўзахдир, қизил гуллар олов бўлса, оқ гуллар муз сингаридир.

Унинг хаёли кўз олдимда намоён бўлар экан, унинг ҳажрида кўзёшим оқиб, юзимга ажинлардан йўл солган.

Ҳаста одамга ширин мева ҳам аччиқ кўринади, шундай экан, сенинг ширин лабингдан аччиқ сўз чиқса, бунга ҳайрон бўлиш керак эмас.

Кўнгилда фано бўлиш истаги шунчалик кучлики, у ўзини кутқаргувчи қудратли бир билак истайди, чунки у ўзи учун вужуд қаттиқ бир панжа эканлигини англаб етди.

Навоийни эғни яланг, яъни либоссиз, деб ўйламанг, чунки унда фанодан палос ва абрешин ипидан тўқилган бало матоси бордир.

## Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали мужтасс баҳрининг мужтасси мусаммани махбуни мақтуъ вазнида ёзилган бўлиб, тасаввуфий мазмунни ўзида акс эттиради.

Ғазалнинг матласида ошиқ учун ёр бўлмаса, баҳор фасли киш каби туюлиб, кўкламда очилган қизил гул олов, оқ гул муз сингари эканлиги баён қилинмоқда. Бу орқали ошиқ учун маъшуқасиз ҳеч нарса керак эмаслиги, ҳатто, баҳор ҳам татимаслиги англашиляпти. Демак, табиат тасвирини бериш воситасида шоир ўз кайфиятини баён этар экан, бундай гўзаллик ёрнинг суҳбати, дийдори бўлмаса, завқ бағишламаслигини айтиш баробарида ўз ишқининг нақадар кучли эканлигини ҳам сездириб қўяди.

Баҳор сенсиз агар дўзах ўлса тонг эрмас,  
Биҳишт ичинда лиқо бўлмаса эрур дўзах.

Мазкур байтда Навоий тамсил санъати орқали баҳор ёрсиз дўзах эканлигига жаннат илоҳий жамолсиз дўзах билан тенгдир, дер экан, лиқо сўзи орқали жаннатда юз берадиган илоҳий жамолга ишора қилади.

Илоҳий жамолни ўйлар экан, лирик қаҳрамон ҳаяжонга тушади, кўзларидан ёш оқади, натижада юзида ажинлардан йўл пайдо бўлади. Навоий бу тасвир орқали ошиқнинг илоҳий дийдорга қанчалик эҳтиёжманд ва интиқ эканлигини ифодаляпти.

Хаёли хайли кўзумга келургадур гўё,  
Юзумки йўл-йўл ўлуптур сиришқдин рах-рах.

Байтда қўлланилган муболаға санъати (*бўрттириб тасвирлаш*) руҳий ҳолатнинг бадиий жиҳатдан янада таъсирчан ифодаланишини таъминлаб бермоқда. *Йўл-йўл* ҳамда *рах-рах* каби сўзларнинг қўлланилиши тақрир санъатини юзага келтириб, ўзига хос ритм ҳосил қилади ва кайфиятдаги ҳаяжоннинг кучли эканлигини билдиради.

Ғариб келмади ширин лабингға аччиғ сўз,  
Эмас ғариб чучук мева бўлса хаста талх.

Мазкур байтдан бошлаб Алишер Навоий Расули акрамга (с.а.в.) ғойибона мурожаат қилиб, ул Зотнинг (с.а.в.) сўzlари ҳамиша ширин, фасиҳ бўлганлигини айтади ва гоҳида мушриклар учун айтган аччиқ сўzlари уларга таъсир қилмади, уларнинг қалбини очмади, дер экан, ҳидоят Аллоҳдан бўлишига ишора қилиш баробарида бемор инсон учун ширин мева ҳам аччиқ туюлишини таъкидлайди. Чунки мушриклар бемор каби бўлсалар, уларга саводатдан хабар бераётган, уларнинг айбу нуқсонларини кўрсатиб, тузатишга ундаётган ширин мева каби айтилган сўzlар ҳам аччиқдек кўринган.

Байтда *аччиқ*, *ширин* ва *чучук*, *талх* сўzlарининг қўлланилиши орқали юзага чиққан тазод санъати (*байтда зид маъноли сўzlарни келтириш*), *ғариб* сўзидан турли ўринларда такрорлаш натижа-сида пайдо бўлган *тақрир* санъати ўзига хос бадиий-поэтик рух ҳосил қилмоқда.

Кўнгул фано кунжидин зўр бозу истарким,  
Вужуд панжасини англамиш бағоят шах.

Қўнгил руҳни вужуд бир панжа каби сиқиб ушлаб турганлигини англаб етди, у тан истакларидан қутулишни, фано бўлиб, Ҳаққа эришишни истар экан, ўзини халос этадиган кучли билакка – зўр бозуга эҳтиёжманддир. Чунки вужуд *панжаси* руҳни озод қилиши учун унга бир кучли билак – пири муршиднинг ёрдами зарур. Байтда зўр бозу – билак, *панжа* каби уядош сўзларни келтириш воситасида қўлланилган *таносиб* санъати, вужудни панжага қиёслаш билан ҳосил қилинган *ташбеҳ* санъати фикрнинг бадиий таъсирчанлигини оширган.

Навоий эғни ялангдур демангки, бордур анга  
Фано ҳасири, бало хораси насиж ила нах.

Алишер Навоий лирик қаҳрамон истагини фано бўлиш билан боғлаб, у халқ кўзига либоссиз бир мискин каби кўринаётган бўлса-да, аслида унда фанодан палос ва балодан мато бор эканлигини айтади ва шу орқали тасаввуфдаги жавонмардлик таълимотига ишора қилади.

Шу ўринда “Сабъаи сайёр” достонида келтирилган шанба куни қора қасрда Баҳромга айтиб берилган “Фарруҳ ва Ахий” ҳикоятини эсга олиш зарур. Ҳикоятда Ахийга тўхмат қиладилар, у бору будидан айрилиб, ҳатто кийимсиз қолиб, бир палосга ёпиниб, дўсти Фарруҳнинг мамлакатига бориб қолади. Бу ерда Ахийнинг мард ва саҳийлиги, энг асосийси, ҳамма нарсасидан ажралиб қолганда *палос ёпиниб* юрганлигига урғу қаратиш лозим. Ҳикоят моҳиятан рамзий бўлиб, унда Ҳақ йўлидаги инсоннинг фидойилиги ва унинг бу йўлда дуч келган қийинчиликлари Ахий тимсолида ёритиб берилган. Шу нуқтайи назардан олганда, байтда *эгнимда палос бор*, деган маънонинг мавжудлиги шоирнинг жавонмардлик таълимотига, ахийлик фаолиятига бўлган илиқ муносабатини, мойиллигини билдиради.

Байт кетма-кет келаётган *фано, бало, хора* сўzlари унинг ритмига сезиларли таъсир кўрсатиб, мазмун билан уйғунлашган ўзига хос оҳангни ҳосил қилмоқда.

Магар шаҳ ашҳаби оллинда пайк бўлди сипеҳр  
Ки, қилмиш ўн кечалик ойни эғнида ночах.

Мазкур байтда рамзий ифода усули билан пайғамбарлар султони Расули акрамнинг (с.а.в.) меърожга кўтарилганларига ишора қилар экан, уларнинг меърож тунида минган отлари – ашҳаб (Буроқ)нинг олдида осмоннинг ойга (*пайки сипеҳр*) айланганлигини айтиш орқали ислом рамзи ҳисобланган кичик найза устига ўрнатилган янги ойни назарда тутди. Маълумки, тасаввуфда фано бўлиш Расули акрамга эргашишдир. Чунки Муҳаммад (с.а.в.) меърожда фано бўлган эдилар. Демак, фано бўлган инсонга бутун илоҳий сирдан насиба берилади.

Умуман олганда, мазкур ғазал тузилиш жиҳатдан пароканда ғазалга жуда яқин туради, чунки таҳлил жараёнида ҳам байтларнинг ўзаро боғлиқлигини яққол англаш қийин, ҳар бир байт ўзига хос ғояни, ифодани ўзида мужассам этар экан, уларнинг Ҳаққа етилиш учун Уни севиш керак, деган моҳият ўзаро бирлаштириб турганига гувоҳ бўламиз.

Дилнавоз ЮСУПОВА



---

**“Баҳор сенсиз ўлуптур манга ажаб дўзах...”**

---



Баҳор сенсиз ўлуптур манга ажаб дўзах,  
Қизил гул анда ўту оқ шукуфалардур ях.

Баҳор сенсиз агар дўзах ўлса тонг эрмас,  
Биҳишт ичинда лиқо бўлмаса, эрур дўзах.

Хаёли хайли кўзумга келургадур гўё,  
Юзумки йўл-йўл ўлуптур сирешкдин рах-рах.

Ғариб келмади ширин лабингга аччиғ сўз,  
Эмас ғариб чучук мева бўлса хоста талх.

Кўнгул фано кучидин зўрибозу истарким,  
Вужуд панжасини англамиш бағоят цах.

Навоий эғни ялангдур демангки, бордуранга  
Фаноҳасири, болохорасинасиж ила нах.

Магар шаҳ ашҳаби оллинда пайк бўлди сипехр,  
Ки қилмиш ўн кечалик ойни эғнида ночах.

V-V- VV-- V-V- --

Мафоилун фѣлотун мафоилун фаълун  
Мужтасси мусаммани маҳбуни мактуъ

### Лугат

**Шукуфа** – дарахт гули  
**Биҳишт** – жаннат  
**Лико** – дийдор  
**Хайл** – қўшин  
**Сиришк** – кўз ёши  
**Рах-рах** – тарам-тарам, ажинлар  
**Хоста** – данак  
**Зўри бозу** – билан кучи  
**Шах** – қотган  
**Ҳасир** – бўйра  
**Хора** – харсанг тош  
**Насиж** – тўқилган матоҳ  
**Нах** – нозик мато....  
**Ашҳаб** – от  
**Пайк** – элчи  
**Сипехр** – фалак, осмон  
**Ночах** – ойболта

### Насрий баён

1. Сенсиз мента баҳор ажаб бир дўзахга айланибди – гул  
ўтдек ёндирса, муғчалари муздек совуқ забтига олдиради.

2. Агар баҳор сенсиз дўзахни эслатса, жаннатда ҳам дийдоринг бўлмаса, бу жаннат мен учун дўзахнинг айнаи ўзидир.

3. Кўз ёшларимнинг излари юзимда йўл-йўл бўлгани гўёки хаёлинг қўшини кўзимга келишига йўл очибди.

4. Ширин лабингдан аччиқ сўз чиқиши ғариб ҳодиса эмас. Ширин меванинг данаги одатда аччиқ бўлади.

5. Кўнгил вужуд панжасини қотиб қолган, нотавазлигини билгач, фано кучидан мадад истамоқда.

6. Навоийни эгни яланг (кийимсиз) деманг, унга фано бўйраси палос, бало харсанг тоши эса юмшоқ ёстикдек бўлган.

7. Фалак бу кеча гўёки шоҳнинг оти олдидан ўн кечалик ойни қўлида болгадек ушлабпўшт-пўшт айтиб келувчи хабарчи бўлди.

### Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг “Муншаот” асаридаги мактубларнинг асосий қисми Султон Ҳусайн Бойқарога юборилганини биламиз. Бу мактублар ўзбек мумтоз насрининг энг сара намуналари бўлиш баробарида, икки маслакдош дўст, икки давлат таянчи, икки ижодкорнинг муносабатлари ҳақида тўғри тасаввур ҳосил қилиш учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

“Муншаот”нинг дастлабки тўрт мактуби тўрт фаслнинг тасвирига бағишланган. Жумладан, биринчи мактубда муаллиф Наврўз айёмида бошига тоғ сайри ҳавоси тушиб, у ерда гўзал бир масканни топгани, аммо бу хушҳаво маскан дўст дийдорисиз дўзахнинг айнаи ўзи эканини қайд қилиб, дийдор умидида қуйидаги сатрлар билан шоҳни таклиф қилади: “Ва лекин ул баҳори ҳаёт суҳбатидин айру лола аҳбоб жониға доғ ўртагали шуълас ва ҳар қатра асҳоб ҳаёти шамъини ўчургали Дажлае эрди. Густоҳлик юзидин фалонни куллуққа йиборилди, агар кўҳнавард ашҳабни қулла азиматиға сурулса ва анинг хоро шикоф тувоғидин секриган ўт била барқ ламъасидек мунтазирлар кўзларин ёрутулса, тоғдин қуёш чиққондек бўлғай ва баҳордин гул очилғондек қўрунғай.”

Таҳдил қилинаётган ғазал ҳам худди шу муносабатда ёзилгани сабабли мазкур мактубнинг шеърий давомига ўхшайди. Чунки

бунда ҳам баҳор фасли дўст дийдорисиз дўзахдан нишон бериб туради, очилган атиргуллар бозиллаб турган чўғдек қалбини ўртаса, оппоқ гуллаган дарахтлар музтоғлардек кўнгилни бу манзара томошасидан совутади. Қолаверса, қиёмат куни ҳам мўминларнинг умиди – Ҳақ таоло жамолини кўриш. Агар илоҳий жамол жаннатда ҳам кўриниш бермаса, жаннатнинг дўзахдан фарқи қолмайди. Соғинч ва муштоқлик, ҳижрон ва айрилиқ азоби ҳар қандай жаҳаннам қийноқларидан ҳам аламли:

Баҳор сенсиз ўлуптур манга ажаб дўзах,  
Кизил гул анда ўту оқ шукуфалардур ях.

Баҳор сенсиз агар дўзах ўлса тонг эрмас,  
Биҳишт ичинда лиқо бўлмаса, эрур дўзах.

Учинчи байтда гўзал бир шоирона тасвирга дуч келамиз: дийдорга муштоқ ва интизор бўлган лирик қаҳрамон дўстининг хаёлини кўз ўнгиде жонлантириш учун ҳаракат қилмоқда. Тинмай оқаётган кўз ёшлари эса тарам-тарам бўлган ажинлардан оқиб тушиб, гўёки унинг хаёли келиши учун йўл очмоқда:

Хаёли хайли кўзумга келургадур гўё,  
Ўзумки йўл-йўл ўлуп тур сиришқдин рах-рах.

Тўртинчи байт ширин лаб ва аччиқ сўз тазоди асосида қурилган. Бу тазод мумтоз адабиётда жуда кўп қўлланилган. Жумладан, Ҳофиз Шерозий машҳур “Агар он турки шерозий...” ғазалида бу маънони қуйидагича ифодалаган:

Агар дашном фармой в-агар нафрин, дуо гўям,  
Чавоби талх мезебад лаби лаъли шакархоро.

Шерозлик ринддан илҳомланган хиротлик турк айни шу маънони янги тасвир воситалари, янги маънавий санъатлар ёрдамида бутунлай бошқача ранг ва тус берган. Кўклам тасвирига мос ҳолат ва кайфиятни вужудга келтириб, анъанавий тимсоллар замирида бадиъ – нодир бир манзарани чизишга эришган. Икки марта

қўлланилган “ғариб” сўзи биз ўрганиб қолган мусофир маъносидамас, балки янги, ажиб, нодир каби маъноларни ифодалаб, тажнис ҳодисасини вужудга келтирган. Аччиқ данакли мева ширин бўлиши ҳақидаги далил (хусни таълил санъати) орқали бу аччиқ сўзлар ёрнинг лабини янада ширинроқ қилишига нозик ишора берилганки, бу ҳам шоирнинг маҳоратидан дарак беради:

Ғариб келмади ширин лабингга аччиғ сўз,  
Эмас ғариб чучук мева бўлса хоста талх.

Кейинги икки байтда шоир ўзи энг яхши кўрган мавзу – фано бўлиш ҳақида сўз юритади. Кўнгилнинг маънавий сулуки ва руҳоният оламидаги юксалишларида жисмоний қувват етарли эмас. Нафсни поклаш йўлидаги риёзатларни чекиш учун жисмоний қувватдан кўра руҳий қувват кўпроқ асқотади. Бунинг учун инсон ўзидаги такаббурлик, манманлик, ёлғон, риёкорлик, ҳасад, ширк, лаганбардорлик, ғофиллик... каби ёмон хислатлардан холи бўлиб, тавозе, садоқат, мухаббат, қаноат, маърифат, раҳмдиллик, бағрикенглик каби хислатларни тарбиялаш керак. Худони бир лаҳза ҳам ёддан чиқаришга йўл қўймайдиган ҳамда Аллоҳдан ўзга кишидан таъма умидини узган, ўзини титроқдан ҳам паст ҳисоблаб, ҳокисорликдан олам босиб ўтадиган титроққа айланган зотлар ўзгаларнинг мол-дунёси, куч-қувват, амал ва мансаб-мартабаси ҳам эълолмаган эътибор ва эҳтиромга сазовор бўлади. Қолаверса, одил султонлар ҳам кўпроқ бечора ва мискинларга шафқат ва мурувват кўрсатадилар. Шунга ишора қилиб, Навоий ёрнинг дийдорига фақат ўзининг фанийсифатлиги ва балокашлиги туфайли ҳақли эканини таъкидлайди:

Навоий эғни ялангдур демангки, бордур анга  
Фаноҳа сири, балохорасинасиж ила нах.

Тахаллусдан кейинги байтда баҳорни байрамга айлантирган, дийдорига муштоқ эгган зот – Султон Ҳусайн дўстининг даъватини ижобат қилиб, кечаси қадам ранжида қилгани тасвирланади. “Ночах” – ўзбек тилида ойболта дегани. Ўн кунлик ойни султоннинг йўлини бўшатиб бораётган тун ясовули қўлидаги ойболта-

га ўхшатиб, ҳам ташбеҳи музмар (яширин ташбеҳ) ва ҳам ийҳом санъатининг гўзал намунасини яратган:

Магар шах ашҳаби оллинда пайк бўлди сипеҳр,  
Ки қилмиш ўн кечалик ойни эгпида ночах.

Умуман олганда, Навоий қайси мавзуда қалам тебратмасин, бадиият масаласи ҳамиша бирламчи мезон бўлиб қолаверган. Мазмунига кўра ғазал-даъватнома бўлган ушбу асар ҳам шунчаки ёзилган эмас. Бундаги фалсафий-ирфоний маънолар, руҳий-психологик кечинмалар, автобиографик унсурлар шундай қоришиқ ҳолатда келтирилганки, истаган маънода таҳлил ва таъвил қилиш мумкин. Энг муҳими, бу ғазал бадиий-эстетик завқни ошириб, дидни нозиклаштиради. Бадиий асар яратиндан ҳам асосий мақсад шу.

Олимжон ДАВЛАТОВ

—~~~~~—  
“Тонг эмастур, бўлса ҳар сарви парийруҳсор шўх...”  
~~~~~—

Тонг эмастур, бўлса ҳар сарви парийруҳсор шўх,
Лек эрур сарви парийрўюм менинг бисёр шўх.

Гар менинг шўхи ситамкорим парийзод ўлмаса,
Мумкин эрмас одамий бўлмоғлиғ ул миқдор шўх.

Турмаса қон бу кеча кўксум шикофидин не тонг
Ким, эрур кўнглумга кирган чобуки айёр шўх.

Вах, не тонг ҳар лаҳза бетоқатлиғимким, дилбарим
Бовужуди ҳусн, ҳам ширин эрур, ҳам бор шўх.

То етишгай жонга еткурган кўнгулга юз бало,
Шукур этарменким, насиб ўлмиш манга дилдор шўх.

Шўхлардин туз кадам кўймоқ чу келмас, воқиф ўл
Ким, ситамгар чобуксдур чархи кажрафтор шўх.

Гар десангким жонга етмай ҳар замон бир жаврдин,
Эй Навоий, панд эшит, ёр истама бисёр шўх.

– V – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Тонг эмас – ажаб эмас
Парируҳсор, парирўй – пари юзли
Бисёр – кўп
Ситамкор – жабр-зулм қилувчи
Шикоф – дарз, ёриқ
Чобук – чаққон, эпчил, моҳир
Туз – тўгри
Чархи кажрафтор – тескари айланувчи фалак.

Насрий баён

Сарвқадли парируҳсор ёрларнинг шўх бўлиши ажабланарли эмас, лекин менинг париюзли ёрим ҳаммадан шўхроқдир.

Менинг ситамкор шўх ёрим парилар авлодидан бўлса керак, чунки инсон фарзандининг бунчалик шўх бўлиши мумкин эмас.

Бу кеча кўксимдаги дарз, яъни ёриқдан оққан қон тўхтамаса, ажабланманг, чунки кўнглимнинг ичига шўх ва айёр ёрим чаққонлик билан кириб олган.

Ҳар лаҳза бетоқатлигимга ҳайрон бўлманг, чунки вужуди гўзал бўлган ёрим ҳам ширин, ҳам шўхдир.

Жонга эришган кўнгилга юз бало келади, шукурки, менга дилдорларнинг шўхи насиб бўлди.

Шўхлардан тўғри қадам қўйиш, тўғри иш қилишларини кутиш ақлдан эмас, чунки ситамгар чарх – дунёнинг ўзи эгри юрувчидир.

Эй Навоий, агар ёрнинг жабридан жоним омон қолсин, десанг, насиҳатни қулоғингга ол: ўта шўх ёрга кўнгил боғлама.

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг “Шўх” радифли ғазали мавзу жиҳатдан ишқий йўналишда бўлиб, ўзида ёрнинг таъриф-тавсифини ифода этади. Унда тасаввуфий истилоҳлар, ботиний чуқур маънолар кўзга ташланмайди ва бу ғазалда инсоннинг инсонга бўлган мажозий ишқи тараннум этилганлигини билдиради.

Учинчи байтнинг поэтик таъсирчанлигини оширган омиллардан бири муболага санъатидир. Байтда ифодаланаётган шўх ва чаққон ёрнинг ёр кўксини ёриб кириб олганлиги ва ошиқнинг юрагидан энди бу ёриқ орқали қон оқиши муболага ҳисобланади.

Алишер Навоий ушбу байтда мумтоз адабиётдаги анъанавий тасвир – фалаkning кажрафтор, яъни тескари айланувчанлигини дилраболарнинг бевафо ва ситамкор эканлиги билан боғламоқда.

Шоир мақтаъда зоҳиран қараганда шўх ёрга кўнгил боғлама, деб уқтираётган бўлса-да, шўх ёрининг васлидан мамнун эканлиги енгил ҳазил орқали ифодамоқда.

Ғазал учун аруз тизимининг туркона ва хушоҳанг Рамали мусаммани маҳзуф вазнининг таълимиши шоир баён этмоқчи бўлган фикр ифодасига ниҳоятда мос келади.

Умуман олганда, ғазал инсоннинг инсонга бўлган муҳаббатини ўзида акс эттиради ва бу орқали шоир покиза ишқнинг ҳаётбахш кучини эътироф этиб, севги инсон қалбига ором бағишлашини, бахт ҳисларини туйишга сабаб бўлишини таъкидламоқда.

Дилнавоз ЮСУПОВА

—•—•—•—•—•—•—

“Тонг эмастур, бўлса ҳар сарви парирухсор шўх...”

—•—•—•—•—•—•—

Тонг эмастур, бўлса ҳар сарви парирухсор шўх,
Лек эрур сарви парирўюм менинг бисёршўх.

Гарменинг шўхиситамкорим паризод ўлмаса,
Мумкин эрмас одамий бўлмоғлиғ ул миқдор шўх.

Турмаса қон бу кеча кўксум шикофидин не тонг
Ким, эрур кўнглумга кирган чобуки айёр шўх.

Вах, не тонг ҳар лаҳза бетоқатлиғимким, дилбарим
Бовужуди ҳусн, ҳам ширин эрур, ҳам бор шўх.

То етишгай жонға еткурған кўнгулға юз бало,
Шукр этарменким, насиб ўлимиш манга дилдор шўх.

Шўхлардин туз қадам қўймоқ чу келмас, вокиф ўл
Ким, ситамгар чобукедур чархикажрафтор шўх.

Гар десангким жонға етмай ҳар замон биржаврдин,
Эй Навоий, панд эшит, ёр истама бисёр шўх.

—V— —V— —V— —V—
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаддаси маҳзуф

Лугат

Парирухсор – соҳибжамол, чехраси париларникидек гўзал
Ул миқдор – унчалик
Шикоф – тешик

Не тонг – не ажаб
Туз – тўғри
окиф – огоҳ
Чобук – чаққон
Панд – ўғит, насиҳат

Насрий баён

1. Сарвиқомат паричеҳралар шўх бўлишса, ажабмас, аммо менинг гўзалим жуда шўхдир.
2. Агар менинг золим шўхим паризод бўлмаса, одам боласи бунчалик шўх бўлиши мумкин эмас.
3. Бу кеча кўксим жароҳатидан қон тўхтамай оқса ажабмас. Негаки кўнглимга кирган ул чобуки айёр жуда шўхдир.
4. Ҳар лаҳзада бетоқат бўлишимга ажабланманг. Менинг ёрим ҳам гўзал, ҳам ширинсўз ва ҳам жуда шўх бир дилбар эрур.
5. Жонимга ишқини еткурган кўнгил бошига юз бало соларкан, менга шўх бир дилдор насиб этмиш деб шукр қиламан.
6. Шўхлар ҳеч қачон тўғри қадам қўймайдилар, эгриқадам фалақдан огоҳ бўлким, аслида золим ва ситамгар бир чобукдир.
7. Эй Навоий, ҳар замон етажак жавру жафолар дастидан жонингдан тўймоқни истамасанг, ўғитимга қулоқ солиб, жуда шўх бўлган ёринг бўлишини орзу қилма.

Шарҳ ва изоҳлар

Ҳазални мажозий муҳаббат тараннуми сифатида баҳолаш мумкин. Унда маҳбуба *сарви парирўй, шўхи ситамкор, чобуки айёр, ширин ва шўх дилбар, дилдор* каби истиоралар билан сифатланади. Бу истиоралар радиф вазифасини бажарган шўх сифатининг турли қирраларини очишга хизмат қилган.

Алишер Навоий кундалик ҳаётда табъи ҳазил-мутуйибага мойил шахс сифатида танилган. Замондошлари Хондамир, Зайниддин Маҳмуд Восифий, Мирзо Бобур асарларида Навоийнинг мутуйибаларига алоҳида ўрин ажратилган. Қолаверса, шоирнинг

Ўзи ҳам суҳбатдошларидаги юмор ва кулгуга мойил хислатларини қадрлаб, бунини алоҳида таъкидлаган. Жумладан, энг яқин кишилари ҳақида ёзган учта мемуар биографик асарнинг иккитасида (“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”) мутуйибаларга алоҳида ўрин берилган. “Мажолис ун-нафоис”да замондош шоирлар зикрига бағишланган бобларда шўхтабълик хислати алоҳида таъкидланган: “Мавлоно Ховарий – самарқандлиғдур ва дарзигарликка (тикувчилик) мансуб эрди. Бадиҳани равон айтур эрди ва таъби хейли шўх эрди.”

Шунинг билан бирга, Навоий ҳазил-мутуйибада ҳаддан ошмаслик, мутуйибалар ҳамиша одоб доирасида бўлиш лозимлиги тарафдори бўлган. Аммо ғазалда шоир ўзининг ёрини васф этаркан, уни “бисёр шўх” экани, бу даражадаги шўхлик одам боласи қўлидан келмаслигини мамнун ва мафтун ўлароқ алоҳида қайд этади:

Тонг эмастур, бўлса ҳар сарви парирухсор шўх,
Лек эрурсарви парирўюм менинг бисёр шўх.

Гарменингшўх иситамкоримпаризодўлмасе,
Мумкин эрмас одабий бўлмоғлиғ ул миқдор шўх.

Маълум бўладики, бу “шўх”лик аслида паризод наслидан бўлган, ғайб оламига тегишли илоҳий бир хилқатнинг сифати экан. Ирфоний манбаларда шўхлик сифати одатда илоҳий жазба ғалабаси ҳамда ғайбий илтифотларга нисбатан қўлланилган. Хўш, жазбанинг ўзи нима? Устозимиз Нажмиддин Комилов жазбани сўфийлик истеъдоди сифатида баҳолаб, жумладан, шундай деганлар: “Жазба – бу инсондаги алоҳида илоҳсеварлик майли, руҳий ва тафаккурий-шуурий бир таважжухдир... Жазба – тортиш, Ҳақнинг бандаларига ва бандаларнинг Ҳаққа интилиши, иродани Илоҳга боғлайдиган *дард*. У кўнгилни бетоқат этиб, фақру фано йўлига етаклайверади. Жазба қанча кучли бўлса, солиқ шунча тез тариқат одобини ўзлаштириб, қалб кўзи очилади, ҳолга киради” (Н.Комилов, “Тасаввуф”, 33-бет).

Бу таърифдан маълум бўладики, ғазалда таърифланган маҳбубанинг шўхликлари илоҳий муҳаббат дардини кучайтириш ва кўнгилни поклаш учун бир восита экан. Бу шўхнинг кўнгилни

макон тутиши ҳамда чок бўлган сийнадан қон оқишининг тўх-
тамаслиги ҳам шу дарднинг ғалаёни, иштиёқнинг зўрайишидан
нишонадир:

Турмаса қон бу кеча кўксум шикофидин не тонг
Ким, эрур кўнгулмга кирган чобуки айёр шўх.

Кейинги икки байтда шўхтаб ёрга *дилбар* ва *дилдор* истио-
ралари нисбат берилган. Бу сифатлар сиртдан бир-бирига яқин
бўлса-да, ирфоний тилда бошқа-бошқа маъноларни ифодалашга
хизмат қилади. Фахриддин Ироқий талқинига кўра, дилбарлик
– кўнгилда муҳаббат дарди, андуҳ ва ғуссани кўпайтирувчи, бе-
парволиги, истиғноси билан солиқни қабз ҳолига тушириш бўлса,
дилдорлик – ошиқ кўнгида сурур, умид ва муҳаббат туйғуларини
кучайтирувчи, меҳрибонлиги ва ғамхўрлиги билан солиқни баст
ҳолига тушириш демакдир. Шунинг учун ошиқ ўз шўхининг дил-
барлигидан бетоқатлиги ошиб кетса, дилдорлиги юз тутган чоғлар-
да кўнгилга юз боло юзланса-да, шукроналик билан бу балоларни
истиқбол этади:

Вах, не тонг ҳар лаҳза бетоқатлиғимким, дилбарим
Бовужуди ҳусн, ҳам ширин эрур, ҳам бор шўх.

То етишгай жонга еткурган кўнгулга юз боло,
Шукр этарменким, насиб ўлмиш манга дилдоршўх.

Мавъиза оҳангидаги олтинчи байтда шўх сифати салбий оҳанг
касб этади. Бу байтда шўх сўзи бетайинлик, тутуриқсизлик, алдоқчи-
лик каби хусусиятларни ҳам ўзида жамлаши мумкинлиги билвосита
кўрсатиб ўтилган. Шу орқали шоир бир сўзнинг ҳам ижобий, ҳам ир-
фоний-фалсафий, ҳам салбий маъноларини бир ғазалда ифодалаш
маҳоратини намоён этган:

Шўхлардин туз қадам кўймоқ чу келмас, воқиф ўл
Ким, ситамгар чобукедурчархик ажрафтор шўх.

Хулоса қилувчи мактаъда шоир ўзига “ёр истама бисёр шўх” деб ўзига ўғит беради. Шўхнинг қайси маънода қабул қилсак ҳам бу ўғит айна ҳақиқат бўлиб чиқаверади: ахлоқ нуқтаи назаридан шўхтабълик ҳаддан ошса, эътибор ва эҳтиром, виқор йўқолади; ирфон нуқтаи назаридан шўхлик – илоҳий жазба кучайса, солиқ мажнунсифат бўлиб, жамият уни қабул қилмай қолади:

Гар десангким жонга етмай ҳар замон бир жаврдин,
Эй Навоий, панд эшит, ёр истама бисёр шўх.

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх...”

Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх,
Ҳар киши заҳр ичса бўлғай ком анга ноком талх.

Ҳажр етса май била дедим овунғаймен, валеқ
Ёрсиз бор эрмиш ичмак бодайи гулфом талх.

Шоми ҳажримдин не оғаҳ улки ҳижрон тунлари
Тонгга тегру тўкмади шўробани бир шом талх.

Шарбати сабр отини тутмангки, бирой ҳажридин
Оғзима ҳайвон зулолин айланиш айём талх.

Оғзидин аччиғ сўз айтиб зоҳир этса заҳри чашм,
Айб эмас тур писта шўру тонг эмас бодом талх.

Жоми ҳижрон чеккали билдимки, жавринг саъб эмас,
Май нечаталхўлса, кўрмас они заҳрошомталх.

Носабур ўлмас кўнгулга етса хуноби фироқ,
Не учунким талх май ичкандин ўлмас жом талх.

Умр шаҳди бас чучукдур, лекин охир қилмаса
Маргзаҳрибирла они даҳрино фаржомталх.

Васл жомидин Навоий элга бўлди баҳра нўш,
Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх.

-V-- -V-- -V-- -V-

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон
рамали мусаммани мақсур

Луғат

Ком – ҳалқум

Ноком – ноилож

Гулфом – қизил, гул рангида

Тегру – -гача

Шўроба – шўр сув; маж.:йиғи

Хайвон зулоли – ҳаёт суви

Саъб – қийин

Заҳрошом – заҳар ютувчи

Носабур – сабрсиз

Хуноб – қонли ёш

Шаҳд – асал, ширинлик

Даҳр – дунё

Нофаржом – фоний

Баҳра – насиб

Нўш – ҳаёт суви

Насрий баён

1. Эвоҳ, ҳижрон шарбатидан бизнинг оғзимиз аччиқ бўлди
Кимки заҳар ичса, унинг оғзи истаса-истамаса аччиқ бўлади.

2. Хижрон пайти май билан овунгайман дегандим. Аммо ёр-сиз ичилган қизил шароб ҳам аччиқ бўларкан.

3. Хижрон кечалари шомдан тонггача аччиқ кўз ёш тўкмаган-лар менинг хижрон шоидаги ҳолимдан қандай бохабар бўлсин?!

4. Сабр шарбатининг помини тутмангки, бу айёмда бир ой хижронида оғзимга ҳатто ҳаёт суви аччиқ таъм бермоқда.

5. Оғзидан аччиқ сўз чиқиб, заҳарли нигоҳ ташлашлари айб эмас. Ахир, кўпинча писта – шўр, бодом- аччиқ бўладику?!

6. Хижрон бодасини чекиб, шуни билдимки, жавру жафола-рингни чекиш унча қийин эмас экан. Заҳар ичиб юрган кишига шаробнинг аччиқлиги билинмайди.

7. Кўнгилга фироқда тўкилган қонли ёшлар етиб борса, тоқат-сизланиб қолмайди. Чунки аччиқ май ичгандан сўнг кейинги жомлар аччиқ бўлмайди.

8. Умр – асалдек шириндир, лекин уни барибир бу фоний дунё ажал заҳри билан аччиқ қилади.

9. Эй Навоий, эл висол шаробидан баҳраманд бўлиб, гўёки қайта тирилди. Эвоҳ, хижрон шарбатидан бизнинг оғзимиз аччиқ бўлди.

Шарҳ ва изоҳлар

Мавлоно Жомийнинг “Фотиҳат уш-шабоб” девонида қуйидаги матлаъ билан бошланадиган “талх” радифли ғазал жой олган:

Эй бе лаби туам ба даҳон қанди ноб талх,
Дар коми чом бе лаби лаълат шароб талх.

Устозининг ушбу ғазалига жавоб ёзган Навоий ғазал вазни ва қофиясини ўзгартиради: Жомийнинг ғазали музориъи мусамма-ни ахраби макфуфи маҳзуф вазнида бўлса, Навоийнинг жавобия-си рамали мусаммани солимда битилган. Равий ҳарфи Жомийни-кида “бе” ҳарфи бўлса, Навоий ғазалида “мим” ҳарфи равий ҳар-фи вазифасини бажарган. Шунинг баробарида, Навоий томонидан ғазалнинг умумий руҳи ҳамда радифли сақланган ҳолда “талх” ғазалининг “туркона тавр”и яратилади:

Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх,
Ҳар киши заҳр ичса бўлғай ком анга ноком талх.

Жомийнинг ғазалида тазод санъати унсурлари етакчилик қилади. Жумладан, унинг ғазали матлаъида қанд билан ёрнинг лаби қарама-қарши қўйилиб, талх сифатига урғу берилган ҳолда ёр лабининг ширинлигига ишора қилинади. Навоийғазалида эса, барча маъно ва мазмунлар, тасвир ва ўхшатишлар радиф вазифасини бажараётган талх сўзининг маъно меҳвари атрофида айланади. Матлаъда ҳусни таълил ёрдамида ҳижрон “шарбат”и заҳардек қаттол эканлиги айтилган бўлса, кейинги байтда ёрнинг ҳижронида ичилган ширин шароб ҳам аччиқ туюлиши таъкидланган:

Ҳажр етса май била дедим овунғаймен, валек
Ёрсиз бор эрмиш ичмак бодайи гулфомталх.

Ҳижроннинг аччиқ азобларини ҳамма ҳам ҳис этавермайди. Ҳижрон – шунчаки айрилиқ, кимнидир бир муддат кўролмай қолиш, оддий соғинч эмас. Ҳолбуки, соғинч ва дийдор талабининг ҳам ўзига яраша қийноқ ва азоблари бор. Ҳаётдаги таянч нуқтасини йўқотган, яшашга мазмун бағишлаб турган умидидан мосуво бўлган, бутун вужуди билан талпиниб турган жойида рад этилган инсонгина ҳижрон азобини билади, айрилиқнинг ниҳоясиз шомлари кўнглидаги орзу ва умид чироқларини сўндиргач, аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкишдан бошқа чораси қолмаган бечоралар бу дард нелигини жондан ҳис қилишади:

Шомиҳажримдин не оғаҳулки ҳижрон тунлари
Тонгга тегру тўкмади шўробани бир шом талх.

Ҳижрон шарбатини тотган кишига сабрнинг аччиқ шарба-ти ҳам фойда бермайди. Сабр, “Маҳбуб ул-қулуб”да зикр этилганидек, “Ошиқларга маразедур қотил ва беморларга заҳредур ҳалоҳил... Йўли бодиясида зулумоти офат, Ҳизрдек ани қатъ қилғонга баҳра зулоли ҳаёт”. Ишқ аҳли учун қаттол дардга ўхшаган сабр шарбатини тотган киши оқибат Ҳизр чашмасига етмоғи мумкин, аммо бир ой ҳажридан ҳатто оби ҳаёт ҳам ошиқнинг оғ-

зига ўлим шарбатидек аччиқ таъм бермоқда. Қолаверса, ҳижрон-да ўтадиган абадий ҳаётдан не наф?! Бундай ҳаётдан ўлим афзал эмасми?!

Шарбати сабр отини тутмангки, бир ой ҳажридин
Оғзима ҳайвон зулолин айламиш айём талх.

Ёр висолисиз янашдан кўра ўлимни афзал билган шоир бу
ғояни янада ривожлантириб, қуйидаги байтда ҳаёт ва ўлим ҳақи-
даги фалсафий қарашларини баён этади:

Умр шахди бас чучукдур, лекин охир қилмаса
Марг захри бирла они даҳри нофар жомталх.

Бу маънолар Шайх Саъдийнинг ғазалида қуйидагича баён
этилган:

Бечора одамий, ки агар худ ҳазор сол
Муҳлат биёбад аз ажалу комрон шавад..

Ҳам оқибат чу навбати рафтан ба вай расад,
Бо сад ҳазор ҳасрат аз ин жо равон шавад.

Мақтаъда Навоий раддул-матлаъ санъатини қўллаб, матлаъ-
даги биринчи мисрани ғазалнинг сўнггида айнан келтирган. Би-
ринчи байтда ҳижрон шарбатидан тотган ошиқ ўлим талвасаси-
га тушган кишидек оғзи аччиқ бўлгани баён этилганлигини қайд
қилиб ўтдик. Мазкур ҳолат ва кайфият ғазалдан байтма-байт тад-
рижий равишда кучайтирилиб, мақтаъда бу ҳолат ишқ аҳли ичра
фақат Навоийга хос эканлиги таъкидланади. Навоий ҳам эл қатори
висол жомидан баҳраманд бўлиши мумкин эди, аммо унга бошқа
шарбат – ҳижрон шарбати насиб этган. “Риёз ус-солиҳин”да келти-
рилишича, фаришталар Ҳақ таолодан Одам болаларининг азиз ва
мукаррам эканлигининг сабабини сўраганида Аллоҳ таоло “бу бан-
даларимнинг тотган ҳижрон шарбати уларни бу мақомга кўтарди”,
деб жавоб берган экан. Шу сабабдан бўлса керак, Навоий элнинг

висол шарбатидан кўра, оғзини аччиқ қилган ҳижрон шарбатини
афзал билиб, фикрини қуйидагича хулосалайди:

Васл жомидин Навоий элга бўлди баҳра нўш,
Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх.

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх...”

Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх,
Ҳар киши захр ичса бўлғай ком анга ноком талх.

Ҳажр етса май била дедим овунғаймен, валеқ
Ёрсиз бор эрмиш ичмақ бодайи гулфом талх.

Шоми ҳажримдин не оғаҳ, улки ҳижрон тунлари
Тонгға тегру тўкмади шўробани бир шом талх.

Шарбати сабр отини тутмангки, бир ой ҳажридин,
Оғзима ҳайвон зулолин айламиш айём талх.

Оғзидин аччиғ сўз айтиб зоҳир этса захри чашм,
Айб эмастур pista шўру тонг эмас бодом талх.

Жоми ҳижрон чеккали билдимки, жавринг саъб эмас,
Май неча талх ўлса, кўрмас ани захрошом талх.

Носабур ўлмас кўнгулға етса хуноби фироқ,
Не учунким талх май ичкандин ўлмас жом талх.

Умр шахди бас чучукдур, лекин охир қилмаса
Марг захри бирла ани даҳри нофаржом талх.

Васл жомидин Навоий элга бўлди баҳра нўш,
Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх.

–V-- –V-- –V-- –V–

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон
рамали мусаммани мақсур

Луғат

Ком – 1) мақсад, истак; 2) танглай
Ноком – мақсадга етмаган, иложсиз
Гулфом – гулранг, қизил
Шўроба – шўр сув, кўз ёши маъносида
Саъб – қийин, оғир, мушкул
Ҳайвон зулоли – тириклик суви
Заҳрошом – заҳар ичиш
Носабур – сабрсиз
Даҳр – дунё
Нофаржом – 1) бахтсиз; 2) Бефойда, самарасиз
Баҳра – 1) Ичиш; 2) дори
Талх – аччиқ

Насрий баён

Ҳижрон шарбатидан бизнинг танглайимиз тахир бўлди, гўёки ҳар бир киши заҳар ичса унга мақсад, яъни ҳар бир кишининг мақсади бўлган бу дунёда яшаш унга мақсадсизлик – нокомлик каби тахир бўлади. Ёки аксинча – биринчи сатрдаги *ком* – *мақсад*, иккиси сатрдагиси – *танглай* маъносида келаяпти. Яъни ҳижрон шарбатидан бизга мақсад тахир бўлди, гўё одам заҳар ичганда унинг танглайи иложсиз тахир бўлгани каби.

Мен ҳижрон етган пайти ўзимни май билан овутаман деб ўйладим, лекин ёрсиз ичилган гулранг бода ҳам тахир туюлар экан.

Мен бечорани ҳижрондаги аҳволимдан огоҳ бўлганлар борки, ҳар шомда менинг зору нолон ҳолимга ачиниб, тонгга қадар кўз ёши тўкадилар.

Сабрнинг шарбати деган номнинг ўзини ҳам тутманг, бир ой юзли дилбарнинг ҳажри туфайли даврон оби ҳайвонни ҳам оғзим учун аччиқ қилган.

Оғзидан аччиқ сўз айтиб, заҳарли нигоҳ билан қараса, ажаб эмас, чунки pista ўзи шўр бўлиши, бодом тахир бўлиши айб эмас-ку.

Кўнгилга фироқ хунобаси етса ҳам, у сабрсиз бўлмайди, чунки аччиқ май ичган билан жом аччиқ бўлиб қолмайди.

Ҳижронинг жомини ичган пайтим менга (аччиқ сўз айтиб, заҳардек нигоҳ билан қараб) қилган жабринг қийин, мушкул эмаслигини билдим, сабаби висол майи қанча аччиқ бўлмасин, уни заҳар ичиш билан тенглаштириб бўлмайди-ку!

Умр токи охирида бефойда ва бахтсиз дунё уни ўлим заҳри билан тахир қилмас экан, асал қаби шириндур.

Васл жомидан баҳра олмоқлик элга насиб бўлса, бизга тахир ҳижрон шарбати мақсад бўлди.

Шарҳ ва изоҳлар

Ғазал мазмунан ошиқона бўлиб, шакл жиҳатидан мусалсал, яъни силсилали ғазаллар сирасига киради. Ғазалда ҳижрон ту-нининг шиддати, заҳар қаби аччиқлиги турли бадийий воситалар орқали тасвирланади. Ошиқ ҳолати, унинг ҳижрондан шикояти тадрижий равишда ривожланиб боради ва мақтаъда унинг ҳолати аёнлашиб, фикрлар ҳулосаланади.

Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх,
Ҳар киши заҳр ичса бўлғай ком анга ноком талх.

Матла ошиқнинг ҳижрон шомиддаги ўз аҳволидан нолиши билан бошланади. Байтнинг биринчи сатридаги **ком** сўзи танглай маъносини, иккинчи сатридагиси эса мақсад маъносини ифода-ламоқда.

Байтда **ком** сўзи ҳар икки сатрда икки хил маънони ифодалаб, **тажнис** санъатини ҳосил қилимоқда.

Ҳажр етса май била дедим овунғаймен, валек
Ёрсиз бор эрмиш ичмак бодайи гулфом талх.

Иккинчи байтда ошиқнинг шикоятни кучайиб боради. Яъни мен аввал ҳижрон етган пайти ўзимни май билан овутаман деб ўйлардим, лекин энди билсам, ёрсиз ичилган гулранг бода ҳам тахир туюлар экан.

Шоми ҳажримдин не оғаҳ, улки ҳижрон тунлари
Тонгга тегру тўкмади шўробани бир шом талх.

Учинчи байтдаги ҳолат ошиқнинг аҳволини кўриб, унга ҳамдard бўлганлар ҳақида. Яъни мен бечорани ҳижрондаги аҳволимдан огоҳ бўлганлар борки, ҳар шомда менинг зору нолон ҳолимга ачиниб, тонита қадар кўз ёши тўкадилар.

Шарбати сабр отини тутмангки, бир ой ҳажридин,
Оғзима ҳайвон зулолин айламыш айём талх.

Нега нафақат ошиқни, балки унинг аҳволидан огоҳ бўлганларнинг да ҳижрон кечаси бундай таъсирилантирмоқда?! Бунинг сабаби: бундай оташин ишқнинг сабабчиси бўлган маъшук ҳудди ой каби-дир. Ой каби гўзал, ой каби олис, бечора ошиқлар учун унга етиш имконсиз. Навбатдаги байт таҳлили:

эҳ биродарлар, сабр шарбатининг отини айтманглар, мен учун ўша ой юзли гўзалнинг ҳажридан ҳатто тириклик сувини ҳам бу чархи кажрафтор – тақдир, яъни айём тахир қилиб қўйибди-ку!

Байтда ташхис санъатидан фойдаланилмоқда, яъни **айём** (тақдир, замон) шахслангирилиб, **ҳайвон зулоли** (тириклик суви) ни ошиқ – лирик қаҳрамон оғзига тахир қилиб қўйганлиги айтилмоқда.

Оғзидин аччиғ сўз айтиб зоҳир этса заҳри чашм,
Айб эмастур ниста шўру тонг эмас бодом талх.

Бешинчи байтда Навоий гўзал ўхшатишлар орқали маъшуқанинг ҳажри, баъзан, ҳатто, висоли ҳам унга тахир бўлганлигининг сабабини изоҳламоқда. Байтда маъшуқнинг оғзи нистага ўхшатилиб, унинг шўрлигига, кўзи эса бодомга менгзалиб, унинг аччиқлигига ишора қилинмоқда. Шоир мумтоз адабиётимизда энг кўп ишлатиладиган ташбеҳ санъатига мурожаат қилмоқда. Бундан ташқари, *ниста ва бодом; оғиз ва чашм; шўр ва талх* сўзлари орқали таносиб санъатидан ҳам фойдаланмоқда.

Жоми ҳижрон чеккали билдимки, жавринг саъб эмас,
Май неча талх ўлса, кўрмас ани захрошом талх.

Байтда Навоий ёрнинг висолини аччиқ бўлса ҳам, кишига ёқиши учун уни маст қилувчи майга, ҳижронини эса заҳарга тенглаштириб, ишоралар орқали ташбеҳ санъатига мурожаат қилмоқда.

Носабур ўлмас кўнгүлга етса хуноби фироқ,
Не учунким, талх май ичкандин ўлмас жом талх.

Байтда биз Навоийга хос некбинликни, ёмон ҳолатдан яхши ҳулоса чиқаришни кўрамыз. Бу байтда Навоий, тақдир насибаси ҳисобланмиш ҳижронни шаробга, кўнгилни эса жомга қиёсламоқда. Ишоралар орқали ташбеҳ санъатига мурожаат этиш давом этмоқда.

Умр шахди бас чучукдур, лекин охир қилмаса
Марг заҳри бирла ани даҳри нофаржом талх.

Мақтаъдан олдинга байтда, Навоийга хос бўлган тарзда фалсафий фикр ифодаланади. Яъни: Умр токи охирида бефойда ва бахтсиз дунё уни ўлим заҳри билан тахир қилмас экан, асал каби шириндур. Бундай ҳолат бўлмайди, яъни ҳар қандай ширин ҳаётнинг охирида аччиқ ўлим бор.

Шундай экан, бу ҳаётнинг ширинлиги ҳам ёлгон, демоқчи Навоий ва барча тасаввуф намояндалари каби дунёни ёлгончи санаб, унга боғланиб қолмасликка даъват этмоқда.

Васл жомидин Навоий элга бўлди баҳра нўш,
Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх.

Мақтаъда шоир яна **ком** сўзи мурожаат этмоқда. Ва бунда ҳам ушбу сўз ҳар икки маънода ишлатилмоқда. Яъни васл жомидан баҳра олмоқлик элга насиб бўлса, бизга тахир ҳижрон шарба-ти мақсад бўлди ёки “бизнинг танглаймиз ҳижрон шарбатидан тахир бўлди”.

Ийҳом санъати орқали **ком** сўзини икки маънода ишлатган Навоий ҳар икки ҳолатда ҳам ўзининг насибаси ҳижрон ғами бў-лишини айтмоқда ва бунга рози эканлигини изҳор қилмоқда!

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Солди бир ойдин айру мени ибтилоға чарх...”

Солди бир ойдин айру мени ибтилоға чарх,
Қолдег ўз ойи ҳажрида мендек балоға чарх.

Ғар хонумоним истамас эрди қора, недин
Қилди асир ул кўзи, қоши қароға чарх.

Фарҳод бирла Вомиқу Мажнун чикиб эди,
Солди мени алар авази деб ароға чарх.

Ул не қуёш дурурки бажуз садқа айламак,
Топмасанга ўзин неча қилса мароғачарх.

Не реву макр эрурки кириб ишқ йўлидин,
Бечора қилди салтанат аҳлинг адо ғачарх.

Ғам шоми борди ул қуёш андоқ кигардини
Топмас тилаб ўқуш кўз ила тўтиёға чарх.

Май тутки, фони йўлди фалакдин баса бино,
Ҳарғиз халал етурмади дайри фаноға чарх.

Аҳливафойўқэrsa, не тонг, чархжавфида
Ҳарғиз чу майл қилмади расми вафоға чарх.

Тақдирдин не келса, Навоий, итоат эт
Ким, сен кеби забун эрур амри қазоға чарх.

--V -V-V V--V -V-
мафъувлу фоилоту мафойилу фоилон
музориби мусаммани ахраби макфуфи мақсур

Луғат

Ибтило – мубталолик, гирифторлик
Чарх – осмон, фалак
Аваз – эваз, бадал, гаров
Мароға – улов ҳайвонларининг тупроққа думалаши
Рев – ҳийла, найранг
Ўқуш – кўп
Жавф – бўшлиқ
Забун – енгилган, асир
Қазо – тақдир, қисмат

Насрий баён

1. Фалак мени бир ойдан айириб, балога гирифтор этди. Ўзи ҳам Ойнинг ҳижронида балога қолди.
2. Чарх агар турмушим қора бўлишини истамаганида нега мени ул қошу кўзи қорага асир этди?!
3. Фарҳод, Вомиқ ва Мажнунлар орадан чиқиб эди, фалак уларнинг ўрнига мени ишқ майдонига солди.

4. Ёрим не қуёшдирки, фалак ўзини садқа этиб минг кўйга солса ҳам, унга етишолмайди.

5. Фалакнинг макр-ҳийласини кўрингки, ишқ арсасида султонларни гадоларга муҳтож ва бечора қилиб қўйди.

6. Ул қуёшим ғам шоми бизни шундай тарк этдики, юлдузлардан минглаб кўзи бўлса ҳамки, унинг гардидан тўтиёликка ҳам тополмаялғи.

7. Май тутки, бу эски дайр – дунёда қанчадан-қанча обод бинолар вайрон бўлиб кетди, лекин фалак гардишига бундан ҳеч қандай ҳалал етмади.

8. Вафоли киши йўқ эса, ажабланма, чунки бу фалак остида вафо қилиш удумига ҳеч ким ҳатто мойил бўлмади.

9. Эй Навоий, тақдирдан нима келса, итоат қил, аслида бу фалак ҳам тақдири илоҳий қўлидаги бир бечора нотавондир.

Шарҳ ва изоҳлар

Оламни ижодий-ирфоний мушоҳада қилиш маслагини тутган шоир ушбу ғазалда ҳам анъанавий образ ва тимсолларнинг янги, номаълум қирраларини кашф этиб, хилма-хил поэтик тасвирлар орқали табиат ҳодисалари ва инсоний руҳият ўртасида бадий-мантикий уйғунликларни идрок этишга йўналтиради. Золим ва ситамкорлиги билан ишқ аҳлини минг кўйга соладиган фалак лирик шъэриятнинг энг фаол тимсоллардан бири. Лекин бу ғазалда радиф вазифасини ҳам бажарган *чарх* ошиқнинг фироқ балосига гирифтор бўлишига сабабчи бўлгани учун бу қилмишининг жазосини ҳам тортади: фалакнинг ўзи ҳам Ой дийдоридан маҳрум қолади. Одатда, ғазалнависликда ёрнинг жамолидан айри қолган ошиқнинг тунлари зимистон бўлиши кўп тасвирланади. Аммо ошиқнинг ойжамол маҳбубаси дийдоридан мосуво қолгани учун чархи фалакнинг ўзи ҳам Ойдан бебаҳра қолиши – бу мутлақо янги топилма. Шоир ушбу ҳазин лирик манзарани тасвирлаш орқали бу дунёда бирор амал жавобсиз қолмас, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам албатта қайтади, деган ҳаётий ҳақиқатни ҳам нозик ва жозиб равишда ифодалаган:

Солди бир ойдин айру мени ибтилоға чарх,
Қолдег ўз ойи ҳажрида мендек балоға чарх.

Кейинги уч байтда ёрнинг қора қошу кўзлари туфайли лирик қахрамоннинг бошига тушган қора кунлари, оламда Вомиқ, Фарҳод ва Мажнун каби шайдоликка шухрат топгани, ёрнинг қуёшдек порлоқ чехрасига тасаддуқ келтириш учун фалакнинг эгилиб қолиши чархга боғлаб ифода этилган. Шоирнинг тахайюл ва тафаккур оламидек бепоён эканини англатувчи чарх сўзи ёрнинг ҳусну жамоли ҳам, ошиқнинг иштиёқи ва изтиробининг шиддати ҳам, ишқ жунуни арсасидаги шухрати ҳам кайҳоний миқёс касб этганини ифодалаш, бу Ишқ, Ошиқ ва Маъшукнинг нисбати оддий ҳодиса эмаслиги, балки осмоний-илоҳий ришталар орқали вобаста эканини англатиш учун муҳим восита бўлиб хизмат қилган. Айниқса, қуйидаги байтдан шоир қуйлаган муҳаббат дастидан шоҳу султонлар ҳам тупроққа тенг бўлиб, зоҳир оламида Султон Маҳмуддек соҳибқиронларни Аёздек қулларга гирифтор бўлиши, энг муҳими, бу ҳолат инсонларнинг инон-ихтиёридан ташқарида – фалакнинг гардиши туфайли содир бўлиши юқоридаги фикрларни янада қувватлантиради:

Не реву макр эрурки кириб ишқ йўлидин,
Бечора қилди салтанат аҳлин гадо ғачарх.

Кейинги байтдаги қуёш истиорасини турли маъноларга мажоз этиш мумкин. Наът ғазалларда қуёш расулуллоҳ (с.а.в.) тимсоли ўлароқ талқин қилингани, меърож кечасида унинг оти туёғидан чиққан гардини фаришталар кўзига тўтиё қилгани ҳақидаги бадий-тасвирий манзараларга уйғун келувчи қуйидаги лирик лавҳа ҳам инсоният тарихидаги энг улуғ мусибат – пайғамбаримиз вафоти, ёинки у кишининг меросхўрлари бўлмиш муттақий бирор улуғ зотнинг фироқи муносабати билан битилган, дейишга асос беради:

Ғам шоми борди ул қуёшандоқ кигардини
Топмас тилаб ўкуш кўз ила тўтиёға чарх.

Азизиддин Насафий “Комил инсон китоби”да шундай насиҳат қилади: “Эй дарвеш! Дунё ва дунёнинг неъматларига кўнгил қўй-

ма, умринг, соғлигинг, бойлигинг, мансабингга ишонма; Ой фалаки устида бўлган ашъёларнинг бирортаси бир ҳолда собит қолмас; албатта, ўз холидан эврилар. Яъниким, ушбу қуйи оламнинг ахволи бир суратда қолмайди, ҳамиша айланишдадир, ҳар замонда бир қиёфага кирар ва ҳар соатда ўзга нақшда пайдо бўлади. Аввалги сурат ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмасдан, бошқа сурат пайдо бўла бошлаб, аввалги суратни йўқ қилади; оламнинг иши дарё тўлкинига ўхшар, ёхуд дарё тўлкинининг айнаи ўзидир. Оқил киши ҳеч қачон дарё мавжлари узра иморат қурмас ва яшашга ният қилмас.” Худди шу маъно Навоийнинг байтида бошқача бир суратда баён этилган. Шоирнинг талқинига кўра фалакнинг гардиши туфайли кўп бинолар, қасру равоклар вайронага айланди; дарёлар биёбонга, биёбонлар бўстонга эврилди, аммо шунча қудратга эга бўлган фалак “дайри фано” – қалби огоҳ инсоннинг кўнглидаги маърифат ва муҳаббатдан бино бўлган кошоналарни вайрон эга олмади. Бу “фано дайри”нинг пойдевори – эътиқод ва итоатдан, деворлари – маърифат ва муҳаббатдан, эшиги – тавба ва ибодатдан бунёд бўлган:

Май тутки, фони йўлди фалақдин басебино,
Ҳаргиз халал етурмади дайри фанога чарх.

Дайри фанодаги маърифат шаробидан сархуш бўлган Навоий энди фалакнинг ўйинларига бош эгмайди. Унинг баланд боши фақат тақдири азал ҳукми олдида эгилиши мумкин. Фалак ҳам ўзи каби бир бечора экани, шунча азамати ва қудрати билан Қодир Аллоҳнинг олдида ҳақир ва нотавон бир яратиқ эканини англаган киши бошига тушган балоларни ризо ва таслимият билан чекиб, асло исён ва итоатсизлик этмайди. Машҳур авлиё Шоҳ Шужоъ Кирмоний айтади: “Сабрнинг учта белгиси бор: Аллоҳ таоло қазосига рози бўлади; ўз ахволидан ҳеч кимга шикоят қилмайди; ниятини холис қилади”. Навоийнинг мақтаъда баён этган хулосасини авлиёлар сабридан бир нишона, деб баҳолаш мумкин:

Тақдирдин не келса, Навоий, итоатэт
Ким, сен киби забун эрур амри қазога чарх.

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Солди бир ойдин айру мени ибтилоға чарх...”

Солди бир ойдин айру мени ибтилоға чарх,
Қолди ўз ойи ҳажрида мендек балоға чарх.

Ғар хонумоним истамас эрди қора, недин
Қилди асир ул кўзи, қоши қароға чарх.

Фарход бирла Вомиқу Мажнун чиқиб эди,
Солди мени алар авази деб ароға чарх.

Ул не қуёшдурурки бажуз садқа айламак,
Топмас анга ўзин неча қилса мароға чарх.

Не реву макр эрурки кириб ишқ йўлидин,
Бечора қилди салтанат аҳлин гадоға чарх.

Ғам шоми борди, ул қуёш андоқки гардини
Топмас тилаб ўқуш кўз ила тўтиёға чарх.

Май тутки, фоний ўлди фалакдин базе бино,
Ҳарғиз халал етурмади дайри фаноға чарх.

Аҳли вафо йўқ эрса, не тонг, чарх жавфида
Ҳарғиз чу майл қилмади расми вафоға чарх.

Тақдирдин не келса, Навоий, итоат эт
Ким, сен кеби забун эрур амри қазоға чарх.

— V — V — V V — — V — V ~

мафъувлу фоилоту мафойилу фоилон
Музреъи мусаммани ахраби макфуфи максур

Луғат

Ибтило – балага дучор бўлиш

Бажуз – бошқа

Мароға – улов ҳайвонларининг тупроққа беланиши, думалаши

Рев – макр, ҳийла

Ўкуш (ўтуш) – кўп

Жавфида – ички бўшлиқ, ковак

Забун – 1) енгилган, асир бўлган; 2) заиф, кучсиз, бечора

Насрий баён

Бир ой юзлидан айру (ёки бир ойдан бери) мени ҳижрон боло-сига мубтало қилган бу чарх, яъни тақдир, ҳозир ўз оий ҳажрида мендек балага гирифтор бўлиб турибди.

Менинг хонумонимни қора қилишни истамас экан, бу қисмат нима учун у кўзи ва қоши қаро гўзалга мени йўлиқтирди экан?

Фарҳод ва Мажнун бу аро (дунё)дан чиққан эди, чарх (тақдир) эса уларнинг эвазига мени орага олдимикин?

У қандай бир қуёшдурки, унга ўзини бошқача садқа айламоқ-ни билмаган чарх унинг атрофида думалаб айланмоқда.

Бу қандай макр-ҳийладирки, ишқ йўлига кирган фалак салтанат аҳлини ҳам гадодан баттар бечора қилиб кўяди!

Ғам шомида (чархи фалак) у қуёшнинг гардини кўпдан-кўп нола қилиб ҳам [ҳатто] кўзига тўтиё қилиш учун тополмайди.

Фалақдан бино бўлган ҳар қандай нарса фонийликка (йўқ-ликка) юз тутди, бироқ фано дайри – йўқлик майхонаси (*та-саввуф истилоҳи бўйича орифлар суҳбати, пири комил даргоҳи ва тасаввуфнинг энг олий мартабаси*)га ҳатто тақдири азалнинг ҳам ҳукми етмайди.

Фалак (*тақдир, қисмат*)нинг жаврида вафо аҳли йўқ эканлиги ажаб эмас, чунки бу фалак вафо расмига ҳеч қачон риоя қилмайди.

Тақдирдан нима келса, эй Навоий, саркашлик қилмай, унга итоат этки, ҳатто чархи фалак ҳам сен каби тақдир – қазонинг ҳукми олдида ожиз ва заиф ҳамда енгилган, асир бўлгандир.

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазал орифона руҳда бўлиб, шаклан мусалсал ғазаллар турига киради. У юқоридаги ғазални ҳам мазмунан, ҳам шаклан давом эттиргани учун биз бу икки шеърни бир вақтда ёки бир-бирига яқин муддатда қорозга туширилган деб тахмин қилдик. Бу ғазалда ҳам шоирнинг лирик қаҳрамони ҳижрон кунларидан шикоят қилади. Лекин энди унинг ёрдан айрилганлигининг вақти аниқ: у маъшуқини бир ой мобайнида кўрмаган. “Бир ой” сўз бирикмаси ғазалда турли маъноларда акс этади. Демак, дастлабки байт, яъни матла:

Солди бир ойдин айру мени ибтилоға чарх,
Қолди ўз ойи ҳажрида мендек балоға чарх.

Бир ой юзлидан айиргани ҳолда мени балоға дучор қилган бу чарх, яъни тақдир, ҳозир ўз ойи ҳажрида мендек балоға қолиб турибди. Ёки “бир ойдан бери мени ҳижрон балосига мубтало қилган бу чарх, яъни тақдир, ҳозир ўз ойи ҳажрида мендек балоға қолиб турибди”.

Маълумки, ҳар ойда уч кун ой кўринмайдиган кунлар бўлади. Навоий мана шу кунларга эътибор қаратиб, мени бир ой юзли маъшуқимдан жудо қилган фалак (тақдир)нинг ўзи ҳам (осмондаги) ойининг ҳижронига мубтало бўлиб, балоға қолди, демоқда. Бир ой сўз бирикмаси орқали ийҳом санъати ёрдамида икки хил маънога: ой юзли гўзал ва осмон жисмига ишора этилмоқда.

Ғар хонумоним истамас эрди қора, недин
Қилди асир ул кўзи, қоши қароға чарх.

Фалакнинг ойсиз – қоронғу кунларини шоир ўз бошидан кечи-раётган зулматли ҳижрон дамлари билан қиёслаш асносида ўзининг бу ҳолатига сабаб қидирмоқда. Яъни менинг хонумонимни қора қилишни истамас экан, бу қисмат нима учун у кўзи ва қоши қаро гўзалга мени йўлиқтирди экан?

Фарҳод бирла Вомиқу Мажнун чиқиб эди,
Солди мени алар авази деб ароға чарх.

Ушбу байтда Навоий талмеҳ санъатига мурожаат этиб, машҳур ошиқларни ёдга олади ва уларнинг ишқини, тақдирини ўзиники билан қиёслайди: Фарҳод ва Мажнун бу аро (дунё)дан чиққан эди, чарх (тақдир) эса уларнинг эвазига мени аро(сат)га олдимикин?

Ул не қуёшдурурки бажуз садқа айламак,
Топмас анга ўзин неча қилса мароға чарх.

Ушбу байтда шоир маъшуқини ойга қиёслашга кўнгли тўлмасдан, қуёшга менгзамоқда. Яъни у қандай бир қуёшдирки, унга ўзини бошқача садқа айламоқни билмаган чарх (энди бу ерда реал фалак маъносида – З.М.) унинг атрофида думалаб айланмоқда.

Демак, бу байтда Навоийнинг маъшуқи нафақат ер гўзали бўлган ой юзли, балки, коинотнинг меҳвари – маркази бўлган Маъшуқи азалдирки, шундай қудратли чархи фалак ҳам унинг атрофида думалаб айланишдан бопқа чора тополмайди. Умуман, Навоий ижодида бир ғазалнинг ичида бир мазҳарга ва бир манбага мурожаат этиш одатий ҳол ҳисобланади.

Не реву макр эрурки кириб ишқ йўлидин,
Бечора қилди салтанат аҳлин гадоға чарх.

Ишқнинг қудрати, унинг баъзан гадони шоҳга айлантириши, баъзан эса шоҳни гадоға муҳтож қилиши, ақлни зое этиши мумтоз адабиётда, хусусан Навоий ижодидаги анъанавий мотивлардан ҳисобланади.

Ғам шоми борди, ул қуёш андоқки гардини
Топмас тилаб ўқуш кўз ила тўтиёга чарх.

Маъшуқни қуёшга қиёс қилиш давом этади. Яъни ғам шомида (чархи фалак) у қуёшнинг гардини кўпдан-кўп нола қилиб ҳам кўзга тўтиё қилиш учун тополмайди.

Демак, бу байтда ҳам Маъшуқи азал ҳақида сўз бормоқда. Чахри фалак эса – реал осмон маъноси қўлланмоқда.

Май тутки, фоний ўлди фалакдин баче бино,
Ҳаргиз ҳалал етурмади дайри фаноға чарх.

Навбат “бегона байт”га келди. Бу байтда Навоий ўзининг тақдир ва олам, тақдир ва инсон ҳақидаги фалсафий мушоҳадаларини ифодаламоқда.

Фалакдан бино бўлган ҳар қандай нарса фонийликка (йўқликка) юз тутди, бироқ фано дайри – йўқлик майхонаси (тасаввуф истилоҳи бўйича орифлар суҳбати, пири комил даргоҳи ва тасаввуфнинг энг олий мартабаси)га ҳатто тақдири азалнинг ҳам ҳукми етмайди. Шундай экан, менга йўқлик шаробидан қуй, дейди шоир ҳаёлидаги илоҳий маърифат шаробини қуювчи соқийга мурожаат қилиб, мен ҳам тақдири азалнинг ҳукми етмайдиган боқийликка етишай, яъни фано дайрига – йўқлик майхонасига ташриф буюрай.

Байтда фано ва фоний сўзлари орқали ҳам таносиб, ҳам тажнис санъатларига мурожаат этилмоқда.

Аҳли вафо йўқ эрса, не тонг, чарх жавфида
Ҳаргиз чу майл қилмади расми вафога чарх.

Бироқ шоир лирикаси ва, ҳатто, унинг деярли бутун ижодида тақдир ҳукми мутлақ – уни ўзгартириб бўлмайди. Банда ундан шикоят қилиши, нолиши мумкин, лекин унинг ҳукмига сўзи ўтмайди. Навбатдаги байтнинг маъноси ҳам шундан келиб чиқмоқда:

Фалак (тақдир, қисмат)нинг жаврида вафо аҳли (садоқатли, вафоли кишилар) йўқ эканлиги ажаб эмас, чунки бу фалак вафо расмига ҳеч қачон риоя қилмайди. Яъни инсон ҳатто комил бўлиб, йўқлик майхонасига кирса-да, вақтнинг ҳукмига бўйсунишга мажбур.

Ҳазал мақтаъсида бу фикрнинг исботини яққолроқ кўрамиз.

Тақдирдин не келса, Навоий, итоат эт
Ким, сен кеби забун эрур амри қазога чарх.

Тақдирдан нима келса, эй Навоий саркашлик қилмай, унга итоат этки, ҳатто чархи фалак ҳам сен каби тақдирнинг – қазонинг ҳукми олдида ожиз ва заиф ҳамда енгилган, асир бўлгандир.

Мақтаъдаги икрор ожиз ва заиф кишининг, курашлардан силласи қуриган бечоранинг икрори эмас, балки тақдирни мардонаворлик билан қарши олмақчи бўлган даҳо инсоннинг хулосаларидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Хонақаҳда ҳалқайи зикр ичра ғавғо қилди шайх...”

Хонақаҳда ҳалқайи зикр ичра ғавғо қилди шайх,
Аҳли диллар нақди авқотини яғмо қилди шайх.

Улбири дом эрди, бубир дона эл сайди учун,
Ҳар қачонким азми тасбиҳу мусалло қилди шайх.

Ё хаёли банг ёхуд хонақаҳ фикри эди,
Ҳар каромоту мақомотеки ифшоқилдишайх.

Каф сочиб, фарёд этиб, секриб, паривашларни сайд
Қилғали, девоналиғлар ошкоро қилди шайх.

Тўқ чиқиб хилватдин, ўзни рўза деб, жуҳҳолдин
Асру кўп нодонни ўз тавриға шайдо қилди шайх.

Бовужудим асху нодонлиг муридайлارучун
Кўп ўзидин масху нодонроғни пайдо қилди шайх.

Дайр пирининг муриди менки файзи ом эрур,
Хонақаҳда файзи ом элдин таманно қилди шайх.

Дайр аро тинди қулоғим, роҳибо, зикринг бахайр
Ким, саҳар зикр айтурида кўп алоло қилди шайх.

Эй Навоий, хирқасинберди, кароматайлади
Ким, манга тартиб важҳираҳни саҳбо қилди шайх.

-V-- -V-- -V-- -V -

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон
рамали мусаммани мақсур

Луғат

Нақд – бойлик, олтин
Авқот – вақт, умр
Яғмо қилмоқ – талон-торож қилмоқ
Дом – тузоқ
Мусалло – жойнамоз
Банг – наша; наркотик модда
Ифшо – ошкор, фош
Каф – кўпик
Жухҳол – жоҳиллар
Асру – жуда
Масх – шарманда
Файзи ом – барчага умумий бўлган файз
Алоло – ғалва
Важҳ – қарз
Раҳн – гаров
Саҳбо – шароб

Насрий баён

1. Шайх хонақоҳда зикр ҳалқаси тузиб, кўп ғавғолар қилди ва кўнгил соҳибларининг олтинга тенг вақтини беҳудага кетказди.

2. У ҳар қачонки қўлига тасбиҳ олиб, жойнамозини ёйса, элни сайд қилиш учун жойнамози – тузоқ, тасбиҳи – тузоққа сенилган хўракдир.

3. Шайхнинг каромот ва мақомотлари аслида нашаванднинг ҳаёлотини ёйинки хонақоҳга кўпроқ эҳсон тушириш учун айтилган ёлғондир.

4. Самоъ мажлисида оғзидан кўпик сачратиб, ҳар ёнга сакраб, паривашларни сайд қилиш учун шайх кўн девоналикларни ошкор этди.

5. Шайх хилват жойда қорнини тўйғазиб, рўзаман, деб даъво қилган ҳолда кўп содда ва нодонларни ўзига маҳлиё этди.

6. Аслида шарманда ва нодон кимса бўлгани билан ўзидан ҳам нодонроқ бўлган кўн муридларга шайх бўлиб юрибди.

7. Шайх одамлардан ҳаммага файз етказишни таманно қиладди. Мен эса, барчага бирдек файз етказадиган дайр пирининг қулиман.

8. Эй роҳиб, зикринг бахайр бўлсинки, сенинг дайрингда қулоғим тинди. Шайх ўз хонақоҳида сахар пайти кўп ғалва-ғавғо қилиб ҳаммани батанг келтирди.

9. Эй Навоий, шайх менга хирқасини бериб каромат айлади – менга шароб ичиш учун гаровга қўядиган бир нарса берди.

Шарҳ ва изохлар

Шайх араб тилида кекса, оқсоқол, қавм ё қабила пешвоси маъносини билдиради. Алишер Навоий ижодида бу сўз луғавий маъносидан ташқари диний *арбоб*, *мамлакатнинг дин соҳасидаги сиёсатига масъул шахс* (“Шогирд агар шайхулислом, агар қозидур, устод андин агар рози бўлса, Тенгри андин розидур” (“Маҳбуб ул-қулуб”), *тасаввуфнинг йирик намояндаси, тариқат пешвоси* (“Насойим ул-муҳаббат” тазкирасидаги шайхлар) маъноларида ишлатилади. Шунингдек, устозлик даражасига етган манхур шоирларни ҳам эҳтиром юзасидан Шайх нисбасини қўшиб зикр этган ҳоллари ҳам учрайди (Шайх Низомий, Шайх Саъдий, Шайх Санойи ва ҳ.к.). Умумий тарзда олганда, Навоий шайхлар ва шайхлик мақомига эришган зотларга ҳамиша ҳурмати баланд бўлиб, уларга бўлган самимий ихлоси муҳаббатини ҳам сўзда ва ҳам амалда изҳор этган.

Султон Хусайн Бойқаро замонида фикрий эркинлик муҳити борлиги сабаб Ҳиротда турли тариқатлар ва мазҳаблар бемалол фаолият юритишган. Бу эркинлик ва имкониятларни ўзича тушуниб, ном қозонини ва шуҳрат топиш илинжидида сохта шайхлар ҳам майдонга чиқиб, турли равишда одамларни гумроҳ қилишга ҳара-

кат қилганлар. Уларнинг айримлари ҳақида Навоийнинг ўзи ҳам маълумот бериб ўтади. “Мажолис ун-нафоис”да берилишича, Мир Ҳайдар Мажзуб номли бир дарвеш ёшлигида илм-фан билан жиддий шуғулланган. Кейинчалик руҳий касалликка учраб, ўзини хотам ус-салтанат – энг сўнгги султон, деб эълон қилади ва одамларни Султон Ҳусайн Бойқарога қарши исён кўтаринишга даъват этади. Худди шундай даъво билан Мавлоно Муҳаммад Араб деган дарвеш ҳам ўртага чиқиб, ҳатто одамларга қурол-яроғ тарқатишга ҳам ҳаракат қилган. Ҳусайн Бойқаро уни ёши катталигини ҳисобга олиб, мамлакатдан чиқариб юбориш жазоси билан кифоялаганиди.

Навоий давридаги Ҳиротда Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий, Мавлоно Калон Зиёратгоҳий, Мавлоно Муҳаммад Тободконий, Мавлоно Мухйи, Мавлоно Алоуддин каби тариқатнинг содиқ ва собит намояндалари яшаб, халқни ўзликни англаш ва шу орқали Ҳақни таниш йўлига даъват этиб борганлар. Шулар баробарида аҳолининг соф кўнгли ва соддалигидан фойдаланиб, ҳар куни турли “кашфу каромат”лар кўрсатиб, шайхликни мўмай даромад манбаига айлантирган кимсалар ҳам бўлган. Мутафаккир шоир бу тоифани энг ўткир ташбеҳ ва калтис киноялар билан ҳажв этиб, диндорлар ва дин номига доғ туширадиганларга алданмасликка чақирган:

Хонақаҳда ҳалқайи зикр ичра ғавғо қилди шайх,
Аҳли диллар нақди авқотини яғмо қилди шайх.

Матлаъда *хонақоҳ, ҳалқайи зикр* сўzlари келтирилгани мазкур ғазалда тасаввуф даъвосидаги риёкор шайхлар ҳақида сўз бориши англашилади. “Аҳли дил” бундай ғавғони рад этишлари “Насоим ул-муҳаббат”даги бир ҳикоятни эсга солади: Мавлоно Тождиддин Аҳмад Шижоний деган сўфий кўнглида жаҳр зикрига (баланд овозда зикр тушиш) мойиллик пайдо бўлибди. Бохарздан Ҳиротга келиб, комил шайх талабига тушибди. Унга Хожалар тариқатининг мурушидларидан бўлмиш Ҳазрат Мавлоно Саъдиддин Кошғарийни тавсия қилишибди. Сўраб-сўраб, шаҳар жомеъ масжидининг маҳалласига бориб, Кошғарий ҳазратлари эшигини тошиб, бир лаҳза ташқарида кутиб турибди. Кўп ўтмай, Кошғарий ҳазратлари чиқиб, у кишини уйга олиб кирибдилар. Ичкарида муридлари ҳам бор эди. Мавлоно Тождиддиннинг иззатини жойига

қўйиб, бир муддат суҳбатлашиб ўтиришибди. Сўз асносида Мавлоно сари боқиб, Кошғарий ҳазратлари дебдилар:

– Бу шаҳар подшоҳиниким Бобур дерлар, асли зоҳир оламининг подшоҳидир. Мулозимлардан бирики, унга қўп ихлоси бўлгай, ҳар куни эрталаб унга боқиб, густохлик билан баланд овозда “Бобур”, “Бобур” деб бақириб-чақираверса, шоҳга хуш келарми?!

Мавлоно Тожиддиннинг зикри жаҳрга бўлган мойиллик бутунлай бартараф бўлиб, Мавлоно Кошғарийга мурид тушиб, нақшбандия тариқатида сулукка машғул бўлибди.

Албатта, Алишер Навоий зикри жаҳрияни буткул инкор этмаган, балки оммага хуш келиш ва уларнинг диққатини жалб қилиш учун баланд овозда зикр тушадиган, намозни ҳам риёкорлик билан адо этувчи, рўза тутмасдан, кўздан яширин жойда қорнини тўқлаб, доим рўзадордек тутувчи, муридлари ҳам ўзидек банги бўлган ёлғончи ва каззоб шайхларга нафратини очиқ-ойдин баён этган:

Улбири дом эрди, бу бир дона эл сайди учун,
Ҳар қачонким азми тасбиҳу мусалло қилди шайх.

Бундай сохта шайхларнинг барча амаллари маҳзи жаҳолат ва нодонлик бўлганига қарамасдан, уларнинг муридлари ва мухлислари кўп бўлиб, баъзида ҳақиқий шайхлардан кўра машҳурроқ бўлишади. Чунки уларнинг мақсади – Ҳақ таолонинг қурбати ва розилигини қозониш эмас, балки ўзларига ўхшаган жоҳил ва нодон кимсаларни сайд айлашдир. Шайтоннинг йўриғида юрадиган, билим ва тафаккурдан бебаҳра, диёнатсиз кишиларга унинг айбини ислоҳ қилишга даъват этиб, ўрнат бўладиган покният шайхдан кўра, арзимаган пул эвазига қўлига “жаннатнинг паттасини тутқазиб” қўядиган алдоқчи ва каззоб шайх яхши. Нодон кишилар алданишга мойил бўладилар. Улар ҳақиқий аҳволидан огоҳ бўлишдан кўра ғафлатда яшашни афзал деб биладилар. Шу сабабдан, улар ўзига ўхшаган нодон ва риёкор шайхлар ҳузурига ошиқадилар:

Бо вужуди масху нодонлиғ муридайлار учун
Кўп ўзидин масху нодонроғни пайдо қилди шайх.

Кейинги уч байтда Навоий бу риёкор шайхга “дайр пири”ни қарама-қарши қўйиб, унинг қилмишларини мадҳ этади. Ҳақиқий пир, ҳақиқий маънавий раҳнамонинг лутфу марҳамати, файзу баракати барчага бир хилдир. Комилликнинг намунаси бўлган бундай валисифат зотлар барчага шафқат ва меҳрибонлик юзасидан яхши муносабатда бўлиб, ҳаммага фақат маърифат ва эзгулик улашадилар. Айнан уларнинг файзу баракатидан олам барқарор, кўнгиллар ободдир. Бундай зотларнинг ҳузурида ичилган маърифат бодаси риё ва худнамолик хирқаларини тарк этиб, инсон ўз асли каби кўрина бошлайди. Аслият ва моҳиятга етишмоқ учун эса, маърифат бодасидан сипқормоқ зарур:

Эй Навоий, хирқасинберди, кароматайлади
Ким, манга тартиб важҳираҳни саҳбо қилди шайх.

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Хонақаҳда халқайи зикр ичра ғавғо қилди шайх...”

Хонақаҳда халқайи зикр ичра ғавғо қилди шайх,
Аҳли диллар нақди авқотини яғмо қилди шайх.

Ул бири дом эрди, бу бир дона эл сайди учун,
Ҳар қачонким азми тасбиҳу мусалло қилди шайх.

Ё ҳаёли банг ёхуд хонақаҳ фикри эди,
Ҳар каромоту мақомотеки ифшо қилди шайх.

Каф сочиб, фарёд этиб, секриб, паривашларни сайд
Қилғали, девоналиғлар ошкоро қилди шайх.

Тўқ чиқиб хилватдин, ўзни рўза деб, жуҳҳолдин
Асру кўп нодонни ўз таврига шайдо қилди шайх.

Бовужуди масху нодонлиғ мурид айлар учун
Кўп ўзидин масху нодонроғни пайдо қилди шайх.

Дайр пирининг муридименки файзи ом эрур,
Хонақаҳда файзи ом элдин таманно қилди шайх.

Дайр аро тинди қулоғим, роҳибо, зикринг бахайр
Ким, сахар зикр айтурида кўп алоло қилди шайх.

Эй Навоий, хирқасин берди, каромат айлади
Ким, манга тартиби важҳи раҳни саҳбо қилди шайх.

–V-- –V-- –V-- –V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилон
рамали мусаммани мақсур

Луғат

Нақди авқот – нақд вақт, аниқ вақт

Яғмо – талон-тарож, ғоратгарлик

Мусалло – жойнамоз

Ифшо – очмоқ, фош этмоқ

Каф – кўпик, тупук

Жуҳҳол – жоҳилнинг кўплиги

Тавр – юриш-туриш, хулқ

Масх – ўзгарган, айланган

Алоло – шовқин-сурон

Важҳ – маблағ, пул, мол, нарса; нарх, қиймат

Раҳн – гаров

Саҳбо – шароб

Таманно – истак, хоҳиш, умид

Насрий баён

Шайх хонақоҳда зикр тушаётган пайтда зикр ҳалқасида ғавғо, тўполон қилди, аҳли диллар (*ҳақиқий ошиқлар*) вақтини ўғирлаб, талон-тарож қилди.

Қачонки тасбеҳ ва жойнамоzга азм қилса, яъни рағбат билдирса, у элни ов қилиш учун бир тузоқ вазифасини бажаради, холос.

Шайхнинг хаёлида банг чекиш ёки хонақоҳда бўлишгина бор эди, шунинг учун у (ўзини) ҳар хил каромат ва мақоматларда намоён этар эди.

Шайхнинг тупук сочиб, фарёд этиб, сакраб (*ўзича важду ҳолга тушган бўлиб*) девоналиклар кўрсатишнинг сабаби аслида париваш (*парига ўхшаш гўзалларни*) овлаш учун эди.

Хилватга кириб, овқатни урган шайх ўзини рўзадор, деб айтиб, жоҳиллар орасидан кўпчилик нодонни ўз ҳулқиға шайдо қилишга ҳам эришди.

Шундай бўлса-да, нодонлардан муридларини кўпайтириш учун ўзидан баттар нодонроққа айланганларни пайдо қилишда иштирок этди (*ўзининг сохтакорликлари билан*).

Мен оммага файз берувчи дайр пири (*кекса майхоначи, мажозий маънода комил пир*)нинг муридиман, бироқ (сохта) шайх эса мана шу файз олган элдан манфаат истамоқда.

Эй роҳиб, сенинг зикринг хайрли бўлсинки, дайр (*майхона, мажозан Аллоҳдан ошиқ ва орифларга файз етувчи маскан*)га келиб, қулоғим тинди, (*кўнглим жойига тушди, энди эсласам*) саҳар пайти зикрга тушганда шайх кўп (*ва беҳуда*) шовқин-сурон қилар экан.

Эй Навоий, хирқасини бериб гўёки бу хирқани майга алмаштиришим учун имконият яратган ҳолда каромат айлади.

Изоҳ ва шарҳлар

Ушбу ғазалда Навоий ўзини тасаввуфпараст қилиб кўрсатган сохта шайхларни ҳажв қилмоқда. Шунинг учун ғазални мавзу жиҳатдан ҳажвий ғазаллар сирасига киритиш мумкин. Зеро, ундаги “қаҳрамон”нинг *секриши (сакраши), каф (тупук) сочиши, ало-ло (ғавғо)* қилиши каби ҳолатлар сохта шайхнинг сийратини кулгили тарзда очиб берган.

Ғазал тузилиши жиҳатидан мусалсал ғазаллар сирасига кира-
ди, зеро, унда маълум бир байтма-байт такомиллашиб борган.

Хонақаҳда халқайи зикр ичра ғавго қилди шайх,
Аҳли диллар нақди авқотини яғмо қилди шайх.

Шайх хонақоҳда зикр тушаётган пайтда зикр халқасида ғавго,
тўполон қилди, аҳли диллар (*ҳақиқий ошиқлар*) вақтини ўғирлаб,
талон-тарож қилди.

Ул бири дом эрди, бу бир дона эл сайди учун,
Ҳар қачонким азми тасбиҳу мусалло қилди шайх.

Қачонки тасбеҳ ва жойнамозга азм қилса, яъни рағбат билдир-
са, у элни ов қилиш учун бир тузоқ вазифасини бажарарди, холос.

Навоий сохта шайх ва дарвешлар ҳақида “Ҳайрат ул-аб-
рор”нинг “Хирқа кийган риёкор шайхлар хусусида”, “Махбуб
ул-қулуб”нинг “Риёий шайхлар зикрида” бобида махсус тўхтаб
ўтган. Бундан ташқари, “Лисон ут-тайр”да яшил тўн кийган сохта
дарвеш ва гиёҳванд дарвеш ҳақидаги ҳикоятда ҳам сохта каро-
матфурушларни танқид қилган. Ушбу ғазал Навоий эътиқодининг
яна бир киррасини ифодаляётгани билан ҳам аҳамиятли – ғазал-
да ўз эътиқодига амал қилмайдиган мунофиқ, кўзбўямачи шайх-
лар танқид остига олинган.

Ё ҳаёли банг ёхуд хонақаҳ фикри эди,
Ҳар каромоту мақомотеки ифшо қилди шайх.

Тасаввуф тарихидан маълумки, баъзи бир ботил (шариатга
амал қилмайдиган) тариқатларда мурид тарбиясининг дастлаб-
ки босқичларида важҳ ҳолатига тез кириш учун банг (наша ёки
кўкнори) чекишдан фойдаланилган. Навоий бундай ҳолатга қат-
тиқ қарши бўлган ва “Лисон ут-тайр”да махсус гиёҳванд дарвеш
ҳақидаги ҳикоятни киритган. Ҳикоятда бир дарвеш банг чекади
ва маст бўлиб вайронага боради. Вайрона унга жаннатмакон жой
бўлиб кўринади. У вайронанинг бузук деворларига суяниб, жан-
натмаконда жонона билан бирга айш қилаётганлиги ҳақида хом

хаёл суради. Шу пайт вайронадан бир чаён чиқиб, гиёҳванднинг лабидан чақади. Гаёҳванд эса буни жононанинг бўсаси гумон қилгани он кўзлари очилиб, кайфи тарқайди ва энг сўнгги дам асл ҳақиқатни англаб етади. Ҳазалдаги ушбу байтда ҳам Навоий сохта шайхнинг мана шундай бемаъни, балки ҳаром одатини танқид қилмоқда:

Ўзича ҳар каромат ва мақомотларни очаётган шайхнинг хаёлида асли банг чекишу, хонақо(да алоло қилиш) эди.

Ҳазал байтлари алмашгани сари кўз олдимизда “шайх”нинг кулгили башараси очилиб боради:

Каф сочиб, фарёд этиб, секриб, паривашларни сайд.
Қилғали, девоналиғлар ошкоро қилди шайх.

Шайхнинг фарёд этиб, сакраб, тупук сочиб (ўзича важду ҳолга тушган бўлиб) девоналиклар кўрсатишнинг сабаби, аслида, париваш (парига ўхшаш гўзалларни) овлаш учун эди.

Тўқ чиқиб хилватдин, ўзни рўза деб, жухҳолдин
Асру кўп нодонни ўз таврига шайдо қилди шайх.

Маълумки, тариқат вакиллари нафақат рамазон ойида, балки бошқа аксарият пайтларда ҳам кундузи рўза тутишган, тунда эса бедор ҳолда ибодат билан машғул бўлишган. Навоийнинг “қаҳрамони” бўлган сохта шайх мана шу ақидага “амал қилган” ҳолда хилватда қорнини тўйдириб, эл кўзига ўзини рўзадор қилиб кўрсатди ва жоҳиллар – яъни илмсизлар орасидаги нодонлардан бир қанча мухлислар орттирди.

Бовужуди масху нодонлиғ мурид айлар учун
Кўп ўзидин масху нодонроғни пайдо қилди шайх.

Демак, шайхнинг бундай ғайритабиий “хислатларининг” яна бир сабаби аён бўлди. У муридларини кўпайтириш учун бундай ҳаракатларни амалга ошираётган экан. Маълумки, тасаввуф таълимотида пир ва муридлик муқаддас саналган. Мурид пир учун фарзанд қаторида бўлган ва тариқат силсилалари ота-бола эмас,

пир-мурид воситасида тузилган. Бироқ афсуски, бу муқаддас робита ҳам сохта шайхлар томонидан поймол этилиб, пир гўё берган илми эвазига муриддан манфаат кутувчи, мурид эса пирни рози қилиш учун нарзу ниёз берувчи воситага айланган. Бизнинг заминимизда тасаввуф амалиётининг инқирозига учрашининг сабабларидан бири мана шу ҳолат билан ҳам боғлиқ. Байтдан англашилган маънога кўра, тасаввуф назарияси ва амалиёти ўз чўққисига етган Навоий замонида ҳам шахсий манфаатлари ва шуҳратпарастлигидан муридларни кўпайтирувчи шайхлар ҳам бўлган экан.

Дайр пирининг муридименки файзи ом эрур,
Хонақаҳда файзи ом элдин таманно қилди шайх.

Дайр пири билан шайхни бир-бирига қаршилантириш ҳолати Навоий ижодида анъанага айланган. “Бадоеъ ул-бидоя” девонининг “Аро” радифли илоҳий жамолдан айро бўлган ошиқ изтироблари тасвирланадиган ғазал бор. Ғазал мақтаъсида Навоий шундай ёзади:

Қочса Навоий шайхдин пири муғон сори, не айб,
Ким бор тафовутлар басе мақбул ила мардуд аро.

Навоий шайхдан пири муғон (кекса оташпараст, мажозий маънода комил пир) томон қочса айб эмаски, қабул бўлган ва рад этилганлар орасида ҳамиша тафовут бўлган.

Ғазалда мана шу байтдан бошлаб шайх манфаатпарастлигининг тасвири кучайиши билан бирга сохта шайх ва дайр пири (комил пир) ўртасида тазод бошланади.

Дайр аро тинди қулоғим, роҳибо, зикринг бахайр
Ким, сахар зикр айтурида кўп алоло қилди шайх.

Байтда Навоий ғазал матласидаги каби зикрга тушиш пайтдаги шовқин-суронни ноўрин деб ҳисобламоқда. Бу ҳолат Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратларининг самоъни кўриб: “Мо ин кор намекунем, инкор ҳам намекунем” (инкор этмаймиз-у, аммо ўзимиз ундай қилмаймиз) деган сўзлари билан ҳамоҳанг.

Эй Навоий, хирқасин берди, каромат айлади
Ким, манга тартиби важҳи раҳни саҳбо қилди шайх.

Мен сохта шайхнинг қилмишларини англаганим ҳолда унинг хирқасини (балки берган бемаъни насиҳатларини) шароб (илоҳий маърифат)га алмашдим, демоқда улугъ шоир ва сохта шайхнинг асл башарасини кўрсатгани ҳолда бунга имконият беришини унинг каромати деб ҳисоблаяпти.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Сочингки ҳар тараф айирди бир муанбар шох...”

Сочингки ҳар тараф айирди бир муанбар шох,
Ҳаёт гулшанининг сунбулидурур ҳар шох.

Бошингдин айрилиб оншох-шох ким кўрмиш
Бу навъ сунбули тар бўлғанинсаросаршох.

Яшил тўну ики енг бирла қоматин гулсарв
Ки, икки ёнидин айрилмиш икки аҳзар шох.

Қадинг хиромида илгинг жафоси ўқсумади,
Ғариб нахлки, дойим ангаберур бар шох.

Лабингки, бодайи лаъл андин оқти маст ўлғач
Эрурмуш оби ҳимар жону андааҳ маршох.

Қади ҳаётим эрур, урса тошу тортса тийғ,
Бунахлдинхушэрургарсамардурур, гаршох.

Чу ёғди тоши Навоийға кўп шикаст ўлди,
Қуруқ йиғочқа ёғиб жола синди аксар шох.

V – V – V V – – V – V – – –

мафоилун фаилотун мафоилун фаълон
мужтаси мусаммани маҳбуни мақтуъ мусаббағ

Лугат

Муанбар – хушбўй, ифорли

Сунбул – барглари бурама, ҳалқа-ҳалқа шаклидаги бир нав хушбўй ўсимлик

Саросар – бошдан-оёқ, бутунлай

Ахзар – яшил

Илик – қўл

Нахл – ниҳол

Бар – ҳосил, мева

Мушобиҳ – ўхшаш

Аҳмар – қизил

Самар – мева

Насрий баён

1. Майдакил сочларинг ҳар томонга шох ташлаб, хушбўй ифор таратмоқда. Ҳар бир кокилинг ҳаёт гулшанининг сунбулидир.

2. Кикиллари ҳар томонга айрилиб, ифор таратмоқда экан. Бундай бошдан-оёқ шох ташлаган сунбулни ким ҳам кўрибди?!

3. Расо қоматингга елвагай ташланган яшил тўнинг худди икки ёнидан икки шох яшнаб чиққан сарвга ўхшайди.

4. Қаддинг хиром айлаганда қўлинг жафо қилишдан тўхтамади. Бу қандай гаройиб дарахтки, ҳамиша шохлари мева бериб туради.

5. Маст бўлиб, кўп ичганингдан ғунча лабларингдан оққан лаъл рангидаги шароб қизил шохдаги маржон тизмаларига ўхшабди.

6. Агар менга тош отса ҳам, тиғ билан урса ҳам, унинг қади менинг ҳаётимдир. Бу ниҳолнинг новдалари ҳам, мевалари ҳам ёқимли ва шириндир.

7. Жала қуйганда қуриган шохлар чидолмай синиб кетганидек, Навоий ҳам ёрнинг маломат тошлари беҳисоб ёғилганидан кўп шикаст топди.

Шарҳ ва изоҳлар

Ўн бешинчи аср Хирот адабий муҳотида сўзни қўллаш техникаси, лафзий санъатларни ишлатиш маҳоратига катта эътибор берилган. Умуман олганда, моддий фаровонлик, иқтисодий тараққиёт ҳукм сурган жамиятда сўз қўллашга бўлган талаб ҳам шунга яраша нозиклашиб бораверади. Сарой муҳотида хос бўлган ҳашамдорлик, ҳар бир нарсани энг гўзал тарзда тақдим этиш малакаси, зийнат ва тақаллуфга ўчлик сўз мулкининг фуқароларидан шундай муҳитга мос сўз тизмаларини яратишни талаб қилган. Шунингдек, ҳар бир ҳолатни шеърга айлантира олиш, умрининг ҳар бир лаҳзасини бадиийлик либосида мангулик мулкига айлантириш малакаси ҳам катта истеъдодларнинг асосий вазифаси ҳисобланган.

Навоийнинг кичик замондоши – Зайниддин Маҳмуд Восифий ўзининг “Бадоеъ ул-вақоеъ” китобида хотирлашича, Убайдуллоҳон Шайбоний ундан Мавлоно Жомийнинг энг гўзал ва бетакрор шеърий парчаларини танлаб беришни буюради. Бошқа бир шоир – Мавлоно Қатилийга ҳам айти шу топшириқ берилади. Икки ижодкор бир-биридан хабарсиз тарзда Жомийнинг қирқдан ортиқ асаридан бир хил бўлган ўнга шеърий парчани танлашади. Танланган байтларда Жомийнинг нима деганигамас, қандай қилиб айтганига кўпроқ эътибор қаратилган. Масалан, “Руҳи зард дорам зи дурии он дар” мисраси билан бошланган газалнинг биринчи байти алоҳида-алоҳида ёзиладиган ҳарфлардан тузилган бўлса, иккинчи байтда ҳарфлар иккитадан, учинчисидан учтадан қўшилиб ёзиладиган ҳарфлардан иборат. Восифий ва Қатилий томонидан бир-биридан мустақил равишда Жомийнинг сўзни

қўллаш техникасидаги маҳоратини кўрсатадиган шеърларнинг танланиши даврнинг адабий-эстетик мезонлари ҳақида муайян тасаввур беради.

Айниқса, қофия ва радиф тизимига янгиликлар киритиш шоир маҳоратининг асосий кўрсаткичларидан ҳисобланган. “Ма-жолис ун-нафоис”нинг саккизинчи мажлисида Султон Ҳусайн Бойқаронинг шоирлик маҳорати ҳақида фикр юритаркан, Навоий жумладан шундай ёзади: “Бу қофия ва радиф ҳам ул ҳазратнинг хоссаи таъбидур ва ҳеч ерда эшитилмайдур ва бағоят ширин ва рангин тушубтур.”

Таҳлил қилинаётган ғазалда “шох” сўзини радиф сифатида қўлланилиши ҳам Ҳазрат Навоийнинг “хоссаи таъъи” эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Мумтоз шеърининг образ ва тим-соллар тизимида деярли қўлланилмаган шох сўзини образ даражасига кўтариб, ҳар бир байтда янги-янги тасвир ва ташбеҳлар қўллаш фақат мўъжизакор қалам эгаларига мансуб имкониятдир:

Сочингки ҳар тараф айирди бир муанбар шох,
Ҳаёт гулшанининг сунбулидурур ҳар шох.

Халқнинг жонли тилида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ки-шиларга нисбатан “шохи бор”, “шохи чиққан” иборалари қўлла-нилади. Бу иборанинг ҳам ўзига хос тарихи бор. Қадимда султон ё саркарданинг олдига истаган пайтда кириб, муаммоларини ҳал қила олин ваколатига эга бўлган кишиларнинг дубулғасининг учи иккита чиқарилган. Искандар Зулқарнайн замонидан бери давом этиб кел-таётган бу удумга нозик ишора қилиб, Навоий ёрнинг ҳар томонга ёйилган кокилларини бутаб кетган сунбулга ҳам ўхшатади:

Бошингдин айрилиб он шох-шох ким кўрмиш
Бунавъсунбули тар бўлғанинсаросаршох.

Учинчи байтда елкасига яшил бир тўнни елвагай ташлаган хушқомат ёри билан икки ёнидан иккита шох яшнаб ўсган сарв-нинг ўртасида мутаносибликни кўриб, мувозий (параллел) тас-вирлаган. Айни чоғда, шеъринг таносибнинг ҳаётинг замини байт жозибасини янада оширган. Гап шундаки, сарвнинг бир неча тури бор. Сарви сиҳий – икки ёнидан тик ўсадиган шохи бор сарв бўл-

са, сарви ноз – новдалари одам қўлларидек икки томондан пастга мойил сарв туридир. Сарви озод эса шох-шаббасиз, тик ўсади. Байтда васф этилган ёрнинг қомати сарви сиҳий – икки ёнидан иккита шох ўсиб чиққан сарвга ўхшатилади. Сарвга ишлов беришда боғбонлар айнан иккита шохини қолдириб, қолганини кесиб ташлашларида ҳикмат бор: бундай сарв араб алифбосида “Аллоҳ” сўзига ўхшаб қолади. Басират кўзи билан оламу одамга назар солишга одатланган шоир ҳамма жойда илоҳийлик, поклик ва гўзаллик мазҳарларини кўриб, ҳақиқат асрорини мажоз сура-тида кўргузишга бел боғлайди:

Яшил тўну ики енг бирла қоматинг ул сарв
Ки, икки ёнидин айрилмиш икки ахзар шох.

Кейинги байтда ҳам ёрнинг қомати васф этилади. Умуман олганда, бу ғазалнинг уч байти ёрнинг қадди-қомати васфига бағишланган бўлиб, бу тавсифлар реал инсоннинг зоҳирий гўзаллигини васф этиш баробарида, мажоз тилида чуқур ирфоний маъноларни ифодалаш учун ҳам хизмат қилган. Ирфоний манбаларда қад деганда пирнинг ҳайбати, ваҳдат (бирлик) тимсоли, Аллоҳнинг ягоналигини ифодаловчи мазҳар маъносида ҳам қўлланилади. Қад шакл юзасидан алиф ҳарфига ўхшайди. Алиф абжад ҳисобида бир рақамига тенг, шунингдек, ягона Аллоҳнинг тимсоли ҳамдир. Шу сабабли, ирфоний адабиётда ёрнинг қади ҳақида сўз юритилганда Аллоҳ таолонинг якка-ю ягоналиги назарда тутилади. Айниқса, қуйидаги байтда “қад” сўзининг ўрнига Аллоҳ сўзи қўйиб ўқилса, мажоз – ҳақиқат кўпригига айланганига гувоҳ бўлиш мумкин:

Қади ҳаётим эрур, урса тошу тортса тийғ,
Бу нахлдин хуш эрур гар самардурур, гар шох.

Мақтаъда шоир ўзининг ҳолатини табиий ҳодиса орқали далиллаштириб, ғазалга яқун ясайди. Жала қуйилганда қуриган шохлар сингани каби, ёрнинг жафоларига чидолмаган ошиқ Навоий ҳам руҳан синиб кетади. Бу билан у яна бир чиройли ҳикматни уқтирмақчи бўлади: дўл ва жала ёғилганда қуриган шохлар синиб кетади, аммо бақувват шохлар бундан янада қувват олиб, мевалари

ширинроқ бўлади. Демак, ҳаёт жафоларини торта олмаслик, бардош ва чидамсизлик ҳам катта айб саналса, бу синов ва балоларга чидаган киши каттароқ мукофот ва муваффақиятга эришини мумкин. Навоийнинг ҳар бир ҳикмати, ҳар бир хулосаси ҳаётӣ ва ҳамиша долзарб:

Чу ёғди тоши Навоийга кўп шикаст ўлди,
Куруқ йиғочқа ёғиб жола синди аксар шох.

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Одамки, башар насли силкига эрур пайванд...”

Одамки, башар насли силкига эрур пайванд,
Сувратда санга волид, маънода санга фарзанд.

Юсуфки, жамол ичра маъдум эди монанди,
Топмади малоҳатда ҳуснини санга монанд.

Исо дамидин ўлганким, руҳ топар эрди,
Билгачки, топар дининг, жон топти бўлуб хурсанд.

Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки, чиқдинг, гул
Тириюғлар ила қилди рухсорини юз нарканд.

Шаҳларга гадо андоқким келди букун муҳтож,
Тонгла бўлубон шаҳлар эҳсонига ҳожатманд.

Гесу санга бўлмишдур чун силсилаи мақсуд,
Мажнунунг эрур жонлар, қил силсила биран банд.

Шаккарга узубатда нутқунг не ажаб қулса
Ким, эрнингга эш бўлмиш ахлоқ аро шаккарханд.

Йўқ бўлди каломингдин асфори само барча
Асфори самовийдин бўлган кеби йўқ пожанд.

Не келса Навоийга сендин юз эвурмаским,
Ул зарра дурур, сен меҳр, ул бандаву сен хованд.

V---- V---- V---- V----
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилон
ҳазажи мусаммани мусаббаф

Луғат

Силк – ип, тизим; тизма, қатор, саф
Волид – ота, падар
Маъдум – йўқ; йўқ бўлган, йўқлик
Монанд – ўхшаш, тенг, баробар
Парканд – парча, бўлак
Тонгла – тонгда, эрталаб; қиёмат куни
Гесу – соч
Силсила – занжир
Мақсуд – ният қилинган нарсa; мақсад, истак, ният, орзу
Узубат – ширинлик, бу ўринда ширин сўзлаш
Эш бўлмоқ – шерик бўлмоқ
Асфори самовий – кўкдан инган китоблар
Пожанд (позанд) – паҳлавий тилидаги “Жанд” ёки “Занд” китобининг шарҳига доир асар
Юз эвурмас – юз ўгирмас
Меҳр – қуёш
Хованд – хўжа, эга, саййид

Насрий баён

Одамзод, аслида, Одам Атонинг ипига боғланган, ташқаридан қараганда ул Зот Сенинг ота-онангдир, аслида эса бугун инсоният Сенга фарзанддир.

Юсуф гўзаллигининг ўхшаши йўқ эди, аммо малоҳат бобида сенга монанд ҳеч ким йўқдир.

Исонинг (алайҳиссалом) нафаси туфайли ўлган инсонлар тирилар эдилар, аммо у сенинг динингдан хабар топгач, жон топди.

Даврон чаманида шундай бир лаҳзада юқори чиқдингки, буни кўрган гул тирноқлари билан юзларини юз пора қилиб тилди.

Бу кун шоҳларга гадолар муҳтож бўлмоқда, аммо маҳшар тонгида – қиёмат куни барча шоҳлар Унинг эҳсонига – шафоатига ҳо-жатманд бўладилар.

Сочларинг толаси сенга мақсадлар занжиридир, жонлар сенинг мажнуунингдир, уларни шу занжиринг билан банд қил.

Нутқинг ширинлик борасида шакарнинг устидан кулса, не ажаб, чунки лабингга ахлоқ ва шакар эш бўлган-ку!

Самовий китоблар туфайли пожанд “Занд” йўқ бўлгани каби Сенинг каломингдан барча самовий китоблар ҳам бекор бўлди.

Навоийга қандай синов келмасин, у сенинг йўлингдан, суннатларингдан юз ўгирмайди; у бир зарра бўлса, сен қуёшсан, у бир қул бўлса, сен хожасан.

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали анъанавий наът мавзусида бўлиб, Пайгамбаримиз (саалаллоҳу алайҳи ва саллам) таърифига бағишланган. Ғазални таҳлил қилиш жараёнида унинг моҳиятида Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг “Шамоили Муҳаммадийя” асари маълумотлари мужассам бўлганлигини кўрамиз. Шоир Расули акрамнинг (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) ташқи қиёфалари, хулқ ва нутқларининг гўзаллигини тасвирлашга алоҳида эътибор қаратади.

Одамки, башар насли силкига эрур пайванд,
Сувратда санга волид, маънода санга фарзанд.

Бу ўринда шоир Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) нинг нури бутун олам яралмасдан олдин мавжуд бўлганлиги ҳақидаги воқеликка ишора қилмоқда. Яъни Аллоҳ таоло: “Ҳаби-

бим Муҳаммад Одам наслидан бўлишини хоҳладим”, – тарзида ҳадиси қудсийда марҳамат қилгани бунга далил ҳисобланади. Бу ҳақда “Қисаси Рабғузӣ” асарида ҳам шундай дейилади: “...ман билурманким, Муҳаммад Мустафо алайҳис-салом Одам ўғлонлариндин бўлғуси, бу жаҳонни, ул жаҳонни, ойни, кунни, қамуғ нарсаларни анинг севуклиги учун яраттим” (1-изоҳга қаранг). Шунга мувофиқ, Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборақ нури азалдан бўлганлиги сабабидан дунё яралгандир. Алишер Навоӣ бу қарашни Расуллуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)га бағишланган барча шеърларида, “Хамса” дostonларининг наът қисмларида акс эттирган. Уларнинг ҳаммасида Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг дунё яратилиши сабабчиси эканлиги алоҳида таъкидланган.

Юсуфки, жамол ичра маъдум эди монанди,
Топмади малоҳатда ҳуснини санга монанд.

Ҳадиси шарифда Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай марҳамат қиладилар: “Қавмимдан бўлган Юсуф (алайҳиссалом) гўзал, аммо мен ундан малоҳатлироқман”. Алишер Навоӣ ушбу байт орқали айнан мазкур ҳадисни шеърӣ йўлда баён этмоқда.

Исо дамидин ўлганким, руҳ топар эрди,
Билгачки, топар дининг, жон топти бўлуб хурсанд.

Маълумки, Исо (алайҳиссалом) нафасидан ўлиқлар тирилар эди. Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) меърож кечаси аршга кўтарилар эканлар, осмонда Исо (алайҳиссалом) билан учрашадилар. Шунда Исо алайҳиссалом Сарвари Коинот (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан суҳбат қуриб, кўп мамнун бўлади. Навоӣ ушбу байт учун мазкур динӣ ривоятни асос қилиб олган. Бундан ташқари, Исо (алайҳиссалом)га Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақида маълум қилинган эди. Бу ҳақда Қуръондаги “Соф” сурасида шундай дейилади: “Ййсо ибн Марямнинг: ”Эй Бани Исроил! Албатта, мен сизларга Аллоҳнинг ўзимдан олдин келган Тавротни тасдиқловчи ва мenden кейин келадиган Аҳ-

мад исмли Расул ҳақида башорат қилувчи Расулиман”, – дегани-ни эсла” (2-изоҳга қаранг 6-оят).

Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки, чиқдинг, гул
Тирноғлар ила қилди рухсорини юз парканд.

Мумтоз адабиётимизда, хусусан, Алишер Навоий шеъриятида самони чаманга ўхшатиш анъанаси бор. Мазкур байтда шоир даврон чамани истиораси билан фалакни назарда тутиб, Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг меърож туни аршга кўтарилишларини таъкидламоқда. Ул Зот (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) меърож кечаси арши аълога чиққанларида самони тўлдириб турган юлдузлар гўёки гулнинг сочилиб кетган гулбарглари каби бўлиб, буни Навоий Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ташрифлари билан боғлаб тасвирламоқда.

Шаҳларга гадо андоқким келди букун муҳтож,
Тонгла бўлубон шаҳлар эҳсонига ҳожатманд.

Байтдан икки маънони англаш мумкин: биринчидан, дарҳақиқат, бу дунё ҳаётида гадолар шоҳлар иноятига муҳтож, охиратда эса барча Расули акрамга (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) тобе бўлади. Иккинчи маъно эса, Аллоҳнинг дўстлари ҳисобланган набийлар – пайғамбарлар ва шайху авлиёлар халқ ичида султоним, шоҳим деб эъзозланганлиги билан боғлиқ. Уларнинг барчаси қиёмат куни (тонгла) Расуллуллоҳнинг қўл остиларида жам бўладилар. Ҳадиси шарифда Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай марҳамат қиладилар: “Қиёмат куни мен Одам фарзандининг саййидидирман ва фахрланиш эмас-ку, қўлимда ҳамд байроғи бўлади. Ўша кунда ҳеч бир набий йўқки, Одамми, ундан бошқасими, ҳаммаси менинг байроғим остида бўлмаса” (3-изоҳга қаранг). Алишер Навоий байтда рамзлар орқали ушбу ҳадисга ишора қилмоқда.

Гесу санга бўлмишдур чун силсилаи мақсуд,
Мажнунунг эрур жонлар, қил силсила бирлан банд.

“Шамоиلى Мухаммадийя” китобида Расули акрам (саллаллоху алайҳи ва саллам)нинг сочлари қулоқларини ёпиб турганлиги айтилади. Шунингдек, қуйидаги маълумотлар ҳам мавжуд: “Жанобнинг зулфи мубораклари икки елкаларига тушиб турар эди” (4-изоҳга қаранг). “...Жаноби Расуллulloҳ саллalloҳу алайҳи васаллам Маккайи Мукаррамага бир бор шул ҳайъат билан келдиларки, сочлари тўртга бўлиниб, ўриб қўйилгон эрди” (Кўрсатилган манба, Б.12–13). Шунга мувофиқ, Алишер Навоий Пайғамбаримизнинг (саллаллоху алайҳи ва саллам) қиёфаларини тасвирлар экан, сочларининг бундай узун ва кўркамлигини бир мақсад туфайлидир, деб талқин қилади. Қандай мақсад? Ул Зотга (саллаллоху алайҳи ва саллам) саҳобалари ва умматдан минглаб инсонлар ошиқ бўлиб, жонларини фидо қилишни истайдилар. Расули акрамнинг (саллаллоху алайҳи ва саллам) сочлари мана шу Мажнун каби ошиқ бўлган инсонларни ҳақ (дин) йўлига банд қилиш учун хизмат қилади. Бу шоирона гўзал ташбеҳ бўлиб, шоир Мухаммад (саллаллоху алайҳи ва саллам)нинг ҳар бир ҳолатларида ҳикмат борлигини мана шундай йўл билан таъкидламоқда.

Шаккарга узубатда нутқунг не ажаб кулса

Ким, эрнингга эш бўлмиш ахлоқ аро шаккарханд.

Расули акрам (саллаллоху алайҳи ва саллам)нинг нутқлари жуда гўзал бўлиб, ул Зот (саллаллоху алайҳи ва саллам) айтган ҳар бир жумла маъно дурларига тўлиб-тошган бўлар эди. Сарвари Коинот (саллаллоху алайҳи ва саллам) ҳеч кимга ўринсиз гапирмаганлар. Пайғамбаримиз (саллаллоху алайҳи ва саллам)нинг сўзлаш услублари ҳеч кимникига ўхшамайдиган даражада нодир ва бетакрор бўлган. Бу ҳақда “Шамоиلى Мухаммадийя” китобида шундай дейилади: “Ҳазрат Оиша розиёллоху анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллаллоху алайҳи ва салламнинг сўзлари сизларнинг сўзларингиз каби пайдар-пай ва тез-тез бўлмас эди. Балки, соф-соф, ҳар жумлалари бир-биридан алоҳида ва равшан бўлур эди. Мажлисларида бор одам сўзларини тушуниб, ёд ҳам қилиб олур эди” (Кўрсатилган манба, Б.46).

Йўқ бўлди каломингдин асфори само барча

Асфори самовийдин бўлган кеби йўқ пожанд.

Расули акрамга (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) Куръон нозил қилина бошлагач, аввалги пайғамбарларга туширилган Забур, Таврот ва Инжил каби илоҳий китоблардаги ҳукмлар бекор бўлди. Мазкур байтда шу ҳодиса эсга олинди баробарида Расули акрамнинг (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар бир сўзлари Аллоҳнинг амри билан айтилишига ҳам ишора қилиб ўтилмоқда.

Не келса Навоийга сендин юз эвурмаским,
Ул зарра дур-ур, сен меҳр, ул бандаву сен хованд.

Мақтаъда шоир ўзининг Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатлари йўлида содиқ ва собит эканлигини: “Не келса Навоийга сендин юз эвурмас...” жумласи орқали ифода этаётган бўлса, Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг юксак мақомларини ўзини заррага, қулга, ул Зот (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни қуёшга, Хожага ўхшатиш орқали таъкидламоқда.

Умуман олганда, Алишер Навоийнинг Сарвари Коинот Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)га бағишланган барча шеърлари сўз санъатининг беткарор намунаси бўлиб, мазкур ғазал ул Зот (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг қиёфаси, шамоилини тасвирлашга урғу қаратилганлиги билан ажралиб туради. Ғазалнинг ҳар бир мисрасида буюк шоирнинг Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)га бўлган чексиз муҳаббати сезилиб туради.

Дилнавоз ЮСУПОВА

——
“Одамки, башар насли силкига эрур пайванд...”
——

Одамки, башар насли силкига эрур пайванд,
Сувратда санга волид, маънода санга фарзанд.

Юсуфки, жамол ичра маъдум эди монанди,
Топмади малоҳатда ҳуснини санга монанд.

Исо дамидин ўлганким, руҳ топар эрди,
Билгачки, топар дининг, жон топти бўлуб хурсанд.

Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки чикдинг, гул –
Тирноғлар ила қилди руҳсорини юз парканд.

Шаҳларга гадо андоқким келди бу кун муҳтож,
Тонгла бўлубон муҳтож эҳсонига ҳожатманд.

Гесу санга бўлмишдур чун силсилаи мақсуд,
Мажнунинг эрур жонлар, қил силсила бирлан банд.

Шаккарга узубатда нутқунг, не ажаб, кулса –
Ким, эрнинг эш бўлмиш ахлоқ аро шаққарханд.

Йўқ бўлди каломингдин асфори само барча,
Асфори самовийдан бўлган киби йўқ “Пожданд”.

Не келса Навоийга сендин юз эвурмаским,
Ул заррадурур, сен – меҳр, ул – бандаву сен – хованд.

V--- V--- V--- V---
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилон
ҳазажи мусаммани мусаббағ

“Ҳазойин ул-маоний”нинг биринчи девони – “Ғаройиб ус-сиғар”дан ўрин олган бу ғазал пайғамбарлар сарвари Муҳаммад алайҳиссалом таърифига бағишланган. Айни жиҳатдан у наът ғазал ҳисобланади. Наът – арабча сўз бўлиб, таъриф-тавсиф, васф, мақтов, эзгу хислатлар ва гўзал сифатлар мадҳи маъноларини билдиради. Наът сўзи умуман мадҳ маъносида бўлса ҳам, Шарқ адабиётида у асосан Муҳаммад а.с. васфига қаратилган. Хусусан, Шарқ мумтоз адабиётида йирик асарларнинг муқаддима қисмида Аллоҳ таоло ҳамдидан кейин Пайғамбар наътини келтириш бир анъанага айланган. Шунингдек, алоҳида наът қасида, ғазал,

рубойи ва қитъалар ҳам кўп учрайди. Масалан, Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” девонлар туркумидан 40 га яқин наът ғазал ўрин олган. Унда наът рубойи ва наът қитъалар ҳам мавжуд.

Тасаввуф фалсафасига кўра, Муҳаммад нури олам ва одам яратилмасдан бурун ҳам бор эди. Аллоҳ таоло дастлаб Муҳаммад алайҳиссаломнинг нурини яратиб, кейин шу нур туфайли одамлар ва одамларни вужудга келтирган. Шунинг учун оламнинг асосида Муҳаммад нури ёки Муҳаммад ҳақиқати ётади⁶. Чунки Аллоҳ таолонинг оламини ҳам, одамини ҳам яратишдан мақсади – Муҳаммад алайҳиссалом бўлган. Шунинг учун “Қисаси Рабғузий”да бу нур ҳатто Одам алайҳиссаломнинг манглайида порлагани ҳақида хабар берилади:

“Мавло азза ва жалла (Қудратли ва улуг Аллоҳ – Э.О.) Одамини қамуг (барча – Э.О.) кўрклар бирла беади. Тишлариндин нур балқинур эрди, кўз нури менгизлик (каби – Э.О.). Муҳаммад ал-Мустафонинг нури Одамнинг олдинда қўмиюр (бу ерда: ўйнамоқ, порламоқ – Э.О.) эрди тўлун ой менгизлик. Одам ул нурнинг ёруқлуқин кўруб, бу нурни ман бир кўрсам теб кўсади (истади – Э.О.) эрса, изи (Худо) азза ва жалла ёрлиқи бирла ул нур Одамнинг олниндин ўнг янгоқингга инди. Яна эғнига инди, андин Одам қўлинға. Илкини (қўлини – Э.О.) ул нурға кўтуру берди. Нур андин иниб, шаҳодат эрнакининг (бармоғининг – Э.О.) учинда тўруқди (тўхтади – Э.О.). Одам эрнакин юқору кўтуруб, анинг кўркин кўруб тонглаб (хайрон бўлиб – Э.О.): “Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулulloҳи” (“Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг элчисидир”) деди”⁷. Шунинг учун ҳам Навоий бошқа бир ғазалида:

*Вужудинг икки жаҳон хилқатидин ўлди мурод,
Нечукки, зотинг ўлуб икки кавндин мақсуд* (БВ, 114), –

деб ёзса, бошқасида:

*Оламу одам фидонг ўлсунки, борсен, эй ҳабиб,
Сен ғараз инсондин ар, оламдин инсондур ғараз* (ҒС, 278), – дейди.

⁶ Бу ҳақда қаранг: Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: “Ёзувчи”, 1996, 42-бет.

⁷ Носирулдин Бурхонуддин Р а б ғ у з и й. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: “Ёзувчи”, 1990, 18-бет.

Келтирилган байтларда бор-йўғи иккита тушунарсиз сўз бўлиб, кавн – олам, ҳабиб – дўст: Муҳаммад алайҳиссаломнинг лақаби. Биринчи байтда Аллоҳнинг икки оламини яратишидан мақсад сенинг зотинг дейилса, иккинчисида оламда одамдан мақсад сенсан деган фикр ифодаланмоқда.

Маълум бўладики, “гарчи шаклан Одам Ато олдин яратилган бўлса ҳам, моҳиятан, нур сифатида Муҳаммад пайғамбарни Худо ҳаммадан илгари яратди. Шу боис Алишер Навоий ғазалларида сувратда Одам Ато Муҳаммадга ота бўлса ҳам, сийратда, яъни моҳиятда Одам Ато Муҳаммад пайғамбарга фарзанд маъносидаги тасвирларга кўп дуч келамиз”⁸. Келтирилган ғазалнинг матласи бунинг ёрқин далили:

Одамки, башар насли силкига эрур пайванд,
Сувратда санга волид, маънода санга фарзанд.

“Инга тизилган шодадек бутун инсон насли ўзига пайванд бўлгани, яъни бутун инсониятнинг сабабчиси бўлганига қарамай, Одам алайҳиссалом ҳам худди бошқалар каби зоҳиран сенга ота бўлиб кўринса-да, аслида – моҳиятда у сенга фарзанд ҳисобланади (яъни у ҳам сенинг нурунгдан, сен туфайли яратилган)”.

Фаришталарнинг инсонга сажда қилишига сабаб ҳам унинг наслидан Муҳаммад алайҳиссаломдек башар тожининг дунёга келиши эди. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да ёзилишича, Одам алайҳиссаломни яратиш учун ҳозирги Маккаи мукаррама жойлашган ердан жаннатга олиб кирилган бир ҳовуч тупроқданок “Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг (унга Аллоҳнинг дуоси ва саломи бўлсин – Э.О.) тийнати (бу ерда: зуваласин – Э.О.) тасним суйи билан юғуруб, борча малоикка арз қилдиларким, мақсуди олам ва одам офариниши (яратилиши – Э.О.) мунинг хилқатидур, охир уз-замон пайғамбари бўлгусидур”. Шунинг учун ҳам шоир бошқа ғазалида ёзадики:

Хоки пойингни малоийк қилдилар тожи шараф,
Аллоҳ-Аллоҳ, ким кўруптур бу сифат зоти шариф (ҒС, 307).

⁸ Ғ а ф ф о р о в а З. Ўн саккиз минг олам сарвари // “Тафаккур”, 1997, 2-сон, 47-бет.

Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг энг сўнгги ва комил пайғамбари, барча мавжудот ва махлуқотнинг афзали ҳисобланади. Нафақат инсониятнинг яратилиши, балки Навоийнинг “Муножот” асарида ёзилишича, “Юз йигирма тўрт минг анбиёи мурсал хилқатидан мурод – ул ва барча анга хайл ва ўн сакиз минг олам ихтироъидин мақсуд – ул ва офариниш сенга туфайл”. Шундай экан, у ҳусну жамолда ҳам, илму ахлоқда ҳам, нубувватда ҳам барча пайғамбарлардан устун.

Саҳобалардан Абу Ҳурайра айтади: “Мен жаноби Расулуллоҳ алайҳи васаллам каби чиройли бир инсонни ҳаргиз кўрмадим. Офтоб гўё Жанобнинг чехраи анварларида (порлоқ чехраларида – Э.О.) туриб дунёга жилва қилиб тургандек маълум бўлар эди”. Аллоҳ таоло дастлаб Муҳаммад нурини, кейин шу нур туфайли оламни, ундаги нарсаларни ва одамни яратган экан, демак, қуёш, ой ва юлдузлар ҳам ана шу нурдан вужудга келган. Бинобарин, мумтоз шеъриятда: “Сен қуёшдан ҳам, ойдан ҳам гўзал ва порлоқсан”, “Қуёш ва ой ҳам сенинг асириг”, “Қуёш ва ой сенинг ҳуснинг нуридан бир зарра”, “Сенинг жамолинг қуёш ва ой шуъласини сўндиради” каби маъшуқа таърифида айтилган лутфлар муболаға бўлибгина қолмай, айти пайтда диний-тасаввуфий ҳақиқат ҳамдир. Шарқ шеъриятида маъно ана шундай серкатлам бўлиб, ошиқона шеърларда нафақат маъшуқа, айти пайтда, Аллоҳ таоло, Муҳаммад алайҳиссалом ва илму ахлоқда етук комил инсон ҳам, кўпинча уларнинг барчаси биргаликда ҳам назарда тутилади. Шунинг учун ҳам Шарқ шоирлари ўз шеърларида Муҳаммад алайҳиссаломнинг нафақат маънавий-ахлоқий етуқлигини, айти пайтда, жисмоний гўзаллигини ҳам таъриф-тавсиф этганлар, Тасаввуф адабиётида “ҳусн элининг шоҳи”, “гўзаллар гўзали” каби таърифлар асосан илоҳий маҳбубага ва унинг севиқлиси Муҳаммад алайҳиссаломга қаратилган. Пайғамбаримизга шоирларимиз томонидан “маҳбуби руҳоний” сифати берилгани бежиз эмас. Бу иборанинг икки маъноси бор: Аллоҳнинг маҳбуби (севиқлиси) ва маънавий маҳбуб.

Кўрку чиройда тенгсиз ҳисобланган Юсуф алайҳиссалом ҳам малоҳатда у зотдан қуйи туради:

Юсуфки, жамол ичра маълум эди монанди,
Топмади малоҳатда ҳуснини санга монанд.

“Кўрку жамол ичра ўхшани бўлмаган Юсуф алайҳиссалом ҳам малоҳатда ҳуснини сенга тенг деб топмади”.

Диний-тасаввуфий адабиётларда айтилишича, Аллоҳ таоло ҳуснни юз ҳисса қилган. Тўқсон тўққиз қисмини Момо Ҳавога бериб, бир қисмини бутун дунё аҳлига раво кўрган. Шу бир улушни яна ўнга бўлиб, тўққиз қисмини Юсуф алайҳиссаломга ва бир қисмини бани башарга берган. Энди тасаввур қилаверинг: Юсуф алайҳиссаломда бутун инсониятда мавжуд ҳусндан тўққиз баробар ортиқ ҳусн бор. Мисрда етти йил очарчилик бўлганида одамлар Юсуфнинг ҳуснига боқиб, очликни унутишган. У ҳар куни ўзини халққа кўрсатар ва кишилар унинг ҳусндан тўяр эдилар. Шунга қарамай, унинг ҳусну малоҳати Муҳаммад алайҳиссаломга тенглашолмайди. Сабаби айтиб ўтилганидек, Юсуф алайҳиссаломнинг ҳам, бутун инсониятнинг ҳам нафақат ўзи, балки ҳусни ҳам Муҳаммад пайғамбар нуридан яратилган.

Маълумки, ҳар бир пайғамбарга Аллоҳ таоло томонидан бир мўъжиза берилган. Исо алайҳиссалом ўлганларни тирилтириши билан машҳур бўлган. Шунинг учун унга Масих – жон ато этувчи, силовчи лақаби берилган⁹. Шоирнинг лутф этишича, ўлганлар ас-лида Исо нафасидан эмас, балки сўнгги ва мукаммал дин бўлган исломнинг келиши ва ўзининг ҳақ динда тирилишини билганидан хурсанд бўлиб жон топар эди:

Исо дамидин ўлганким, руҳ топар эрди,
Билгачки, топар дининг, жон топти бўлуб хурсанд.

Кейинги байт муслимиятнинг Муҳаммад алайҳиссаломдек башар тожидан айрилиб қолганлиги ҳусусида:

Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки чиқдинг, гул
Тирноғлар ила қилди рухсорини юз парканд.

“Сен даврон чаманини тарк этганда, гул қайғудан тирноғи билан юзини тилим қилди”. Ёки: “Сен дунёдан ўтганда бутун башар қавми қайғудан қалбини чок-чок қилди”.

⁹ Бу ҳақда қаранг: Куръони карим (Алоуддин Мансур таржимаси) // “Шарҳ юлдузи”, 1992, 8–9–сонлар, 40–бет (таржимон изоҳи) Журналнинг мазкур қўшма сонида Куръони карим тўлиқ босилган – биз шу нашрдан фойдаландик. – Э.О.

Маълумки, пайғамбаримизга шафоат ҳуқуқи берилган. У зот киёмат кунин Аллоҳ таолодан умматларининг гуноҳини тилаб оладилар. Бандаи ожиз эса ўзини гуноҳлардан холи ва пок деёлмайдиган. Шундай экан, гадолар шох марҳаматига муҳтож бўлгани каби киёматда дунёнинг бутун подшоҳлари ҳам сенинг шафоатингга муҳтож бўладилар, дейди шоир:

Шаҳларга гадо андоқким келди бу кун муҳтож,
Тонгла бўлубон шаҳлар эҳсонига ҳожатманд.

Айтиб ўтганимиздек, бу дунёнинг яратилишидан мақсад Муҳаммад алайҳиссаломнинг туғилиши, ягона Аллоҳ ғоясини ёйиши, башариятни мукаммал дин бўлган исломга даъват қилиши эди. Бугина эмас. Бу дунё – башар қавмининг Аллоҳнинг марҳаматига сазовор ёки лаънатига дучор бўлишини аниқлайдиган, бошқача айтганда, инсоннинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратадиган синов майдони ҳам:

Гесу санга бўлмишдур чун силсилаи мақсуд,
Мажнунинг эрур жонлар, қил силсила бирлан банд.

Соч – тасаввуфий адабиётда моддий дунё тимсоли бўлиб келиши маълум. Демак, шоир мажозий тил билан айтаяптики, Худованди карим бу дунёни сенга ўз мақсадининг амалга ошириш учун восита қилиб берди. Бас, гўзаллар зулфларини тузоқ қилиб, ошиқлар қўнглини овлаганидек, сен ҳам дунё воситаси билан сенга мойил инсонларни ҳидоят йўлига бошлаб, Аллоҳнинг мукаммал дини – исломга киргиз.

Шаккарга узубатда нутқунг, не ажаб, кулса –
Ким, эрнингта эш бўлмиш ахлоқ аро шаккарханд.

“Нутқинг ширинликда шаккарнинг устидан кулса, ажаб эмас, чунки гўзал ахлоқ билан бирга, лабингта ширин табассум ҳам эш бўлмиш”.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг ахлоқлари гўзал ва етук, сўзлари фасоҳату балоғат кони бўлибгина қолмай, у киши тавозе соҳи-

би эдилар – лабларида ҳамиша майин ва латиф табассум ўйнар эди. Пайғамбаримиз барча яхши ахлоқ ва эзгу инсоний фазилатлар жамулжами эди. Имом Термизий бу ҳақда: “Саййиди олам саллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ахлоқи жамила ва одати шарифалари оламга машҳурдир. Дўст ҳам, душман ҳам эътироф қилур. Бутун коинот санохони хулқи Муҳаммадий эрур”¹⁰, – деб ёзади.

Йўқ бўлди каломингдин асфори само барча,
Асфори самовийдин бўлган киби йўқ “Пожанд”.

“Сен келтирган китоб – Қуръон туфайли қолган барча самовий китоблар йўққа чиқди. “Пожанд” ҳам нозил қилинмаганга ўхшаб қолди”.

“Пожанд” – зардуштийликнинг муқаддас китоби “Занд”-га паҳлавий тилида ёзилган тафсир. Пожанд сўзининг лугавий маъноси оловни қовлайдиган ва оладиган темир қурол дегани. Шу маънодан келиб чиқиб, зардуштийликнинг оташпарастлик дини қоидалари баён қилинган муқаддас китоби “Жанд”га паҳлавий тилида ёзилган тафсирни шу ном билан атаганлар. У “Занд” шаклида ҳам учрайди. VI асрда – Хисрав I даврида амалга оширилган. “Вандидод”, “Виспарад” ва “Ясна” каби “Авесто”нинг асосий қисмлари таржима ва тафсир қилинган. Бунда аввал бир сатрда “Авесто” матни, кейин унинг остида таржима ва тафсири келтирилган.

Не келса Навоийга сендин юз эвурмаским,
Ул заррадурур, сен – меҳр, ул – бандаву сен – хованд.

“Навоийга сендан нимаики келса, юз ўгирмайди, чунки у бир зарра бўлса, сен – қуёш, у – бир қулу сен – хожадирсан”.

Бошқа пайғамбарлар маълум бир қавмга юборилган бўлсалар, Муҳаммад алайҳиссаломни Парвардигори олам бутун инсониятни ҳидоят йўлига бошлаш учун сайлаган. У зотнинг коинот сарвари, икки олам соҳиби деб улуғланиши шундан. Навоий ҳам Расулulloҳни қуёшга ва хожага нисбат берар экан, бунда унинг

¹⁰ Имом а т - Т е р м и з и й. Шамоили Муҳаммадий. – Тошкент, 1991, 78-бет.

мўминлар қалбини илоҳий маърифат нури билан ёритиши ва жамики мусулмон умматининг раҳнамоси эканлигини назарда тутади.

“Пайғамбарни севмоқ Аллоҳни севмоқдир”, – дейди Жалолиддин Румий. Муҳаммад алайҳиссаломни Аллоҳнинг ва инсониятнинг суюқлиси, икки олам маъшуғи, илоҳий ва дунёвий илмлар, эзгуликлар, гўзалликлар соҳиби сифатида улуғлаш орқали шоирлар айна пайтда Худованди каримга бўлган чексиз муҳаббатларини ҳам изҳор қилганлар.

Эргаш ОЧИЛОВ

“Одамки, башар насли силкига эрур пайванд...”

Одамки, башар насли силкига эрур пайванд,
Сувратда санга волид, маънода санга фарзанд.

Юсуфки жам оличра маъдум эди монанди,
Топмади малоҳатда ҳуснини санга монанд.

Исодами дин ўлганким, руҳ топар эрди,
Билгачки, топардининг, жон топти бўлуб хурсанд.

Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки, чиқдинг, гул
Тирноғлар ила қилди рухсорини юз парканд.

Шаҳларга гадо андоқким келди бутун мухтож,
Тонгла бўлубон шаҳлар эҳсонинга ҳожатманд.

Гесу санга бўлмишдур чун силсилаи мақсуд,
Мажнунунг эрур жонлар, қил силсила бирлан банд.

Шаккарга узубатдан утқунг не ажаб кулса,
Ким эрнингга эш бўлмиш ахлоқ аро шаккарханд.

Йўқ бўлди каломингди насфори само барча
Асфори самовийдин бўлган киби йўқ Пожанд.

Не келса Навоийга сендин юз эвурмаским,
Улзаррадурур, сен – меҳр, ул –бандаву сен –хованд.

V--- V--- V--- V---
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилон
ҳазажи мусаммани мусаббағ

Луғат

Силк – жавоҳир тизилган ип
Волид – ота
Маъдум – топилмас
Парканд – бўлак-бўлак, парча-парча
Тонгла – эртага; бу ерда: қиёмат куни
Эҳсон – яхшилик
Гесу – соч
Узубат – ширинлик
Эрн – лаб
Асфори само – илоҳий китоблар
Пожанд – Авестонинг тафсири, Позанд
Меҳр – қуёш
Хованд – хўжайин

Насрий баён

1. Эй Расулulloҳ, башариятнинг илк аждоди бўлмиш Одам Ато суратда сенинг ҳам отанг бўлса-да, маъно юзасидан сенинг фарзандингдир.

2. Хусну жамолда тенгсиз бўлган Юсуф ҳам малоҳат бобидан сенинг хуснинга ўхшаш бўлолмади.

3. Нафаси билан ўликларга жон бағишлаш мўъжизаси соҳиби бўлган Исо ҳам охирзамонда сенинг динингга киришини билгач, хурсанд бўлиб тирилди.

4. Сен даврон чаманидан чиққан кунинг гуллар юзини тирноқлари билан тирнаб ташлади..

5. Бугун гадолар султонга қандай муҳтож бўлишса, эрта куни қиёматда султонлар сенинг яхшиликларингга ҳожатманд бўлишади.

6. Сочинг – мақсадга етказувчи силсиладир. Жонлар сенинг мажнунингдир, уларни бу занжир билан бандга сол.

7. Сўзларинг ширинлик бобида шакарнинг устидан кулади, чунки сенинг лабларинг гўзал хулқ билан доимо табассумдадир.

8. Сенинг каломингдан осмоний китоблар, худди улар нозил бўлганида Позанд ботил бўлгани каби, мансүх– бекор бўлди.

9. Навоий бошига нимаики келса, сендан юз ўгирмас. Сен бир қуёш бўлсанг, у – заррадир, у – бир ғулом бўлса, сен унинг хожа-сидирсан.

Шарҳ ва изоҳлар

“Дол” харфи туркумидаги ғазаллар наът мавзусидаги ғазал билан бошланади. Дастлабки уч байтда талмех ва ишора санъатлари унсурлари етакчилик қилади. Расулulloҳ (с.а.в.)нинг исмлари ғазалда умуман қўлланилмаган ҳолда, турли образли ибора ва ўхшатишлар орқали охирзамон пайғамбарининг улуғвор хислатлари васф қилинади. Матлаъда башарият аҳлининг отаси ҳисобланмиш Одам алайҳиссалом зоҳиран олганда пайғамбаримизга ҳам ота ҳисоблангани билан, маъно юзасидан у зотнинг фарзанди эканлиги баён этилган. Бундай фикр билдирилишига “Эй Мухаммад, агар сен бўлмаганингда бу оламлар ва ундаги одамларни яратмас эдим” мазмунидаги қудсий ҳадис ёхуд “нури муҳаммадий” назариясини асословчи ҳадислар (“Аллоҳ таоло яратган илк нарса менинг нуримдир”) асос бўлиб хизмат қилган. Қолаверса, бу дунёни яратишдан мақсад инсон экан, инсонларни яратишдан асл мурод – сарвари коинот (с.а.в.)нинг муборак вужудидир:

Одамки, башар насли силкига эрур пайванд,
Сувратда санга волид, маънода санга фарзанд.

Кейинги байтда Юсуф (а)нинг хусни малоҳат бобида хотамул-анбиё жамолига тенглашолмаслиги ҳақида сўз юритилади. Ушбу қиёс ҳам саҳиҳ ҳадис негизиди шаклланган. “Қисаси Рабғузӣ”да келтирилишича, Ойиша онамиз (раз) бир куни расулуллоҳдан хусн бобида ким гўзалроқ – у кишими ё Юсуф алайҳиссалом? – деб сўрайдилар. Пайғамбаримиз шундай жавоб берадилар: “Биродарим Юсуф мендан гўзалроқдир, аммо мен у кишидан малоҳатлироқман”. Зероки, у кишининг хусни оламга фитна солди, аммо мен барча оламдагиларга раҳмат қилиб юборилганман. Ҳадис мазмунидан маълум бўладики, Юсуфга берилган кишиларнинг нафсоний истакларини янада кучайтиргувчи бўлган хусну жамолдан кўра пайғамбаримизнинг малоҳати, яъни дийдорининг ўзиданок қалбларга раҳмат ва сакинат бағишловчи гўзал сурати афзалроқ:

Юсуфки жамол ичра маъдум эди монанди,
Топмади малоҳатда хуснини санга монанд.

Ислом таълимотига кўра пайғамбарларнинг даражалари бор. Уларнинг фарқи ҳақида Алишер Навоӣ “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да шундай ёзади: “Ва мурсал улдурким, анга ваҳй Жабраил воситаси била келмиш бўлғай. Ва ғайри мурсал улким, илҳом ё туш била элга раҳнамоӣлиқ қилғай. Улулазм улдурким, бовужуди бу ики анга китоби осмоний келмиш бўлғай ва бошқа шариати бўлғай.” Бу уч тоифани расул, набӣ ва улулазм ҳам дейишади. Биринчи байтда расул (Одам алайҳиссалом), иккинчи байтда набӣ (Юсуф алайҳиссалом) ҳақида сўз юритилган бўлса, учинчи байтда улулазм, яъни шариат соҳиби бўлган Исо пайғамбар (а.с.) ҳақида сўз юритилади. Куръони каримда келтирилишича, Исо алайҳиссаломга ўликларга жон киргизиш мўъжизаси берилган. Шунингдек, у киши осмонга кўтарилиб, охирзамон яқинлашгунча Куёш фалакида қолишлари, Дажжолни ўлдириб, сўнг исломга кирган ҳолда вафот этишлари ҳақида ҳадислар хабар беради. Навоӣ талқинига кўра Исо алайҳиссаломга жон бағишлаш мўъжизаси, осмонга кўтарилиб, қиёматгача тирик қолишдан кўра охирзамонда шари-

ати муҳаммадияга эътиқод қилиш имконини топиш муҳимроқ ва аҳамиятироқ. Зотан, инсон боласи учун мусулмон бўлиб яшаш ва имон билан кетишдан улуғроқ саодат йўқдир:

Исодами дин ўлганким, руҳ топар эрди,
Билгачки, топар дининг, жон топти бўлуб хурсанд.

Тўртинчи байт пайғамбаримизнинг вафоти инсоният ва бутун борлик учун энг оғир мусибат бўлганининг шоирона талқини ўлароқ баҳолаш мумкин. Шунинг баробарида бу беназир зотнинг могамида атиргул юзини тирнаб, тарам-тарам қилгани шунчаки бир ташбеҳ эмас, балки пайғамбаримиз мўъжизаларига боғлиқ бир тимсол эканини таъкидлаш лозим. Гап шундаки, атиргуллар оиласига мансуб бўлган бир нав гул “гули муҳаммадий” деб аталади. Манбаларда келтирилишича, ушбу гул пайғамбаримизнинг меърож кечасида оққан терларидан яралган. Салиб юришлари пайтида инглиз рицарларидан бири бу атиргулни Дамашқдан Европага олиб боради. Шу сабабли европаликлар уни Дамашқ атиргули, деб эъозлашади. Мазкур гулдан олинган ёғнинг бир килоси бугунги кун жаҳон бозорида 20 миллион долларга баҳоланади. Ушбу гулдан гулоб ва энг хушбўй атирлар ишлаб чиқарилади. Айниқса, юрак касалликларига ушбу гулдан тайёрланган дамламалар тиббиётда кенг қўлланилади. Гули муҳаммадий (ёки Дамашқ атиргули)бошқа пайғамбарларнинг мўъжизалари улар вафотидан кейин тўхталган бўлса, пайғамбаримизнинг мўъжизалари ҳозирги кунгача давом этиб келиб, одамларни у зотнинг нақадар табаррук эканига нишон бўлиб қолмоқда:

Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки, чиқдинг, гул
Тирноғлар ила қилди рухсорини юз парканд.

Тўртинчи байтда эса расулуллоҳнинг мўъжизалари фақат бу дунёда эмас, балки қиёматгача давом этишини англатувчи яна бир далил келтирилган. Бу мўъжиза қиёмат куни содир бўлиши ҳақида қатор оят ва ҳадислар мавжуд. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда келтирилишича, қиёмат куни ўз умматини шафоат қилиб, Аллоҳ таолодан гуноҳларини сўраш имтиёзи фақат

Мухаммад расулуллоҳ (с.а.в.)га берилган. Номайи аъмоллар ёпилиб, хатоларни тузатиш учун бирор имкон қолмаган бир пайтда, ота-болалар, ака-укалар, ошна-оғайнилар, қариндош-уруғ... ҳамма бир-биридан қочиб, фақат ўз ғами билан овора бўлган бир таҳликали ҳолатда биргина инсон ўз умматининг ғамини еб, Аллоҳ таолодан уларнинг билиб-билмай қилган гуноҳларини мағфират қилишини сўрайди. Ўша куни бу дунёда даврон суриб, тиланчиларни назарга илмаган қудрат ва давлат соҳиблари, салтанат ва давлатнинг шавкатли устунлари ҳам озгина савобнинг гадоси бўлиб, унинг шафоатидан умидвор бўлиб қолажаклар:

Шаҳларға гадо андоқким келди бугун мухтож,
Тонгла бўлубон шаҳлар эҳсонинга ҳожатманд.

Исломда таркидунёчилик йўқ. Динни деб дунёдан, дунёни деб диндан воз кечиш бизнинг динимизда қаттиқ қораланади. Аксинча, диний мақсадларни рўёбга чиқариш учун мол-дунё тўплаш ва сарфлаш исломда тарғиб қилинади. Шу маънони тасаввуф тилида дунё маъносини билдирувчи “гесу” (соч) васфи орқали шоир қуйидаги тарзда назм қилиб, ислом динининг ҳаётийлиги, барча даври замон одамлари учун тўғри йўл эканлигини таъкидлаган:

Гесу санга бўлмишдур чун силсилаи мақсуд,
Мажнунунг эрур жонлар, қил силсила бирлан банд.

Еттинчи ва саккизинчи байтлар пайғамбаримиз (с.а.в.)га берилган асосий мўъжиза – сўз мўъжизаси ҳақида. Дастлаб пайғамбаримизнинг шакардан ҳам ширин сўзлари, яъни ҳадислари у кишининг бутун башарият аҳлига намуна бўлган гўзал ахлоқларининг ифодаси эканлиги ҳақида сўз юритилади. Сўнг у киши орқали ваҳий қилинган оятлар олдинги шариатларни мансук-бекор қилингани, бошқа пайғамбарлардан фақрли ўқлароқ, расулуллоҳ (с.а.в.) келтирган шариат муайян бир қавм учун эмас, балки қиёматгача бутун башарият аҳли учун нозил бўлгани таъкидланади:

Шаккарға узубатдан утқунг не ажаб кулса,
Ким эрнинг эшбўлмиш ахлоқ аро шаккарханд.

Йўқ бўлди каломинг дин асфори само барча
Асфори самовийдин бўлган киби йўқ Пожанд.

Аллоҳнинг ҳабиби, Борлиқнинг моҳияти, комилликнинг олий намунаси, башариятнинг энг азииз фарзанди бўлган Муҳаммад расулуллоҳ (с.а.в.)га бўлган муҳаббат ва эҳтиром барчаникидан устун бўлиши керак. Дунё ва охират саодатига элтувчи йўлнинг сарбонига бўлган бу зотга Навоийнинг ихлос ва муҳаббати ўзгача. Унинг қошида ўзини заррадек ҳисоблаган Навоий ислом таълимотининг зиёси баракотидан ўзи ҳам туркий халқларнинг маънавий қуёшига айланди:

Не келса Навоийға сендин юз эвурмаским,
Улзаррадурур, сен – меҳр, ул –бандаву сен –хованд.

Олимжон ДАВЛАТОВ

“Сен ўз хулқингни тузгил...”

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.

Замон аҳлидин уз пайванд, агар десанг биров бирла
Қилай пайванд боре, қилмағил ноаҳд ила пайванд.

Кўнгул комини кўй, гар худ менинг девона кўнглумни
Топарсан уйла юз парқанду сол ҳар итга бир парқанд.

Эшитмай халқ пандин, турфаким панд элга ҳам дерсен,
Қила олсанг, эшитгил панд, сен ким, элга бермак панд.

Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлғил
Гадолиғ нониға хурсанду бўлма шахға ҳожатманд.

Бўлиб нафсингга тобиъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.

Шакарлаблар табассум қилганин кўргач кўнгул берма
Ки, бедилларни аччиғ йиғлатур охир бу шақкарханд.

Жаҳон лаззотини ширин кўрарсен, лек бандингдур,
Гирифтор ўлма, воқиф бўлки, қайду қанд эрур монанд.

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофий гар истасанг, бордур
Навоий боғи назми шақкаристонида ул гулқанд.

V--- V--- V--- V---
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилон
ҳазажи мусаммани мусаббағ

Мир Алишер Навоий Самарқандда туриб, олис Ҳиротда яша-
ётган устози Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърӣ мактубида
фахрия мазмундаги шундай сўзларни битган эди:

Фалак кўрмади мен киби нодире,
Низомий киби назм аро қодире,

Не назм дер эрсам мени дарднок
Ки, ҳар ҳарфи бўлғай анинг дурри пок.

Дарҳақиқат, Навоий нодир истеъдод соҳиби эди. Навоий ижо-
дининг бошланиш босқичларидаёқ, даҳо санъаткорларга хос энг
ноёб ва қайтарилмас фазилатларни намоиш эта олганди. Улуғ
шоир, қандай шеър ёзмайин, “Ки ҳар ҳарфи бўлғай анинг дурри
пок”, деганида асло муболага қилмаганди. Унинг йигитлик давр-
ларида ёзган “Сен ўз хулқингни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хур-
санд” мисраси билан бошланадиган “Бадойиъ ул-бидоя” девони-
даги ғазалининг ҳам ҳар сўзи алоҳида қимматга эга ўзига хос те-

ран пандномадир. Ғазал ўз хулқ-атвори хусусида чуқур ўйламайдиган, аниқроғи, ўзига-ўзи танқидий қарай билмайдиган кимсаларга мурожаат билан бошланади. Маълумки, эл ахлоқининг камоли бевосита шахс хулқининг тузалиши ва камол топишига боғлиқ. Бу эса ҳар бир кишининг зиммасига масъулият юклайди.

Абу Наср Саррожнинг айтишича, ахлоқ-одобда инсонларнинг уч даражаси бордир. Биринчиси, дунё аҳли - буларнинг адабларининг асоси ғасоҳат, балоғат, нағосат илмларини эғаллаш эрур. Иккинчиси, дин аҳли - булар ахлоқ-одобда риёзат ила нағсни ислоҳ айлаш, шаҳват ва орзуларни тарк қилишга алоҳида аҳамият беришлари лозим. Учинчиси, хос хусусият аҳли - булардан қалб поклиғига эришиш, сирни пинҳон сақлаш, аҳдга вағо этиш, вақтларини муҳофаза қилиш, хавотирга берилмаслик талаб этилган. Албатта, Навоий ғазалининг матлаъсидаги фикр оддий одамга, яъни дунё аҳли вакилига қаратилган.

Шоир илғари сурган бош мақсадни далиллаш учун кўпроқ оддий одамларнинг онгида ўрнашиб қолган, “Бировнинг фарзанди бировга фарзандлик қилмайди”, - деган ғайға суянади:

Сен ўз хулқунгни тузғил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди ҳарғиз бўлмади фарзанд.

Бунда ахлоқ фарзандга қиёсланиб, уни фарзанд янғлиғ тарбиялаш зарурлиғи ҳам таъкидлангандир.

Иккинчи байтдаги, “Замон аҳлидин ўз пайванд” - “замон аҳлидин алоқани узғил” деган талаб қандайдир ғалати эшитилади. Аммо шоир, умуман олганда, замон аҳли билан яқинлашувни инкор этаётгани йўқ. У аҳилликни билмайдиган, замон зайлига қараб турланиб, тусланаверадиған субутсиз зотлардан узоқлашишга чорлаётирки, бу ҳам ахлоқсизлик жабридан фориғ бўлишнинг муҳим бир шарти саналади:

Замон аҳлидин уз пайванд, агар десанг биров бирла
Қилай пайванд боре, қилмағил ноаҳл ила пайванд.

Кўнғил йўли - энг тоза, энг нурли ва шарағли йўл. Кўнғул орзулари энг ғўзал ва энг умидли орзулар эрур. Чунки кўнғил - маъна-

вий-руҳий ҳаёт тамали ва ғайбӣй мукошафа бешиги. Лекин инсон кўнгил номи билан гоҳо ҳар турли хато ва адашишларга эрк беради. Кўнгил амридан ҳавоу ҳавас завқини фарқлай олмайди.

Навоӣй “кўнгул комини кўй”, деганда масаланинг шу жиҳати-ни назарда тутади. Аммо шоирнинг “девона” кўнгли - бу бошқа кўнгил. У ишқнинг зўри ва шиддати-дан парчаланган. Унинг ҳар бир парчасининг бир итга раво кўрилиши - бу ҳам содиқлик ва вафо белгиси:

Кўнгил комини кўй, гар худ менинг девона кўнглумни
Топарсен уйла юз парканду сол ҳар итга бир парканд.

“Кўнгил” истакларига бўйсунганлар одатда бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари билан ҳисоблашмасликка мойил бўладилар. Эшитишга эмас, гапиришга, иқроф бўлишга эмас, инкор айлашга уринадилар. Бундай ҳолатда ҳатто панд-насиҳатлари ҳам назар-писанд қилинмайди. Бу, хусусан, ёшлиқда ва “нафс тавсани”-га минганда, кибр ва гурур бандаларида кўпроқ кўзга ташланади. Қуйидаги сўзлар Навоӣй замонида қандай аҳамиятга эга бўлган бўлса, бугун ҳам худди ўшандай қимматга эга:

Эшитмай халқ пандин, турфаким панд элга ҳам дерсен,
Қила олсанг эшитгил панд, сен ким, элга бермак панд.

Хўш, бундай моуманлик ва саркашликка сабаб нима? Бош сабаб, нафс ва тама. Тамадан покланган киши - қаноат тожини кийган киши. Навоӣй:

Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлгил
Гадолиғ нониға хурсанду бўлма шоҳға ҳожатманд -

дер экан, ҳақиқатда ҳам инсонни шоҳлик мақомига кўтарувчи қаноатни улуғлайди. Зеро, нафсни мағлуб этгувчи бир қалқон ҳам қаноат.

Энди нафс ҳақида. “Нафс” сўзи - бирор нарсанинг мавжудлиги, ҳақиқати, зоти ва ўзлиги деган маъноларни ифода-лайди. Оддий халқ орасида “нафс” калимаси турли маънода қўлланилган

бўлиб, гоҳо улар бир-бирига зид мазмунларни акс эттирган. Масалан, бир тоифа нафсни руҳ деб тушунса, яна бошқа бир гуруҳ мурувват, одамийлик, мавжудлик қуввати дея англаган. Тасаввуф аҳлининг қарашлари эса буларнинг бирортасига ҳам мувофиқ келмайди. Уларнинг умумий нуқтаи назари бўйича, нафс (нафси аммора) барча ёмонлик, чиркинлик ва гуноҳларнинг дояси эрур. Жунайд Боғдодий “Куфрнинг асоси - нафснинг муроиди эрур” деса, Абу Сулаймон Дароний “Нафс ҳам хоин, ҳам ғаним эрур. Энг яхши амал унга қарши курашмоқдир” дейди. Навоий ҳам нафсни душмандан-да хавфли душман, ғанимни банд айлаш мумкин, лекин нафсни таслим этиш беҳад душвор, дея таъкидлайди:

Бўлуб нафсингга тобиъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.

Сиртдан қаралганда, бу гапларнинг кейинги байтдаги маънога унча алоқаси йўққа ўхшайди. Бироқ “шакар лаблар табассуми”-га асир айлаб, кейин йиғлатувчи аслида маккор нафсдир:

Шакарлаблар табассум қилганин кўргач кўнгил берма
Ки, бедилларни аччиғ йиғлатур охир бу шаққарханд.

Жаҳон лаззатлари чиндан ҳам тотли. Шу боис жаҳондан меҳр ипини узиш беҳад қийин. Чунки бу ўткинчи дунё инсон фарзандини суяб - аврайди, авраб - сеҳрлайди. Турфа-турфа қувончу шодликларга йўл очиб ўзига таслим айлайди. Бироқ “дунё маним” деган, жаҳон молин йиққанларга ҳам у барибир вафо қилмайди. Ҳамма-ҳаммаси бир тушга ўхшаб ўтади-кетади. Шунда инсон ҳавас ва ғурурларга тобе бўлганлигини, уни моддий манфаат ва ҳузур-ҳаловат алдаганлигини тушунади. Ва бағрида афсус, надомат, ҳасрат ўтлари ёнади. Навоий воқифликни шундай фожеанинг олдини олгувчи чора ўлароқ талқин этгандир:

Жаҳон лаззотини ширин кўрарсен, лек бандингдур,
Гирифтор ўлма, воқиф бўлки, қайду қанд эрур монанд.

Бу дунёнинг ишлари баъзан жуда ғалати: ширин-аччиққа дўнади, қувонч ғам-ғуссага сабаб бўлади, хатарсиз кўринган нафслардан гоҳо бошга бало тошлари ёғилади ва ҳоказо. Нега шундай? Негаки, одам фарзанди “нафс ила дунёга дил” бериш не оқибатларга олиб боришини билиш ва риёзат чекиб чуқур мушоҳада юритишга ҳеч пайт белни маҳкам боғламайди. Тўғрироғи, бунга кўпчиликнинг қуввати ҳам етишмайди. Ана шу қувватсизликдан ғафлат, жаҳолат, зулм, риё, адоват сингари ўнлаб бало ва офатлар юзага қалқиб чиқади. Булар орасида жаҳл ва жаҳолат энг хавфлидир. Эҳтимол, жаҳл илдизини туб-тубидан қуритишга шернинг қуввати етмас. Эҳтимол, жоҳиллик назм боғи “шаккаристони” деган тушунчани умуман тан олмас. Балки Ҳазрат Навоийнинг:

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофии гар истасанг, бордур,
Навоий боғи назми шаккаристониди ул гулқанд, -

деган тавсиялари шунчаки шоирона бир гап бўлиб туюлар. Аммо ҳар қандай эҳтимол ва тахминдан фориг бир ҳақиқат шуки, Навоий шеърияти - кўнгилни покровчи, кўнгилдан жаҳл ва ғазаб, қаҳр ва зулм ранжларини дафъ айлашга қодир шеърят. Буни биз қанча яхши билсак, маънавий ҳаётимиздаги ишлар ўшанча тез ўнгланади ва энг қийин жумбоқлар ҳам ўшанча осон ечимини топади.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

“Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд...”

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.

Замон аҳлидин уз пайванд, агар десанг биров бирла
Қилай пайванду боре, қилмағил ноаҳл ила пайванд.

Кўнгул комини қўй, гар худ менинг девона кўнглумни
Топарсен уйла юз парканду сол ҳар итга бир парканд.

Эшитмай халқ пандин, турфаким панд элга ҳам дерсен,
Қила олсанг, эшитгил панд, сен ким, элга бермак панд.

Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлғил
Ғадолиғ нониға хурсанду бўлма шаҳға ҳожатманд.

Бўлуб нафсингга тобиъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман қила олсанг ани қил банд.

Шакарлаблар табассум қилганин кўргач кўнгул берма
Ки, бедилларни аччиғ йиғлатур охир бу шаккарханд.

Жаҳон лаззотини ширин кўрарсен, лек бандингдур,
Гирифтор ўлма, воқиф бўлки, қайду қанд эрур монанд.

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофии гар истасанг бордур,
Навоий боғи назми шаккаристонида ул гулқанд.

V --- V --- V --- V --- ~
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилон
Ҳазажи мусаммани мусаббағ

Луғат

Тузмоқ – тузатмоқ, тўғриламоқ

Пайванд – улаш, бирик-тириш, ёпиштириш; алоқа, муноса-
бат

Ноаҳд – номуносиб; тубан, нокас

Ком – истак, мурод, орзу, тилак

Парканд – парча, бўлак

Худ – албатта, ҳақиқатан; ёлғиз, фақат; ўзи

Ўйла – шундай, ўшандай

Фоний – ўткинчи, вақтинча

Дайр – бутхона; майхона; бу ўринда: дунё, жаҳон
Қайд – боғланиш, кишан, тўсиқ, тузок
Ранж – машаққат, қийинчилик, заҳмат, азоб
Дофиъ – қайтарувчи, даф қилувчи, йўқотувчи
Гулқанд – қизил гул япроғи билан шакарни аралаштириб тайёрланадиган ширинлик

Насрий баён

Сен ўз хулқингни тўғрила, бошқаларнинг ахлоқига қараб хурсанд бўлиб юрма, чунки инсонга ҳеч қачон бировнинг фарзанди чинакам фарзандлик қилмайди.

Замон аҳлидан ким биландир дўст бўлай десанг, яхши инсонларни танла, номуносиблар билан муносабатда бўлма.

Кўнгил орзу-ҳавасларидан воз кеч, агар менинг девона кўнглимга қарасанг, уни юз парча, бўлак ҳолда топасан, сен унинг ҳар бир парчасини итга олиб бориб ташла.

Халқдан панд эшитмай туриб, одамларга насиҳат қиласан, агар қўлингдан келса, элга панд бергунча халқдан насиҳат тингла!

Бу ўткинчи дунёда шохликни истасанг, гадолик нонига рози бўл – қаноатли бўл, шохларга эҳтиёжманд бўлма!

Нафсингга қул бўлиб, бошқа душманларни енгяпман, деб хурсанд бўлма, агар нафсингни енга олсанг, сенга бу дунёда бошқа душман қолмайди.

Лаби шакар ёрлар табассум билан ноз қилса, кўнглингни бериб қўйма, чунки табассуми ширин бўлган бу ёрлар бедилларни охир-оқибат аччиқ кўзёш тўкишга мажбур қилади.

Дунё лаззатларининг ширинлигини кўриб турибсан, уларга берилиб қолмаганинг учун бу лаззатлар сенинг бандингдир, аммо шуни билиб қўйки, агар уларга гирифтор бўлсанг, сўнг қутула олмайсан, чунки қанд ва қайд (тузок) шаклан бир-бирига яқиндир.

Агар кўнглингдан жаҳолат алами кетишини истасанг, Навоий назми шакаристонига гулқанд унинг учун даво бўла олади.

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали тарбиявий-маърифий мавзуда бўлиб, унда шоирнинг фалсафий қарашлари юксак санъат-корона руҳда акс этган.

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.

Ғазалнинг матласида шоир тамсил санъатини қўллайди: кишига бегонанинг фарзанди фарзандлик қилмагани каби ўзганинг ахлоқи сенинг хулқинг учун ҳеч қандай фойда бермайди. Яъни ҳар бир инсон ўз ички дунёси, қалб поклиги учун ўзи қайғуриши лозим.

Замон аҳлидин уз пайванд, агар десанг биров бирла
Қилай пайванду боре, қилмағил ноаҳл ила пайванд.

Матладаги фикр кейинги байтда ривожлантирилиб, дўстлик учун ишончли, имонли инсонларни танлаш зарурлиги уқтирилмоқда. Қилмағил ноаҳл ила пайванд жумласи билан помуносиб инсонларни, яъни ноаҳлларни қалбга пайванд қилмаслик кераклиги айтилмоқда.

Кўнгул комини қўй, гар худ менинг девона кўнглумни
Топарсен ўйла юз парканду сол ҳар итга бир парканд.

Кўнгил иши жуда оғир. Кўнгил жуда нозик ва нафис, устига-устак инжиқ, истиғноли хилқат. Унинг истаклари не эканлигини инсон тушуна олмайди. Навоий кўнгил орзу-ҳавасларига эътибор берма, улардан воз кеч, дейди. Нима учун, деб савол берилса, шундай тушунтириш берилмоқда: “Мана, менинг девона кўнглимга қара. Сен унинг юз парчага бўлиниб кетганлигини кўрасан. Унинг истакларига кўнавердим. Оқибатда бу орзулар чек билмас даражада кўпайиб кетдики, уларни адо этолмай қолдим, бундан озор топган дил эса юз парканд бўлди, азобдан толиқдим, энди бу паркандларни итларга бергим келяпти!

Биз бу байтнинг ботинида ишқнинг аламли ҳажри борлигини хис қиламиз. Чунки ҳеч қачон дунё истаклари туфайли кўнгил юз парча бўлиши мумкин эмас. Бу ишқ, нима бўлганда ҳам, покиза муҳаббат бўлганлигига шубҳа йўқ. Аслида шоир кўнгил комини кўй, деб уқтираётган бўлса-да, замижда кўнгилдаги ишқнинг муқаддаслиги, уни асраш зарурлигига кучли ундов бор. Агар асрай олмаса, бунинг катта гуноҳ эканлиги хусусидаги огоҳлантириш сол ҳар итга бир парканд жумласи орқали билдирилмоқда.

Эшитмай халқ пандин, турфаким панд элга ҳам дерсен,
Қила олсанг, эшитгил панд, сен ким, элга бермак панд.

Баъзи одамлар бўладики, одамларга насихат қилишни, ўзларини ақлли кўрсатишни хуш кўрадилар. Навоий шунга ишора қилиб, ҳуда-беҳуда насихат қилишдан қайтаради. Шоирнинг фикрича, ўзгаларга панд ўқигандан кўра бошқаларнинг сўзларини тинглаб кўриш фойдалироқ.

Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлгил
Гадолиғ нониға хурсанду бўлма шаҳға ҳожатманд.

Навоий ижодида муҳим ўрин тутган *шоҳ ва гадо* концепцияси мазкур байтда ҳам муайян маънода намоён бўлмоқда. Унга кўра, бу дунёда одамлар устидан ҳукмрон қилаётганлар шоҳ эмас, балки факрлик нониға қаноат қилганлар чинакам шоҳдирлар. Чунки факр киши, бу ўринда гадо сўзи билан ифодаланаётган дарвеш мақомидаги инсон, қалбдаги хотиржамлиги, Аллоҳга бўлган муҳаббати туфайли шоҳлардан ҳам юксакдир. Бу дунёда инсонлардан таъма қилган киши хорликка ҳукм қилинади. Лекин қадрини билган, нафсини Ҳақ йўлида тия олган одамнинг баҳоси ҳамиша баланддир.

Бўлуб нафсингга тобиъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман қила олсанг ани қил банд.

Тасаввуф ғояларига кўра инсон учун энг хавфли ғаним унинг нафсидир. Киши бошқаларни душман деб билмаслиги зарур.

Агар ўзга рақибларни енгдим деб, кибрга кетса, нафсга қул бўлган ҳисобланади. Инсон ўз нафси билан курашиб, ундан ғолиб кела олса, унинг учун бошқа душман қолмайди, аммо бу осон эмас.

Шакарлаблар табассум қилганин кўргач кўнгул берма
Ки, бедилларни аччиғ йиғлатур охир бу шаккарханд.

Бу байт орқали ўткинчи дунёда йўлдан оздирувчи майлларга берилиб қолмаслик кераклиги айтилмоқда. Чунки киши дилини бевафо, аммотабассуми, ўзал бўлганларга бериб қўйса, кейинчалик азоб чекади, шунинг учун уларнинг нозу истиғноларига кўнгул бермай, қалбни пок сақлаш лозим. Шу ўринда Навоий сўз ўйини воситасида шакарлабларга дилини бериб юборган инсон алал-оқибат бедил бўлишини таъкидламоқда.

Жаҳон лаззотини ширин кўрарсен, лек бандингдур,
Гирифтор ўлма, воқиф бўлки, қайду қанд эрур монанд.

Шоир дунё тузоғининг хавфли эканлигини айтар экан, унга илиниб қолмасликка чорлайди. Айниқса, *қанду қайд эрур монанд* бирикмасида икки маъно намоён бўлиб, бадий таъсирчанлик юқори даражада акс этган. Биринчидан, тузоққа, одатда, ўзига тортувчи нарсалар қўйилади. Демак, қанд бор жойда тузоқ бўлиши мумкин. Иккинчидан, *қанд ва қайд* сўзларининг араб алифбосида ёзилишига эътибор қаратилса, уларнинг ўзаро ўхшашлигини кўрамиз: қанд – قند қайд – قيد. Иккала сўзда ҳам шакл бир хил, фақатгина “ё” – ي ва “нун” – ن ҳарфларидаги нукталар маъно фарқлаш учун хизмат қилмоқда. Шоир китобат санъати орқали маънони янада кучайтириб тақдим этмоқда.

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофии гар истасанг бордур,
Навоий боғи назми шаккаристонида ул гулқанд.

Мақтаъда фахрия руҳи сезилади. Навоий мусулмон Шарқида анъана ҳисобланган фахрия услуби билан ўз шеърларида инсон қалбини поклайдиган, ёруғликка етаклайдиган ғоялар акс этганлигини таъкидламоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳазрат Алишер Навоий ушбу ғазали орқали инсон характери, феълу саъжияси учун зарур бўлган хислат ва фазилатларни санаб, уларни шакллантириш учун керакли тавсияларни бермоқда. Ғазалнинг баъзи байтларида, кўриб ўтганимиздек, тасаввуфий мазмун ҳам устуворлик қилади. Демак, ғазалда тариқатга кирган солиқ учун йўл кўрсатувчилик хусусияти борлиги ҳам айтиб ўтилса, хато бўлмайди.

Дилнавоз ЮСУПОВА

——
“Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд...”
——

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.

Замон аҳлидин уз пайванд, агар десанг биров бирла
Қилай пайванд боре, қилмагил ноаҳл ила пайванд.

Кўнгул комини қўй, гар худ менинг девона кўнглумни
Топарсен, айла юз парканду сол ҳар итга бир парканд.

Эшитмай халқ пандин, турфаким панд элга ҳамдерсен,
Қилаолсанг, эшитгил панд, сен ким, элгабермак панд?!

Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлгил
Гадолиғ нониға хурсанду бўлма шаҳға ҳожатманд.

Бўлуб нафсингга тобиъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.

Шакарлаблар табассум қилганин кўргач кўнгул берма
Ки бедилларни аччиғ йиғлатур охир бушак карханд.

Жаҳонлаззотини ширин кўрарсен, лек бандингдур,
Гирифтор ўлма, воқиф бўлки, қайду қанд эрур монанд.

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофии гар истасанг бордур,
Навоий боғи назми шаккаристонида ул гулқанд.

--V V--- --V V--

Мафоилу мафоийлун мафъули мафоийлон
ҳазажи мусаммани аҳраби мусаббағ

Луғат

Ноаҳл – худобеҳабар

Парқанд – парча, бўлак

Панд – ўғит, насихат

Бедил – ошиқ

Лаззот – лаззатлар

Воқиф – огоҳ

Қайд – банд, тузоқ

Монанд – ўхшаш

Жаҳл – жаҳолат, нодонлик

Дофиъ – даф этувчи

Гулқанд – атиргулнинг япроғи, гулоб ва шакар аралашмаси-
дан ҳосил бўладиган бир нав шарбат

Насрий баён

1. Сен одамларнинг гўзал хулқидан хурсанд бўлавермасдан, ўз хулқингни тузат. Бировнинг боласи сенга ҳеч қачон фарзанд бўлмайди.

2. Замон аҳлидан алоқангни уз, агар мабодо муносабат ўрнатмоқчи бўлсанг ҳам, худобеҳабар кимсалар билан алоқа қилма.

3. Кўнгил истакларидан воз кеч, агар менинг девона кўнглимни топгудек бўлсанг, юз бўлакка бўлиб, ҳар бир парчасини бир итнинг олдига сол.

4. Одамлар насиҳатини олмай, яна халққа ўғит ҳам беришинг қизиқ. Агар ўзинг амал қилолсанг, бировга насиҳат қил, йўқса, сен ким-у, насиҳат қилишинг нимаси?!

5. Бу ўткинчи дунёда агар шохлик истасанг, фақирлик нони билан қаноат қилиб, шохлар даргоҳига муҳтож бўлма.

6. Ўз нафсингга тобе бўла туриб, турли душманлар билан курашасан. Аслида нафсинг каби бирор душман йўқ, агар эпласанг, ўшани асир эт.

7. Шакарлабларнинг табассумини кўриб, кўнгил бермаки, ошиқларни бу ширин табассумлар аччиқ йиғлатади.

8. Дунё лаззатлари кўзингга ширин кўринади, аслида улар сенга тузоқдир. Бунга берилиб кетма, огоҳ бўлки, қайд (тузоқ) ва қанд деярли бир хил ёзилади.

9. Агар кўнгилдаги жаҳолатни даф этишга даво истасанг, Навоий назми шакаристониде бундай гулқанд бор.

Шарҳ ва изоҳлар

Қирк йил дунёни ўзгартиришга ҳаракат қилдим, ҳеч нарсага эришолмадим. Хулқимни тузатишни бошладим, дунё кўз ўнгимда ўзгара бошлади, деб айтган экан машҳур авлиё Ҳасан Басрий. Ҳақиқатда, дунёнинг турфа ғашликларидан қорайган кўнгил кўзгуси воқеликни қандай бўлса, шундай қабул қилиш имкониятидан маҳрум бўлгач, кемтик ва нотўғри тасаввурлар ва таассуротлар кишини ҳаёт йўлида чалғитади, турли балолар ва боши берк кўчаларга етаклайди. Кўнгил кўзгусини поклашнинг энг ишончли йўли – бу, гўзал ахлоқ билан зийнатланишдир:

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.

“Насойим ул-муҳаббат”да келтирилишича, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий бир куни ўз пирлари Шайх Низомиддин Хомуш зиёратига бораётганларида йўлда шароб ичган бир киши йўлиқиб, у кишини гапга тутди. Ундан бир амаллаб қутулиб, пирнинг ҳузурига етганларида Шайх Низомиддин сўради:

– Шароб ичасизми?

Хожа Аҳрор:

– Йўқ, – деб жавоб берадилар.

Дейдилар:

– Йўкса, бу не ҳолдир?

Хожа Аҳрор:

– Йўлда бир маст йўлиқди, мени сўзга тутди.

Дейдилар:

– Демак, унинг бу ҳолати сенда қолибди.

Бу ҳикоят фақат кароматнинг баёни эмас, балки бунда ноқобил кишиларнинг суҳбати қалб покланиши жараёнидаги салбий таъсири ҳам кўрсатилган. Инсоннинг руҳий тарбиясида у яшаб турган муҳит жуда катта таъсирга эга. Мавлоно Жалолиддин Румий ёмон суҳбатдошни заҳарли илондан ҳам баттар, деб бекорга таърифламаган. Ақлли одам заҳарли илондан қандай ҳазар қиладиган бўлса, ёмон суҳбатдошдан худди шундай ҳазар қилиши керак:

Замонаҳлидинуз пайванд, агар десанг биров бирла

Қилай пайванд боре, қилмағил ноаҳл ила пайванд.

Ҳадиси шарифда келтирилишича, қалб бамисоли дарахтга ёпишган қуш пати каби беқарор: шамол уни гоҳ уёққа, гоҳи буёққа ағдарадир. Ҳар лаҳзада турли истакларга тобе бўлиб, минг кўйга тушадиган кўнгил соҳиби бўлган киши бировнинг насиҳатига қулоқ солмай, тагин ўзи бировларга ваъзхонлик ҳам қилиши ғалати ҳол. Насиҳат қилувчи одам буюрган нарсага энг аввало ўзи амал қилиши керак. Акс ҳолда унинг гаплари ёз булутидек самарасиз ва бетаъсир бўлиб қолади:

Эшитмай халқпандин, турфаким панд элга ҳам дерсен,

Қила олсанг, эшитгил панд, сен ким, элга бермак панд?!

Кўнгилнинг энг улуғ истакларидан бири – ҳукмини ўзгаларга ўтказиш, султонлик тахтини эгаллаш. Азизиддин Насафийнинг ақидасига кўра, “оқил кишининг миясидан энг охириги чиқиб кетадиган нарса – амалпарастликдир. Бошқа барча одамлар бу ба-

лога гирифтордирлар, интиқлик дўзахида қуйиб, ҳасад оловида жизғанак бўладилар. Бу сўзларнинг далили шуки, бу дунёда ҳар бир киши ўзи ҳақида ўзи шундай фикрдадирким, бу дунёда у бетакрордир ва ҳеч ким унга тенг келолмайди. Ҳар бир киши ўзини бошқалардан кўра яхшироқ деб ҳисоблайди. Шунинг учун бу дунёда улугъ мартабаларгагина ўзини муносиб деб ҳисоблайди. Агар ўша мартабани бошқа киши банд қилиб турган бўлса, ҳасад оловида жизғанак бўлади. Бу тоифа ҳар куни махфилларда, давраларда ўзларини мақтаб юрадилар, бошқалар ҳам уни макташларини хуш кўрадилар; агар бошқа кишини унинг олдида мақтаб қўйсалар, ранжийдилар”. Ушбу руҳий хасталикка даво сифатида қаноат ва фақирлик тавсия этилади. Бировга арзи эҳтиёж этмасдан кўнгилни озода тутган киши ҳақиқий подшоҳ – Аллоҳ таоло даргоҳида қурбат ва яқинлик топади:

Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлғил
Гадолиғ нониға хурсанду бўлма шаҳға ҳоҷатманд.

Инсон мақсадга етишиш йўлида турли тўсиқ ва тузоқларга, душман ва рақибларга дуч келади. Кўп ҳолларда аслида осонгина эришиш мумкин бўлган ишларда муаммолар кўпаяди. Бунинг сабабини бошқаларданмас, ўзидан истаган киши шуни англайдики, оқил киши учун энг хавфли ва энг асосий душман – унинг нафсидир. Нафсининг қулига айланган киши умр аталмиш бебаҳо неъматни арзимас нарса ва истаклар йўлида совуради. Энг ачинарлиси, мақсадга етишдим деганида ҳам қониқиш ва ризолик ҳиссини туймасдан, аксинча қийноқ ва азоблари кўпаяди.

Ҳар бир нарсанинг бахти бирор нарсадан лаззат ва таскин олишдадир. Ҳар нарсанинг лаззати унинг табиати эҳтиёжидан келиб чиқади. Нафсининг табиати шаҳват, ғазаб ва ҳарислик экан, унинг эҳтиёжлари ҳам шунга қараб шаклланади. Чунончи, ғазабнинг лаззати ўз душманидан қасд олганида бўлади. Шаҳватнинг лаззати эса, ўз орзусидаги кишининг висолига етишишида, ҳарисликнинг лаззати – мол-дунё, амал-мансаб, шон-шуҳрат ва бошқа дунёвий неъматларга эришишда ҳосил бўлади. Ўткинчи нарсаларнинг лаззати ҳам бебаҳо эканини билган одам энг ашаддий душмани – ёмонликка ундовчи нафс устидан ғалаба қозонсагина,

бошқа рақиблар ва душманлари устидан ҳам осонлик билан зафар кучади:

Бўлуб нафсингга тобиъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.

Шу тариқа, нафс тарбияси йўлида уч муҳим офат – ғазаб, шахват ва очкўзликка қарши курашиш лозимлигини таъкидлаган Навоий бундай ўғитлар кўнгилга қувват берувчи гулқанд каби ақл эгаларига фойдали эканини таъкидлаб ғазалга якун ясайди:

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофий гар истасанг бордур,
Навоий боғи назми шаккаристонида ул гулқанд.

Олимжон ДАВЛАТОВ

Мундарижа

| | |
|---|----|
| АЛОҲИДА БАЙТЛАРНИНГ НАСРИЙ БАЁНЛАРИ | 3 |
| “Қачонки ул бути ширин калом қилди ҳадис...” | 7 |
| “Қачонки ул бути ширинкалом қилди ҳадис...” | 16 |
| “Нутқи жон бермак қилур ул лаъли хандон
бирла баҳс...” | 22 |
| “Нутқи жон бермак қилур ул лаъли хандон бирла
баҳс...” | 32 |
| “Менинг жунунума гар ул пари эрур боис...” | 38 |
| “Бузуғ кўнгулга фано бўлса ком, чексун ранж...” | 43 |
| “Эй гадойингнинг гадойи барча аҳли тахту тож...” | 48 |
| “Чарх изинг гардига қилди кавкаби сайёр харж...” | 53 |
| “Майи лаълинг эруржон бирла мамзуж...” | 57 |
| “Кўнгиллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон
кўргач...” | 62 |
| “Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач...” | 67 |
| “Жамолин васф этармен ҳамдамим ул гулғуздор ўлғач...” | 73 |
| “Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач...” | 77 |
| “Ҳусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач...” | 80 |
| “Етишса ишқ аро юз меҳнату бало, қадах ич...” | 85 |
| “Фақр аҳлиға подшо муҳтож...” | 90 |
| “Зиҳи тилинг “анаафсаҳ” тақаллумида фасиҳ...” | 94 |

| | |
|--|-----|
| “Баданға келмади то азми кўюнг айлади руҳ...” | 98 |
| “Баданға келмади то азми кўюнг айлади руҳ...” | 104 |
| “Кўнгулни муғбача олди муғона тут ақдоҳ...” | 110 |
| “Кўнгулни муғбача олди, муғона тут ақдоҳ...” | 115 |
| “Нега кўргузди совуғ оху сариғ руҳсор субҳ...” | 119 |
| “Нега кўргузди совуғ оху сариғ руҳсор субҳ...” | 126 |
| “Равзаву гул етти-ю ичмас ул ой гулгун қадаҳ...” | 132 |
| “Равзаву гул еттию ичмас ул ой гулгун қадаҳ...” | 139 |
| “Эй манга жонбахш гулбарги тарингдин тоза руҳ...” | 144 |
| “Эй манга жонбахш гулбарги тарингдин тозаруҳ...” | 149 |
| “Гадойи фақр ила сўз айта олмас подшо густоҳ...” | 154 |
| “Гадойи фақр ила сўз айта олмас подшо густоҳ...” | 160 |
| “Баҳор сенсиз ўлуптур манга ажаб дўзах...” | 166 |
| “Баҳор сенсиз ўлуптур манга ажаб дўзах...” | 171 |
| “Тонг эмастур, бўлса ҳар сарви парийруҳсор шўх...” | 176 |
| “Тонг эмастур, бўлса ҳар сарви парируҳсор шўх...” | 179 |
| “Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх...” | 183 |
| “Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх...” | 188 |
| “Солди бир ойдин айру мени ибтилоға чарх...” | 193 |
| “Солди бир ойдин айру мени ибтилоға чарх...” | 198 |
| “Хонақаҳда ҳалқайи зикр ичра ғавғо қилди шайх...” | 203 |
| “Хонақаҳда ҳалқайи зикр ичра ғавғо қилди шайх...” | 208 |
| “Сочингки ҳар тараф айирди бир муанбар шох...” | 214 |

| | |
|---|-----|
| “Одамки, башар насли силкига эрур пайванд...” | 219 |
| “Одамки, башар насли силкига эрур пайванд...” | 225 |
| “Одамки, башар насли силкига эрур пайванд...” | 233 |
| “Сен ўз хулқингни тузгил...” | 239 |
| “Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин
хурсанд...” | 244 |
| “Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин
хурсанд...” | 250 |

Алишер Навоий

ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР

Ғазалларнинг шарҳ ва изоҳлари

3-ЖИЛД

Монография

Муҳаррир С. Абдунабиева

Бадиий муҳаррир А.Набиев

Компютерда саҳифаловчи У.Рахматов

Нашр. лиц. АА №0038.


“O‘ZKITOBSAVDO” нашриёти

Босишга рухсат 19.12.2020-йилда берилди.

Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Офсет усулида босилди.

“PT Serif” гарнитураси. Шартли б.т. 10,75. Нашр ҳисоб т. 10,35.

Адади 40 дона. 16-бўйртма.



“O‘ZKITOBSAVDO” nashriёти.
100000, Тошкент, Қуйлуқ даҳаси, 5.



ISBN 978-9943-6858-8-8